Баҳор нафасидек беғубор Наврўз

2004 YIL 21 MART, YAKSHANBA

Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 37-41. (6.718-6.722). Sotuvda erkin narxda

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Ўзбекистон халқ шоири

Баҳор.
Барқут кийиб безанди боғлар,
Сахролар кўксига тақди қизғалдоқ.
Қуёш этагига оқ булут боғлаб,
Ўрик шохларида қовурди бодроқ.

Еллар олиб қочди қишнинг хобини,
Барглар чапак чалиб уйғонди шодон.
Бутоқларга қўниб, гул китобини
Варақлашга тушди булбул – ғазалхон...

Бугун коинотда эзгу бир ташвиш,
Ғунча гул бўлай деб кўзин очади.
Мусича олдидан бир дона чўпни
Чумчуқ уясига олиб қочади.

Ҳайдалган даладан бир хас ортмоқлаб –
Чумоли югурар – у ҳам тирик жон.
Шошилиб чопади табиб ирмоқлар
Ернинг томирига қуймоқ учун қон...

Она тупроқ эса куз ташвишида,
Юксак хирмонларга сийнаси юклик.
Унинг сокингина тин олишида
Бордир оналарга хос бир буюклик.

Газетамизнинг ижодий жамоаси Сиз азизларни Наврўз – умумхалқ байрами билан муборакбод этади!

Меҳр ва мурувват йилидаги бу айём Сизларга яшариш, нафосат, сахийлик, хайру барака ато этсин.

Газетамизнинг баҳор айёмига бағишланган ушбу ранги-безакли сони саҳифаларидаги мақолалар, сурату лавҳалар танти, бағри кенг ва меҳнаткаш халқимиз, ризқ-насиба яратаётган ғаллакору пахтакорларимиз, фермерларимиз, Ватанимиз равнақи йўлида шижоат кўрсатаётган саноат корхоналари, ўқув юртлари, умуман, халқ хўжалигининг барча соҳаларида меҳнат қилаётган жамоаларнинг эртанги кун истиқболи ва иқболи йўлидаги фаолиятидан лавҳалар, ҳолос.

Ушбу байрам сони камтарин ва бунёдкор халқимизга беқиёс эҳтиромимиз нишонасидир.

Наврўз айёми қутлуғ бўлсин!



БУНЁДКОРЛИК РУҲИ МУЖАССАМ

Яна бир тонг отди. Лекин бу тонгнинг таровати, шукуҳи ўзгача. Боиси, шу кун тун билан кун тенглашган сана – Наврўз. Яъниким, уйғониш, яшариш, яшнаш айёми, нафосат байрами.

Наврўз Мустақиллигимизнинг эркин шамолидан қайта жонланганидек, гўё. Зеро, ушбу эзгулик айёми истиқлол шарофати ила юртимиз бўйлаб яна кенг нишонлана бошланди. Унинг тарихи эса узоқ-узоқларга бориб тақалади. Эмишки, шоҳ Жамшид ўрмонда ов қилиб юриб, иттифоқо ғайритабиий илонга кўзи тушибди. Шоҳ ўша захотиёқ унга қарата камондан ўқ узибди. Бироқ илон чап бериб, қоя тошнинг остига кириб, кўздан ғойиб бўлибди. Ўқ эса тошга тегиб, ундан учқун пайдо бўлибди-ю, шу атрофидаги қуруқ хас-чўпга тушиб, ёна бошлабди... Одамлар шу дамгача олов нималигини билишмас экан. Шу боисдан ўтни кўргач, лол бўлиб қолишибди. Шоҳ Жамшид оловни кашф этган ана шу кунни "Янги кун" – Наврўз сифатида байрам қиладиган бўлишибди.

Келтирганимиз бир афсона, холос. Лекин шу нарса аниккки, Наврўз чин маънода эзгулик, бунёдкорлик, яратувчанлик айёмидир. Чунки Наврўз келиши билан бутун борлиқ, жамики жонзот уйғонади. Деҳқон она заминга уруғ сочади.

Неча минг йиллик тарихга эга бўлмиш маданий меросимиз "Авесто"да ҳам Наврўз билан боғлиқ кўплаб яратувчанлик удумлари тасвирланган. "Кимда-ким буғдой экса, у ҳақиқатни экқай! Қай бир хонадонда буғдой унса, у хонадондан ёвузлик узоқлашгай. Кимда-ким заминни ўғир ва чап қўли билан шудгор қилса, фаровонлик бахш этгай", каби қатор ҳикматлар жой олган. Шубҳасиз, бунинг замирида чексиз бунёдкорлик руҳи мужассам.

Ҳа, бугун деҳқон дала бошида бедор, чўпон отарга чиққан. Ниятлари эса баҳор нафасидек беғубор. Илоҳим, бу йил қутбарака йили бўлсин.

Наврўз нафақат йил боши, балки у инсон қалбида улкан орзу-ниятлар, залворли режалар жўш урадиган бир палла ҳамдир. Бугун ҳар бир инсоннинг қалбида юртни обод, элни фаровон қилиш истаги тошқин дарё янглиғ туғён уради, десак, муболаға бўлмас. Қимиз НИГОҲ Зеро ҳаётимиз турмуш даражасини янада яхшилаш юртимизда амалга оширилаётган ободончилик, бунёдкорлик ишларига ҳисса қўшиш бениҳоя шарафлидир.

Бугун юртимизни кезган кишининг кўнгли қувончга тўлиши тайин. Унинг жамолидан диллар сармаст бўлади. Шаҳару қишлоқларимиз кундан-кун чирой очиб, кўркамлашиб бораяпти-да. Бу ишларда юртдошларимизнинг ҳар бирининг ўз ҳиссаси бор. Чунки ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган ўзбекона қадриятларимиздан бири - ҳашар ҳар йили кўклам чоғи ўтказилиши анъана тусини олган. Шу боис маҳаллалар, кўчаю хиёбонлар ободончиликдан яшнайди. Ҳар хил мевали ва манзарали кўчат туплари ўтказилади.

Инсонлар қалбидаги сахийлик каби эзгу туйғулар баҳор тафтидан яна жонланади. Ёру биродарлар йўқланади. Кексалар, қариндош-уруғлар ҳолидан хабар олинади. Ногиронлар, кўнгли ўксик кишиларга ҳар ким баҳоли-қудрат ёрдам қўлини чўзади, ҳеч ким меҳр-мурувватини бир-биридан дариғ тутмайди. Илло, бугундан бошланган хайрли ишлар бутун йил бўйи давом этажак.

Ҳеч кузатганмисиз, Наврўз кунлари гулларнинг очилишини. Ғунча секинлик билан гул шаклини олар экан, ўзининг хушбўй ҳидини тақдим этади. Гўё ўша дамлар кўнглингизда илиқ туйғулар барг очади. Баҳорий кайфият хиром айлайди. Яна уйингиз шифтига ин қурган қалдирғочни бир кузатинг. Уйингизга кирар экан, аввало ининни кўздан кечиради. Бузилган жойларни қайта тиклайди. Сўнгра хонадонингиз узра чарх уриб, гўёки сизга эзгулик тилагандек валфажр айтади. Уйингизга қалдирғоч таширф буюрдими, хонадонингиздан файзу барака кўтарилмаган. Чунки қалдирғоч ноаҳил ва файзсиз хонадонга ҳеч қачон ин қурмайди. Ниятимиз, ҳар бир ўзбек хонадонига қалдирғочлар ин қурсин. Юртимиздан қут-барака кўтарилмасин. Шу тобда осмонга бир разм солинг. Қалдирғочларнинг чуғур-чуғурига тўлиб кетган. Ҳа, дунё нақадар гўзал...

Мулки борлиқни зумрад либосга буркаётган, ер бағрини илиқ тафти ила ситаётган кўклам ва унинг элчиси Наврўз хонадонингизга янги-янги қувончларни олиб кирган рост бўлсин.

Ҳой, деҳқон бобо,
даланга берсин барака,
Ҳой, чўпон бобо,
кўрангга берсин барака,
Ҳой, боғбон бобо,
боғингга берсин барака,
Бойчечак чиқибди,
бугун Наврўз экан!

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

ХОРИЖДАН ОЛАРДИК, ЭНДИ СОТЯПМИЗ!

Бозор иқтисодиёти талабларини тобора ўзлаштириб бораётганлигимизни ҳаётнинг ўзи яққол кўрсатиб турибди. Ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотининг сифатини харидор дидига мос равишда тайёрлашга интилаётганлиги бунга далил. "Андижондонмаҳсулот" акциядорлик уюшмасининг бош корхонаси жамоаси ана шу талабдан келиб чиқиб замонавий технологияни жорий этиб, харидорларни кўпайтиришга эришди.

Бундан роппа-роса қирқ йил аввал ишга туширилган мазкур бош корхона маҳсулотлари бора-бора харидорлар эътиборидан туша бошлаганди. Сифат ўрнини миқдор эгаллади. Харидор эса бошқа корхоналарнинг маҳсулотларига қарай бошлади. Қирқ йил аввал ўрнатилган жиҳозлар билан бугунги кун харидорини ўзига ром этиш қийин эканлиги ойдек аён эди.

Республикамизда ғалла мустақиллиги сари қадам ташланар экан, бу борадаги мақсадимиз 2003 йилда тўла-тўкис рўёбга чиқди. Бу билан мамлакатимиз ғалла импорт қилишдан халос бўлди. Дон ва ун маҳсулотлари экспорт қилиш салоҳиятини қўлга киритди. Ана шу жиҳатларни эътиборга олган ҳукуматимиз тармоқда ишлаб чиқариш технологиясини модернизация қилиш масаласини кун тартибига қўйди. "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси раҳбарияти вилоят ҳокимлари билан ҳамкорликда сифатли ун ишлаб чиқариш борасида амалга оширилиши лозим бўлган режаларни ишлаб чиқди. Андижонда тизимга қарашли учта йирик ун ишлаб чиқарувчи корхона мавжуд. Ана шулардан энг эскиси бош корхона бўлиб, сўнгги вақтларда бу ерда тайёрланаётган ун ҳатто соҳа ходимларини ҳам қониқтирмай қолганди.

Корхонани тубдан қайта жиҳозлаш, бунинг учун зарур маблағ топиш ва энг муҳими, уни қисқа вақт мобайнида амалга ошириш жуда катта ташкилотчиликни тақозо этарди. Бир томондан корхона учун зарур технологик жиҳозларни харид қилиш, иккинчи томондан асосий ҳамда ёрдамчи биноларни таъмирлаш масалалари бир-бирига боғлиқ ҳолда ечила бошланди. 2003 йилнинг 7 июл куни бош корхона фаолияти вақтинча тўхтатилди. Таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари кечаю кундуз олиб борилди. Йилнинг охирги кунларида қайта таъмирдан чиққан корхона яна маҳсулот бера бошлади.

Айтишга осон. Салкам олти ойда 2 миллиард 600 миллион сўм пулни ўзлаштириш, унинг самарасидан халқни бахраманд этиш масъулияти бениҳоя катта эди. Бир вақтлар корхонада бажарилиши лозим бўлган технологик жараёнларни созлаш ёхуд ўрнатиш учун бошқа юртлардан мутахассислар жалб этиларди. Маҳаллий ишчилар, мутахассислар имкониятлари инобатга олинмасди. Бош корхонадаги кенг миқёсдаги модернизация ишларининг аксарияти корхона ходимлари томонидан бажарилди. Энг мураккаб технологияларни созлаш ва ўрнатишда "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компаниясига қарашли "Олтин хирмон" корхонаси мутахассислари иштирок этишди.

Бош корхона қайта жиҳозланганидан сўнг фаолиятини бошлаганига ҳам уч ой бўлди. Шу ўринда бир қиёслашга эътиборингизни қаратсак: бош корхонада тайёрланаётган ун сифати пасайган пайтда харидорлар кўпроқ "Асакадон", "Қўрғонтепадон" маҳсулотларини харид қилишга интилишаётганди. Энди эса манзара тамомила бошқача. Мижозлар кўпроқ бош корхона томон келишяпти.

Хўш, бунга қандай эришилди? Алмисоқдан қолган технология ўрнига Швейцариянинг "Бюллер" фирмаси лицензияси билан Россияда ишлаб чиқарилаётган технологик жиҳозлар ўрнатилди. Қайта жиҳозлаш ишлари ниҳоясига етгандан сўнг янги технология асосида ун тайёрлана бошланди. Энди бир тонна буғдойдан 750 килограмм ун олинмоқда. Унинг 20 фоизи олий, 50 фоизи биринчи, беш фоизи эса иккинчи навга мансуб. Аввалги технологияда иккинчи нав ун миқдори кўп эди. Ундаги кепак ҳам шунга яраша албатта. Эндиликда иккинчи нав ун масаласида тортишувга ўрин йўқ. Бу қайта жиҳозлашнинг биринчи ютуғи. Иккинчиси олий нав салмоғининг ортганлиги. Бу ҳам мижоз дидига монанд.

Технологик жараёнлардаги тежамкорлик ҳам яна бир катта ютуқ. Масалан, бир тонна донни қайта ишлаш жараёнида электр энергияси 20-22 фоиз, сув эса 15 фоизгача иқтисод қилиняпти. Энди сиз юқорида келтирилган далилларни корхонада бир кеча-кундузда 250 тонна ғалланинг қайта ишланишига қиёслайдиган бўлсангиз, бу янгиланиш тараққиётдаги залворли одим эканлиги маълум бўлади.

Андижонда ун саноатига 1902 йилда асос солинган эди. Ўшанда корхонанинг кунлик қуввати 10 тонна ғаллани қайта ишлаш бўлган. Бош корхона ўтган асрнинг 60-йиллари бошида қурилган. Ана шундан буён ўтган қирқ йил ичида соҳада бирмунча ўзгаришлар юз берганлигини ҳам ёддан чиқармаслигимиз лозим. Бу маскан маҳаллий кадрлар тайёрлаш мактаби вазифасини ҳам бажарди. Кўплаб ёшлар ишлаш билан бир вақтда институт ва техникумларда таҳсил олишди. Ишчилар сулолалари юзага келди. 60-йилларда соҳага эндигина кириб келган Шоилёс Шоюнусов, Қўчқорвой Юсуповлар кўплаб шогирдлар етиштириб чиқаришган. Бугунги кунда уларнинг муносиб ворислари барча ишларни замонавий компьютер тизимида пишиқ-пухта адо этишяпти.

Юқорида мамлакатимиз ғаллачилиги экспорт йўналишига етиб келди, деб таъкидлаган эдик. Жорий йилда "Андижондонмаҳсулот" акционерлик уюшмасининг бош корхонаси хорижга 6 минг тонна ун экспорт қилади.

Андижон ғалла мустақиллигининг байроқдори. Мана энди ун саноати ҳам шунга муносиб равишда хорижга ўз маҳсулотини юборишга эришяпти. Уюшма бош раҳбари, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Баҳромжон Жалолов билан суҳбатда бўлганимизда шу нарса таъкидландики, яқин вақт ичида "Асакадон" ва "Қўрғонтепадон" корхоналарида ҳам замонавий технологиялар жорий этилади. Бу борада компания раҳбарияти ҳамда вилоят ҳокимлиги томонидан ишлаб чиқилган дастурлар мавжуд ва улар ҳозирги кунда ҳисоб-китоб қилинаётир. Ана шу мақсадлар рўёбга чиққач "Андижондонмаҳсулот" уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг иқтисодий ривожланиши янада тезлашади. Нафақат иқтисодий юксалиш рўй беради, биринчи навбатда харидорлар манфаати устуворлик касб этади.

Мазкур корхона ҳақида сўз юритар эканмиз, жамоа кўпгина хайрли ишларнинг бошида туришни одат қилганлигини ҳам таъкидламоқчимиз. Андижон шаҳри қиёфаси кундан-кунга ўзгариб бораётган экан, шубҳасиз бу эзгу ишларда жамоанинг ҳам улуши борлиги фахр-ифтихор бағишлайди. Ишчиларга яратилаётган шароит, ижтимоий муҳофаза масалалари ҳам бугунги талаблар даражасида. Бу қадар тараққиётга эришилганлигининг боиси битта. У истиқлол берган имкониятдир. Андижон ғаллачилиги ривожи ва соҳадаги юксалиш бир-бирига уйғун бўлиб, пировард натижада уларнинг барчаси Президентимиз орзу қилган мақсадларнинг ҳаётдаги аниқ ифодаси.

Қобилжон АСҚАРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.
Х.АРАББОЕВ олган сурат.

ЯНГИЛАНИШ, ЯШАРИШ АЙЁМИ НАВРЎЗИ ОЛАМ МУБОРАК!

"Ўзпахтасаноат" уюшмаси, унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий бирлашмалари, қайта ишлаш корхоналари жамоалари Ўзбекистон халқини кўклам қувончи, тириклик нашидаси, баҳор тароватини олиб келган шукуҳли байрам Наврўз айёми билан муборакбод этади. Қалби кўклам сабосидек жўшқин устозлар, соҳамизнинг янада равнақ топиши учун янгиликлар яратаётган фидойи олимлар, республикамиздаги пахтани қайта ишлаш корхоналари жамоалари ҳамда қўшма корхоналар ишчи-хизматчилари - Наврўз хонадонингизга янги кун қувончини, келажак сурурини олиб кирсин! Жилғалар билан баҳслашиб чопаётган орзу-умидларингиз, майсалар қатори кўкка бўй чўзаётган эзгу ниятларингиз ижобатини тилаймиз.



Қизғалдоқ баргидек учар дилдан ғам,
Тошқинлар киради қалбимга маним.
Баҳоринг муборак бўлсин ушбу дам,
Менинг Ўзбекистон - дилбар Ватаним!





ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН:

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби мураккаб экологик вазиятдаги Қорақалпоғистон Республикасида ҳам кейинги даврда туб ўзгаришлар содир бўлди. Халқ хўжалиги ривожланди, бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Тўғри, уч йил илгари юз берган қурғоқчилик Оролбўйи аҳолисини ўзига хос "синов"дан ўтказди.

Мард ва танти, келажакка ишончи зўр қорақалпоғистонликлар табиатнинг бу имтиҳонида ҳам керакли тадбирни кўра билишди. Айниқса, ўтган йили барча соҳаларда муҳим ўзгаришлар юз бериб, келажакка ишонч мустаҳкамланди. Ўтган йили 2002 йилга нисбатан ички ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ўн уч фоизга, истеъмол моллари ишлаб чиқариш эса салкам беш фоизга, чакана савдо айланиши саккиз ва хизмат кўрсатиш ўн бир фоизга ортди. Энг муҳими, қишлоқ хўжалигида 30 фоиз, қурилишда 18 фоиз кўп инвестициялар ўзлаштирилди, 75 та корхона хусусийлаштирилди. Ғалла ва фермер хўжаликлари тузилди. Янги иш бошлаган фермерлар бу соҳада катта тажриба тўплаган Беруний туманидаги Р.Йўлдошев, Чимбой туманидаги П.Наврўзбоев, Амударё туманидаги Е.Бобониёзов, Тахтакўпир туманидаги Т.Полмонов, Элликқалъа туманидаги Р.Абдуллаев, Қонликўл туманидаги Т.Жумамуродова каби юзлаб пешқадамлардан намуна олиб, баҳорги экиш олди юмушларини сифатли тугалладилар. Бу йил биринчи марта калий ўғити ўрнини босадиган глауканитдан оммавий равишда фойдаланишга киришилди. Чунки табиий ер ости бойликлари мўл бўлган Қорақалпоғистоннинг Тахтакўпир, Элликқалъа, айниқса, Нукус туманининг Қиронтоғида глауканитнинг бой заҳираси бор эканлиги аниқланди. Айни кунларда маъданли ўғит хўжаликларга пешма-пеш етказилмоқда. Бунинг учун махсус карьерлар ташкил этилиб, зарур техникалар кучидан фойдаланилмоқда.

Амалдаги йил Қорақалпоғистонда жами 272 минг гектар ерда деҳқончилик қилиш режалаштирилган. Шундан 80 минг гектарига чигит, 45 минг гектарига шоли ва бошқа хил экинлар экилади. Ана шу майдонлардан 176 минг тонна пахта, 140 минг тонна буғдой, 148,5 минг тонна шоли ҳамда ўтган йилдагидан анча кўп полиз-сабзавот маҳсулотлари, боғ-роғлардан юқори ҳосил олиш мақсадида йил бошиданоқ пухта ҳозирлик кўрилди. Сувнинг мўл бўлгани, қувонарлиси ҳукуматимизнинг ўтган йил 21 июлдаги 320-сонли қарорига биноан ирригация тармоқларини бошқариш маъмурий-ҳудудий тамойилидан сув ҳавзаси тизимига ўтилганлиги натижасида ерларнинг шўрини ювишга ғоят масъулият билан ёндошилди. Бу ишни амалга оширишда ҳар бир ҳудуднинг шароити ҳисобга олинди, албатта. Шуни ҳам алоҳида айтиб ўтиш керакки, фермер хўжаликлари бу борада ҳам намуна бўлишди.

Оролбўйида бугун яшариш, янгиланиш фасли – баҳор ўз сепини ёйди. Ўриклар оппоқ бўлиб гуллай бошлади. Беда, кунгабоқар, эртаги картошка, сабзавот экишга киришилди. Жорий йилда 10 минг гектар ерга плёнка остига чигит экишни ният қилган Қорақалпоғистоннинг жанубий ҳудудларидаги хўжаликлар техникани далага олиб чиқишди.

Иш қизғин, режалар бисёр. Насиб қилса, бу йил қорақалпоқ диёри учун ҳар қачонгидан ҳам баракотли келади.

МУЛКДОР – ЮКСАЛИШГА ДАХЛДОР

Тўрткўл тумани ҳокими ўринбосари Муҳаммадшариф Отажонов қуйидагича гурунг беради:

-Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида хусусийлаштиришни шакллантиришнинг аҳамияти беқиёс. Туманимизда ҳам мана шундан келиб чиқиб бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Бу кутилганидек яхши самара бераётир. Жумладан, 14 та очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари масъулияти чекланган жамиятларга айлантирилди.

Айниқса, мулкдорларга имкониятлар, шароитлар яратиб бериш ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш уларнинг сафининг кенгайишига кенг йўл очиб берди. Бу борада мулкдорларга турли хилдаги тижорат банклари мададкор бўлаётгани ибратлидир. Туманимиздаги мавжуд тижорат банкларининг бўлимлари томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларига жами 668,5 миллион сўмлик кредитлар ажратилди. Бу янги иш ўринларини яратиш ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш миқдорини ошириш имконини бермоқда. Масалан, "Тўрткўлдон" ҳиссадорлик жамияти олган кредити ҳисобига макарон, "Тўрткўлнон" масъулияти чекланган жамияти аҳоли севиб истеъмол қиладиган "Ширин" печеньесини ишлаб чиқаришни, тадбиркор Иброҳим Раззоқов эса пластмасса чиқиндиларидан турли хил диаметрдаги полиэтилен қувурлари тайёрлашни йўлга қўйди.

Юртимизга хориж инвестицияларини киритиш, қўшма корхоналар тузиб, ҳамкорликда маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда ҳам сезиларли натижаларга эришилди. Масалан, "Тўрткўл" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти негизида пахтани қайта ишлаб, ундан ип, хом сурп ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Тўрткўлтекс" Ўзбекистон-Туркия-Америка қўшма корхонаси ташкил қилинди. Мазкур корхона лойиҳа қувватида ишлай бошлагач, йилига 2,5 минг тонна ип-калава ишлаб чиқара олади. 2700 киши эса кафо-

латли иш ўринлари билан таъминланади.

Шунингдек, 1-МТП давлат акционерлик жамиятида қунғабоқар ёғи ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон-Украина "Тўрткўлёғ" қўшма корхонаси 2002 йилнинг 19 августида Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилди. Унинг Низом жамғармаси 150 минг АҚШ долларини ташкил қилади. Мазкур МТП базасида уч йил аввал транспорт воситаларининг ёнилғи насосларини таъмирловчи Ўзбекистон-Россия "Улуғбек-Прецизион" қўшма корхонаси ишга туширилганди. Корхона ҳозир тўла қувват билан ишламоқда.

-Қишлоқларда мулк шаклининг ўзгариши қандай кечмоқда?

-Ҳар йили белгиланган режа асосида ширкат хўжаликлари тугатилиб, улар ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этилмоқда. Яъни мулк шакли ўзгармоқда. Йил бошида Мискин ва Ортиқ Одакоев номли ширкат хўжаликлари ўрнида фермер хўжаликлари тузилди. Махсус комиссия тугатилган ширкат хўжаликларига тегишли ерларни танлов асосида янги фермерларга бўлиб берди ва натижада фермерлар сони салкам юзтага кўпайди. Уларнинг сафи тобора кенгайиши учун бундан кейин ҳам барча имкониятлар ишга солинади. Чунки мулкдор – мамлакат ривожига, юксалишига дахлдордир!

"ҚОШҚЎРА"ДАН ҚЎШ ХАБАР

"Қошқўра"да Элликқалъа туманидаги юзлаб овуллардаги сингари миришкор, шу баробарида содда, оққўнгил ва бир-бировга ғамхўр инсонлар яшайди. Наврўз айёми арафасида шу овулдан икки хушхабар олдик. Қуйида шулар ҳақида.

101 ЁШЛИ МУАЛЛИМ

Элликқалъа туманидаги 64 та бобонинг таваллуд кечасини кўнгилдагидек ўтказиш мақсадида елиб-югуришаяпти.

Бир юз бир ёшни қаршилаётган Отажон бобога бирров разм соламиз: ҳали тетик, ажин излари ўз ҳукмини ўтказа олмаган, ҳамиша табассумга мойил чеҳрасидан, кўзларидан нур ёғилади. Бунинг сири нимада экан-а?

Бобонинг жияни, хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳожибой Исмоилов фикримизни англагандек изоҳ берган бўлади.

"Тоғамизни Отажон "пўлат", дейишади. У кишининг хонасида қишинёзин ўт ёнмаган. Тамакию спиртли ичимликни умр бўйи оғизга олмаганлар. Эл-юртда Отажон пўлатнинг ёмонлик кўчасига қадам қўйганини биз ҳам, бошқалар ҳам эшитмаган. Ишонасизми, бобо муаллим ҳозир ҳам Қурбонов номли мактабда ҳафтасига бир соат дарс беради. Хоҳловчиларга араб алифбосини эринмай ўргатади. У кишининг умр дафтарини варақласангиз, педагоглик фаолиятини 1924 йили бошлаганига гувоҳ бўласиз. Демак, тоғамизнинг шу касбда иш бошлаганига роппароса 80 йил бўлибди".

-Оллоҳга беадад шукрлар бўлсин, истиқлолни, мустақилликни ўз кўзимиз билан кўрдик, - дейди Отажон бобо тантанали кечада. – Байроғимиз баланд кўтарилди. Қадриятларимиз тикланди. Маънавиятимиз юксалмоқда. Бундай неъматларнинг қадрига етмоқ керак!

Суратда: юз бирни қаршилаган бобо (ўртада) невара, эвара, чеваралар даврасида.

ҚУВОНЧ ВА ТАШВИШЛАР

"Қошқўра"лик Мўмин Жуманиёзовнинг асл касби зоотехник. У туманда биринчилардан бўлиб "Илҳом" фермер хўжалигини ташкил қилиб, наслдор моллар бош сонини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратди. Қилинган меҳнатлар зое кетгани йўқ, албатта. Болтиқбўйининг наслдор "қора-ола" зотли қорамоллари келтирилди. Шулардан 165 боши соғин сигирлар. Фермер хўжалигида суньий қочириш ҳам яхши йўлга қўйилган. Ҳар йили 60 бош наслдор моллар юқори нархларда сотилмоқда. Олинаётган даромад ҳам шунга яраша.

-Кўрсаткичларимиз бундан-да юқори бўлиши мумкин эди, - дейди "Илҳом" фермер хўжалиги бошлиғи Мўминбой Жуманиёзов. – Бироқ, озуқа масаласи бизни қийнаб қўяпти. Бу масала ўз вақтида ҳал қилиниши керак. Ёғ ишлаб чиқариш корхоналаридан келтирилаётган кунжара, шелуханинг сифати ниҳоятда паст. Озуқабоп экинлар экиб, ем-хашак базасини мустаҳкамлаб қўйиш учун эса етарли ер заҳирасига эга эмасмиз. Чунки бизга ажратилган 50 гектар ер майдонининг кўп қисми фойдаланишга яроқсиз, ўта шўрланган. Бизда ҳар бир соғин сигирдан кунига энг кам 10 килодан сут соғиб олиш имкони бор. Бунинг учун эса сигирга ҳар куни 18 килограммдан озуқа бирлиги бериш талаб қилинади. Мабодо бошқа хўжаликлардан 100 тонна тўйимли ўт-чўп оладиган бўлсак, у ўрта ҳисобда 2 миллион 600 минг сўмга тушади. Агарда шу озуқа ўзимизда етиштирилса, бунга бор-йўғи 700 минг сўм сарфлашга энг кам 10 килодан сут соғиб олиш имкони бор. Бунинг учун эса сигирга ҳар куни 18 килограммдан озуқа бирлиги бериш талаб қилинади. Мабодо бошқа хўжаликлардан 100 тонна тўйимли ўт-чўп оладиган бўлсак, у ўрта ҳисобда 2 миллион 600 минг сўмга тушади. Агарда шу озуқа ўзимизда етиштирилса, бунга бор-йўғи 700 минг сўм сарфлашга

чевара ва 35 аваралардан иборат! Меҳмонларни муаллим бобонинг ўғли Боғибек очиқ чеҳра билан кутиб олаяпти. 75 баҳорни қаршилаётган собиқ ўқувчилари Қодир Тожибоев, Аминбой Исмоиловлар эса бобонинг шогирдларини бир жойга жамлаб, наманингдир тадоригини кўришмоқда. "Сарибий" овулининг казо-казолари ҳам енг шимариб, ромасак кифоя. Яқинда "Сарибий" ширкат хўжалиги фермер хўжалиги айлантирилди. Аммо бизнинг "Илҳом" фермер хўжалигимизга моллар бош сонига нисбатан ажратилиши лозим бўлган экин майдони берилмади.

Шунга қарамай жамоамиз аъзолари мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, эришилган ютуқларни янада кўпайтириш мақсадида баракали меҳнат қилмоқдалар.

АМУДАРЁНИНГ АНОЙИ ОДАМИ

Манғитда деҳқон оиласида туғилган Қодирбой Жумамуродов отаси ва амакисининг билим сирларини чуқур ўрганишга даъват қилгани сабаб бўлдими, ишқилиб дастлаб Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини, сўнг Тошкент ҳуқуқшунослик техникумини, 1999 йили эса Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент Ислом институтини имтиёзли битказди. Муаллимлик қилди. Мактабда директор бўлди. 12 йилдирки, Манғит қишлоқ касб-ҳунар коллежини муваффақиятли бошқармоқда. Ўқув маскани ҳақли равишда Қорақалпоғистондаги энг пешқадамлардан ҳисобланади. Умумий педагогик меҳнат фаолиятига салкам 40 йил бўлибди.

-Ростини айтсам, мазкур коллежга юрак ҳовучлаб, хавотир билан директорликка келган эдим, - дейди у. – Сабаби, ўша пайтдаги билим юрти шикоятчиликнинг макони экан. Менгача ишлаган 6 нафар директорлар энг узоғи билан ярим йилга чидабди. Ҳудога шукр, қанча оғир бўлса ҳам икки йилда бамаслаҳат иш юритиб, аҳил жамоа ташкил қилдик. Айни пайтда 12 йўналиш бўйича 814 нафар талаба касб-ҳунар ўрганмоқда. Уларга 182 нафар педагоглар, тарбиячилар, усталар, техник ходимлар таълим-тарбия ўргатмоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Ҳудоёр Матёқубов, халқ таълими аълочиси Мақсуд Йўлдошев, Гулмирза Ҳайитбоев, Матназар Бекчанов, Тўлибой Худоёровлар ўз ишларига сидқидилдан ёндаши-ю, бор билим ва тажрибаларини, маҳоратларини сарф-

лаб ўқувчилар меҳрини қозонмоқда.

Ҳамсуҳбатимиздан талабаларнинг амалиётни ўрганиш ва адабиётлар билан таъминланиши борасидаги юмушлар ҳақида сўрадик.

-Коллежимиздаги 48 та ҳар хил русумдаги техникалар, устахоналар йигит-қизлар ихтиёрида, - дейди Қодирбой Жумамуродов. - Бу техникалар ва механизмларнинг авайлаб-асралишига, талабаларнинг ўқув-ишлаб чиқариш таълими ва амалиёти қатъий режа асосида олиб борилишига эришдик. Фан кабинетлари, лабораториялар учун асбоб-ускуналар, компьютерлар мавжуд. Иккита тажриба хўжалигимизда 32 гектар экиш учун ер ажратилган. Бундан ташқари мини ферма ҳам қурилмоқда. Замонавий спорт заллари, майдончалар доимо ўғил-қизларимиз билан гавжум ётиб қолди. 1961 йили 8 синфни тамомлаб ишладим, ҳатто самоварчилик қилдим. Кечки ёшлар мактабида ўқиб аттестат олдим. Муаллимлик билан бирга болаларни оёққа турғазиш учун рассомлик ҳам қилганман. Ҳалоллик билан меҳнат қилиб, кўшимча маблағ топишим баъзи кишиларга ёқмади. 1982 йили "Манғит" мактаби директори (исмини айтмай қўяқолай, аллақачон раҳматлик бўлган) тўғрисида марказий газеталардан бирида кескин танқидий мақола босилади. Далиллар тўла тасдиқланиб, ўша директор ишдан бўшатилади. Ишдан бўшаган собиқ директор мазкур мақола ёзилишини каминадан кўриб, 10 йил мобайнида устимдан 62 бора шикоят ёзди. Бирор далил ҳам тасдиғини топмади. Биласизми, юрагига ёмонлик, адоват уя қуриб олган ўша "ёшулли"ни баъзи ярамас одатлари учун болалари ҳам, кампири ҳам чиқиштирмасди. Тақдир экан, кўчада деворга суянганича жон таслим қилганини анчагача сезишмабди. (Офтобрўяда дам олиб ўтирибди, деб ўйлашганлар). Кўпчилик бўлишиб охирги йўлга кузатдик.

"Жавлон" деб номланган фермер хўжалигимизда татбиқ қилиш ниятимиз ҳам йўқ эмас. Фермер хўжалигимизда жами 23,8 гектар ерга деҳқончилик қилинади. Анча мураккаб келган ўтган йилда ҳам самарали меҳнат қилиш натижасида 10190 минг сўм даромад қилдик. "Меҳр ва мурувват йили"даги ниятларимизнинг қамрови кенг. Фермер хўжалигимизда ўғилларим Давron ва Жавлон, қариндош-уруғлардан 5 оила аъзолари ерларнинг шўрини ювишни сифатли тугаллаб, баҳорги экишга тахт қилишди. Насиб қилса, бир-икки кунда экин-тикин ишлари ҳам бошланади.

Кўп йиллик ҳалол, фидокорона меҳнатлари муносиб тақдирланиб, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикалари халқ таълими аълочиси, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи унвонлари соҳиби, овулдошлари "Амударёнинг анойи одами", дея эъзозлайдиган Қодирбой ҳожи Жумамуродов билан суҳбатимиз пировардида янги йил – Наврўз байрами арафасидаги сермазмун гурунги учун ташаккур билдириб, юртдошларимизга 2004 йил "Меҳр ва мурувват йилида"ги тилаклари билан ҳам қизиқдик.

-Келажаги буюк Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши йўлида меҳнат қилаётган мамлакатимизнинг барча халқларини севимли газетамиз "Қишлоқ ҳаёти" орқали Наврўзи

ЭВРИЛИШ ЭПКИНЛАРИ

бўлади. Улар спортнинг 8 тури бўйича секцияларга фаол қатнашмоқда. Кутубхонанинг меъёрида ишлашига алоҳида эътибор берилади. Сапаргул Сапарбоева мудиралик қилаётган зиё масканида жами 1578 номдаги 15609 та ҳар хил адабиётлар ўз китобхонларига мунтазир. Ўқув юртида кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва "Таълим тўғрисида"ги қонунни изчил амалга ошириш билан бир қаторда тумандаги "Қипчоқ", "Қиличбой", "Дўрман" қишлоқ касб-ҳунар коллежлари муҳандис-педагогларининг малакаси оширилади. Уларга ҳар ҳафтада уч марта тажрибали ўқитувчиларимиз дарс берадилар...

-Сиз муборак ҳаж сафарини адо этгансиз. Меҳр ва мурувват, адолат ва макр, уларнинг инсонга таъсири тўғрисида тўхталсангиз.

-Муборак Макка ва Мадинага бориб ҳаж амалларини бажариш бизга анча қийин кечган. 1990 йили барча ҳужжатлар тахт бўлди. Самолётга чипта ҳам олинди. Ногаҳон юқоридан кўрсатма келиб менга ҳаж сафарига рухсат беришмади. Кейин маълум бўлишича, қизим Наргизанинг куёви (улар ҳозир ҳам Тошкентда яшайди) Файзулла ўша пайтда ҳуқуқ-тартибот органларидан бирида хизмат қиларди. Унинг фамилияси ҳам Жумамуродов. Шу боис бизга ҳаж сафари ман қилинди. Хайрият мустақилликнинг тўртинчи йилида орзуимиз ушалди. Саволингизнинг иккинчи қисмига келсак, меҳр-мурувват, диёнат азал-азалдан халқимизнинг қонқонига сингиб кетган яхши одат. Агар инсоннинг қалбини меҳр ва мурувват эгалласа, унга макр, адоват, бахиллик асло йўламайди. Буни салкам 60 йиллик ҳаётий тажрибамдан келиб чиқиб таъкидлаяпман. Онам – Бика момо 12 йил ўрнидан туролмасдан бетоб бўлиб

Президентимиз И.Каримовнинг 2004 йилни "Меҳр ва мурувват йили" деб эълон қилишида ҳам юксак мазмун, катта ҳикмат бор. Чунки ҳақиқий инсонийлик – яхшилигу меҳр-мурувват ҳамиша улуғланган.

-Ўтган йили октябр ойида малака ошириш, тажриба ўрганиш мақсадида Япония сафарида бўлган экансиз. Кунчиқар мамлакатидан олган таассуротларингиз билан ҳам ўртоқлашсангиз.

-Маълумки, Япония билан таълим тизимини ривожлантириш юзасидан жуда самарали ишлар олиб борилаяпти. Кунчиқар мамлакати томонидан Ўзбекистондаги таълим тизимини такомиллаштириш мақсадида 43 йиллик муддатга шартнома тузилган. Катта миқдордаги маблағ ажратилган. Шу боис Японияга бориб, илғор тажрибаларни ўрганиб, яқиндан танишиш, шубҳасиз ҳар бир таълим соҳаси ходимининг орзуси.

Биз Ўзбекистондаги 23 қишлоқ касб-ҳунар коллежлари директорлари (Қорақалпоғистондан 4 нафар директорлар) Японияниинг Миядзаки шаҳрида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи ва тайёрловчи хусусий корхоналарда, фермер хўжаликларида, олий қишлоқ хўжалик мактабларида 2-31 октябр оралиғида бўлдик. Бир олам таассуротлар олиб, сафарни ташкил қилишда ташаббус кўрсатган ЮНИКО ташкилоти мутасаддиларидан ғоят мамнун бўлдик. Японияниинг таълим тизимидаги таҳсинга лойиқ жиҳатларини, бизнинг миллий анъаналаримизга мос келса, албатта, коллеж ҳаётида қўллашни режалаштирганмиз.

Шунингдек, уларнинг фермер хўжаликларидаги тежамкорлик, меҳнатни ташкил қилиш, илғор технологияларни жорий қилиш каби усулларини ўзимизнинг олам билан самимий табриклайман, бахт-саодат, мустаҳкам тинчлик-омонлик тилайман, юртимиз осмони доимо мусаффо бўлишига Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!

Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

ЧИМБОЙДАГИ УМИДБАХШ ЎЗГАРИШЛАР

Мамлакатимизнинг шимоли – Қорақалпоғистон Республикасида кўп йиллар давомида юз берган қурғоқчилик қишлоқ хўжалиги тизимига жиддий зарар етказганди. Нафақат аграр тармоқ, аҳолининг яшаш тарзида ҳам муайян қийинчиликлар кўзга ташланди. Кишларнинг асосий тирикчилиги ер билан, деҳқончилик билан боғлиқ туманларда ҳосилдорлик кескин пасайиб кетганди. Халкимизнинг Яратганга ноласи етиб, кейинги йилларда ёғин-сочин мўл бўлди. Саҳролар бағрида ҳаёт жонланди. Адирликларда ўт-ўлан ўсди. Кўпгина туманларда экин-тикин ривожи яна ўз ҳолига қайтди.

Чимбой туманида ҳам кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда қатор ютуқларга эришилди. Бир қанча фермер хўжаликлари ташкил топди.

"Кенес", "Қизил озек", "Бахтли" ширкатлари ҳамда У.Юсупов номли фермерлар уюшмаси 2003 йил деҳқончиликдан яхши кўрсаткичларга эришгани ҳам фикримизнинг далилидир. Айниқса, тумандаги "Куйик қалъа" фермер хўжалиги эришган натижалар қувончли бўлди. Фермер хўжалиги раҳбари Улбўсин Ёмбергенованинг таъкидлашича, мавжуд 74,6 гектар ердан юқори ҳосил олинди. Ҳозирги кунда мазкур хўжаликда 18 гектар майдонда кузги буғдой парвариш қилинмоқда. Айни дамда Чимбойдаги барча ширкат хўжаликларида баҳорги экин ишлари бошлаб юборилган.

-Пахтачилик соҳасидаги ютуқлар тумандаги "Чимбой момиғи" пахта тозалаш заводи фаолиятига ҳам ижобий таъсир қилаяпти. У туманнинг асосий саноат корхоналаридан бири. Қораўзак ва Чимбой тумани хўжаликларидан олинган пахтани қайта ишлайдиган ушбу заводда ўтган йил мўлжалдаги 1400 тонна ўрнига 1427 тонна пахта толаси, 2298 тонна чигит ўрнига эса 2305 тонна чигит ажратиб олинди, - дейди корхона директори Сапарбой Аллияров.

Булар "Чимбойёғ" акциядорлик жамиятидаги ўсишларга ижобий таъсир этмоқда. Масалан, корхона 2003 йили 2964 минг соф фойда олди. "Чимбойёғ" акциядорлик жамияти "Чимбой момиғи", "Халқобод момиғи", "Юлдуз" акциядорлик жамияти билан шартнома тузган, асосий хом ашё мазкур корхоналардан олинмоқда. "Чимбойёғ" акциядорлик жамияти раиси Асқар Содиқовнинг таъкидлашича, корхона кунгабоқар экилаётган хўжаликлар билан ҳам шартнома тузиб, мазкур экин тури маҳсулотидан ёғ тайёрлаш йўлга қўйилган. Тилга олинган далиллар Чимбой туманидаги ўзгаришлардан далолат беради.

ИССИҚ ЖОН ИСИТМАСИЗ БЎЛМАС

Қишлоқ жойларида кишилар саломатлигини яхшилаш борасида қилинган ишлар кейинги йилларда тиббиёт тизимида туб бурилишлар содир этилганлигини кўрсатади. Буни Қорақалпоғистон Республикаси мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Ҳозирги пайтда Қорақалпоғистон Республикасида 1 миллион 553 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Уларга эндиликда 3971 нафар шифокор, 15956 нафар тиббиёт ходимлари хизмат қилиб келаяпти.

Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тизимни ислоҳ қилишнинг 1998-2005 йилларга мўлжалланган давлат дастури тайёрланган. Ушбу ҳужжат бўйича "Соғлом авлод", "Она ва бола", "Обод маҳалла", "Меҳр ва мурувват" давлат дастурлари асосида аҳолининг барча қатламларига юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш ташкил қилинмоқда. Айниқса, қишлоқ аҳолисига бирламчи тиббий санитар хизмат кўрсатувчи му-

ассасалар моддий техника базасини мустаҳкамлаш борасида режа бўйича тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида юзга яқин ҚВП (қишлоқ врачлик пункти) фаолият кўрсатмоқда. Шундан 55 таси махсус лойиҳа асосида янгидан қурилган. 41 таси эса мавжуд тиббий муассасаларни қайта ихтисослаштириш йўли билан бунёд этилган. Республикадаги барча ҚВПлар Бутунжаҳон Банкининг "Саломатлик" лойиҳаси бўйича тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланиш дастурига киритилган. Улар ўтган йил давомида ушбу дастур асосида қайта жиҳозланди. Бутунжаҳон Банкининг "Саломатлик" лойиҳаси бўйича Республиканинг барча туманларига жами бўлиб 17 та суньий нафас олдириш аппаратлари, 17 та ЭКГ ускунаси, 17 та акушер-гинекологик мажмуа, дори-дармонлар келтирилди ва тиббиёт масканларига тақсимланди.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурининг яна бир асосий йўналишларидан бири бу оналик ва болаликни муҳофаза этиш соҳасидаги вазифаларнинг устуворлигидир. Кейинги йилларда саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ Қорақалпоғистон Республикасида оналар ва болалар ўлими тобора камайиб бормоқда.

"Чегара билмас шифокорлар" халқаро нодавлат ташкилоти ва Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида 1998 йилдан Мўйноқ туманида Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти сил касаллигини даволаш бўйича тавсия қилган "ДОТС" дастури амалга оширила бошланган эди.

Ўтган йиллар давомида бу дастур Қорақалпоғистоннинг 11 та туман ва 2 та шаҳрида тадбиқ қилинди. Ҳозирги кунларда Республиканинг жанубий 4 та туманида бу дастурни тадбиқ қилишга тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Дастур бўйича республикадаги 2 мингдан ортиқ врачлар, 10 мингга яқин ўрта тиббиёт ходимлари ўқитилди, барча туманларда ДОТС лабораториялари зарур асбоб-ускуналар, реактивлар, музлатгичлар билан таъминланди. Сил касаллиги диспансерларида зарарли чиқиндиларини ёқиб зарарсизлантирадиган "Муфел" печлари қурилди.

Аҳолининг тиббий хизмат кўрсатишга бўлган талаб эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, тиббиёт муассасаларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш, тизимга ажратилаётган бюджет маблағларидан тежамкорлик билан фойдаланиш ва бошқа муҳим масалалар соҳа ходимлари диққат марказида турибди.

Дамехон МЕДЕТОВА



КЎКЛАМ ҚУЁШИДАН КУЧ ОЛГАН ЗАМИН

Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган Жиззах шаҳрининг тарихи жуда қадимга бориб тақалади. Эрамиздан олдинги минг йилликда мавжуд бўлган Канг давлати даврида "Дизак" номи билан мавжуд бўлган шаҳар ўн иккита қалъадан иборат бўлган. Эрамизнинг ўн иккинчи асридаги ёзма манбаларда эса Дизак шаҳар номи билан аталган. 1973 йилдан буён Жиззах вилоятининг маъмурий маркази ҳисобланади.

Жиззах вилояти Сирдарё ва Зарафшон дарёлари оралиғида, Ўзбекистоннинг марказий минтақасида жойлашган. Вилоят ҳудуди 20,5 минг квадрат километрни ташкил этиб, Арнасой, Тузкон ҳамда Айдаркўл кўллари, Сангзор дарёси, Моргузар, Қўйтош, Ғубдин, Қароқчи тоғлари, Мирзачўл воҳасини ўз ичига олади. Вилоятда саноатнинг жуда кўп турлари, тоғ-руда, кимё, енгил саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, машинасозлик саноати мавжуд. Жиззах вилоятида нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда ишқорли аккумулятор, пайпоқ тўқув, трикотаж, ун ва омухта ем ишлаб чиқариш комбинатлари етакчи ўринни эгаллайди.

Бахмал тумани тоғликларидаги бетакрор табиатни Швейцарияга ўхшатиш мумкин. Энг муҳими, вилоятнинг бағрикенг ва меҳмондўст халқи истиқлол билан ҳамнафас бўлиб яшаб келишмоқда. Вилоят ҳудуди маъмурий жиҳатдан 12 та туманга бўлинган. Биргина Фориш туманининг ҳудуди Андижон ва Наманган вилоятларининг ҳудудига тенг. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизнинг марказида жойлашган вилоят тараққиёт сари дадил одим ташламоқда.

***

1998 йилда Фориш туманида "Чимкўрғон" темир рудаси конига асос солинди. Мазкур кон очилиши билан юздан зиёд ишчи ўринлари яратилди. Айни пайтда "Қизилқумцемент" ва "Бекободцемент" корхоналарига цемент хомашёсини етказиб бермоқда. Шу билан бирга таркибида 90 фоиздан ортиқ темир бўлган қазилмалардан ҳам фойдаланилаяпти. Кондан 1999 йилда 38,0 минг, 2000 йилда 67,3 минг, 2001 йилда 80,1 минг, 2002 йилда 92,7 минг, 2003 йилда эса 98,6 минг тонна миқдорида хомашё қазиб олинди. Республикамизга четдан валюта ҳисобига келтирилаётган цемент таркибига кўшиладиган хомашё ўзимизда ишлаб чиқарила бошланди.

Бугунги кунда кондан ҳар ойда "Бекободцемент" заводига 20 минг, "Навоийцемент" заводига 10 минг тонна оҳактош ва темир рудалари етказиб берилаяпти. Бундан ташқари Арнасой пасттекисликларини сув босишидан ҳимоя қилиш комплексига ҳам ҳар ойда 10 минг метр куб миқдорида чақилган тош етказилмоқда.

Кон "Жиззахавтойўл" шўъба корхонаси тасарруфида фаолият кўрсатаяпти. Шўъба корхонасининг бундан кейинги истиқболи тўғрисида корхона директори Зокир Мансуров шундай дейди:

-Кон ишга туширилиши билан корхонамизнинг иқтисодий салоҳияти ҳам орта борди. Бугунги кунда Маржонбулоқ тилла конининг бир қисмини сотиб олишни ҳам режалаштириб қўйганмиз. Режа амалга ошса яна 80 киши иш жойига эга бўлади. Ўз навбатида ишлаб чиқариш ҳажми бирмунча ортади.

***

Янгиобод - вилоятнинг энг кенжа тумани ҳисобланади. Тожикистон билан чегарадош бўлган бу туман асосан тоғли ҳудудда жойлашган. Туманда бешта қишлоқ фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, ўттизта қишлоқ ва овулларга эга.

Туман 1999 йилда ташкил этилган бўлиб, ўтган даврда иқтисодий юксалиш йўлида анча салмоқли ишлар амалга оширилди. Қисқа вақт ичида туман марказида маҳалла маркази биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. "Пастқичақир" ва "Сармач" маҳаллаларида қишлоқ врачлик пункти, "Ғаллабанк" маъмурий биноси, Учқўрғон қишлоғида болалар спорт мажмуи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳозирги пайтда Баландчақир қишлоғида маҳалла маркази маъмурий биноси қурилиши якунланмоқда.

-"Меҳр ва мурувват йили" муносабати билан кам таъминланган оилаларга, якка ва қаровсиз қолганларга моддий ҳамда маънавий кўмак бериш дастурини ишлаб чиқдик, - дейди Янгиобод тумани "Маҳалла" хайрия жамғармаси раиси Ғани Исмоилов. – Туман ҳокимлиги бу борада ибратли ишларни амалга ошириш учун барча шароитни яратиб бермоқда.

***

Халқимиз азал-азалдан қарияларни ҳурматлаб келади. Вилоятда юз ёшдан ошганларни эъзозлаш юзасидан дастур қабул қилинган. Шу муносабат билан барча туманлардаги юз ёшдан ошган қарияларнинг оилавий шароитлари ўрганиб чиқилди. Уларга ҳар томонлама қулай шароит яратиш борасида ҳомийлар белгиланди. Дўстлик туманининг Манас қишлоғида истиқомат қилаётган Бувижон момо Душаева 1900 йилда таваллуд топганлар. Момони туман "Маҳалла" хайрия жамғармаси ўз оталиғига олган. Бувижон момо ҳали тетик ва бардам, ҳаётида содир бўлган муҳим воқеаларни яхши эслайди:

-Николай пошшонинг тузумини кўрдик, - дейди момо. – Ундан кейин шўролар ҳукумати бўлди. Ўттизинчи йиллардаги қурғоқчиликлар, очарчиликлар, қатағонлар қанчадан-қанча асл фарзандларимизнинг бошига етди. Худога шукр, мана юртимизда истиқлол бўлди. Бундай кунларнинг қадрига етишимиз керак...

***

Арнасой тумани маркази "Голиблар" кўрғони ҳудудидаги "Тошкент" маҳалла фуқаролар йиғинини Фарида опа Бастамова бошқаради. Маҳалла тумандаги энг намунали масканҳисобланади. Фарида опа маҳалланинг ободончилиги, фаровонлиги, ёшларни касб-ҳунарга йўналтиришдан тортиб, қуда-андачилик, тўй-маъракаларнинг камчиқим ўтишигача бошу қош бўлиб келаяпти.

Йиғин раиси тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам туманга танилган. Қишлоқ фуқаролар йиғини қошида тикувчилик цехи ташкил этилган. Цехга биринчи гуруҳ ногирони Феруза Қўлдошева бошчилик қилади.

-Феруза анча йиллардан буён ногиронлар аравасига суяниб қолган эди, - дейди опа биз билан суҳбатда. – Тикувчилик цехи ташкил этиш, Фарузанинг ҳаётга қизиқишини ошириш учун унга таклифимни айтдим. Мана, икки йилдирки, ишларни биргалашиб йўлга қўйдик. Шу пайтгача 20 дан ортиқ қизларга чеварлик сирларини ўргатди. Айни пайтда цехда уч киши меҳнат қилаяпти. Ишларни йўлга қўйишда туман меҳнат биржаси катта ёрдам берди.

Феруза Қўлдошева икки йилдирки, туманда бўлиб ўтадиган "Ташаббус" кўрик-танловининг ғолиби бўлиб келаяпти. Вилоятда бўлиб ўтган "Ташаббус" кўрик-танловида иккинчи ўринни олди.

-Шу кунларда туман халқ таълими бўлими билан шартнома тузиб, болалар боғчаларига ўйинчоқлар етказиб бераяпмиз, - дейди Феруза. Кам таъминланган ва ночор оилаларга нисбатан арзон нархларда хизмат кўрсатаяпмиз...

Арнасой туманида бундай тадбиркорлар кўплаб учрайди.

-Республикамиз Президентининг тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш борасида олиб бораётган ишларидан миннатдормиз, - дейди Феруза. – Шу сабабли ҳам мен оқибатли кишиларнинг берган кўмаги туфайли ҳаётда ўз йўлимни топа олдим.

Вилоятда аҳоли соғлиғини ҳимоялаш, соғлом авлодни вояга етказиш оналик ва болалик ҳимояси, ногиронлар соғлиғи учун тиббий хизматларни яхшилаш борасида ҳам дастурий тадбирлар амалга оширилаяпти. Аҳоли соғлиғини сақлаш тизимида 2,4 минг врач, 8000 дан зиёд ўрта тиббиёт ходимлари меҳнат қилиб келмоқда.

Ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлашда Дўстлик тиббиёт коллежининг ҳам ўз ўрни бор. Ҳозирги тиббиёт ходимлари замонага мос, амалий малакаларни ўзлаштирган, профилактик чора-тадбирларни биладиган, беморни диспансерлаш, деонтология, тиббий этика соҳасида – инсон ҳаёти хавф остида қолган дақиқаларда врачга қадар шошилинч тиббий ёрдам кўрсата оладиган, замонавий телекоммуникация малака

СИЗ БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ

МЕҲР БОЛАЛИКДАН УЙҒОНАДИ

Қўшним қариб, уйни қўриқлашга-да ярамай қолган итидан қандай қутулишни билмасди. Бир неча бор қаерлардадир адаштириб келди, кимларгадир тухфа ҳам қилди, барибир жонивор кўзи очиб ўргангани, меҳр қўйгани шу хонадонни топиб келар, эгаси дарвозадан кўчага ҳайдаб солса ҳам, ғингшиб уй атрофида айланиб юраверарди.

Ахийри қўшним эндигина 8 ёшдан ошса-да, тенгдошлари ичида безорилиги билан ном чиқарган маҳалладаги Санжар исмли болакайга 500 сўм пул бериб, “Мана шу итни сотасанми, нима қилсанг, қил, лекин қайтиб кўрмайин”, дейди.

Ҳақиқатан орадан анча вақт ўтдики, қўшнимнинг ити кўринмай қолди. Бунга биз ҳам кўникдик. Бир куни Санжарга кўчада ўйнаб юрганида дуч келдим. Қизиқиб ундан итни нима қилганлиги ҳақида сўрадим.

-Сўйиб ташладим, - кипригини ҳам қоқмай мақтаниб жавоб бераётган бу болакайнинг кўзида шафқатсизлик учқунланиб турар эди.

-Йўғ-э... қандай қилиб? Нима учун? – ўсмоқчилаб сўрадим.

-Пичоқ билан бўғизлаб ташладим... Эгаси пул берди-да, “Йўқот!”, деб. Сўйиб гумдон қилмасам, ит яна эгасиникига бораверарди.

Ўз ишидан мамнун сўзлаётган бу боланинг мурғак қалби атиги 500 сўм пулни деб меҳрдан анча олислашга улгурганини ҳис этдим. Беихтиёр унинг келажагини тасаввур қилдим. Инсоний туйғулар ўзаги ҳисобланмиш меҳрдан йироқ, демакки, пул, бойлик учун ҳар қандай қинғир ишга қўл уришдан жирканмайдиган ўсмир, йигит... Ҳар қалай болаликданоқ шу ишга қўл урган болакайдан кейинчалик ҳам ўзгаларнинг меҳр кўришига кўзим етмайди.

Бугун ёшлар, хусусан, болалар тарбияси, маънавияти хусусида тез-тез сўз юритиляпти. Соғлом авлодни камол топтиришда, аввало, уларнинг маънавий оламини бойитишга эътибор қаратилаётгани ҳам бежизмас. Аммо назаримда, болаларда биринчи галда меҳр, шафқат, эътиқод, виждон янглиғ соф инсоний туйғулар шаклланишига улар улғаяётган муҳит – оилада аҳамият берилмоғи керак. Токи ҳар бир бола қалбида табиат ва инсонга нисбатан меҳр-муҳаббат туйғулари ниш урсин, улар дилида шафқатсизлик ва лоқайдлик иллатлари уйғонмасин.

Унутмайликки, гўдакка онанинг оқ сути билан кирган меҳр у ақлини танигани сари қалбида уйғонмоғи учун биз – ота-оналар сергак бўлмоғимиз шарт. Болаларнинг фақат қорнини тўйдиришу, чиройли кийинтиришдан олдин уларга меҳр ва тириклик қадрини ўргатайлик.

Сабоҳат МИРЗАМАМЕТОВА

СУВ КЕЛТИРГАН

Сув – бу оби ҳаёт. Сув етиб борган жойлар инсон иродаси билан боғу роғларга, гулу гулзорларга, деҳқоннинг дастурхонини баракали қиладиган ғаллазорларга-ю ҳаётини фаровон қиладиган пахтазорларга айланади. Қадим-қадимдан, эл-юрт орасида сувчиларнинг, миробларнинг обрўйи, мавқеи баланд эканлиги ҳақида ривоятлар, мақоллар бизгача етиб келган. Чўлларга сув чиқариш, обод қилиш тўғрисида шоирларимизнинг достонларида халқимизнинг орзу умидлари бекорга мужассамлашмаган.

"Сув келтирган элда азиз" ёки "Отанг мироб бўлгунча ўзинг сари об бўл" бу мақоллар бежиз пайдо бўлмаган-да. Бу сувчиларга эътиборнинг баландлигидан далолат бериб турибди.

Сирдарёда сувнинг қадри баланд. Мирзачўл ерларини гуллаб-яшнаётган воҳага, пахтазорларга, ғаллазорларга айлантиришга хизмат қилаётган азим кўҳна Сирнинг бир томчиси ҳисобда. Чунки аниқ ҳисоб-китоб олиб борилмаса, минтақада сув танқислиги пайдо бўлаётган бир пайтда яна қўшимча муаммо пайдо бўлиши мумкин.

Ўтган йили Вазирлар Маҳкамасининг "Сув хўжалигини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори ва қишлоқ хўжалиги вазирининг буйруғи билан Сирдарёда "Қуйи Сирдарё ирригация тизимлари ҳавзаси бошқармаси" ташкил этилди. Янги ҳавза бошқармаси жамоаларининг вазифаси нимадан иборат?

-Ҳавза бошқармасини ташкил этиш республикамизда қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотларнинг давоми бўлиб қуйидаги вазифаларни бажаради, - дейди ҳавза бошқармаси бошлиғи Жўрабой Шарипов, - биринчидан сувни расамади билан белгиланган лимитлар асосида тақсимлаш, сувдан фойдаланишнинг бозор принциплари ва механизмларини жорий этиш асосида сув ресурсларидан оқилона, мақсадли фойдаланишни ташкил этиш, илғор технологияларни жорий этиш асосида сув хўжалигида ягона техника сиёсатини ўтказиш, истеъмолчиларни сув билан узлуксиз ва ўз вақтида таъминлашни ташкил этиш, ирригация тизимлари ва сув хўжалиги ишончлилигини таъминлаш, ҳавза ҳудудида сув ресурсларини оқилона бошқариш ҳамда унинг тезкорлигини ошириш, сув истеъмолчилари бўйича сув ресурсларидан фойдаланишнинг аниқ ҳисоби ва ҳисоботини таъминлашдан иборатдир. Энди сув ресурсларини ҳудудий бошқариш принципидан ҳавза бошқариш принципи тизимига ўтилди. Қуйи Сирдарё ирригация тизимлари бошқармаси энди Сирдарё вилоятини тўла ва Жиззах вилоятининг Дўстлик, Зомин, Пахтакор, Мирзачўл, Арнасой, Фориш, Зафаробод, Зарбдор, Янгиобод туманларини сув билан таъминлайди.

Шу билан бирга гидрогеология-мелиоратив экспедиция ҳам бизнинг таркибимизга берилиб, биз вилоятда ерларнинг мелиоратив ҳолатларини таҳлил қилиб, чоратадбирлар белгилаб, кенг кўламда мелиоратив ишлар олиб борилаяпти.

Дарҳақиқат, янги бошқарма ташкил этилганидан буён қарор асосида катта ишлар амалга оширилди. Икки вилоятнинг сув истеъмолчилари учун яқин бўлган жойда "Уч том" қўрғонида катта бир бино таъмирланиб, атрофи обод қилиниб, бошқарма идораси жойлашди. Барча ирригация тизимлари, каналлар, ариқлар, зовурлар қайтадан кўрикдан ўтказилиб, уларга тегишли бўлган ҳудудлар аниқлаб олинди. Янги тизимлар малакали мутахассислар билан шакллантирилди. Сув истеъмолчиларининг ҳисоби олинди.

Ҳаммамизга маълумки, қишлоқ хўжалигининг барқарор ва мунтазам ривожланиши мавжуд ер, сув заҳираларидан оқилона фойдаланиб ва уларни муҳофаза қилишни тақозо этади. Республикамиз Президенти Ислом Каримов бу масалага алоҳида эътибор бериш зарурлигини доимо таъкидлаганлар ва 2003 йилнинг ярим йиллик якунига бағишланган йиғилишдаги маърузаларида ҳам тармоқнинг молиявий-моддий-техник жиҳатдан таъминланишига ва мелиоратив ҳолатини яхшилашга эътибор бериш масаласини кўтардилар ва Сирдарё, Жиззах вилояти ерларини ўрганиб чиқишга ҳукумат комиссиясини тузидилар.

Айниқса, Сирдарё вилоятида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бугунги кунда долзарб вазифа бўлиб, республика ҳукуматининг диққат-эътиборида турибди. Вилоят бўйича суғориладиган майдонларнинг 290,7 минг гектари назоратда бўлиб, ерости сизот сувларининг сатҳи 1 метргача бўлган майдонлар 2154 гектар, 1-1,5 метргача 21957 гектар, 1,5-2 метргача бўлган майдонлар 128567 гектар ёки 44,2 фоиз майдоннинг ерости сизот сувларининг сатҳи нормадан юқорилиги аниқланди. Вилоятда ерости сизот сувларининг жойлашуви сўнгги йилларда 37-40 сантиметр кўтарилди.

Вилоятда бу ҳолатнинг келиб чиқиш сабаблари очиқ, ёпиқ-ётиқ зовурларнинг, ариқ ва каналларни тозалаш ишларига хўжаликларнинг иқтисодий жиҳатдан ночорлиги, мавжуд ер қазиш техникаларининг ўз хизмат муддатини ўтаб бўлганлиги, баъзи техникаларга ёнилғи-мойлаш материаллари таъминотидаги узилишлар сабаб бўлмоқда. Бу эса сўнгги йилларда эътиборнинг сусайишига олиб келди.

Вилоятда 608 километр хўжаликлараро каналлар мавжуд. 320,3 километри қониқарсиз бўлиб, тозалаш зарурлиги аниқланган эди. Режа 280 километр режалаштирилиб, амалда 283 километр тозаланди. Гидротехник иншоотлардан 348 тасини тиклаш белгиланиб, амалда 352 та таъмирланди. Мавжуд гидропостлардан 305 таси таъмирланди. Вилоятдаги 1962,7 километр хўжаликлараро зовурлардан 744,3 километрни тозалаш зарур эди. Маблағга қараб 421 километр тозаланди.

Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси балансида 2818,5 километр ёпиқ-ётиқ зовурлар мавжуд, 843,4 километри қониқарсиз бўлиб, таъмирлаш зарурлиги аниқланган эди, ўтган йилда қўшимча маблағ ажратилиб, таъмирлаш ишлари 200 километр белгиланган эди, амалда 211 километр таъмирланди.

Ҳукумат вилоятдаги аҳволни чуқур ўрганиб ҳамиша ёрдам қўлини чўзиб келаяпти, вилоятга давлат бюджетидан 2003 йилги капитал қўйилмалар сифатида 675 миллион сўм маблағ ажратилди. Бу маблағ асосан Марказий Мирзачўл зовури ВС-13, Шўрўзак магистрал зовурлари, йирик каналлар ва насос станцияларнинг реконструкциясига сарфланди. 2003 йилнинг биринчи ярим йиллиги йиғилишидан кейин Вазирлар Маҳкамасининг 3-сонли баённомасига асосан ҳукумат комиссияси томонидан вилоятда мелиоратив ҳолат ўрганиб чиқилди. Марказий Мирзачўл зовури реконструкциясини давом эттириш мақсадида 80 миллион сўм қўшимча маблағ ажратилиб, 2 та одимловчи экскаватор ёрдамида 700 метр узунликда ишлар бажарилди.

Вилоят туманларида суғориладиган экин майдонларини суғоришга 2002 йил суғориш мавсумига 1,76 миллиард кубометр сув сарфланган бўлса, 2003 йилда 1,73 миллиард кубометр сув сарфланди ёки 30 миллион кубометр сув иқтисод қилинди.

Вилоят бўйича 1 гектар майдонни суғориш режаси бўйича 7145 кубометр, амалда 6537 кубометр сарфланди ёки ҳар бир гектар майдонга бериладиган сувдан 608 кубометр иқтисод қилишга эришилди.

Вилоят бўйича 123 дона мавжуд экскаваторлардан 2003 йил давомида 50-60 донаси ишлатилиб келинар эди. 2004 йилнинг январидаги Вазирлар Маҳкамасининг йиғилиш баённомасидан кейин экскаваторларни ишлатиш топшириғи 100 донага етказиш белгиланган, бугунги кунда бошқа вилоятлардан ҳам олиб келиниб барча ички имкониятлар ишга солиниб, бу топшириқ бажарилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев томонидан тасдиқланган баённомасига асосан 2004 йилда вилоятда капитал қўйилмалар ҳисобидан Сардоба зовури, Марказий Мирзачўл зовури реконструкцияси ва бошқа сув хўжалиги объектлари қурилиши учун 1 миллиард сўм ажратилди.

Давлат бюджетидан эксплуатация ишлари ҳисобидан Сардоба зовурини тозалаш 14 километр, Шўрўзак зовурини 10 километр, хўжаликлараро зовурларни тозалаш 500 километр, ёпиқ-ётиқ зовурларни тозалаш 380 ва 70 дона мелиоратив тик қувурларни тиклаш ишларига 1,41 миллиард сўм ажратиш мўлжалланди.

Хўш, ушбу ишлар муваффақиятли амалга оширилса, қандай самара беради?

-Камида 35 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга имконият яратилади.

Вилоятда сув хўжалиги объектларини капитал қўйилмалар ҳисобидан қуришда буюртмачи сифатида 15-сонли қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси фаолият кўрсатмоқда. Директори Толиб Чўлпонов. Гидрогеология мелиоратив экспедицияси мелиоратив объектларни эксплуатация бўйича буюртмачи бюджет маблағлари ҳисобидан буюртмачи сифатида фаолият кўрсатаяпти. Шу билан бирга 1962,7 километр хўжаликлараро зовурлар, 2818 километр ёпиқ-ётиқ зовурлар, 290 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолатини назорат қилиш бўйича фаолият юритади.

Вилоят сув қурилиши трести гидромелиоратив объектларни қуриш ва гидромелиоратив тадбирларни бажариш билан шуғулланади. Ўтган йили тизим бўйича ПДТ русумли ёпиқ-ётиқ дренажларни ювиш агрегатларидан 4 та, экскаваторлардан 7 та олинди.

Хўжаликларни сув билан таъминлашда ўзининг фидокорона меҳнати билан эл-юрт орасида обрў-эътибор топган миробларнинг бошқармада талайгина. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригаторлар "Дўстлик" каналининг участка бошлиғи Абдулажон Одилов ва 3-насос станцияси бошлиғи Рустам Иброҳимов, ишлаб чиқариш илғорлари Мирзаобод туман тик қудуқлар бўлимидан М.Абдуллаев, А.Ашуров, Гулистондан У.Суюнов, А.Гусев, Сирдарё туманидан З.Боипов, Э.Алимбеков, Боёвутдан А.Бойзоқов, Г.Исаевлар, Шўрўзак-Сирдарё ирригация тизимлари бошқармаси бошлиғи У.Хаитов, сув назоратчиси Э.Ҳакимов, канал бошлиғи Н.Сериков, вилоят гидрогеология бош муҳандиси Мухтор Кугедиев, бошқарма гидрометри Зинаида Чернишова, Боёвут-Арнасой ирригация тизимлари ўнг тармоқ канал бошлиғи Ў.Тоябаев, сув гидрометри У.Жабборов, экскаваторчи Александр Дойнеко, бульдозерчи У.Фозилов, Борис Циганковлар кўп йиллик меҳнатлари билан бошқаларга ибрат кўрсатмоқдалар.

Вилоятда 2004 йил март ойигача хўжалик ички каналлардаги фермер, оила пудрати ва аҳоли кўрғонларига хўжалик ҳисобидан режадаги 11839 та ўрнига 9961 та сув ўлчаш иншоотлари қурилди. Ўтган йил давомида режадаги 280 километр ўрнига 283 километр каналлар тозаланди.

-Бизнинг корхонамиз вилоят ташкил этилганидан буён фаолият кўрсатмоқда, - дейди вилоят гидрогеология мелиоратив экспедиция бошлиғи Акрам Самиев. – Бош вазифамиз тасарруфимиздаги магистрал ва хўжаликлараро зовур ҳамда ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқлари, улардаги мелиоратив насос станциялари ва агрегатларни, гидротехника иншоотларини жорий, капитал тозалаш ва таъмирлаш ҳамда реконструкция қилиш ишлари чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида амалга ошириш, капитал қурилиш ишларини белгиланган тартибда тендер асосида амалга оширишни ташкил этиш. Ерларнинг мелиоратив-кузатув тизимини ўз вақтида таъминлаш, ривожлантириш ва ишчи ҳолда сақлаб белгиланган тартибда мониторинг олиб бориш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив кадастрини тузиш ва уларнинг ҳисоботини олиб боришдан иборатдир. Иш ҳажмимиз жуда катта. Биз вилоятда ер майдонларини кузатиб, йилига 3 марта таҳлил қилиб "ташхис" қўйиб чора-тадбирларни белгилаб берамиз.

Бизда ҳам ишлаб чиқариш илғорлари, тажрибали кишилар талайгина.Мисол учун экскаваторчилар Нўъмон Тошпўлатов, Абдуқосим Шарипов, дренаж ювувчи агрегат механизатори Баҳодир Йўлдошев, бульдозер ҳайдовчиси Асатилло Ботировлар шу соҳада кўп йиллар

ЭЛДА АЗИЗ

давомида самарали меҳнат қилишиб, эл-юрт ҳурмат-эътиборига сазовор бўлишган. Умуман олганда, 234 кишилик жамоамизда 20 та миллат вакиллари аҳил, бир оиладек меҳнат қилишмоқда. Ҳар йили Наврўз куни арафасида бу ерда катта бир зиёфат берилади, фахрийлар шарафланади, илғорларга мукофотлар берилади. Ундан олдин нафақахўрлар аҳволидан хабар олинади, хайр-эҳсон тадбирлари амалга оширилади.

ЗАМИН "ТАБИБ"ЛАРИ

-Одатда одам касал бўлса, унинг ҳароратини ўлчашади, қонидан таҳлил қилишади. Касали аниқ бўлганидан кейин даволашга ўтишади, - дейди ҳавза бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Аваз Эргашевич Мустанов. – Ер ҳам шундай. Унинг тили бўлмаса-да, дардини айтолмаса-да, тупроқ таркибидаги минерал тузлар, шўр тузлар, сизот сувларининг юқори кўтарилиб туриши унинг "дардини ошкор" қилиб туради. Вилоятимиздаги барча ҳаракатлар ер дардига дармон топиш, мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган.

Аваз Эргашевич билан Шароф Рашидов туманидаги "Асад ХҚЗ" фермер хўжалигида бўлдик. Бу ерда МЧЖ "Сирдарёмахсуссувдренаж"нинг Турдибой Мавлонов участкаси механизаторлари ПДТ-200 аппарати билан ёпиқ-ётиқ дренажни ювaётган экан.

-30 гектарлик майдонда 1 километрлик линияни ювамиз, - дейди участка бошлиғи.

Фермер Қурбонбой Ҳусанбоевнинг оғзи қулоғида. Ўтган йили 13 центнердан ҳосил олувдик. Режа 20 дан эди. Энди кузда келинг, 25 центнердан ҳосил оламиз, ғалладан 40 центнердан ҳосил оламиз. Чунки ёпиқ-ётиқ дренаж ишлади, зах сувлар қочаяпти.

Бу ердаги участка қуввати билан "Соқитош", "Қамбар", "Иминжон" фермер хўжаликларида 150 гектар ернинг дренажлари ювилиб, салкам 9,5 километр масофада тозалаш ишлари амалга оширилибди. Бу ҳазилакам иш эмас. Айниқса, Икром Жуманов, Дилшод Қаршибоевларнинг меҳнатига қойил қолмасдан иложимиз йўқ. Март ойида совуқ сувга тушиб дренаж ювғич шлангни ушлаб туришнинг ўзи бўлмайди, албатта. Ана шундай шароитларда ишлашнинг ўзи бир фидойилик. Экскаватор машинисти Раҳматулло Мелибоев дренажни ювиш учун чуқур қазиб беряпти, бир кунда шундай чуқурлардан 5 таси қазилади, 120 метр дренаж трубалар очилиб таъмирланади.

ҲАШАРЧИЛАР ҲИММАТИ

Шароф Рашидов туманидаги 7-к-з коллекторини тозалашда 2 та экскаватор ишлаяпти.

-Бизлар Қашқадарё вилоятининг "Китобқурилиш" МЧЖ корхонасидан бу ерга ёрдамга келдик. Биздан бу ерда 6 та экскаватор ишлаяпти, - дейди экскаваторчи Тоштемир Тошев, - касбдошларим Ғани Ашуров, Яшин Тўхтамишев, Исмоил Мелиевлар ғайрат-шижоат кўрсатишмоқда. Ўзим шу касбда 1982 йилдан бери ишлайман. Бу ерга келганимизга бир ой бўлди. Бундан олдин Арнасойда қурилишда ишлаган эдик. Ҳозиргача 1600 метр зовур тозаладик. Бир кунда 100-120 метр тозалаяпмиз. Шароитларимиз яхши. Иссиқ вагонларда турамиз, озиқ-овқатлар етарли. Иш ҳақини вақтида олаяпмиз. Биз ҳам хайрли ишга ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан бехад хурсандмиз.

ХОРИЖ ТЕХНИКАСИ ЧАҚҚОН ЭКАН

Шароф Рашидов туманидаги "Нурбек" фермер хўжалигида CASE экскаваторини учратдик. Экскаваторчилар Абдусалом Ортиқов ва Комил Ортиқовлар ЮР-15-Д янги 2,11 километрли канал қурилишида ишлаётган экан. Бу ерда Бош вазирнинг топшириғига биноан янги сув иншооти ва канал қурилиб, 1,2 кубометр сув олиниб, шу фермер хўжаликларига тегишли 1,5 минг гектар майдоннинг сув таъминоти яхшиланади.

-Хориж техникаси чаққон экан, - дейди Комил Ортиқов, ичи ҳам ҳайдовчига қулай, иш унуми ҳам баланд, ишлаб чарчамайсан, масза қиласан. Қани энди шундайидан бир 50 таси бўлса. Кўпчилик бизга ҳавас қилади. Биз эса техникани авайлаб қараб, ишлатамиз.

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА

Жанубий Мирзачўл канали бошқармасининг биринчи бўлимида бўлганимизда (бошлиғи Жуманазар Каримов) 2-бўлинма бошлиғи Зулқайнар Давидов бизни ажойиб бир янгилик билан таништирди.

-Бизнинг вазифамиз 24 километрлик масофани сув лимити бўйича таъминлаш, шахобчанинг техник ҳолатини кузатиб туриш ва лимит асосида сув билан таъминлаш, - деди Зулқайнар Давидов, - яна марказий тармоқ ва Жанубий Мирзачўл канали 624 пикетдаги сувни тақсимлаш. Бу ишларда техник диспетчер Шотемир Турсунов, иншоот муҳандиси Худойберди Алибеков, канал техниги Хайрулло Раймқуловлар ўз вазифаларини сидқидилдан бажариш билан бошқаларга ибрат кўрсатаяптилар.

-Икки йил бўлди, - дейди Зулқайнар, - Францияннинг БРЛ фирмаси, СИЭЛ компанияси сув ҳавзаларини бошқаришда янги технологияни жорий этди. Компьютерлаштирилган, автоматлаштирилган дастур бўйича масофадан туриб бошқарилади. Компьютерда қанча сув қаерга кетаяпти, қаерни ёпиш керак, сув қанча кўпайди, ёки камайди дарҳол билса бўлади. Энди сув исрофгарчилиги йўқ бўлади. Ҳозирда шу ернинг ўзида 4 мутахассис бу компьютерни ўрганди. Бошқа бўлинмаларда ҳам шу технологиялар ўрнатилиб, кадрлар ўқитиляпти.

САРДОБА КОЛЛЕКТОРИНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Узунлиги 22 километр ушбу зовур реконструкциясида 7 та экскаватор, 4 та скрейпер ишлаяпти. Шундан 8,2 километри янгитдан қазиляпти. Марказий Мирзачўл зовуридан Гулистонгача бўлган масофада реконструкция қилинади. Қурилишни Сайдулло Шукуров бошчилик қилаётган "Сирдарёсувқурилиш" трестининг Мирзачўл механизациялаштирилган кўчма колоннаси олиб бораяпти.

Участка бошлиғи Абдуазиз Пўлатовнинг айтишича, биттта экскаватор ёрдамида бир кунда 400-450 кубометр тупроқ ишлари бажариляпти. Шу кунгача 800 метр масофада қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Феврал ойида 7 миллион сўмлик иш бажарилди. Экскаватор машинистлари Ражаб Мамажонов, Зайлобиддин Орифжонов, Имом Мирҳамидов, скрейперчи Иван Дорофеев, бульдозерчи Ринат Гинатулин меҳнатидан ҳамма мамнун. Вагонда яхши шароитлар яратиб берганмиз, иссиқ овқатлар сифати яхши.

"КАСБИМНИ СЕВАМАН!"

Очиғини айтиш керак, экскаваторда фақат фидойи инсонларгина ишлайди. Айниқса, уйидан узоқда чўл шароитида вагонларда фақат чиниққан, ўз касбига содиқ кишиларгина ишлайди. Ражаб Мамажонов 24 йилдирки, мана шу касб орқали оиласини боқади.

-Ўзим Гулистонда тураман, - дейди Ражаб ака, - турмуш ўртоғим, уч нафар қизим бор. Турмуш ўртоғим Мунаввара Холова ўқитувчи, мен эса мана кўриб турибсиз, чўлда ишлайман. Чунки шу касбга меҳр қўйганман. Вагонда яшайман, ҳафтада бир, ўн кунда бир уйга бораман. Вагонимиз яхши, ичида печкаси бор. Бир кунда 460 куб тупроқ ишларини бажараман. Ўзим ёшларга касбимни ўргатаман. Ана у экскаваторни кўряпсизми, унда менинг шогирдим Зайлобиддин Орифжонов ишлаяпти. Мана у ҳам мен қатори ишлаб кетди. Менга эса Ренат Загитулин деган устозим шу касбни ўргатган.

Наврўз байрами билан барча юртдошларимизни табриклайман, деҳқонларимиз ҳосили баракали бўлсин, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин.

ЮСАИД БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Мирзаобод туманидаги «Қўшқулоқ» сувдан фойдаланувчилар уюшмасида 12 киши ишлайди. 124 фермер шу уюшмага аъзо бўлиб, 4600 гектар майдонга сув етказиб бериш бўйича хизмат кўрсатади.

Ўтган йили сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ЮСАИД халқаро ривожланиш фонди билан ҳамкорлик қила бошлади. ЮСАИД томонидан сувдан фойдаланувчилар уюшмасига олдидаги вазифаларни бажариш ва К-3 суғориш тармоқларини реконструкция қилиш, унинг сув тақсимоти ва сув ўлчаш иншоотларини таъмирлаш учун 65 миллион сўм маблағ ажратилди.

18 сув ўлчаш иншоотини компьютерлаштириш ишлари олиб бориляпти. Ундан ташқари битта "Кейс5-80 малютка", битта Е-К-14 экскаватори, битта "Нива" автомобили, 12 та велосипед, 3 минг долларлик сув ўлчаш асбоб-ускуналарини берди.

Ҳар ойда бир марта фонд вакиллари келиб ўқув-амалий семинарлари ташкил қиляпти. СФУга 6 гектар ер майдони ажратилиб, ЮСАИД ёрдами билан лазерли текислаш амалга оширилди. 2003 йил шу майдонда ҳосилдорлик 8,0 центнердан 16 центнергача ошди, сув сарфи тежалди. Сифон билан суғориш ташкил этилди.

Уюшма 2003 йилнинг суғориш мавсумининг якунида GEF лойиҳасининг сувдан тежамкорлик билан фойдаланганлиги учун ғолиб бўлди.



-Экскаваторимиз билан 4,5 миллион сўмлик иш бажариб, уюшма ҳисоб рақамига туширдик.

ИРРИГАЦИЯ

Бу маблағ иш ҳақига, ёнилғи-мойлаш материалларига сарфланмоқда. Бош гидротехник Саид Норқулов, бош гидрометр Рустам Норбоев, мироблар Мўмин Мусабоев, Ўктам Эсонбоевлар ёрдамида фермерлар узлуксиз сув таъминотини ташкил этишда астойдил меҳнат қилишмоқда.

-Республикамиз ҳукумати вилоятимиздаги мелиорация ва сув хўжалигини ривожлантиришга катта аҳамият бераётганидан беҳад мамнунмиз, - дейди Мирзаобод туманидаги "Қўшқулоқ" сувдан фойдаланувчилар уюшмаси раҳбари Абдураҳим Абдуқодиров, - қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Абдураҳим Жалолов уюшмамизда қилинаётган ишлар билан бир неча марта танишиб, ЮСАИД билан ҳамкорлик қилишимизга амалий ёрдам бердилар.

Шу ерда биз "Марказий Осиёда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш лойиҳаси" мутахассиси Ренат Кондраков билан учрашиб қолдик.

-Биз бу ерда "Ўзбекистонда сувдан фойдаланувчилар уюшмасини ривожлантириш лойиҳаси" бўйича иш олиб бораяпмиз, - дейди Ренат Кондраков. – Ҳозирги кунда Фарғона, Навоий, Хоразм, Қорақалпоғистон, Сирдарё вилоятида Меҳнатободдаги "Оқ Қоя" ва Мирзаободдаги "Қўшқулоқ" сувдан фойдаланувчилар уюшмаси билан ҳамкорлик қиляпмиз. Бу ерда ишни сувдан фойдаланувчилар уюшмасини тузишда қатнашдик, таъсис йиғилиши ўтказишга ёрдам бердик, штатлар тузилди. Сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг оёққа туриб олиши учун маблағ билан ёрдам бердик. Техникалар билан таъминладик. Ариқларда, каналларда автоматлаштирилган сув ўлчагичлар ўрнатиб компьютерлаштирамиз. Энг асосийси фермерлар орасида тренинг машғулотлар олиб бораяпмиз. Уларни ўқитамиз. Сув тақсимланаётган жойларда электрон датчикликлар ёрдамида олинаётган сув ҳажми, миқдори компьютерларга туширилади. Хуллас, замонавий жиҳозларда ҳисоб-китоб олиб борилади...

Шу кунларда вилоятнинг қайси бир туманида бўлманг, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида кенг кўламда катта амалий ишлар олиб борилаётганининг гувоҳи бўласиз. Қаердадир зовурлар тозаланаяпти, таъмирланаяпти, янгиси қурилаяпти, каналлар, сув иншоотлари таъмирланаяпти. Хуллас, бўлғуси ҳосилга дахлдор барча ишлар амалга оширилаяпти.

Ўлкамизда баҳор байрами. Бу байрамни деҳқонга мададкор бўлган сувчилар, мелиораторлар ҳам юксак меҳнат жўшқинлиги, қалбларда баҳор сурури билан кутиб олаяптилар. Негаки, Наврўз байрами бу – эзгулик байрами. Бу яшариш, янгиланиш байрамини сувчилар муносиб кутиб олаяптилар. Гуллаётган боғу роғларда, яшнаётган майсазорларда ҳам, серҳосил пахтазорларда ҳам сувчиларнинг хиссаси бор.

Шомурод ХОЛМУРОДОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.
Пўлат ХУДОЙНАЗАРОВ олган суратлар.

НАМАНГАНЛИК НУРЧИЛАР

Одамзод яралибдики, нурга интилиб яшайди. Электрнинг кашф этилиши ҳам бу йўлдаги ўша истакнинг меваси, албатта. Оқибат шуки, уйлар, кўчалар, шаҳарлар, қишлоқлар нурга ғарқ бўлди.

Бугун "Наманганэлектртармоқлари" очиқ акциядорлик жамияти 6184 километр узунликдаги 10-6 минг вольтли ҳаво ва кабель тармоғини, 7764 трансформатор пунктини, улардан чиққан 8403 километрли 0,4 минг вольтли электр тармоғини тасарруф қилмоқда. Ўтган йили 310 мингдан ортиқ истеъмолчи субъектга 2 миллиард 155 миллион киловатт-соат электр энергияси етказиб берилди.

Бундай катта ва зарур юмуш вилоятдаги 1,5 мингдан зиёд энергетик зиммасига юкланган. Улар ўтган йили 259 миллион сўмликка яқин таъмирлаш ишларини бажаришди. Шунинг 43 миллион сўмлиги электр ускуналарини таъмирлаш устахонасида амалга оширилган. Айниқса, қувват трансформаторларини таъмирлаб ишлатилаётгани иқтисодий тежам манбаи бўлмоқда, рационализаторлар сафи кенгайиб бормоқда.

Электр энергияси сув билан ҳосил қилинса арзон тушади. Лекин республикамизда ГЭСлар ҳиссаси 12 фоизни ташкил этади, холос. Натижада 88 фоиз энергия қиммат баҳода тайёр бўлмоқда. Яъни бир киловатт-соат электр энергияси ҳосил қилиш учун 250 грамм мазут (ёки 0,33 кубометр газ ёки 1 килограмм кўмир) сарфланиб, унинг таннархи 14 сўм 88 тийинни ташкил этади. Агар унга бошқа харажатлар ҳам қўшилиб, ўша баҳода етказиб берилса, истеъмолчилар иқтисодий жиҳатдан қийналиб қоладилар. Шунинг учун ҳам Молия вазирлиги белгилаб берган тарифга кўра электр энергиясини ҳозирча арзон баҳода сотиш ва икки ойда бир 8 фоиздан ошира бориб, 2005 йилдагина унинг нархини харажатларни қоплайдиган меъёрга етказиш йўли тутилган.

-Бундай тактиканинг бош мақсади истеъмолчиларимизни қийнамаслик, - дейди "Наманганэлектртармоқлари" ОАЖ директори Баҳодир Мирзажонов. –Бу тармоқдаги кўплаб корхоналарнинг зарар кўришига сабаб бўлмоқда. Биз ҳам зиён билан ишлардик. Харажатларни камайтириш ҳисобига 2003 йили биринчи марта фойдага чиқдик. Шу йил билан бирга жамоамиз солиқ ва бюджетдан ташқари тўловлар учун 3,2 миллиард сўмдан зиёд маблағ ўтказиб берди.

Шу ўринда бир изоҳ: Наманган шаҳрида тўрт юз мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Бир ойлик пенсия тўлови 550 миллион сўмни ташкил қилади. Демак, вилоят энергетиклари берган миллиардлар мамлакатимизнинг йирик шаҳарларидан бўлмиш наманганлик пенсионерларни ярим йилга таъминлай олади. Бу кичкина гап эмас.

2003 йилдан фойдага чиқилгани энергетикларнинг хайрли харажатларига йўл очди, қўл-оёқ "ечилди". Ишлаб чиқариш илғорлари, кўп йил меҳнат қилганлар, таътилга ва пенсияга чиқаётганлар хизматларига яраша яхшигина тақдирланадилар. Оилавий шароити оғирлар, беморлар, иссиқ-совуқ маъракалар - ҳамма-ҳаммаси эътиборда. Бу борада аниқ мисол ва миқдорларни келтириш рақамларни ҳаддан зиёд кўпайтириб юборади. Фақат учта рақамни айтамиз: ўтган йили беморлар 2 миллион сўмга яқин моддий кўмак олдилар, 130 пенсионерга 13,3 миллион сўм ички нафақа тўланди. Ёки бугун тармоғининг келажагини кўзлаб ёшларни ўз ҳисобидан ўқитаётган ташкилотлар кўп эмас. "Наманганэлектртармоқлари" бунинг ҳам уддасидан чиқмоқда. Ўтган йили энергетика мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган етти талабанинг контракт-тўлов шартномаси учун 1,2 миллион сўмга яқин маблағ ўқув юртлари ҳисобига ўтказиб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида вилоят энергетика тизими тобора такомиллашиб бормоқда. Ҳозир "Наманганэлектртармоқлари"даги компьютерлар сони олтмишдан ортиқ. Тезкор диспетчерлик хизматида вилоятдаги барча тармоқнинг бир чизиқли схемаси компьютерга киритилган. Телемеханик сигналларни кўп каналли адаптер ёрдамида компьютерга боғлаб, энергетиканинг ҳамма кўрсаткичлари назорат қилинмоқда. Шунингдек, ушбу дастур ёрдамида вилоятлараро ҳамда республикалараро электр энергияси оқимини назорат қилиш, барча маълумотларни график ҳолатда сақлаб қолиш имкони яратилди. Кейинчалик ушбу лойиҳа такомиллаштирилиб, оний ва исталган вақтдаги электр энергияси кўрсаткичларини топиш, олдинги (кундаги, ойдаги, йилдаги) рақамлар билан таққослаш мумкин бўлади.

Намангандаги истеъмолчи-аҳолининг тўлиқ маълумотлари компьютерга киритилиб, "Ўзбекэнерго" ДАК қошидаги "Бошқарув тизимларини автоматлаштириш" шўъба корхонаси томонидан ишлаб чиқилган махсус дастур (АРМ "АС-БЫТ") жорий қилинди. Унда ҳар бир истеъмолчининг абонент (мижоз) рақами, фамилияси, исми, манзили, имтиёзи бор-йўқлиги, электр ҳисоблагичининг ишлаб чиқарилган йили, номери, русуми, ўрнатилган санаси – бошқа кўплаб керакли маълумотлар мавжуд. Компьютерларда бошқа дастурлар ҳам кўп. Улар воситасида айрим корхона ё ҳудудларнинг истеъмол ҳисобини олиш, ҳар бир ходим ҳақида, унинг иш ҳақи хусусида билиш мумкин.

"Наманганэлектртармоқлари" ана шу жараёнда халқаро миқёсга чиқиб олди, десак муболаға эмас. Ўз янгиликларини узатиш, ҳамкорлар билан ахборот алмашиш мақсадида Интернет тармоғига боғланилган. Унинг сайти "http: //UznamElektrharod.ru", электрон почтаси "Nvelektr@rol.uz." "Ўзбекэнерго" ДАК, "Ўзэнергосотиш" шўъба корхонаси, саноат-қурилиш банки Наманган вилоят бўлими билан модем алоқаси ўрнатилгани ҳам жуда қўл келмоқда.

Натижада вилоят электр хўжалиги

ТАРАҚҚИЁТ

қуввати ортиб, кенгайиб, замонавийлашиб бормоқда. Биргина 2003 йилнинг ўзида жамоа маблағларидан 43

та ҳар хил қувватли трансформатор пунктлари сотиб олинди, 15 дона зўриқиш билан ишлаётган трансформатор қувватлироғига алмаштирилди. Ўтган йили 114 та янги истеъмолчи тармоққа уланиш учун техник шартлар олди. Жами 30 та 2673 кВт 3 тоифали, 1110 кВт 2 тоифали истеъмолчилар ва 6230 кВАга тенг 32 дона трансформатор пунктларига эга тармоққа уланиш рухсати берилди.

Энергетика тизимида ҳам барча нарсани инсон омили ҳал қилади. Ишчи-хизматчилар – махсус кийимбош, муҳофазаловчи ҳимоя воситалари билан тўлиқ таъминланган. Авариягa, ёнғинга қарши машқлар мунтазам ўтказилиб, 2003 йили буларда 1200 га яқин киши қатнашди. Ходимлар хавфсизлик бўйича синалиб, гувоҳнома олгачина ишга қўйилади. 987 та иш жойи бу борада текширилиб, ўнлаб нуқсонлар аниқланди ва бартараф этилди. Хавфсизлик техникасига риоя этиш бўйича белгиланган тадбирларга 35 миллион сўм харажат қилинди. Бунинг энг кўнгилли самараси шу бўлдики, йил давомида бирорта бахтсиз ҳодисага йўл қўйилгани йўқ.

Энергетика соҳасида техникавий атамалар кўп. Шунга қарамай "Давлат тили ҳақида"ги Қонунни бажаришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. 2003 йилда метрология ва стандартлаштириш режасига асосан барча низомлар, мансаб ва эксплуатацияга оид йўриқномалардан 37 таси давлат тилига ўгирилиб, қайта тасдиқланди. Бу борадаги ишлар муттасил давом этмоқда. Ҳозирги кунда 13 та туман ва шаҳар электр тармоқлари ҳақидаги низомлар, тезкор хизмат ишига доир йўриқномалар, барча зарурий кундалик ҳужжатлар тўлалигича давлат тилида юритилмоқда.

Бугун наманганлик нурчилар Наврўзи оламни нишонламоқдалар. Ушбу айём улар учун алоҳида қувончли. Негаки, энергетика учун жиддий синов бўлмиш қишки мавсум муваффақиятли якунланганлигининг ўзи ҳам бир байрам.

Рустамжон УММАТОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

АТИГИ ЮЗ САТР

"РЕПЕТИТОР КЕРАКМИ?"

Ўзбек тилимиз яна бир сўзга "бойиди". У ҳам бўлса "репетитор". Ажабмас, йиллар ўтиб бу сўз ўзбек тилининг изоҳли луғатидан жой олса. Лекин айни кунда сўзлашув истеъмолимизга кириб улгурган мазкур атаманинг маъносию уни кимларга нисбатан қўлланилишини бошланғич синф ўқувчилари ҳам яхши билишади. Кексалар эса уларни "Бизнесмен педагог"лар деб аташади. Хўш, улар нима билан "бизнес" қилишади? Албатта, картошка-пиёз биланмас. Тафаккурининг маҳсули – билимини "пуллашади". Баъзан уларнинг фаолиятини кузатиб, "қойил, яша азамат" дегинг келади. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам пулини ҳалоллаб олишяптими?

-Мен ўқувчиларимни ўқишга 100 фоиз киритиб қўяман, деб ваъда бераман-у, лекин уларнинг 90 фоизи "талаба" деган номга сазовор бўлишига ишонаман, - дейди репетитор С.Ваҳобов. – Чунки 6 йилдан буён шу касб билан шуғулланаётган бўлсам, мижозларим олдида уялиб қолган пайтим бўлмаган. Тўғри, ҳар йили 1-2 нафар бола киролмай қолиши мумкин. Бироқ келгуси йил албатта киришади. Боиси мен уларни тўтиқушдай "Ахборотнома"ни ёдлатиб пулини олмайман. Аксинча, "Ахборотнома"дан келиб чиққан ҳолда дастур тузаман, ўша асосида дарс ўтаман. Тестни эса ҳар бир ўқувчининг ўзи ечади. Шунинг учун бўлса керак, чекка туманлардан ҳам болалар келишяпти.

Очиғини айтиш керак, бугун репетиторлик қайсидир маънода ўз мижозларини топди. Унга ишонч ҳам ортиб боряпти. Акс ҳолда йилдан-йилга шаҳарларга келиб уларга ёлланиб ўқийдиганлар сони бунчалик кўп бўлмасди. Яқинда ана шундай "бизнесмен педагог"-ларда таҳсил олаётган бола билан гаплашиб қолдим. Сурхондарёдан келибди. Исми Баҳодир экан.

-Бир соат дарс учун 1500 сўм тўлаяпман, - дейди у.

Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, бир ойда битта фандан ўртача 10 соат дарс олган тақдирда 15 минг сўм бўлади. Энди бунга яна иккита фанни қўшинг (Чунки университет ёки институтга ҳужжат топширган абитуриент 3 та фандан тест саволларига жавоб беради-да). Фақат ўқиш учун нақд 45 минг сўм сарф этилаяпти. Унга яна ижара озиқ-овқат харажатларини қўшинг. Отнинг калласидай чиқим. Шунча харажатлар эвазига бахти чопиб ўқишга кирса хўп-хўп, киролмаса-чи? Хоҳлайсизми-йўқми, бундай ҳоллар ҳам учраб туради. Бир қишлоқдошимни биламан тўрт йилдан буён пойтахтда репетиторга қатнайди. Лекин ҳар йили абитуриент бўлади-ю, талаба бўлолмаяпти... Шу тобда ўйга толасан киши. Репетитор қишлоқларда керакми? Балки бу хизмат турини чекка қишлоқларда ҳам ташкил қилиш керакдир?

Саид РАҲМОНОВ

МАШАРИФ ОТА ҚУРДИРГАН МАКТАБ

Машариф ота Жўраевни йўқлаб ёхуд бирон бир тадбирга таклиф қилувчилар шу қадар кўпки, кези келганда уни ҳафталаб Найнаво қишлоғида тополмайсиз. Ёши 70 га бораётган отахоннинг авлод-аждоди чорвадор бўлган. У ҳам ота-боболари анъанасини эъзозлаб, қарийб 60 йил Олой ва Чотқол тоғларида Шаҳрихон туманидаги "Найнаво" хўжалиги қўй-кўзиларини бокди. Тоғу тошда сурув ҳайдаган одам беихтиёр отга меҳр қўяди, чавандозлик билан эл оғзига тушади. Машариф ота ҳам бундан истисно эмас. Ҳамон қариликка сўз бермаётган отахон наинки водий, республикамизнинг бошқа томонларида бўладиган кўпкари ўйинларидан қолмайди.

Иззат-икром билан пенсияга чиққандан сўнг Машариф ота бекорчиликка тоқат қилолмади. Ўзича ҳар хил режалар тузди. Нима биландир қиёслади, таққослади. Шундан сўнг бир фикрга келиб, фермер бўлишни ният қилиб, хўжалик раҳбарларига дардини ёрди.

-Сизга нима бўлди, чавандоз? – дейишди раҳбарлар. – Фермерчилик кенгликда от чоптириш эмас. Биз хўп, деб ер берсак, эртага унинг меҳнатига чидамасангиз чавандозликдан топган шуҳратингиз нима бўлади?

-Сиз менга ерни беринг, ишлаб кўрай. Эплай олмасам, Найнаводан чиқиб кетганим бўлсин!

Бугун ер берган раҳбар ҳам, ер олган чавандоз ҳам хижолатда эмас.

ЭЗГУЛИК

Машариф орият шу т и қ к и , чавандозда қадар қатҳ а м и ш а ҳамиятини сақлашга одатланган Машариф чўпон миришкор деҳқон бўлди-қолди. Шаҳрихонда илғор фермерлар ҳақида гап борса, биринчи галда "Таит" фермер хўжалиги эгаси Машариф ота Жўраев номи тилга олинади. Унинг қарамоғида 48 гектар ер бор. Хўжалигида пахта, дон, чорва озуқаси, гўшт ва сут етиштирилади. 2003 йил якунига бир назар ташласак: ҳар гектар ердан рекордаги 33 ўрнига 49,7 центнердан пахта йиғиб-териб олди. Ғалла ҳосилдорлиги 84,7 центнер бўлди. Етиштирган ғалласидан 68 тоннасини давлатга сотди. Шартномага мувофиқ 17,4 тонна сут, 2 тонна гўшт тайёрлов корхоналарига топширилди. Харажатлар чиқарилгандан сўнгги соф фойда 5,5 миллион сўм бўлди.

Катта арава қаёққа юрса, кичиги ҳам шу йўлни босади. Ўғил-қизлари, набиралари ҳам оталаридек бағри кенг, элга қайишимли фарзандлар. Машариф ота оилавий гурунгларнинг бирида маҳалласидаги болалар узоқроққа қатнаб ўқиётганликлари, айниқса қиш-қировли кунлардаги қийинчиликлар ҳақида сўз очди. Маҳалла ўртасида ташландиқ бўлиб турган жойга ҳеч бўлмаса бошланғич синфлар учун мактаб қуриб берсак, нимамиз камайиб қолади, деган савол ўртага чиқди ва уни ечишга келишилди.

Катталар бу маслаҳатга нафақат изн беришди, қўллаб-қувватлашди. Қарабсизки, 120 ўринли мактаб битди. Бу билан Машариф чавандоз хонадони қийналиб қолмади. Аксинча, барака ёғилди. Энди фермер маҳаллани йўлини яхшилашга ҳаракат қилиб юрибди.

Отахон билан ақалли бир марта суҳбатлашсангиз, савоб ишнинг дуоси қанчалар барака бераётганлигидан воқиф бўласиз. Ҳамиша юзида самимийлик нурдек ёғилиб турган отахон фермер бўлдим, деб чавандозликдан юз ўгирмади. Ҳамон саман оти билан атрофдаги сайилларда барчанинг ҳавасини келтириб юрибди. Машариф ота ўзининг эзгу иши билан болалар қалбида муҳрланди. Одамийлик ила ҳамкишлоқларига кўрсатган ҳиммати билан кўнгиллар шод бўлди. Бу гапларни сиз ҳеч қачон оғзидан эшитмайсиз, юз-кўзидаги мулойимликдангина ҳис эта олишингиз мумкин, холос.

Қобилжон АСҚАРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.
Х.АРАББОЕВ олган суратлар.

СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

Республикада ўтказилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар мамлакат банк тизимини ҳам кенг кўламда қамраб олиб, банкларга билдирилаётган ишончни янада ошириш орқали иқтисодиётнинг реал сектори ва истеъмол бозори инфратузилмасини тубдан тараққий топтиришга йўналтирилмоқда.

2003 йили Халқ банки муассасаларида банк фаолиятини универсаллаштириш ва уни янги поғонага кўтариш, банк стратегиясининг истиқболли мақсадларига эришиш ҳамда тизимни ислоҳ қилиш борасидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Ҳукумат қарорларининг ижросини таъминлаш борасида аниқ тадбирлар амалга оширилди. Банк капитали йил давомида 3,3 млрд. сўмга кўпайиб, 2004 йил 1 январ ҳолатига 14,0 млрд.сўмни ташкил этди. Шу жумладан, банк устав сармояси 7,9 млрд.сўмга шакллантирилди. Банк активлари ҳажми 70,1 млрд. сўмни ташкил этди.

Пул муомаласини барқарорлаштириш борасидаги Ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорларнинг ижроси таъминланди ва 2003 йил давомида 196,7 млрд.сўм миқдорида нақд пул тушумлари қабул қилиниб, уларни белгиланган тартибда тегишли жойларга ўтказиб бериш ёки банк мижозларининг биринчи талаби бўйича чиқим муомалаларини амалга оширилиши таъминланди.

Банк активларининг асосий қисми юқори ликвидли даромад келтирувчи активларга жойлаштирилди, шундан 15,8 млрд. сўм Давлат қисқа муддатли облигацияларини сотиб олишга, 1,0 млрд.сўм коорпоратив облигацияларга, 18,7 млрд. сўм Марказий банк ва бошқа банклардаги депозитларга, 12,2 млрд. сўм кредитларга, 2,9 млрд. сўм қимматбаҳо қоғозлар инвестициясига йўналтирилди.



Банк ресурс базаси йил бошига нисбатан 20,2 млрд.сўмга ортиб, 2004 йил 1 январ ҳолатига 70,1 млрд. сўмни ташкил этди. Бу миқдорнинг 62,5 фоизидан ортиғи аҳоли омонатлари, 37,5 фоизи эса банкнинг юридик шахслар ва хусусий тадбиркорларнинг бўш пул маблағларидан ҳамда банкнинг ўз маблағларидан иборат.

Аҳоли депозитларининг банк муассасаларидаги қолдиғи 2003 йил 1 январ ҳолатига кўра 30,9 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2004 йилнинг 1 январ ҳолатига келиб мавжуд омонатлар қолдиғи 43,8 млрд. сўмга етказилди. 2003 йилда банк ресурс базасини кенгайтириш мақсадида амалиётга жорий қилинган "Наврўз совғаси", "Наврўз", Тошкент шаҳрида жорий этилган "Пойтахт", ҳамда Ҳукуматимиз 2003 йилни "Обод маҳалла йили" деб эълон қилиниши муносабати билан жорий қилинган "Маҳаллам фахрим менинг" ютуқли, "Яхшилик ниҳоли" жамғарилувчи омонатларни ўз самарасини берди. Қўшимча равишда "Орзу" қисқа муддатли ютуқли, "Мукофот", "Хазина ", "Соврин", "Байрам тухфаси", "Тақдим этувчига" каби қисқа муддатли омонат турлари жорий этилди. Амалиётга жорий этилган янги омонатларга қисқа муддат ичида 7,8 млрд.сўмдан зиёд маблағ жалб қилинди.

Ҳисобот даврида иқтисодиётнинг реал сектори, шу жумладан, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш масалаларига кенг ўрин берилди. Жумладан, ушбу йўналишга йўналтирилган кредит қўйилмалари 2004 йилнинг 1 январ ҳолатига 12,2 млрд. сўмни ташкил этди. Кредит қўйилмаларининг 46,8 фоизини ёки 5,8 млрд. сўм кичик ва ўрта бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ташкил этди. Кредит қўйилмаларидан 1,4 млрд. сўм саноат, 1,6 млрд. сўм қишлоқ хўжалиги, 0,5 млрд. сўм қурилиш ҳамда маиший хизмат, 8,7 млрд. сўм эса бошқа тармоқларни ривожлантиришга йўналтирилди.

Банклараро молия бозоридаги қўйилмалар қолдиғи 2004 йилнинг 1 январ ҳолатига 18,7 млрд. сўмни ташкил этди. Бу билан иқтисодиётнинг реал сектори, давлат аҳамиятига молик лойиҳаларни молиялаштиришда банкнинг билвосита иштироки таъминланди.

Республика ҳукуматининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ талаба ва ўқувчиларга бевосита молиявий кўмак бериш ҳамда ўқув юртларида таҳсил олаётган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадларида ажратилган кредитлар қолдиғи 2004 йилнинг 1 январ ҳолатига келиб 502,2 млн. сўмга етказилиб, талабаларнинг тўлов-контракт суммалари бўйича тўлиқ ҳисоб-китоб операциялари Халқ банки кредитлари эвазига амалга оширилди.

Қўшимча равишда, банк томонидан фуқароларимизга таклиф этилган "Тўёна", "Комфорт", "Таъмирлаш" каби истеъмол кредитлари ҳисобидан янги тузилаётган ёш оилаларга тўй, тантана маросимларини ўтказиш, турли уй-рўзғор буюмлари ва бошқа анжомларни харид қилиш, шунингдек фуқароларга якка тартибда уй-жой қурилишини амалга ошириш имкониятлари яратилган бўлиб, банкнинг бу хизматларидан фойдаланаётган мижозлари сони тобора ортиб бормоқда.

Пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб қилиш механизми Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Фарғона, Хоразм, Сирдарё вилоят марказларида ва Тошкент шаҳрида жорий қилинди. Иш ҳақини электрон пластик карточкалар орқали тарқатиш лойиҳаси Бошқарувнинг Марказий Амалиётлар филиали ва Тошкент шаҳрининг 10 та филиалига татбиқ қилинди ва 2004 йилнинг 1 январ ҳолатига 2167 мижозларимиз иш ҳақларини пластик карточкалар орқали олмоқдалар. 2003 йил давомида пластик карточкалар орқали 8792,1 млн.сўмдан ортиқ операциялар амалга оширилди. Мижозларга қулайликлар яратиш мақсадида 23 та савдо ташкилотларида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун савдо терминаллари ўрнатилди.

Халқ банки аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган Ҳукумат дастурларининг амалга оширилишида фаол иштирок этувчи ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ягона банкдир. Хусусан, 2003 йил давомида кам таъминланган оилаларга 6,3 млрд. сўм миқдорида моддий ёрдам пуллари, 18 ёшгача болали оилаларга 75,4 млрд. сўм миқдорида "Болалар" нафақалари, ишлаб чиқаришда банд бўлмаган 2 ёшгача болали оналарга белгиланган 56,3 млрд. сўмлик нафақалар тарқатилди. Ҳисобот даврида тарқатилган нафақаларнинг умумий миқдори 138,0 млрд. сўмни ташкил этди.

Шунингдек, турли вазирлик ва идораларнинг 5,6 млрд. сўм миқдоридаги пенсиялари Халқ банки филиаллари орқали тарқатилди. "Индексация" махсус ҳисоб рақамларидан 961 минг нафар омонатчига жами 1,9 млрд. сўмдан ортиқ миқдордаги маблағларнинг ўз вақтида берилиши таъминланди.

Аҳолидан 35,3 млрд. сўмдан ортиқ миқдордаги уй-жой, электр энергиясидан фойдаланганлик учун ва бошқа тўловларнинг банк кассаларига кирим қилинганлиги бир томондан муомаладаги нақд пул массасининг банкка жалб қилинишида алоҳида ўрин тутган бўлса, иккинчи томондан эса маиший хизмат корхона ва ташкилотларга нисбатан бўлган қарзларнинг кескин суръатда камайтирилишига кўмак бўлди.

Халқ банки корпоратив мижозлар, корхона ва ташкилотлар, муассасалар, деҳқон фермер хўжаликлари, кичик ва ўрта бизнес субъектларига кўрсатилаётган банк хизматлари кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ушбу мақсадда жойларда банкнинг мини-банклари ташкил этилмоқда. Жумладан, ҳисобот даврида 46 та мини-банк ишга туширилди ва ҳозирда мижозларга намунали хизмат кўрсатиб келмоқда.

Банк фаолиятининг асосий йўналишларидан бирига айланаётган хорижий валюта билан ишлаш амалиётида ҳам бир қатор ютуқларга эришилди. Ҳисобот даврида фаолият кўрсатаётган 224 та валюта айирбошлаш шаҳобчалари орқали фуқаролардан 1107,7 минг АҚШ доллари ва 25,3 минг ЕВРО харид қилинди ҳамда 171,6 минг АҚШ доллари банк мижозларига сотилди.

Халқ банки Халқаро жамғарма банклари Ассоциацияси, "SWIFT" ва "WESTERN UNION" халқаро тўлов тизимларига аъзо бўлди. Бугунги кунда, республиканинг барча вилоят ва йирик шаҳарларида 40 та "WESTERN UNION" халқаро тўлов тизимини амалга оширадиган шоҳобчалар мижозларга хизмат кўрсатмоқда. Бу билан фуқароларга чет эл валютасидаги пул маблағларини жаҳоннинг исталган нуқтасига шунингдек, республикамизга ҳам ўтказиш имкониятлари яратилди. 2003 йил давомида 40000 га яқин фуқароларга ушбу йўналишда банк хизматлари кўрсатилди.

Ҳисобот даврида банкнинг халқаро нуфузини ошириш ҳамда жаҳоннинг умумэътироф этилган йирик молия институтлари билан ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида бир қатор ижобий ютуқларга эришилди. Халқ банки 2003 йил май ойида Испаниянинг Мадрид шаҳрида бўлиб ўтган Жаҳон Жамғарма банклари институтининг 20-Умумжаҳон Конгрессида иштирок этди. Конгресс давомида ушбу нуфузли ташкилот ва Халқ банки ўртасида тегишли музокаралар олиб борилди ҳамда унинг маҳсули сифатида жорий йилнинг 6 июнида Германиянинг Халқаро жамғарма кассалари Фонди билан ўзаро шериклик тўғрисида шартнома имзоланди. Мазкур шартнома Халқ банки тизимини ҳар томонлама ривожлантириш борасида техник ёрдам кўрсатишни назарда тутиб, лойиҳани татбиқ қилишнинг дастлабки босқичи сифатида Тошкент шаҳар филиалининг амалиёт бўлими таъмирланди ва фонд томонидан замонавий банк ускуналари билан қайта жиҳозланди ҳамда 2003 йилнинг декабрида намунали банкнинг очилиши таъминланди.

Қўшимча равишда, 2003 йилнинг декабр ойида Халқ банкининг малакали мутахассисларидан тузилган гуруҳ Германиянинг Жамғарма кассалари Академиясида ўз малакаларини ошириб келди.

2004 йили ҳам банк раҳбарияти томонидан банк фаолиятини универсаллаштириш ва уни янги поғонага кўтариш, банк стратегиясининг истиқболли мақсадларига эришиш ҳамда банк тизимини ислоҳ қилиш борасидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Ҳукумат қарорларининг ижросини таъминлаш, банкнинг барқарорлиги ва ишончлилигини ошириш борасида тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Халқ банки ўз номига муносиб равишда элимизга сидқидил хизмат кўрсатмоқда. Тизим ходимлари ўз фаолиятларини тобора такомиллаштириб, хизмат турларини кўпайтириб, замонавий воситалардан фойдаланган ҳолда дунё андозалари даражасига чиқиш учун астойдил интилмоқдалар.

Б.ЛУТФУЛЛАЕВ

***

Баҳтиёр АКРАМОВ олган суратлар.

Ўзбекистоннинг энг йирик ва универсал банкларидан бири

ХАЛҚ БАНКИ

Муқаддас юртимиз аҳли ва меҳмонларини Наврўз айёми билан самимий муборакбод этади. Сиз, азизларга тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик, дастурхонингизга қут-барака ва оилавий бахт тилайди.

Қалбингизни қувонч ҳеч қачон тарк этмасин. Юртимизда тинчлик, осойишталик доимо барқарор бўлсин.

Оллоҳ назари тушган юртимиздан тўкин-сочинлик ва қут-барака аслo аримасин!

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

САМАРҚАНД

Табиатда ажиб бир, уйғониш... Баҳор ёмғирининг шивир-шивир "қўшиғида" ҳам, ариқлардаги сувларнинг шилдирашида ҳам аллақандай сир бор. Эрта кўклам бодраб чиққан яшил майсалар-у, бойчечакларда, ялпиз-у отқулоқларда, кўзингизни яшнатиб очилган ўрикларнинг гулларида, ял-ял ёнган лолақизғалдоқларда – барча-барчасида сеҳр бор.

Табиатни яшнатиб, борлиқни уйғотиб, кўзингизни қувнатиб, қалбингизга тотли ҳислар ато этган бу фасли баҳор – Наврўзи олам.

Не-не жаҳонгирлар, азиз авлиёлар, олими фузалолар юрти Самарқандда бу йил баҳорнинг, Наврўзи оламнинг шукуҳи ўзгача. Қуйида ўзининг кўҳна, тарихий обидалари, маҳобатли бинолари билан дунёга танилган Самарқандининг бугунги салоҳияти ҳақида, яратиш ишқида ёнаётган бағрикенг, оддий заҳматкаш одамлари ҳақида ҳикоя қилишга жазм этдик.

"ГУЛОБОД" – ОБОД МАСКАН!

"Гулобод" – Самарқанд туманидаги энг илғор ширкат. Хўжаликда ҳар йили боғдорчилик, узумчилик, сабзавот ва чорвачиликдан юқори ҳосилдорликка эришилиб, катта даромад олинади.

2003 йили ҳам шундай бўлди. Олинган фойда ширкат ҳудудида яшаётган 1100 нафар аҳолининг турмуш шароитини яхшилади. Кўп хонадонларда тўйлар бўлиб ўтди. Хўжалик ҳудудидаги қишлоқларнинг ободлиги, 100 фоиз табиий газ, ичимлик суви билан таъминлангани ҳам иқтисоднинг яхшилигидан далолат. Хўжаликдаги 4 та қишлоқ аҳолиси учун 4 та мактаб, 4 та боғча, 2 та қишлоқ врачлик пункти, хуллас, барча қулайликлар мавжуд. Одамлар билан суҳбат асносида шу нарса маълум бўлдики, ҳамма гап меҳнатда, меҳнатни тўғри ташкил эта олишда экан.

-Гапимни хушомадга йўйманг, дилимдагини айтаяпман. Хўжалигимиз доимо ютуқларга эришиб келаётганининг асосий сабаби, раҳбарларимизнинг ташаббускор, ташкилотчилигида, - дейди аъзолардан бири. – Бу ерда Маҳмуд ака Ўроқов 15 йил – 1988-2003 йилларда раислик қилди. Хўжаликни ҳар томонлама ривожлантирди. "Республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими" унвонини олди. 2003 йилда бу вазифага ўғли Хуршид Ўроқов сайланди. Буни қарангки, от ўрнини той босар деганлари жуда тотиб айтилган экан. Х.Ўроқов ҳам яхши раҳбар, ҳам яхши инсон сифатида хўжаликда ўзини кўрсатмоқда.

Дарҳақиқат, Маҳмуд Ўроқов ҳозир ҳам қараб ўтиргани йўқ. Хўжаликдаги чорвачилик-наслчилик фермасида мудир. Фермада 170 бош наслли қорамол мавжуд бўлиб, шундан 80 тасини соғин сигирлар ташкил қилади. Энг муҳими, чорвачилик ҳам хўжаликка барака келтираяпти.

Бу айтганларимиз "Гулобод"даги хайрли ишлардан айримлари, холос. Айни пайтда бу обод масканда кўкламги дала юмушларига қизғин киришилган.

ПРОМЕТЕЙ БЎЛОЛМАСАК ҲАМ...

Антик адабиёт тарихини ўқиганлар яхши билишади. Кўп худоликка ишонилган ўша даврда одамлар оловсиз қолиб қийналганида, уларга оловни ўғирлаб бериб, яхшилик қилгани учун Прометей занжирбанд қилиниб, тоққа қўл-оёқларидан михланади. Шундай қилиб, у миф ва афсоналарда олов худоси сифатида талқин этилади.

Бугунги кунга келиб ҳам ҳаётимизни оловсиз – аниқроғи, "зангори олов" дея таърифланган газсиз тасаввур этиш қийин. Самарқанд вилояти ҳудудий газ таъминоти корхонаси жамоаси ҳам ўз зиммасидаги масъулиятли ва машаққатли вазифаларни астойдил бажаришга интилаяпти. Бу ҳақда шу корхона директори Шавкат Усмонов шундай дейди:

-Айни Наврўз айёми арафасида ўтган йил якунларини ва жорий йил шу пайтгача амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилдик. Натижаларга эътибор беринг.

Самарқанд вилоятида 2004 йил 1 январ ҳолатига кўра жами 485049 хонадондан 419080 таси газлаштирилган. Жумладан, қишлоқ жойларда 321784 та хонадондан 260824 таси газлаштирилган. Вилоятда газлаштириш даражаси 86,4 фоизни, шунингдек, қишлоқ жойларда 81,1 фоизни ташкил этади.

2003 йил мобайнида жами 58,4 километрлик ҳар хил диаметрлик газ тармоқлари қурилиб, ишга туширилди. Ушбу ишларни бажариш учун жами 929,7 миллион сўм маблағ сарфланган. Шундан биргина Самарқанд аҳолисини газ билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида жами 10 километрлик газ тармоқлари қурилиб, бунга 124,8 миллион сўм маблағ сарфланди. Яъни, шаҳарнинг Саттепа масканида, Лев Толстой кўчасида, Хисрав кўрғонида, Дўстлик массивида, Сиёб тумани Кайрава кўчасида газ таъминотини яхшилаш мақсадида турли ҳажмда газ тармоқлари қурилди.

Бундай ишларни Пахтачи, Булунғур, Қўшработ, Каттақўрғон ва бошқа туманларда ҳам амалга оширдик. Эътиборли томони шундаки, ажратилган маблағларни тежаш ва қурилган газ тармоқларининг хизмат муддатини ошириш мақсадида вилоятда ҳудудий газ корхонаси томонидан қурилган газ қувурларининг 20 километрдан ортиғроғи чидамли пластмасса қувурлари билан бажарилди.

Шунингдек, "Самарқандгазтаъминот" шўъба корхонаси томонидан газ ҳисоблагичлар ўрнатиш бўйича 136 та бригада жалб этилиб, бу борада тезкор ишлар олиб борилди ва ўтган йили яхши натижаларга эришилди. Хуллас, жамоада Наврўз байрами ана шундай меҳнат ютуқлари билан кутиб олинди. Бугунги айёмда корхонага қарашли барча жамоаларда байрам дастурхонлари тузалади. Теннис, шоҳмот, шашка, волейбол бўйича мусобақалар ўтказилади. Жамоада ишлаб, нафақага чиққанлар холидан хабар олинади. Кам таъминланган оилаларга совға-саломлар юборилади. Шу куни корхона ўз оталиғидаги Самарқанд шаҳар 6-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига Наврўз дастурхони тузаб, уларга совғалар улашади.

Корхона 1-синфдан бошлаб, доимий равишда оталиққа олган 10-Болалар уйида тарбияланиб, бугунги кунда касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётганлардан Азиз Султонов ва Дилноза Қодироваларнинг ҳар бирига ойига энг кам иш ҳақининг уч баробари миқдорида стипендия тўлаяпти. Бундай хайрли ишларни амалга ошириш корхонада одат тусига айланган.

Бунинг учун жорий йилда техниканинг умрини узайтиришга асосий эътиборни қаратганмиз. Ҳар бир тумандаги МТПда республикамиз ва Ҳамдўстлик мамлакатларида ишлаб чиқарилган техникаларга алоҳида, хорижий давлатлардан келтирилган техникаларга алоҳида техник қаров ўтказиш бўлимлари, сервис хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этилган.

Айниқса, бу борада Иштихон туман машина трактор паркида биринчилардан бўлиб, барча қулайликларга эга техник сервис маркази ишга туширилди. Яъни, бу ерда 2001 йилдан буёғига келтирилган барча турдаги - ҳайдов, чопиқ, транспорт тракторларига хўжалик рақамлари белгиланиб, шу рақамлар бўйича улар маълум мотосоат ишлагач, техник қаров ўтказилади. Техника двигателларининг мойи алмаштирилади. Бундан ташқари техник сервис марказида ифлосланган мотор мойларини 80 даражадан ҳароратда тозалаб берадиган махсус ускуна ишга туширилди.

Эътиборли томони шундаки, ана шундай барча қулайликларга эга замонавий сервис хизмати кўрсатадиган марказлар барча туманлардаги МТПларда мавжуд. Бундан ташқари ҳар туманда кўчма сервис хизмати кўрсатадиган махсус машиналар мавсумга шай қилиб қўйилди.

Оддий қилиб айтганда, далада бузилган техника учун энди ортиқча асаббузарлик, вақт йўқотиш, сарф-харажат бўлмайди. Жойларда бузилган техникалар узоқ вақт бекор туриб қолмайди, вақтида тузатилади. Энг муҳими, техникани тузатишдан кўра, уни ўз вақтида қаровдан ўтказиш чоралари кўрилади.

ДЕҲҚОНГА ҚЎЛ-ҚАНОТ, МАДАДКОР...

Баҳор бошланса, Наврўз келса, деҳқон ризқ яратиш ишқида қадрдон даласига ошиқади. Ана шундай бир пайтда, яъни айни иш қизиганида баъзан техниканинг бир ишкали чиқиб қолади. Қаеридир бузилади, иш шартта тўхтайди. Техникани тузатиш учун вақт, югур-югур, қанчадан-қанча асаббузарлик, сарф-харажат дегандай...

-Ана шундай ҳолатда вақтни йўқотмасдан, асабни бузмасдан, ортиқча ташвишларсиз муаммони ҳал этишнинг иложи бор, - дейди Самарқанд вилоят машина трактор парклари бирлашмаси очиқ турдаги акционерлик жамияти раиси Олим Аҳадов. – Олис тоғлар ва қир-адирлар бағридаги туман – Қўшработнинг кичик бир гўшасида "Самарқандгеология" корхонасига қарашли Зармитан дала геология қидирув экспедицияси жойлашган. Бу жамоа Наврўз айёмини ўзига хос меҳнат ютуқлари ила кутиб олди.

Айниқса, хазинатопарлар 2003 йилда яхши натижаларни қўлга киритдилар. Улар Ғужумсой, Мавлон, Товчиноқ, Қоровулхона – Қоратош, Болғали – Темиркон каби майдонларда махсус қидирув-баҳолаш ишларини олиб боришди.

-Ўтган йил 1 миллиард 272 миллион сўмлик ишлар бажарилди. Бу эса 2002 йилга нисбатан 88 фоиз кўп иш қилинганини англатади, - дейди Зармитан дала геология экспедицияси бошлиғи Юсуф Мўминов. – Даромад ҳам шунга яраша бўлди. Энг эътиборлиси, олинган фойда ишчи-хизматчиларнинг турмуш тарзини яхшилашга қаратилди. Экспедициядаги 600 нафар ходимнинг ўртача ойлиги 60-65 минг сўмни ташкил қилаяпти.

Ҳар бир ходим ёки ишчи ойлик маошидан ташқари ишлаганига яраша ҳар чорак якунида ва байрамларда икки-уч ойлик миқдорида мукофот пули билан тақдирланади. Таътилга чиққанида бир ойлик миқдорида моддий ёрдам ажратилади. Ўтган йили геологларнинг "Чотқол" санаторийсида даволаниш ва дам олиши учун 8 миллион сўм тўланди. Бемор бўлиб касалхонада даволанганларга 400 минг сўм, геологиядан нафақага чиққанларга 1 миллион 403 минг сўм, Хотира ва қадрлаш кунида уруш қатнашчилари ҳамда уларга тенглаштирилганларга 1 миллион 200 минг сўм, Наврўз байрамида қарияларга 482 минг сўм, юбилей ёшини нишонлаганларга 245 минг сўм, 69 нафар касб касаллигига йўлиққанларга 22 миллион 887 минг сўм, меҳнат таътилига чиққанларга 10 миллион 786 минг сўм берилди.

Энг эътиборлиси, экспедиция раҳбарияти ёш авлодни таълим-тарбиялаш йўлидаги саъй-ҳаракатга муносиб ҳисса қўшаётир. Яъни, геологлар қўрғончасидаги мактаб ва боғчани таъмирлашда доимий равишда оталиқ ёрдамини кўрсатиб келаяпти. Келгусида

МЕҲР-МУРУВВАТ ИЛА ГЎЗАЛДИР ҲАЁТ...

САЛОҲИЯТИ

кадрлар заҳирасини яхшилаш мақсадида геология соҳасида контракт асосида ўқиётганларга ўтган йили 10 миллион сўм пул ташкилот ҳисобидан кўчирилди.

Ҳа, бир сўз билан айтганда, ушбу корхонада инсон омилига кучли эътибор берилаётгани боис, ютуқлар салмоқли бўлаяпти.

ЭЛ ВА ЕР ДАРДИНИ АНГЛАБ...

Жомбой туманидаги Х.Низаматов номли ширкат хўжалиги раиси Аваз Эргашевнинг ўтган йили кузда "Ўзбекистон Қаҳрамони" бўлганини кўпчилик яхши билади. Қаҳрамон бош бўлган хўжаликда айни пайтда ҳам ишлар қизғин. Хўжаликда 730 гектар майдонга "Крошка", "Уманка", "Одеска", "Зенахидка" каби истиқболли ғалла навлари экилиб, парваришланаяпти.

Ўтган йили хўжаликда ғалла

нини кўпайтиришга ҳаракат қиляпмиз. Яқинда ҳам ўзимизда ишлаб чиқарилган турли русумдаги 3 та янги трактор олдик.

Хўжалик раҳбари иккита оддий нарсани – ер ва эл дардини яхши англаши керак. Ер дарди – яхши ишлов, ўғит, алмаштириб экиш. Айниқса, иложи борича, маҳаллий ўғит. Хўжалигимизда чорвачилик фермаси борлиги туфайли бу борада бирмунча ишимиз осонроқ кечаяпти. Эл дарди эса моддий манфаатдорлик, меҳнатига яраша мукофот.

Дарҳақиқат, хўжалик ҳудудидаги қишлоқлар аҳли барча қулайликларга эга. Хўжаликда 2 та ҚВП, 1 та маданият уйи, 2 та кутубхона, хуллас, барча-барчаси мавжуд. Ичимлик суви ва газ билан тўлиқ таъминланган.

ОҚДАРЁ: ЭЗГУЛИКНИНГ АДОҒИ ЙЎҚ

Эзгуликнинг адоғи йўқ экан. Оқдарё туманида амалга оширилаётган эзгу ишларни кўриб, ана шундай хулосага келдик.

Кўп йиллардан буён "Оқдарё" ширкат хўжалиги раиси бўлиб ишлаб келаётган Ниятқобил Умаров жамоасида ўтган йили ҳам кўпгина хайрли ишлар амалга оширилди. Ғаллачилик, пахтачилик, чорвачиликдан жами 324 миллион сўм даромад қилиниб, 60 миллион сўм соф фойда олинди. Кам таъминланган оилаларга 400 минг сўмлик, Оқдарёдаги Меҳрибонлик уйига 500 минг сўмлик ёрдам берилди, 50 нафар энг яхши ишлаган ширкат аъзоси республиканинг турли шаҳарларига, зиёратгоҳларга саёҳатга олиб келинди.

Энг қувончлиси, хўжаликнинг Тортувли қишлоғида хўжалик ҳисобидан катта стадион қурилди. Қаровсиз ётган, ташландиқ бино ҳашар йўли билан таъмирланиб, Оқдарё қишлоғи маҳалла биносига айлантирилди. Эрта баҳорда 7000 туп терак, 5000 туп тут, 2000 туп мевали дарахт экилди.

МЕҲНАТ – ЭНГ ЯХШИ ТАВОБ

Меҳр-мурувват, савоб ишлар ҳақида ўйлаб кўрсангиз, ҳалол меҳнат қилишнинг ўзи хайрли иш экани хаёлингизга келади. Оқдарё туманидаги "Янгиқўрғон" ширкат хўжалиги ҳудудидаги Арпа қишлоғида 28 ёшли тадбиркор Жамол Эсонов амалга ошираётган ишлар ҳам таҳсинга лойиқ. "Ташаббускор ёшлар" деган ном бежиз берилмаган. Ёш тадбиркор ҳозирда 3 та ғалла комбайни, 2 та трактор, 2 та ғалла сепгичи, 2 та ўзиюрар машина, 2 та юк машинаси, 1 та автобус, 1 та "Нексия" автомобилига эга. Ёш тадбиркор ҳозирда 3 та ғалла комбайни, 2 та трактор, 2 та ғалла сепгичи, 2 та ўзиюрар машина, 2 та юк машинаси, 1 та автобус, 1 та "Нексия" автомобилига эга.





ҳосилдорлиги ўртача 54 центнердан ошган эди. Шу туфайли 879 нафар ширкат аъзосига 1400 тонна ғалла тарқатилганди. Пахтачиликдаги ютуқлар янада салмоқли бўлди. Давлатга 889 тонна ўрнига 1030 тоннадан зиёд пахта сотилиб, режани 116 фоизга уддалаган ушбу хўжаликда 105 фоиз "оқ олтин" 1-навга, 142 минг сўмдан сотилиб, катта фойда олинди. Қўшни тумандаги иқлим шароити бир хил бўлган хўжаликларда баъзилар 5 нав пахтани аранг 20 минг сўмдан сотишиб, зарар кўришди.

-Раҳбар сифатида хўжалик мулкини асраб-авайлашга эътибор бериб, режаларни ошириб бажариб, катта фойда олганимиз туфайли аъзоларимизнинг турмуш шароити яхшиланиб бораяпти, - дейди Аваз ака суҳбат чоғида. – Яна бир муҳим жиҳати, даромад туфайли янги техникаларимиз сотилиб, ишлаб чиқаришимиз кенгайиб, ишсизлик муаммоси ҳал этилмоқда.

МУРАББИЙЛАР МАСКАНИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан қурилган Оқдарё педагогика коллежи 2002 йил ўз фаолиятини бошлади. Бу даргоҳда бугунги кунда 486 нафар талаба таҳсил олишмоқда.

Коллежда энг билимдон, маданиятли, тадбиркор ва зукко ўқитувчилар ёшларга билим беришади. Ўқув даргоҳидаги фан кабинетларида замонавий асбоб-ускуналар мавжуд. Улар энг сўнгги давлат таълим стандартларига жавоб бера оладиган тарзда жиҳозланган. Коллеж кутубхонасида дарслик ва бадиий адабиётлар етарли. Бундан ташқари коллежда 1 та компьютер синфи, 30 дона "Зингер" русумли тикув дастгоҳи мавжуд.

-Бизда ўқинг, уқинг, касб эгалланг, азиз ёшлар, - дея чорламоқда йигит-қизларни коллеж директори С.Саъдуллаев.

ЎҚИГАН, УҚҚАН ЮТАДИ!

1953 йил Тошкент машинасозлик техникуми филиали сифатида иш бошлаган, 1997 йил 7 январдан буёғига Самарқанд саноат-иқтисод коллежига айлантирилган ўқув даргоҳининг номи яна ўзгарди. Аниғи, шу йилнинг 20 февралидан бошлаб автомобил ва йўллар коллежига айлантирилди. Унда 7 та йўналиш: "Автомобил транспортида ташишни ташкил этиш ва ҳаракатни бошқариш", "Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш", "Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг ҳуқуқий ва маъмурий фаолияти", "Менежмент", "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит", "Ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолияти", "Саноат корхоналари электр жиҳозлари ва ускуналари" мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрланади.

Ушбу коллеж Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими вазирлигининг 1999 йил 15 майдаги 37-сонли қарорига асосан Самарқанд, Жиззах, Сурхондарё вилоятларининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув юртлари ўртасида бозор иқтисодиёти асосларини жорий этишда минтақавий марказ ҳисобланади.

Коллеж ўқувчилари жисмоний тарбия ва спорт соҳасида юқори натижаларга эришмоқдалар. Жумладан, тай-бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари, халқаро тоифадаги спорт усталари, тай-бокс бўйича Ўзбекистон ва Осиё чемпиони А.Жўраев, тай-бокс бўйича республика чемпиони, АҚШда ўтказилган мусобақа чемпиони ва халқаро мусобақалар совриндори Н.Ҳожиёров, муай-тай бўйича Ўзбекистон чемпиони ва халқаро мусобақалар ғолиби С.Қодиров, муай-тай бўйича республика чемпиони ва Жанубий Кореяда ўтказилган халқаро мусобақа ғолиби С.Тагиевлар коллеж жамоасининг фахридир.

Коллежда 200 талабага мўлжалланган ётоқхона мавжуд, у бугунги талабларга жавоб беради. Кутубхонада 36 мингга яқин ўқув, услубий ва бадиий адабиётлар, дарсликлар мавжуд. Дарсдан бўш вақтларда талабалар коллеж қошида ташкил этилган тўгаракларга қатнашадилар. Маънавият ва маърифат маркази томонидан йил мобайнида турли-туман тадбирлар мунтазам ўтказилиб турилади.

Коллежда бизнес мактаби, спорт, фан тўгараклари, компьютер саводхонлиги, чет тилини ўрганиш, халқаро юк ташувчи ҳайдовчилари курслари ташкил этилган.

ИЛМ ВА БИЛИМ ҚАДРИ

Самарқандда айни дамда амалга оширилаётган хайрли ишларнинг саноғи кўп. Айниқса, шу йил "Универсиада-2004" спорт мусобақаларининг ўтказилиши муносабати билан кўрилаётган тайёргарлик ишлари, қурилаётган кўплаб спорт иншоотлари, қишлоқларда обод ва фаровон маҳаллаларнинг кўпайиши барча-барчаси қалбингизни қувонтиради, дилингизни яйратади.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, илмий салоҳияти жиҳатидан республикада катта мавқега эга Самарқандда олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтлари олимлари ҳамда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан "Фан – ишлаб чиқаришга" дастури асосида семинар тақдимот маросимлари ўтказилаётганлигидир. Бундан мақсад ишлаб чиқаришни фан-техника ютуқлари асосида ривожлантиришдир. Айни пайтда олимлар фақат аудиториялар ва лабораториялар билан чекланиб қолмасдан, заҳматкаш инсонлар қаторида бўлишга, далалар, яйловларга боғ-роғларга чиқиб фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини янада ривожлантиришга, юрт тараққиётига қўшаётган ҳиссаларини кўпайтиришга бел боғладилар.

Саҳифа материалларини Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, Салоҳиддин ҲАЙИТОВлар тайёрлашди. Суратларнинг муаллифлари: Тоҳир НОРҚУЛОВ, Рустам ҲАЙИТОВ.

ОЧЕРК

КОСОНСОЙЛИКЛАРДАН БИРИ

Косонсойга баҳор эрта келди.
Бодом аллақачон гулини тўккан.
Тоғ ёнбағирлари, дала-қирлар этагидаги адоқсиз ўрикзорлар чаппар уриб гуллаб ётибди.
Буғдойзорлар ям-яшил бўлиб, селкиллаб турибди.
Деҳқон даласи бошига кўч-кўрони билан кўчиб чиққанига ҳам анча бўлиб қолди.
Ер текисланяпти. Пушта олиняпти. ҳар бир пайкал тепасига ғарам-ғарам маҳаллий ўғит жамғариляпти.
Олди хўжаликлар, фермерлар плёнка остига чигит экишни ҳам бошлаб юборишди.
Ариқларда бўтана сув ўзанига сиғмай, ошиқиб югуради.
Баҳор офтоби елкаларни силаб-сийпалайди.
Бугун кўклам гаштини сурмоқчи, табиат гўзалликларини ўз кўзингиз билан кўрмоқчи, содда, танти, фидойи деҳқон билан диллашмоқчи бўлсангиз Косонсойга келинг.

...Жалолхон ака Дадахонов билан кечаги "Дўстлик" ширкат хўжалигининг қир-адирлари бағридаги Ёшлик мавзейида учрашдик. (Кечаги деганимиз боиси бу йилдан хўжалик ерлари юз фоиз танлов асосида фермерларга бўлиб берилибди)

Жалолхон ака "Тадбиркор" фермер хўжалигининг раҳбари. Эллик, эллик беш ёшлар чамасидаги, дурқун гавдали, оқ сариқдан келган, очиқ чеҳрали киши. Бугуннинг одами. Хўжалигини "Тадбиркор" деб аташи ҳам бежиз эмас. У киши тадбиркорликка Косонсойда биринчилардан бўлиб қўл урганлардан.

Бўрдоқичилик корхонасида ишларди Жалолхон ака. Ўзи ҳам чорвага, деҳқонга ошно одам. Шунинг учун ҳам ширкат тарқатилиб кетганда, ҳеч иккиланмай, ўзи ишлаган корхонани олишга ҳаракат қилди. Ҳозир ҳам ўша ерда ишлаётган одамларнинг кўпчилиги ширкат даврида ҳам бирга ишлаган, бир-бирларини яхши биладиган кишилар.

-Сизни яхши биламан, Жалолхон ака, - деди, - унда-бунда гаплашмаган бўлсак ҳам таъриф-тафсифингизни кўп эшитганман. Бу адирларни қандай қилиб ер тусига киритганингизни ҳам хабардорман.

Жалолхон ака дастурхон четини ҳимариб кўзини ердан узмай ўтирди. Гапнинг даромадини кутди.

-Ҳу, этакдаги далаларни кўряпсизми, - деди ҳоким Жалолхон ака эътибори билан боқиб. - Ўша жойдаям онам билан ер тимдалаб, кеча-кундуз даладан бери келмай ишлаб, бир норма ўрнига ўн норма бажариб, қора қозонини қайнатиб, биз фарзандларини ўқситмай-камситмай тишларида тишлаб катта қилганлар.

"Ўқситмай-камситмай" дейман-у... Якин-яқингача ҳам бизни "қулоқ"нинг боласи, "қулоқвачча" дейишарди. Тўртта одам бор жойга ўзимизни уришдан тийилиб турардик, тўй-тўйчиққа қадамимиз тортмасди.

...Раҳматли Дадахон акани бир умр "колхўз"да ишлаб бири икки бўлмади. У бир умр ўз ери бўлишини, ўша ерда бола-чақаси билан ишлаб, кўри-кутли бўлишини орзу қилиб, армон билан ўтди.

Отасининг умрининг охирги дақиқаларида шифтга тикилиб ётиб айтган сўзлари, сўлғин чеҳрасидан оқиб тушган икки томчи ёш Жалолхоннинг кечагидек кўз ўнгида, қулоғида:

-Афсус, минг афсус, - деганди ўшанда надомат билан отаси. - Қанча еримиз, боғ-роғларимиз, ҳовли-жойларимиз бор эди... Энди бўлса... Хотинимнинг уйида ўляпман...

Шу топда Жалолхон ака Кампиртўда адирида, ўзи ўзлаштирган ям-яшил пайкал тепасида туриб, узоқ-узоқлардаги далаларга, ҳоким ҳозиргина тилга олган Ёшлик мавзейига разм ташларкан ана шуларни ҳаёлидан ўтказди. Отасининг армонли сўзлари юрак-юрагини ўртаб ўтди. "Дадажон, бобожон,-деди беихтиёр, - қани, энди тирик бўлсаларингиз. Сизлар орзу қилиб ўтган кунлар келди..."

-Жон чекмасанг жонона қайда, тоққа чиқмасанг дўлона қайда, деганлар, - дейди Жалолхон ака. – Шунақа. Ер қадрини унинг бир парчасига зор бўлиб ўтган бизнинг ота-боболаримиздан сўранг эди. Мана биздан сўрасангиз ҳам бўлади. Ахир мустақилликкача, яқин-яқингача ҳам оддий бир деҳқоннинг ўзи пешона тери тўкиб, ризқ-рўзи ундирадигани бир қариб ерга ҳадди сиғармиди?

Тирикчилик тошдан қаттиқ. Дадам раҳматли билан ҳар йилги эрта баҳорда Косонсойни ташлаб, мардикор ишлагани довон оша Тошкент тарафларга кетардик. Кеч кузгача бировларнинг эшигида ўлиб-тирилиб ишлаб қишлигимизни жамғариб қайтардик.

Мана энди қаранг. Бир гектар эмас, икки гектар эмас – юз етмиш гектар ернинг ҳаммаси меники. Менга қарайди!

Косонсой ерлари, айниқса бизнинг қахрамонимиз меҳнат қилиб, йил сайин чиройини очаётган Ёшлик мавзейи баланд-паст қир-адирликлардан иборат. Бу ерларда деҳқончилик қилиш, қўлланган ҳосилни олиш осон эмас. Аммо, камина-ку ҳамроҳлик қилаётган деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси туман вакиллиги директори Ёқубжон ака Мамажонов-нинг гувоҳлик беришича, Жалолхон ака Дадахонов тасарруфидаги ернинг ярмига пахта, ярмига ғалла экиб, ҳар йили ҳам шартнома режаларини ошиғи билан бажариб келмоқда экан. Деҳқончилик учун бир мунча мураккаб келган ўтган хўжалик йилида ҳар гектар ғалладан 50 центнердан, ҳар гектар пахтадан эса 21 центнердан ҳосил олибди. Оз эмас – кўп эмас, нақд 14 миллион сўм соф фойда олишга эришибди.

Мен кўпроқ ана шу ютуқларнинг омили билан қизиқаман.

-Ерга меҳр, ерга ишлаш! Бошқа сабаби йўқ,-дейди Жалолхон ака.-Ер ҳам тирик организм. Тили йўқ холос. Берсангиз беради. 10 тонна ҳосил олиш учун 20 тонна озуқ бериш керак. Озуқ нима? Минерал ўғит эмас, албатта. Гўнг,жижа, фикал. Тупроқни бойитадиган, ҳосилга ҳосил қўшадиган асосий омил шу. Яна чиринди, бегона тупроқ. Бегона тупроқ , девона тупроқ, деб қўйибдилар. Ҳеч йўқса, тупроғини алмаштириб қўйсангиз ҳам сиғилаверади ер.

Деҳончиликка, айниқса, пахтачиликка эътибор ошди. Ҳудди шу эътибор керак эди пахтага. Мен сизга айтсам, қўполликка йўйманг-у ғўза "гар"га ўхшайди. У томонга ўттандаям, бу томонга ўттандаям бир тегиб ўтмасангиз ҳосил бермайди. Бундайин эътиборталаб зироат дунёда йўқ. Мана бу йил камида 65 центнердан ғалла, 25 центнердан пахта оламиз деб турибмиз. Меҳнатимиз ҳам шунга яраша. Ҳозиргача ерга 100 тоннасини маҳаллий ўғит бердик. Яна 80 тоннасини жамғариб, компост қилиб қўйибмиз. Бундан ташқари жижа, фикал. Бизда ғаллага ҳам пахтага ҳам сув қуруқ қўйилмайди. Шарват ўраси орқали ўтади.

Пахтанинг нархи ошди. Деҳқоннинг қадр-қиммати жойига қўйиляпти. Энди пахтачиликни янада ривожлантириш учун яна бир нарсага эътибор бериши миз керак. Нимага дейсизми? Алмашлаб экишга. Пахта билан беда, пахта билан яна тупроқни донадор қилиб бойитадиган дуккакли экинлар алмашлаб экишга ўтишимиз керак..

Ёшлик мавзейи, Жалолхон ака далалари қўклам офтобида тобланиб ётибди. Буғдой майсалари қуёш нурида ямяшил бўлиб товланади, солланиб ётади. Бир қисм майдонларда эса пушта олиняпти.

-Жиз-бизида юз фоиз пушта устига қўшқатор экамиз, - дейди қахрамонимиз.

-Ўтган йилги даромаддан "Нексия" олгандирсиз? - ўсмоқчилайман.

-Йўқ, ҳали енгил машина олишимизга эрта, - дейди Жалолхон ака. – Иккита янги МТЗ-80 трактор сотиб олдик. Шу билан техникаларимиз бешта бўлди. Яна юк машиналаримиз, ишчиларимизни далага олиб бориб олиб келгани автобусимиз бор...

Жалолхон ака фермер хўжалиги механизатори Аскарали Султонов, сувчилардан Юнусжон Юсупов, Мўминжон Бойбобоев, ҳисобчи Раҳматилла Алихўжаевлар номини фахр билан тилга олади. "Меҳнат қилаётганлар шулар" дея қўшиб қўяди.

Хайр-саховат ишлари ҳақида сўраймиз.

-Бусиз бўлмайди, пулдан закот, деҳқончиликдан ушр, деган жойи бор, - дейди фермер.

Ёқубжон ака секин шипшийди:

-Ўтган йили аъзоларига 35 тонна, маҳаллага 5 тонна ғалла тарқатдилар. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 450 минг, бир кўзи ожиз беморни операция қилдиришга 250 минг сўм ўтказиб беришди. Янги қурилаётган мактабни оталиққа олишган...

-Туманимизда Жалолхон акага ўхшаган илғор фермерлар кўп, - дейди Ёқубжон ака. - Аввалги йили битта хўжаликни тўлиқ фермер хўжалигига айлантирган бўлсак, ўтган йили "Дўстлик" хўжалиги тўлиқ фермерлар ихтиёрига ўтди. Бугунда туманимизда 215 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатяпти. Улар туманимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Айниқса, "Тошкент", "Дилшод", "Фарходбек", "Истиқбол", "Алпомиш", "Турсунхонобод", "Чиндовул", "Сафо" фермер хўжаликлари ҳақида ҳар қанча мақтаниб гапирсак арзийди.

Жалолхон ака бизни катта йўлгача кузатиб чиқди.

-Чигитни экиб олганимиздан кейин бир келинглар, меҳмон бўлинглар! – таклиф қилди у хайрлашаётиб.

Косонсой, кўҳна Кушон.
Тарихий юрт.
Бу шаҳар, унинг қишлоқлари истиқлол йиллари таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди.
Бугун бу ерда 144 минг аҳоли истиқомат қилади.
Бугун Косонсойда "Косонсойтекстел", "Санoатчи", "Атласмен" каби ўнлаб корхоналарида қирқдан зиёд турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.
Туманда сўнгги уч йил ичида турли йўналишдаги 8 та коллеж қайтадан реконструкция қилинди ва қурилди. Қишлоқ ва маҳаллаларда қанчадан қанча спорт соғломлаштириш муассасалари қад ростлади.
Шаҳар марказидаги ҳазрати Маҳдуми Аъзам мақбарасида эса сўнгги пардозлаш ишлари кетяпти.
Косонсой гўзал шаҳар, гўзал юрт.
Бу юртдаги ўсиш, ўзгаришни ҳар қадамда сезиш мумкин.
Қайтаётиб ўйладим.
Нега Косонсой бу қадар гўзал, файзли, кўркли, тароватли?
Ва саволимга жавоб топгандек бўлдим. Косонсойнинг гўзаллиги, файзи-тароватини боиси унинг Жалолхон ака Дадахоновдек мард, фидойи ўғлонлари борлигида.
Ҳа, шундоқ.

Ортиқали НОМОЗОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Ҳотамжон МАМАДАЛИЕВ олган сурат.

ончиликка ишқибоз эди. Эшигидан бир жуфт сигир билан ўн-ўн беш бош ҳисори қўй узилмасди. Чорва бўлгандан кейин, қараганингиздан кейин кўпайгандан кўпаяркан. Хаш-паш дегунча етти бош мол қирқ бошга етди. Шунча жониворни бокишнинг ўзи бўлади дейсизми?

Жалолхон ака хўжалик раҳбари ҳузурига юкиниб борди. Озуқа экиш учун кўп эмас – бир гектар ер сўради. "Иби, бир гектар! - эсхонаси чиқиб кетаёзди раисиннг, - бир сотихни гапирсангизчи, биродар, бир сотихни! Йўқ, бир қарич ҳам беролмайман! Ер давлатники!"

"Давлат ким, биз эмасми?" зардаси қайнади Жалолхоннинг. Аммо дилидагини тилига чиқармади. "Кампиртўдадан ўзим ер очсам нима дейсиз?" деди. Раис унга "мия-пияси айниб қолмаганми буни" дегандек бошдан-оёқ ғалати қаради. "Адирдан-а?" "Адирдан". "У ерни қандай текислайсиз-у, сувни қандай олиб чиқасиз, нақд осмонда-ку?!" "Бўғинги бизга қўйиб беринг!" "Узингиз биласиз..." Раис шундай деди-ю, қайрилиб кетди. Афтидан "эси оғган одам" билан гаплашишни ўзига эп кўрмади.

Жалолхон ўғил-қизлари, қуёвлари, жиянлари билан эртаси тонг саҳар Кампиртўда адирларига қапа тикди. Алладқайдан бир бузуқ булдозерни топиб келиб, тузатиб ишга солди. Мол-қўйининг бир қисмини сотиб, сув насоси, қувур олди. Адирни қаричма-карич ўзлаштиришга тушди. Келгуси кўклам унинг Кампиртўдадаги даласи адир бағрига ям-яшил гилам тўшалгандек узоқ-яқиндан кўзга ташланиб қолди. Бу орада республикамиз Мустақилликка эришиб, Жалолхон ўзи ўзлаштирган ерларда "Тадбиркор" фермер хўжалигини ташкил этди.

Бундан уч йил аввал, худди ана шундай эрта кўклам кунларининг бирида Кампиртўдага туман ҳокими Убайдулла Маматов Жалолхон акани йўқлаб борди. Бунгача ҳокимни унда-бунда, йиғилишларда, бирров кўрганди-ю, ҳеч гаплашмаганди у. Ҳар бир сўзини ўйлаб, мулоҳаза қилиб айтадиган, босиқ, вазмин, мағизли-мулоҳазали йигит экан Убайдуллахон. Камтар, камсуқумлигини айтинг.

Жалолхон ака шошганича ичкаридан ҳисобчининг биттагина стулини олиб чиқиб, офтобрўйга қўяётганди, ҳоким уни қайтарди. Ҳозиргина аъзолар туриб кетган омонат сўрининг бир чеккасига чордона қуриб ўтира қолди. Фотиҳа ўқиб, оила аъзоларининг тинч-омонлигини сўради. Жалолхон ака уялиб-қимтиниб дастурхонга қўйган суви қочган нондан бир бурда еб, у узатган қумғон чойни мактаб-мактаб ичди. Кейин мақсадга кўчди:

-Жон топда Жалолхон ака Кампиртўда адирида, ўзи ўзлаштирган ям-яшил пайкал тепасида туриб, узоқ-узоқлардаги далаларга, ҳоким ҳозиргина тилга олган Ёшлик мавзейига разм ташларкан ана шуларни ҳаёлидан ўтказди. Отасининг армонли сўзлари юрак-юрагини ўртаб ўтди. "Дадажон, бобожон,-деди беихтиёр, - қани, энди тирик бўлсаларингиз. Сизлар орзу қилиб ўтган кунлар келди..."

-Жон чекмасанг жонона қайда, тоққа чиқмасанг дўлона қайда, деганлар, - дейди Жалолхон ака. – Шунақа. Ер қадрини унинг бир парчасига зор бўлиб ўтган бизнинг ота-боболаримиздан сўранг эди. Мана биздан сўрасангиз ҳам бўлади. Ахир мустақилликкача, яқин-яқингача ҳам оддий бир деҳқоннинг ўзи пешона тери тўкиб, ризқ-рўзи ундирадигани бир қариб ерга ҳадди сиғармиди?

Тирикчилик тошдан қаттиқ. Дадам раҳматли билан ҳар йилги эрта баҳорда Косонсойни ташлаб, мардикор ишлагани довон оша Тошкент тарафларга кетардик. Кеч кузгача бировларнинг эшигида ўлиб-тирилиб ишлаб қишлигимизни жамғариб қайтардик.

Мана энди қаранг. Бир гектар эмас, икки гектар эмас – юз етмиш гектар ернинг ҳаммаси меники. Менга қарайди!

Косонсой ерлари, айниқса бизнинг қахрамонимиз меҳнат қилиб, йил сайин чиройини очаётган Ёшлик мавзейи баланд-паст қир-адирликлардан иборат. Бу ерларда деҳқончилик қилиш, қўлланган ҳосилни олиш осон эмас. Аммо, камина-ку ҳамроҳлик қилаётган деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси туман вакиллиги директори Ёқубжон ака Мамажонов-нинг гувоҳлик беришича, Жалолхон ака Дадахонов тасарруфидаги ернинг ярмига пахта, ярмига ғалла экиб, ҳар йили ҳам шартнома режаларини ошиғи билан бажариб келмоқда экан. Деҳқончилик учун бир мунча мураккаб келган ўтган хўжалик йилида ҳар гектар ғалладан 50 центнердан, ҳар гектар пахтадан эса 21 центнердан ҳосил олибди. Оз эмас – кўп эмас, нақд 14 миллион сўм соф фойда олишга эришибди.

Мен кўпроқ ана шу ютуқларнинг омили билан қизиқаман.

-Ерга меҳр, ерга ишлаш! Бошқа сабаби йўқ,-дейди Жалолхон ака.-Ер ҳам тирик организм. Тили йўқ холос. Берсангиз беради. 10 тонна ҳосил олиш учун 20 тонна озуқ бериш керак. Озуқ нима? Минерал ўғит эмас, албатта. Гўнг,жижа, фикал. Тупроқни бойитадиган, ҳосилга ҳосил қўшадиган асосий омил шу. Яна чиринди, бегона тупроқ. Бегона тупроқ , девона тупроқ, деб қўйибдилар. Ҳеч йўқса, тупроғини алмаштириб қўйсангиз ҳам сиғилаверади ер.

Деҳончиликка, айниқса, пахтачиликка эътибор ошди. Ҳудди шу эътибор керак эди пахтага. Мен сизга айтсам, қўполликка йўйманг-у ғўза "гар"га ўхшайди. У томонга ўттандаям, бу томонга ўттандаям бир тегиб ўтмасангиз ҳосил бермайди. Бундайин эътиборталаб зироат дунёда йўқ. Мана бу йил камида 65 центнердан ғалла, 25 центнердан пахта оламиз деб турибмиз. Меҳнатимиз ҳам шунга яраша. Ҳозиргача ерга 100 тоннасини маҳаллий ўғит бердик. Яна 80 тоннасини жамғариб, компост қилиб қўйибмиз. Бундан ташқари жижа, фикал. Бизда ғаллага ҳам пахтага ҳам сув қуруқ қўйилмайди. Шарват ўраси орқали ўтади.

Пахтанинг нархи ошди. Деҳқоннинг қадр-қиммати жойига қўйиляпти. Энди пахтачиликни янада ривожлантириш учун яна бир нарсага эътибор бериши миз керак. Нимага дейсизми? Алмашлаб экишга. Пахта билан беда, пахта билан яна тупроқни донадор қилиб бойитадиган дуккакли экинлар алмашлаб экишга ўтишимиз керак..

Ёшлик мавзейи, Жалолхон ака далалари қўклам офтобида тобланиб ётибди. Буғдой майсалари қуёш нурида ямяшил бўлиб товланади, солланиб ётади. Бир қисм майдонларда эса пушта олиняпти.

-Жиз-бизида юз фоиз пушта устига қўшқатор экамиз, - дейди қахрамонимиз.

-Ўтган йилги даромаддан "Нексия" олгандирсиз? - ўсмоқчилайман.

-Йўқ, ҳали енгил машина олишимизга эрта, - дейди Жалолхон ака. – Иккита янги МТЗ-80 трактор сотиб олдик. Шу билан техникаларимиз бешта бўлди. Яна юк машиналаримиз, ишчиларимизни далага олиб бориб олиб келгани автобусимиз бор...

Жалолхон ака фермер хўжалиги механизатори Аскарали Султонов, сувчилардан Юнусжон Юсупов, Мўминжон Бойбобоев, ҳисобчи Раҳматилла Алихўжаевлар номини фахр билан тилга олади. "Меҳнат қилаётганлар шулар" дея қўшиб қўяди.

Хайр-саховат ишлари ҳақида сўраймиз.

-Бусиз бўлмайди, пулдан закот, деҳқончиликдан ушр, деган жойи бор, - дейди фермер.

Ёқубжон ака секин шипшийди:

-Ўтган йили аъзоларига 35 тонна, маҳаллага 5 тонна ғалла тарқатдилар. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 450 минг, бир кўзи ожиз беморни операция қилдиришга 250 минг сўм ўтказиб беришди. Янги қурилаётган мактабни оталиққа олишган...

-Туманимизда Жалолхон акага ўхшаган илғор фермерлар кўп, - дейди Ёқубжон ака. - Аввалги йили битта хўжаликни тўлиқ фермер хўжалигига айлантирган бўлсак, ўтган йили "Дўстлик" хўжалиги тўлиқ фермерлар ихтиёрига ўтди. Бугунда туманимизда 215 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатяпти. Улар туманимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Айниқса, "Тошкент", "Дилшод", "Фарходбек", "Истиқбол", "Алпомиш", "Турсунхонобод", "Чиндовул", "Сафо" фермер хўжаликлари ҳақида ҳар қанча мақтаниб гапирсак арзийди.

Жалолхон ака бизни катта йўлгача кузатиб чиқди.

-Чигитни экиб олганимиздан кейин бир келинглар, меҳмон бўлинглар! – таклиф қилди у хайрлашаётиб.

МЕНДА ТАКЛИФ БОР

АЁЛ ФАОЛ БЎЛСА...

Республика "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази директори Васила Каримова жамиятимизда аёллар фаоллиги хусусида сўзларкан, уларнинг сиёсий бохабарлик даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилган тадқиқот хусусида шундай деган эди:

-Оддий мисол. Тўй-ҳашамларни ихчамлаштириш борасида Президент Фармони ва унинг ижроси амалда қандай ўз аксини топаётгани масалалари юзасидан аёллар ўртасида тушунча қай тарзда шаклланганлиги билан қизиқдик. Республика миқёсида ўтказилган сўров натижалари шуни кўрсатдики, 45,5 фоиз аёллар бу Фармонни эшитган бўлишса, шундан 18 фоизи тўй-хашамларни ихчамлаштириш заруратини қисман тушунадилар. 25 фоиз аёллар ушбу Фармон ҳақида оммавий ахборот воситалари (кўпроқ телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар) орқалигина билганлар-у, аммо бу хусусда жўяли тушунчага эга эмаслар.

Таассуфки, аёлларимизда – 18 ёшга тўлар-тўлмас турмушга чиқиб, ёлғиз оилага боғланиб қолганларини-ку, айблаб бўлмайди, бироқ зиёли, жамият ижтимоий ҳаётида иштирок этаётганларида ҳам – сустлик, бепарволик кузатилади.

Сўнгги пайтларда ёшларимизнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларда фидойиликни юксалтириш, муҳими, жамиятда юз бераётган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, қўйингки, барча жабҳадаги ўзгаришлардан бохабарлик ва буларга ўз муносабатини билдира олишдек эркин фикрлиликни шакллантириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Аммо бу мақсадга интилиш жараёнида биринчи галда аёлларни фаоллаштириш зарур, назаримизда. Чунки оила жамиятда бош бўғин эканлиги, оилада камол топаётган бола тарбиясига, дунёқарашининг шаклланишига эса она – аёл масъуллигини эътибордан четда қолдира олмаймиз.

Эътибор қилинг, бугунги кунда аксар аёлларимизда илғорлик, шижоат у ёқда турсин, айтайлик, ўз маҳалласида ёки кишлоғида қад ростлаётган бирон ишлаб чиқариш объектининг эртага ўзининг ҳаёти, маҳалладош ёки кишлоқдошларининг турмуши яхшиланишига қай даражада таъсири катталигини хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Уларнинг эрта-ю кеч ташвишлари эса...

-Боламнинг туфлиси эскирган, янги олиб бериш керак...

-Кудамиз сўнгги русумдаги мебел бўлсин, деяпти, пул топиш керак...

-Янаги ҳафтада йиғин қилмоқчи эдим, неча хил овқат қилсам экан-а?..

Шу тарзда аёлларимиз кўпроқ турмуш ташвишларига ўралашиб қоляптилар. Хўш, бунинг учун кимни айбламоқ керак?

Мамлакатимизда аёллар муаммолари билан шуғулланувчи, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва мавқеларини тиклаш, умуман, жамиятда аёлларни фаоллаштириш бош мақсади хисобланган бир қанча давлат ва нодавлат ташкилотлар фаолиятига кенг йўл очилган. Демак, аёлларимизни фаоллаштиришга улар асосий масъулдирлар. Аммо ҳақиқатда эса... бу ташкилотларнинг ходимларини телевизорда кўрсатилаётган дилбар аёллар иштирокида ўтаётган тадбир ёки долзарб масалага бағишланган йиғилиш ва бўларда қуйиниб-ёниб муаммоларни санаётган ҳолда кўрамиз, холос. Айниқса, жойларда ўз мақомига эга хотин-қизлар қўмиталари негадир қуруқ тадбирларни ўтказиш билан чегараланиб қолаётгандек... (Бу ҳолат сабабларини излаш эса бошқа масала).

Айтмоқчи бўлганимиз, аёл - у уй бекасими ёки ўқитувчи, у раҳбарми ёки фермер – жамият ҳаётида фаол бўлса! Фарзандларининг моддий эҳтиёжлари учунмас, баркамоллиги учун ҳам қайғурсалар! Бир сўз билан айтганда, аёл юрт олдида масъуллигини, бу масъулликни нафақат фарзанд тарбиясида, оилада, балки ўз билими, истеъдодига таянган ҳолда иш фаолиятида ҳам ҳис этса! Аёлларда бундай фаолликни шакллантириш учун хотин-қизлар қўмитаси ёхуд бошқа нодавлат ташкилотлардан фарқли ўлароқ, дейлик, ҳар бир маҳалла қошида аёллар клублари ташкил этилса. Бу клубларга мутахассислар жалб қилиниб, сиёсат, ҳуқуқ, иқтисод, маънавият йўналишларида ойда бир ёки икки марта аёллар учун соатлар ажратилса. Муҳими, ҳар бир аёл ўз ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда мамлакатда содир бўлаётган ўзгаришлар, қолаверса, дунё микёсидаги янгиликлардан бохабар бўлиб борса.

Тафаккур олами бой, дунёқараши баланд аёл тарбиясини олган фарзандга эса боқибеғамлик, лоқайдлик ёт бўлиб, аксинча, онасида кўрган фидойилик ҳиссини англаб етади.

Г. БОБОБЕКОВА,
ТДИУ катта ўқитувчиси.

ЁРУҒ МАНЗИЛНИ КЎЗЛАГАН КАРВОН

Очиғи, истеъмолчи сифатида яна шуни таъкидлашни истардикки, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган бу сут маҳсулотлари, дейлик, кальций, тўйинган углеводларга бой, алоҳида дид ва замонавий кўринишда. Аксинча, уларданда ишончли ҳамда янгидир. Бироқ хориж маҳсулотлари-ку, майли, ўз маҳсулотларимизнинг сотувдаги баҳоси кишини бироз ҳижолатга солади. Масалан, 200 мл "Nestle" сути 200 сўм, "Bo"stonliq-sut" қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган 300 мл "Тоғ кефири" 350 сўм, 200 мл сметана 450 сўм ва ҳоказо.

Қишлоқ жойлардаги аксар хонадонларда чорва моллари борлиги, сут ва сут маҳсулотларига эҳтиёж шаҳарникидек баланд эмаслиги маълум. Аммо юқоридаги ҳолатда шаҳар аҳолиси атиги 200 мл "Nestle" сути ўрнига 200 сўмга уй оралаб сут-қатиқ сотаётган аёллардан 1 литр сутни, 350 сўмлик 300 мл "Тоғ кефири" ўрнига 1 литр қатиқни 250 сўмга сотиб олишни афзал билиши табиий.

Бу номутаносибликка барҳам бериш, бозорнинг "темир" қонуни – талабга яраша таклиф ҳозиржавоб бўлмоғи учун дўконларимизни бугунги истеъмолчи истаги – арзон ҳамда сифатли сут ва сут маҳсулотлари билан тўлдириш, бу йўлда сутни қайта ишлайдиган субъектларни кўпайтириш лозим.

Тўғри, ҳозир республикамизнинг ҳар бир туманида чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалигини ташкил этиб, иш юритаётган тадбиркор борки, имкониятидан келиб чиқиб, кичик цех кўринишида бўлса-да, сут ва гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш билан фаолият кўламини кенгайтиришга интилаяпти. Аммо ишлаб чиқараётган маҳсулотлари истеъмолчи талабига жавоб бермай, пештахталарда қолиб кетадиган нохуш ҳолатга дуч келаётган тадбиркорларимиз ҳам йўқ эмас. Улар бу соҳада иқтисодий кўрсаткичлари жадал суръатда ошаётган замонамиз ишбилармонлари борлигини инкор этмаган ҳолда турли тўсиқлару муаммолар ичида ўз интилишлари сўнаётганига ургу беришади. Лекин хўроз ҳамма жойда бир хил қичқиради, дейди доно халқимиз. Айтмоқчимизки, изланиш, интилиш бор жойда тўсиқлару муаммолар учраши табиий. Фақат уларни енга билиш билан олға илгарилаш мумкин.

Сўлим Фарғонанинг Ўзбекистон туманидаги мустақиллик билан тенгдош "Умид" фермер хўжалиги бу борада ибрат ва ҳавас қилгуликдир.

Ўтган ўн икки йил давомида "Умид" фермер хўжалиги то бугунги даражага етгунига қадар анча чиғириқлардан ўтишига тўғри келган. Даставвал бир неча бош қорамолу бир неча ўн гектар экин майдонига эга бўлган хўжалик барча машаққатларни ортда қолдириб, тўрт йилдирки, унинг қошида ташкил этилган сутни қайта ишлашга йўналтирилган мини-завод орқали ўз даромад манбаини мустаҳкамлаб бормоқда.

Дарвоқе, фермер хўжалигида шунингдек, 2003 йилда музқаймоқ цехи, колбаса цехи ҳамда биолак тайёрлаш цехи ҳам ишга туширилди.

Эътибор қилинг, фермер хўжалигининг 1998 йилда эришган соф фойдаси 2 миллион 341 минг 500 сўмни ташкил қилган бўлса, ўтган йили ўсиш диаграммаси 62 миллион 500 минг сўмга етди. Бу ранг-баранг, бежирим қадоқланган сут ва сутдан тайёрланган маҳсулотлар (қатиқ, сариёғ, қаймоқ, пишлоқ, йогурт, творог, сметана сингари)ни кўриб, кўзингиз қувонади. Бу маҳсулотлар юксак сифатга эгалиги, муҳими, уларнинг маълум фоизи юртимизда тадбиркорларимиз томонидан ишлаб чиқарилганлигининг гувоҳи бўлиб, мамнунлик ҳис этасиз.

қамлар ортида эса қанчалар заҳмат ётганини тасаввур этиш қийин эмас. Айниқса, ҳар бир қўлга киритиладиган ютуқ биринчи галда чинакам тадбиркорлик фазилатига эга раҳбар уқувига боғлиқлигини ҳисобга олсак, "Умид" фермер хўжалигининг 1998 йилда эришган соф фойдаси 2 миллион 341 минг 500 сўмни ташкил қилган бўлса, ўтган йили ўсиш диаграммаси 62 миллион 500 минг сўмга етди. Бу ранманида эса 500 дан ортиқ ташкилотлар борлиги; улар таркибида болалар боғчалари, лицей-интернатлар, мурувват уйлари, шифохоналару қариялар уйлари, шу билан бирга турли юридик идоралар, хусусий фирмалар ва аҳоли хўжаликларининг ушбу сифатли ва баҳоси "чўнтак кўтарадиган" сут маҳсулотлари билан мунтазам таъминланиб келинаётгани сўзимиз исботидир.

Фермер хўжалигининг иқтисодий кўрсаткичлари ошиб боришида ғалла, пахта, картошка сингари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, мини-заводда сутни қайта ишлаш, қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бирга автохизмат кўрсатиш ҳам етакчи омил бўлиб ҳисобланмоқда.

"Умид" фермер хўжалигининг бугунги кунда 90 нафар ишчиси бўлиб, ҳар бир ишчининг ўртача иш ҳақи 50 минг сўм қилиб белгиланган. Шунингдек, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ишчиларга доимий равишда қўшимча ёрдам пуллари ҳам бериб келинади.

Асли касби зоотехник, уни таниганбилганлар таърифига кўра, тиниб-тинчимас - Имомали Назаров раҳбарлик қилаётган ушбу фермер хўжалиги фаолиятида таҳсинга лойиқ яна бир жиҳатни эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Бу ҳам бўлса, хўжаликнинг ижтимоий ҳимоя таъминотига, хайрия ишларига алоҳида ёндашиб келаётганлигидир. Чунончи, Ўзбекистон туманида деярли барча мактаблар, боғчалар, шифохона ва меҳрибонлик уйига моддий ёрдам бериш, боқувчисини йўқотган қарияларга хайр-эҳсон қилиш, айниқса, ҳар йили фермер хўжалиги жойлашган Яккатут қишлоғида кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари олийгоҳларда контракт асосида ўқишлари учун катта миқдорда маблағ ажратишдан ташқари кўпчилик тадбиркорларга намуна бўлгулик яна бир хайрли ишга қўл урилган.

Бир йилдан ошдики, фермер хўжалиги қошида болалар спорт клуби ташкил этилиб, ҳозирда 150 нафардан ортиқ қишлоқ ёшлари бокс, каратэ, теннис спорт турлари бўйича бепул таълим олмоқдалар. Клуб қошида компьютер курси, рус ва инглиз тили курслари ҳам очилиб, қишлоқ ёшлари фермер хўжалиги ҳисобидан ўқитилмоқда.

Бундан англаймизки, "Умид" фермер хўжалиги иқтисодий манфаатдорлик йўлида жонбозлик кўрсатиш билан чегараланиб қолмай, балки ўз фаолиятида мурувват, саховат янглиғ инсонийлик тамойилларини устувор санаш, соғлом авлодни камол топтиришга ҳисса қўшиш каби эзгуликларни ҳам дастуриламал қилган.

Бу эса карвоннинг узоқ ва ёруғ манзилни кўзлаганлигидан, карвон сарбонининг эса фидойилигидан дарак беради. Шундаймасми?

Фарида МАҲКАМОВА

БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР

САДОҚАТ

Ишдан қайтган Жамол турмуш ўртоғи билан ширингина суҳбатлашиб ўтирарди. Кенжатойи расмлар альбомидан қандайдир конвертни олиб чиқиб, унга узатди-да, "бу нима, дада?", деб сўради. Қадрдон хатни кўлига оларкан, хотинига ўйчан қаради ва ўтмишнинг гоҳ ширин, гоҳ аччиқ хотиралари хаёлидан бир-бир ўта бошлади.

Улар бир қишлоқда, кўшни ҳовлиларда туғилиб ўсишган, бир синфда ўқишган, бир-бирини бошқалардан қизғаниб улғайишган. Ҳарбийга кетаётганида учрашишиб, узоқ суҳбатлашишган, хайрлашаётиб дастликлари муҳаббатга айланиб улгурганини ҳис қилгандай бўлишганди. Хат ёзишиб туришди. Мактубларда секин-аста севги оловининг оташи уфура бошлади.

Тасодифми ёки ишқ имтихони учунми, ишқилиб кўнгилсиз ҳодиса юз берди. Ҳар гал қишлоқдан хат келганида севинчи ичига сиғмай кетадиган йигит энди бағри-дили эзиладиган, жавоб ёзишга ўзида куч топа олмайдиган бўлиб қолди. Ниҳоят, безовта саволлар, гина-кудуратлар билан тўла бир даста хатга биргина жавоб ёзишга қатъий азм этди:

"Азизим, мени кечир, энди сенинг тенгинг эмасман, бир кўзимдан ажралиб қолдим. Тўрт мучаси соғ йигитга турмушга чиқиб, бахтли бўлишингни истайман. Тақдир экан, мен розиман, Сен ҳам рози бўл". Кўп ўтмай жавоб келди: "Рози эмасман. Мен фақат сизни деганман. Ҳали-ку бир кўзингиз экан, худо асрасин-у, кўл-оёқларингиздан ажралганингизда ҳам ўзгани демасман. Ўзингизни менинг олдимда айбдордек сезаётган бўлсангиз қаттиқ янглишасиз. Мабодо фикрингизда қаттиқ турадиган бўлсангиз, мен ҳам бир кўзимни ҳудога топшираман".

Жамол қишлоғи Кумушкентга қўшдай енгил келди. Тўйлартўйларга улашди. Оилада бирин-кетин ширин-шакар фарзандлар туғилди. Бугун вафо асосига қурилган оилага кўпчилик ҳавас қилади.

Садоқат "намунча ўйга кўмилмасангиз дадаси, хатни ким ёзган экан ўзи", дея зрининг қўлидаги қоғозни олди. Қараса...

Аста эрига разм солди, у жилмайиб турарди. Шу топда, ростн гап, уни бундан ўн беш йил аввалги Садоқатдан ҳам қизғанди. Ич-ичидан бошимизга омон бўлсин-да, дея дуо қила олди, холос.

Ўктам ҚУРБОНОВ

ҚАРЗ

Шопўлат Жумаев – фермер. Туманда машҳур. Режадан оширади. Пахтасию чорваси, ғаллаю шолиси мўл. Бойлиги кўп. Тўртта машинаси, битта тегирмони бор. Ва битта нуқсони... Айби шу: ўта хасис. Зиқнанинг зиқнаси. Ёрдам сўраганлар билишади.

Якинда бир воқеа бўлди-ю...

Тўрамурод ўтин қиламан, деб... дарахтдан йиқилиб тушди. Тўғри... туман ошиб, Шеробод марказига дўхтирга борди... Аҳволи яхшиланди. Оғриқ йўқ. Уйга қайтди... Икки ойдан сўнг ногоҳ иситмаси кўтарилди. Ҳолдан тойди. Термизга олиб боришди. Врач кўп дориларни ёзиб берди: "Даволанмасангиз бўлмайди", деди. У қийналиб... тоғаси Шопўлат фермерга келди. Қарзга ўттиз минг сўм пул сўради. Фермер бакира кетди:

-Ҳамманг пул сўрайсан... Касалман дейсан... етмаяпти дейсан... Пул борми? Қани пул?! Кеча ҳам қайним келибди, бугун сен, эртага яна бировинг... Ма, ўттиз минг... ма! Лекин бир ойда қайтарасан! Бўлмаса "процент" қўяман...

Тўрамурод ноилож... пулни олди. Лекин юраги аламга тўлди. "Нега сўрадим, нега?" Кўп ўтмади. Тўрамурод оғирлашиб қолди... Термизга "реанимация"га тушди... Аҳволи соат сайин ёмонлашаверди. Кузига ўлим кўринди. Онасини чақирди:

-Тоғ... тоғам... нинг... пули... ни бе-ринг... Қар... зи... ни... бу-гун бе-ринг... Бугун...

Тўрамуроднинг жони узилди. Чеккада Шопўлат фермер бир қоп муздай бўб турибди...

Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ

"ҲАСАН КОЛБАСА"

Қишлоғимизда Ҳасан исмли амаки бор. Содда. Ишонувчан. Бироқ у кишига: "Дўконга колбаса келибди", десангиз тутоқиб кетади; лақаби – колбаса. Аҳли қишлоқ: "Ҳасан колбаса", деб чақиради.

Ҳасан амакининг Сорибой деган дўсти бор. Жуда ҳазилкаш. Шумгина.

Наврўз куни томорқасига уруғ сочаётган Сорибойни эрталабдан Ҳасан ака йўқлаб келди. Қараса, Сорибой зўр бериб уруғ сочаяпти, ошнасига парво ҳам қилмайди.

-Ҳой, нима экаяпсан?

-Колбаса!

-Бу нима деганинг? Қўлингдаги пиёз уруғи-ку.

-Пиёз эмас, колбаса. Хорижда ўқийдиган жияним олиб келди.

-Колбаса ҳам ерда ўсадими? – таажжуби ортди Ҳасанбойнинг.

-Телевизор кўриш керак. Америкада колбаса дарахтини кўрсатишди-ку... Ана шунинг уруғи бу!

Ҳасан амакининг ҳайрати ошди. Ялинди. Ёлворди. Йиғламоқдан бери бўлди: "Менга ҳам шу уругдан озгина бергин..."

-Бўпти. Ҳеч кимга айтма. Кечқурун кел, - деди Сорибой.

Наврўзнинг эртаси Ҳасан ака ҳам хурсанд ҳолда томорқасига Сорибой бериб юборган мошга ўхшаб кетадиган, лекин қоп-кора уруғ қадади.

Кунлар ўтди. Сорибой уни кўрганда кулимсираб қўярди. Бошқалар тугул хотини, болалари сўраса ҳам томорқага нима экканини Ҳасанбой айтмади. Ҳосилни кутиб юраверди.

"Кўчат"лар одам бўйи бўлди. Бангидевонага ўхшаб ўсди. Бир ойдан сўнг экин "гуллади". "Энди колбаса бўлади", деб ўйлади содда Ҳасанбой. Яна бир ой ўтди. Қишлоқда гап тарқалди: "Ҳасанбой уйига бангидевона экибди".

Чиндан ҳам унинг ҳовлисини бангидевона босиб кетди. Сассиғига атрофидагилар чидай олмай қолди. Газабланган Ҳасанбой икки туп бангидевонани олиб Сорибойникига югурди. Ҳовли эшигини зарб билан тепиб сўкина бошлади. Оғзига келган гапни қайтармади.

Ичкаридан эса Сорибой бамайлихотир жавоб берарди:

-Эй, шу десанг хорижликлар алдабди-да. Мана менинг томорқамда ҳам пиёз униб чиқди. Сеникида бангидевона. Хафа бўлма, келаси йили, албатта, колбаса уруғини топиб бераман, - деди ҳовли эшигини очмасдан қитмирона оҳангда.

Ҳасанбой дарғазаб бўлиб сўкина-сўкина орқага қайтди.

Мақсад ОРЗИЕВ

БУХОРО

Бу муқаддас тупроққа бир бора келишга орзуманд не-не инсонлар бор дейсиз дунёда. Кўҳна шаҳар сиру синоатлари, осору атиқалари сайёҳлару турли даражадаги меҳмонларни ўзига ром этгани ҳам бор гап. Истиқлол бутун юртимиз қатори мамлакатимизнинг тенгсиз бир гўшаси, меҳвари саналган Бухорога ҳам ажиб бир эркинлик шабадасини олиб кирди. Барча жабҳада янгиланиш, ўзгаришлар бошланиб кетди. Ўнлаб йирик саноат корхоналари, ўқув масканлари, ҳашаматли коллеж бинолари қад кўтарди. Бухоро дарвозалари чет эллик сайёҳлару меҳмонлар учун очиб қўйилди. Барча жойда мулк эгасини топаётир ва бу ўз мевасини бермоқда. Эҳ-е, айтаверса тугамайди. Ва бу қутлуғ жараён айни кунларда ҳам тўхтагани йўқ.



ПАХТАМИ БУ, ТИЛЛАМИ?

-Ўтган йил вилоятимиз пахтакорлари 360 минг тоннадан зиёд юқори сифатли пахта хом ашёсини етказиб беришди, -дейди вилоят "Пахтасаноат" бирлашмасининг раҳбари Баҳриддин Ҳалимов.- Бугун шу сабабли барча корхоналаримизда иш қизғин, хом ашё сифатли қайта ишланмоқда. Толанинг сифати қатъий назоратга олинган. Чунки бу маҳсулотга хорижда талаб катта. Ливерпул биржасида "Бухоро-6" эталон тола ҳисобланишида ҳам бухоролик пахтакорларнинг катта хизмати бор. Чунки пахта хом ашёсининг сифати нафақат тайёрловчига, балки

экинни экиб унга йил бўйи кўз тиккан, меҳрини берган бободеҳқонга ҳам боғлиқ-да. Агар нав яхши бўлсаю ғўзани етиштиришдан тортиб толани терминалга етказишгача бўлган жараёнда кимдир хатога йўл қўйса бутун саъй харакатимиз зое кетиши мумкин.

Бирлашма раҳбари тизимда ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш, сарф-харажатларни камайтиришга ҳам жиддий эътибор берилаётганини алоҳида таъкидлади. Ўтган қисқа давр ичида Олот туманида замонавий корхона қад кўтарди, Ғиждувон пахта тозалаш корхонаси ҳам шаҳар ташқарисига кўчирилиб, янгидан иш бошлади. Бошқа корхоналардаги ускуналар ҳам усталарнинг яна бир бор кўригидан ўтказилди. Ишлаб чиқариш жараёнидаги эскирган асбоб-ускуналар олиб ташланди.

Жондор пахтани қайта ишлаш корхонасидамиз. Кўклам нафаси сезилади, дарвозадан тортиб цехларгача барча жой тозаланиб янги қиёфага кирган. Мевали ва манзарали дарахтлар куртак чиқариби.

- Об-ҳавони тушунмай қолаяпмиз,- дейди жамоа етакчиси Аҳмад Мирмуллаев. - Қишнинг чилласида қуёш чарақлаб турди. Ҳозир ҳам шундай. Айтинг-айтинг ишқилиб бу ёғи тинч келсин. Совуқ тушса меваларни уриб кетади, янги экилган ниҳолларга ҳам таъсири бор. Чунки биз март ойида 6 минг туп дан ортиқ манзарали ва мевали дарахт кўчатларини экишни мўлжаллаганмиз.

Аҳмад ака бизни кутилмаганда цехга эмас, хирмонлар ортига бошлади.

-Мана бу жой илгари ўт босиб ётарди, - деди у тахминан ярим гектардан ортиқ ерни кўрсатиб. - Жамоани йиғиб кенгашдик. Шу ерни тозалаб, ниҳол эксак, сўлим жойга айлантирсак дедик. Маъқул дейишди, бир ҳафтадаёқ ишни битирдик. Қалай зўрми?

- Қойил.

У мақтовимиздан хурсанд бўлди.

- Мана бу томонда яна бир катта ишни бошлаганмиз,- деди у ерни бурғулаётган автомашинани кўрсатиб. –Биласиз, Бухорода ичимлик сув муаммоси бор. Гоҳида дарахтларни суғориш учун ҳам оби ҳаёт тополмай қоламиз. Боғ сувсиз бўладими дейсиз. Шу боис мутахассисларга маслаҳат солдим. Улар қудуқ қазиладиган жойни танлашди. Биз 22 ярим миллион сўм пулни топиб бердик. Насиб этса ҳадемай завод худудида сув булоқ бўлиб отила бошлайди. Сиз пулни қаердан топаяпсиз, боғ яратиш, қудуқ қаздириш катта харажатларни талаб этади-ку дерсиз. Албатта осон эмас. Биз асосий эътиборни харажатни камайтириш, сифатни ошириш, турли хил тартиббузарликларга барҳам беришга харакат қилаяпмиз. Ўтган мавсумда 31 минг 121 тонна хом ашё қабул қилиб олдик. Шу пахтани қайта ишлаш жараёнида тола чиқишини бор йўғи бир фоизга оширинг, бу неча ўн миллион сўмни тежаш имкониятини беради. Ҳозир жамоамизда 467 киши меҳнат қилаяпти. Биз ҳар бир ходимга меҳнатига қараб ҳақ тўлаяпмиз. Яхши ишлаганлар мукофот ҳам олади. Шунинг учун бизда дангасалар йўқ.

Аҳмад ака қўлидаги маълумотларга бир назар ташладию яна сўзида давом этди. - Тола чиқиши 34 фоиз, чигитники 53 фоиздан юқори бўлаяпти. Толанинг ҳаммаси хорижга экспорт қилинаётгани ҳам бизни қувонтиради.

- Илгари тумандаги қурилиш ташкилотида ҳайдовчи эдим,-дейди Шукур Ашуров.- Раҳбар тез-тез ўзгаравергач, ночор аҳволга тушиб қолдик. Автомашиналаримиз туриб қолди. Ишламагач, маош ҳам йўқ денг. Сўнг кўп ўйлаб ўтирмай бу ерга келдим. Ёмон эмас. Дангасалик қилмасангиз бас, иш доим бор. Меҳнатга яраша манфаатдорлик ҳам ёмон эмас. Менимча, ҳозирги шароитда ҳар қандай идоранинг истиқболи унинг раҳбари ё эгасига боғлиқ. Етакчи ишчиларга қайишиб, муаммоларга ҳожат қолдирмаса ўзи ҳам, ташкилот ҳам бой бўлади. Худди биздагидек.

Бош ҳисобчи Мўйдин Сайфуллаевни бурғуловчи автомашина олдида учратдик.

- Пулни бергач иш сифати ва маромини назорат ҳам қилиш керак-да,-дейди у. - Ахир шу қудуқни қазишга ҳазилакам пул ажратганимиз йўқ-да.

Мўйдин ака ҳисобчи пулни харажат қилишда қаттиқроқ бўлиши кераклигини ҳам яширмади.

- Аммо саховатли ишнинг ўрни бўлакча, - дейди у. - Имкон бўла туриб одамларга кўмак бермаслик инсофдан эмас. Шу боис шу йилнинг ўзида 12 ва 15- умумтаълим мактабларига катта миқдорда иқтисодий кўмак бердик. Меҳнат фахрийлари ва ногиронларни ҳам унутганимиз йўқ. Насиб этса,бу йил ютуқларимиз янада кўпайса,- корхонамиздан меҳр ва манфаат топадиганлар янада ортади.

Олот туманидаги янги заводда бўлган киши ҳайратга тушади. Ўтган йил август ойида бошланган бунёдкорлик ишлари бор-йўғи беш ой ичида якунига етказилди. Бунёдкору мутахассислар 2 миллиард 700 минг сўм маблағни ўзлаштиришди.Айни пайтда бу ерда 12 минг тоннадан зиёд пахта хом ашёсини қайта ишлаш якунига етказилмоқда.

-Корхонанинг ишга тушганига икки ойдан ошди,- дейди Машраб Мухторов.- Ҳозир 305 киши шу ерда меҳнат қилаяпти. Барчаси ҳашаматли ва барча қулайликларга эга бўлган заводда ишлаётганига хурсанд. Очиғини айтганда ишчи учун энг муҳими маошни вақтида олиш. Чунки баъзи ташкилотларда энг катта муаммо шуда.

Машраб ака илгари Қоракўл пахта тозалаш заводида мутахассис эди. Бугун янги заводни бошқараяпти. Марказдан анча олисда,чўл шароитида ишлаш осон эмас.

- Янги рўзғорнинг ташвиши ҳам кўп албатта, аммо ниятларимиз улуғ,- дейди у .- Чунки Олотда ер фермерлар қўлига ўтаяпти. Улар пахта ҳосилдорлигини ошириш,- навни яхшилашга интилиши, тайин. Шундай бўлгач, келгуси йилларда балки биз ҳам уруғчиликка қўл урармиз.Бундан ташқари илгари хўжалик режасини уддалламаса, қарзлари кечилар эди.Охир оқибат бундан озми кўпми завод ҳам зарар кўрарди. Фермерликда ундай эмас. Шартнома тузилдими бас, уддаланиши керак.Акс ҳолда завод аванс ҳолида берган пул осмонда осилиб қолмайди, мулкдор қайтаришга мажбур. Бу иқтисодий тамойил фермерларни кўп ва сифатли маҳсулот етиштиришга ундаши табиий. Фақат шугина эмас. Шартномага кўра иқтисодий ислоҳотлар жараёни тайёрлов ташкилотларига ҳам катта масъулият юклаяпти. Энди фидойилик билан ишлаган одамлар фақат барака топади, алдовга эса ўрин йўқ.

"Бухоро-6" пахта навининг афзал жиҳатларини Галаосиё пахта тайёрлаш корхонасида бўлганимизда ҳам алоҳида таъкидлашди.

- Бу нав вилоятимиз ерларига жуда мос, - дейди тайёрлов бўлими бошлиғи Насрулло Толибов. - Деҳқонларимиз унинг агротехникасини яхши билишади. Шу боис ўтган йил хирмонлар пахтага тўлиб тошди, юқори ҳосил кўтарилди. Биз қўшимча равишда 10дан ортиқ хирмонжойлар ташкил этдик.

Дарҳақиқат, мутахассислару тажрибали деҳқонларнинг эътироф этишларича,пахтачиликда навнинг аҳамияти беқиёс. Бир хил шароит, бир хил имконият бўла туриб пахтанинг икки навидан турлича ҳосил олиш мумкин. Айтайлик, бундан бир неча йил илгари "Фарғона -3"нави кўпчилик деҳқонларни қизиқтириб қўйган, эккан деҳқон борки, аксарият ҳолда режани ортиғи билан бажарар эди. Афсуски, бу навли пахтанинг толаси хорижлик харидорларни қўятуринг, маҳаллий саноатчиларга ҳам маъқул тушмасди. Шу боис бу нав тез орада бошқаларига ўз ўрнини бўшатиб берди. Биз Ғиждувонда бўлганимизда машҳур пахтакор, Ўзбекистон Қаҳрамони Ҳазрат бобо Облоқуловдан янги навларга деҳқонлар нечоғлик интиқ эканлиги ҳақида сўрадик.

- Бугун кимдан сўраманг "Бухоро-6"навини бир бора мақтайди,- дейди уста деҳқон.- Аммо эрта индин бу нав ҳам бошқаларига жой бўшатиб бериши керак. Бу ҳаёт қонуни. Бироқ қачон? Қани энди даламизга эртапишар, бошқа кўрсаткичлари "Бухоро-6"никига ўхшаш навлардан эксак. Чунки навимиз кеч етилади,эртаги эмас. Бу ҳақда таниқли олим Абдуаҳат Баталов билан ҳам кўп бор гурунглашганман. Барака топгур биз сизни дуо қилайлик, бизга эртапишар навдан бўлсин деганман. Очиғи, у бизга ҳозир жуда қайишган. Вилоятимиз раҳбари Самойиддин Қосимович ҳам уруғчиликка катта эътибор беряптилар. Шу боис ўтган йил гўзанинг янги, истиқболли "Бухоро-8"нави 6 минг гектар ерда синаб кўрилди. Дастлабки натижалар дуруст.

Агар "Бухоро-8" нафақат саноатчиларга балки эртапишарлиги, тошбосарлиги билан деҳқонларга ҳам маъқул келса, билингки, келгусида бухоролик пахтакорга ҳеч ким тенг келолмайди.

КЕЛАЖАК БИЛИМДОНЛАР ҚЎЛИДА

- Билимсиз бир қадам юриб бўладими? Асло, - дейди Жондор саноат касб хунар коллежининг директори Ўктам Рўзиев.- Чунки ўқиш ўрганиш орқалигина инсон ўзини танийди, мўъжизалар яратади. Алломаларнинг ғойибдан келмаслиги,осмондан тушмаслиги ҳам шундан.Мамлакатимиз раҳбарининг таълим тизимига катта эътибор бераётгани эса биз муаллимларни жуда қувонтиради. Ўзингиз ўйланг, бундан лоақал уч йил бурун Жондорда мана шундай ҳашаматли бино қурилади, унга замонавий жиҳозлар ўрнатилади дейишса, кўпчиликка эртакдек туюлар эди.Бугун эса бу ҳақиқатга айланди.

Бир миллиард 700 миллион сўм. Бу маблағга нималар қилиш мумкин эмас. Қанча кўйлак, қанча қалпоқ сотиб олса бўлади.Азбаройи катта бозор ташкил этиш ҳам мумкин эди. Давлат шунча пулни ҳеч иккиланмай коллеж биносига сарфлади. Талабаларга шунга ўхшаш саволлар бердик. "Урушдан кейин япон хукумати бор пулини ўқиш ўқитишга сарфлаган, бугун самараси кўринаяпти." "Ҳамма нарсани қорин билан ўлчаб бўлмайди. Унда замондан орқада қолиб кетасиз." "Бошқаларни билмадиму, аммо мен коллежни битиргач, яна ўқийман,Америкага,Англияга бориб малака ошираман. Пулни ўқиган одам бирибир ўзади". Талабаларнинг

БАҲОДИРЛАРИ

фикри,мулоҳазаси бу. Кечагина қишлоқнинг тупроқли йўлини чангитиб юрган болакайларнинг бугун мўйлови сабза уриб,эркин мулоҳаза юритаётгани кишини қувонтиради. Демак, Юртбошимиз сочган

эзгулик уруғлари мева бера бошлабди. Ўсмиру болаларнинг дунёқараши ўсган,орзулари бисёр.

-Инсонда орзу, умид деган туйғулар йўқолса нима бўлади?- дейди ўзини Юлдуз деб таништирган талаба қиз.- У тирик мурда бўлиб қолади. Уни ҳар мақомга йўрғалатиш мумкин. Билимга интилган, унга чанқоқ кишилар эса ҳеч орзудан чарчамайдилар.

Компьютерлар хонасига кирдик. Талабалар замонавий асбоб ускуналарда ишлашни тезда ўрганиб олишибди. Интернет олами кўпчиликни мафтун этган ҳам.

-Ҳозир 750 нафар талабага 67 нафар малакали педагоглар сабоқ бераяпти,-дейди коллеж директори Ўктам Рўзиев. -Эта компьютерлар хонаси, 7та лингафон ва ўнлаб фан кабинетлари талабалар ихтиёрида.Талабаларимиз ўқиш жараёнида "ВС"тоифасидаги ҳайдовчилик гувоҳномасига ҳам эга бўладилар. Бир йигитга қирқ ҳунар ҳам оз дегандек, ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш ўсмирларнинг эртанги ҳаётида асқотади, албатта. Тўғри бундай шароит вилоятимиздаги бошқа ўқув даргоҳларида ҳам мавжуд.Бироқ биз бутун эътиборни яратилган имкониятлардан янада самарали фойдаланишга қаратганмиз. Мақсад эртага ўқув даргоҳимизни битирган мутахассис ҳаётда ўз ўрнини қийналмасдан топсин. Энг муҳими ана шунда.

ЭГАСИ УХЛАМАСА, ТЕХНИКА ЧАРЧАМАЙДИ

- Ҳаловатдан кечмасангиз кўзланган ниятга етиб бўларканми? Устига-устак вилоятимиз ерлари жуда оғир. Қишнинг чилласида енгни шимариб, пайкалга уч карра сув қўйиш, шўр ювиш, айтишга осон. Аммо шундай қилинмаса, ер ҳосил бермайди, - дейди Ғиждувон МТП корхонаси раҳбари Фахриддин Жабборов. - Бундан ташқари вилоятимизда техника кучига суянмаган деҳқон ютқизади. Шу сабабли техника пахтакору ғаллакорнинг ҳақиқий суянчиғига айланган.

Фахриддин Жабборовнинг айтишича, ўзини ҳурмат қилган ва фойда кўришни мўлжаллаган муҳандису тракторчи қишнинг совуғию ёзнинг жазирамасидан қўрқмайди.

- Биз устахонада қатъий тартиб ўрнатганмиз. Трактор ё ускунанинг созлаш муддатлари белгиланган. Айтайлик, "Магнум"нинг мойи ва филтрини алмаштириш керак. Агар бу иш ўз муддатида бажарилмай трактор устахонада узоқ пайт қолиб кетса айбдор аниқланиб жазоланади. Шу техника устанинг бепарволиги ё бошқа сабаб билан қанча туриб қолди, бу муддат ичида трактор далада қанча иш бажариши мумкин, бари ҳисоб марказида қайд этилади ҳамда бу бўлиши керак, дейман. Чунки бу касб кишидан озми кўпми ижодкорликни ҳам талаб этади.

Яна бир эътиборли жиҳат. Техника ва ускуналар учун кўп зарур бўладиган айрим эҳтиёт қисмлар МТПнинг ўзида тайёрланаяпти. Албатта янгисига нисбатан анча арзон. Масалан,ўтган йил давомида 650 дона омочнинг тиши, 1300 дона лапка, 1200 дона наральник шу ернинг ўзида ясалди.

- Энди хом чўт қилинг, - дейди Фахриддин ака.- Бир дона омоч тиши бозорда 8600 сўм туради, биз эса икки ярим баравар арзон- 3700 сўмдан ясадик.Ёки лапкани олайлик. Бозорда бир донаси 5600 сўм, бизда эса 2040 сўм. Умуман олганда биз омоч тишидан 3 миллион сўм, лапкани устахонамизда ясаш орқали эса 4,5 миллион сўмни тежаб қолдик.

Жондор туманидаги машина трактор паркида ҳам бу йил техникани созлаш ишлари барвақт бошланди.

- "Магнум" ва"Кейс"русумли ғалла ўриш комбайнларини самарали ишлатиш орқали ўтган йил катта даромад қилдик,- дейди МТП нинг бош ҳисобчиси Ҳаёт Ҳасанов.- Моддий манфаатдорликни бирмунча оширганимиз ҳам қўл келди.Усталару тракторчилар аста-



ништирди.

Маълум бўлишича, бугун банк бўлими 726 нафар мижозлар билан ишлаяпти. Шунинг 225 таси фермер хўжаликлари, 167 нафари тадбиркорлардир. Ўтган бир йил ичида банк ходимларининг сай харакатлари билан мижозлар сони 25 нафарга ошган.

- Туманимизда бошқа банк бўлимлари ҳам бор.Шу боис ҳар бир мижоз учун хамкасбларимиз билан рақобатдамиз,-дейди бошқарувчи.- Қайси банк бўлими мижоз учун ҳам қулай, ҳам ишончли хизмат кўрсата олади, буни аниқлаш қийин эмас.Иш жараёнини кузатсангиз,ходимлару мижозлар билан суҳбатлашсангиз аён бўлади қўяди. Жамоамизда ҳар бир киши тадбиркору фермерлар сони қанчалик ортса, шунчалик ўзи ҳам наф кўришини яхши билади.

-Очиғини айтсам шу банк бўлимига ишга келиб тўғри қилган эканман, - дейди кредит бўлими бошлиғи Азамат Эгамбердиев.- Кўп нарса ўргандим. Бугун баъзи ю мушларни бошқаларга ҳам ўргатаяпман. Менимча,банк ходими учун сир туюладиган нарсанинг ўзи бўлмаслиги керак. У таъбир жоиз бўлса ҳатто бозордаги кунлик нарх наводан тортиб мижозининг қувончли куни қачонлигигача билиб туриши лозим. Ана шунда у ҳақиқий эл ҳурматига сазовор бўлади.Масалан устозим-Илҳом аканинг оталари Равшан бобо Омонов банк соҳасида 42 йил меҳнат қилганлар. Жуда кўп кишилар уни бугун устозим, деб билади. Нима учун? Ўз касбига меҳр қўйгани,билимдон бўлгани учун-да.

- Шу лавозимда отам ишлаган. Бунинг масъулияти катта,- дейди бошқарувчи.-Иш жараёнида кимгадир раҳмат айтасиз, кимгадир эса қаттиқроқ гапиришга тўғри келади. Шундай маҳал тўғри қилаяпманми деб ўйланиб қолаяпман. Аммо бугун қаттиққўллик ҳам керак.Чунки банк тизимида арзимаган рақамга эътибор бермаслик, кимнингдир гапига ортиқча ишониш туфайли миқоллаб йиғилган обрў-ҳурматни бир зумда йўқотиб қўйиш мумкин.

Банкка иш билан келган мижозлар билан ҳам суҳбатлашдик.

- 6 миллион 700 минг банк кредити эвазига мармар кесадиган ускуна сотиб олдим, - дейди "Жондормармар"корхонаси соҳиби Дилмурод Бозоров. - Маҳсулотимга харидор кўп,ҳадемай қарзни фоизи билан узиб, фойда билан ишлашга ўтарман.

- Мен ҳам банкдан кредит олувдим,-дея суҳбатга қўшилади фермер Фарҳод Музаффаров.- 4 миллион сўмлик кредитга ёнилғи қуйиш шоҳобчасини қуриб ишга туширдим. Фойдаси ёмон эмас.- Худо насиб қилса ҳадемай бойиб кетаман. Ана шунда бир газетага чиқарасиз-да.

- Обуна бўлгансизми ўзи? - сўраймиз фермердан.

- Албатта-да. "Қишлоқ ҳаёти" ўзимизники. Фақат бизга сал кечроқ етиб келади-да...

- Умуман олганда ўтган йил ўз ресурсларимиздан 66 та лойиҳага 214милион 400 минг сўм, бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан 21та лойиҳага 17,3 миллион сўм кредитлар ажратганмиз. - дейди Илҳом Омонов.- Шу туфайли фермеру тадбиркорлар янги корхоналар очишди,ўнлаб ишчи ўринлари ташкил этилди.

Илҳом Омоновнинг айтишича, банк бўлимига умид билан кредит сўраб келган киши борки, ниятига етаяпти. Фақат мижоз ўз лойиҳасининг ҳар икки томон учун ҳам фойдали эканлигини асослаб берса бас.

-Отамнинг йўлидан бориб кам бўлганим йўқ. У киши айтганларидек, элнинг дуосини олаяпмиз,шунинг ўзи бизга бахт. Насиб этса, фарзандларим ҳам боболаридек эъзозу ҳурматга лойиқ ишлар қилишади. Мен буни астойдил истайман,-деди сўзининг якунида Илҳом Омонов.

Абдунаби АЛИҚУЛОВ

ўтмай барча шунга кўникди,-дейди Фахриддин ака.-Тартибдан кўпчилик қувонди ҳам. Негаки, эгаси ухламаса, техника чарчамайди,деган гап бежиз айтилмаган. Интизомнинг самарасига эътибор беринг. Техникани созлаш ишлари қисқа фурсатда бажарилди ва биз мижозларга ўтган йил 850 миллион сўмлик турли хизматлар кўрсатдик. Бу йил 950 миллион сўм даромад қилишни мўлжаллаб турибмиз.

Устахонада ишчиларнинг қўли - қўлига тегмайди. Уларнинг кўпчилиги печнинг таъсириданми ё ишнинг мураккаб жиҳатлари кўпми, қорайиб кетган,аммо руҳи тетик.

- Мана шу усталар бизнинг асосий кучимиз,-дейди Фахриддин ака.- Трактор ни ҳар ким ҳам бошқараверши мумкин. Бунинг учун алоҳида диққат ва маҳорат талаб этилмайди. Усталик учун эса инсоннинг юрагида касбга қизиқиш, чўғ тойдил меҳнат қилишаяпти.

Ҳаёт Ҳасановнинг айтишича, бугун одамларни алдаб ё ваъда бериб ишлатиб бўлмайди. Айниқса унинг ихтиёрига қимматбаҳо техникани бериб қўйган бўлсангиз. Манфаатдорлигини жойига қўймасангиз,тракторчи шартномадаги ишни бажармайди,ё бозорда ё кимнингдир томоркасида улоқиб юради. Ҳатто трактор ига хотинини миндириб, меҳмондорчиликка кетиб қолиши ҳам мумкин. Чунки ишхонасидан манфаат топмаяпти-да. Бундай иш тутуми ҳар қандай идорани банкротликка олиб келиши тайин.

- Шу сабабли қўшимча даромад топишга, корхонанинг қаддини кўтаришга интилаяпмиз,-дейди бош ҳисобчи.- Устахонамизда ўнга яқин турли эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Фермерлар учун техник хизмат кўрсатиш шоҳобчаларини ташкил этмоқчимиз. Умуман олганда эса асосий мақсадимиз тумандаги энг бақувват жамоалардан бирига айланиш.Бунга шу йилнинг ўзидаёқ эришамиз, деб ўйлайман.

ИСТИҚБОЛНИ ЎЙЛАГАН КАМ БЎЛМАС

Жондор шаҳрига кираверишда автомашинани тўхтатиб, йўловчилардан "Пахта Банк"нинг туман бўлими қаердалигини сўрадик.

-Илҳом аканинг банкими, шундоқ шаҳарни кесиб ўтувчи йўл четида, - деди бир киши.

Отаси ҳам зўр банкир бўлган,-деди яна бири.

Яхши инсон, Жондорнинг юраги,-дейишди бошқалар.

Ҳайрон қолдик. Идоранинг қаердалигини сўраб, бирпасда шунча маълумотни билиб олиш. Тағин фақат яхши гап.

Илҳом Омоновни топишимиз қийин бўлмади. Камтар,юзидан нур ёғилиб турган киши экан.У бирпасда банк бўлими фаолиятига оид маълумотлар билан бизни

ФАХР

Раҳматли Ғафур Ғулом Наманган тарафларга келиб қолса, бир даста нон ола кетаркан. Устозларимиз унинг юрагидан чиқариб айтган ушбу эътирофни эслашарди:

-Наманганликлар нонни қотириб қўядилар-да, - дер экан аллома шоир.

МАҲСУЛОТИМИЗ ЭКСПОРТБОП!

Энди бугуннинг мана бу гапига қулоқ тутинг: "Наманганликлар унни ҳам қотириб қўймоқдалар".

Наманганнинг бош тегирмони қирқ ёшга тўлди. У 1964 йилнинг қишида – 3 феврал куни илк маҳсулотини берган эди. Ана шу бир йигит умрига баробар муддатнинг 39 йили ҳам бир бўлди-ю ундан сўнгги бир йил бир бўлди-да. Сабаби аён: аллазамонда ўрнатилган дастгоҳлар ошини ошаб, ёшини яшади. Ишлаб чиқариш ҳажми пастлаганидан пастлаб, бир кеча-кундузда 60-70 тонналик натижага тушди. Маҳсулот сифати ҳам шу натижага яраша: унни новвой "олмайман", деб оёғини тирайди. Харажат эса ҳаминқадар, фойда йўқ, маошлар ўлда-жўлда.

"Намангандонмаҳсулот"нинг янги, серғайрат раҳбари Раҳмонжон Назаров:

«Вилоятнинг бош тегирмонини қайта жиҳозламасак бўлмайди!», деганда ҳамманинг кўнглидаги гапни топиб айтганди.

Бош корхонани янгилашга "Ўздонмаҳсулот" давлат акционерлик корпорацияси бош-қош бўлди. ДАК раиси Икромжон Нажмиддинов имзолаган буйруқ (2001 йил 30 октябр) билан бу эзгу ишга оқ фотиҳа берилди. Республика "Ғаллабанк" акциядорлик тижорат банки бошқарув раиси Икромжон Ўринбоев раҳбарлигида кўмак бериб турди, Р.Назаров бошлиқ жамоанинг бели бақувват бўлди, пулдан қийналмади. Чунки, асос бир, пухта ўйланган режа бор, мўлжал аниқ – харажатлар ўзини оқлайди, албатта.

"Намангандонмаҳсулот"нинг бош корхонасини қайта жиҳозлаш бир йилдан ортиқроқ давом этди. Ўша беором кунлар ҳақида китоб ҳам битилди. "Буғдойни сув билан намловчи янги ускуна ўрнатилди, - деб ёзишади муаллифлар. – Бу уннинг сифатини яхшилайди ва тежамли технологияга йўл очади. Швейцариянинг "Бюллер" фирмаси технологияси бўйича тайёрланган тегирмон дастгоҳлари монтажи ва қурилиш ишларида "Олтин хирмон" жамоа корхонаси, "Нафис чевар", "Ботир" каби фирмалар хизмати катта бўлди. Бош корхона муҳандис-техник ва ишчиларидан Омонжол Бейсенбин, Маҳмуд Тожиддинов, Салимбой Раҳимов, Неъматжон Маматов, Ренат Сафин, Фахриддин Абдуллаев, Баннохон Ражабboев, Собитхон Ҳожиев ва бошқаларнинг ўша кунлардаги жонбозликлари ҳар қанча таҳсинга лойиқ".

Янгиланган тегирмон айни Наврўз кунларида бир ёшга тўлди – 2003 йил 14 мартда ишга солинган эди. Замонавий технологияни қаранг – тегирмонга кирсанг ғубор топмайсан, кийимингга гард юқмайди. Бир кеча-кундузда 250 тонна энг юқори сифатли ун ишлаб чиқариш қувватига эга. Сифат кўрсаткичларига кўра Қозоғистон уни билан бемалол рақобатлаша олади ва энг муҳим жиҳатларидан бири шуки, нархи 1,5 баробар арзон туради.

Янги технология ва янги ускуналар иқтисодий самарадорлиги билан ҳаммани ҳайратга солиб қўйди. Масалан, 2000 йили эски тегирмонда бир тонна ун ишлаб чиқариш учун 54 минг сўм харажат қилинган бўлса, ҳозир бу миқдор икки баробар камайган. Ёки ўшанда тегирмон цехида 75 киши меҳнат қилган бўлса, бугун уларнинг сони 45 нафарга тушди. Маҳсулот эса 2,5-3 баробар ортган.

Энди мана бу рақамларни қаранг: алмисоқдан қолган омухта ем ускуналари ойига 500 тонна атрофида маҳсулот тайёрлар эди. Реконструкциядан сўнг меҳнат унумдорлиги уч баробар ортди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, жорий йилнинг январ ойида 1534 тонна омухта ем ишлаб чиқарилди. Сўнгги бир йилда "Намангандонмаҳсулот"нинг бош корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 5,2 марта, халқ истеъмоли моллари эса 1,6 марта ошди.

Барча ватандошларимиз каби наманганликлар ҳам донни, нонни ғоят қадрлайдилар ва азиз деб биладилар. Шунинг учун ғаллакорман, деган борки, даласига меҳрини берган. Биргина ўтган йилнинг ўзини оладиган бўлсак, гектар бошига қарийб 48 центнердан ҳосил кўтарилди. Ғаллачиликнинг даромади бир йилда 5,6 миллиард сўмга ортди, йигирма минг тонна Наманганнинг уруғи тайёрланди ва 2004 йил ҳосили учун ана шу ўз уруғимиз экилган.

Бу тонна-тонналарнинг барчаси "Намангандонмаҳсулот" меҳнат жамоаси қўлидан ўтади. Ана иннайкейин элнинг чин ризқ-рўзига айланади.

-Кепак нима, биласизми? – сўраб қолди Раҳимжон Усмонович.

Дабдуруст-дан берилган савол қизиқ эди, кулдим:

-Чорвага емда.

– Тўғри, ем. Лекин у сиз билан менга малҳам. Қиздириб босилса, бодга даво. Бодом ва қандга қўшиб қайнатсангиз – томоқ оғриққа нафи бор. Мен буни Давоий деган кишининг китобидан ўқиганман. Яна бир китобда буғдой – иссиқлик, ўзи катта-катта, ранги қизил бўлса, яхшироқ деб ёзилибди.

Хаёлимдан кечдики, ҳар қандай техник-мутахассис ўз соҳаси хусусида шундай кўҳна гапларни билса кўнгиллидир. Зеро, қадрият, маънавият деган осори-атиқаларнинг меҳнат билан уйғунлиги ҳам шу аслида. Бунга Р.Назаровнинг деганлари жонли тимсол эди.

Абу Исҳоқнинг "Асрори чангол" маснавийсидан нон таърифидаги ушбу мисраларни эслашнинг ўрни келди чоғи:

Айтди: "Жаннат боғида буғдой эдим,
Анбарин тупроғу сувга бой эдим.
Гоҳида омбор аро пинҳон эдим,
Гоҳ элаклар ичра саргардон эдим.
Бошима муштлаб чалажон қилдилар.
Ўт аро ёнгач куйиб бу хаста жон,
Эл учун бўлдим азизу тансиқ нон..."

Хуллас, бугун Наманганнинг унига тараф йўқ. Тожикистонга ун ва Озарбайжон Республикасига буғдой экспорт қилинмоқда. 2004 йил биринчи чорак режаси 3,5 миллион АҚШ долларилик – 20 минг тонна белгиланган. Маҳсулот пешма-пеш жўнатилмоқда,

валюта келиб тушмоқда. Фойда катта, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, ижтимоий ҳимояга, маош ва дивидендларни оширишга кенг имкониятлар бор.

Бу йилги Наврўзи олам "Намангандонмаҳсулот"нинг бош корхонаси учун қўшалоқ байрам бўлиб келди. Спорт-соғломлаштириш ва ҳордиқ мажмуи битди. У жуда катта иншоот, бир неча бўлимлардан ва стадиондан иборат. Бу янги иншоотда ишчи-хизматчиларнинг дам олишлари, спорт билан шуғулланишлари, хизмат турларидан баҳраманд бўлишлари учун ҳамма шароитлар мавжуд.

Демак, иш янада унумли бўлади, корхона шуҳрати тағин ҳам ортади.

Рустамжон УММАТОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.
Ҳотамжон МАМАДАЛИЕВ
олган суратлар.

МУЛКДОР

ЗАМОНДОШ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Маматқул акани бугун Тошкент вилоятида кўпчилик танийди. У киноюлдуз ё таниқли спортчи эмас. Ҳар куни телеэкранда кўринмайди ҳам. Машҳурликка ҳуши йўқ. Унинг тилга тушгани, ардоқли инсонга айлангани ер туфайли.

Фермер билан дастлабки учрашувимиз унинг ишхонасида бўлди. Каттагина иш столи. Китоблар, турли маълумотлар, замонавий асбоб- ускуналар. У бир қарашда хорижлик нозиктаъб бизнесменга ўхшайди, гапларига қулоқ солсангиз нафақат бугунни, балки келажакни кўзлаётган зукко замондошларимиздан эканлигини англайсиз.

-Пенсияга чиққач, уйда ўтиролмадим. Ишлагим келди. Ўрта Чирчиқ туманидаги Ким Пен Хва номли ширкат хўжалигидан 215 гектар ер олиб "Саид овул"номли фермер хўжалиги ташкил этдим, - дейди Маматқул ака Саломов. - Ўйлаб кўрсам техникасиз ишлаш қийин экан. Бировнинг трактори барибир миннатли-да. Шу боис 2000 йилнинг охирида банкдан 40 миллион сўм қарз кўтардим. Бу пулга экин етиштириш учун қандай техникалар зарур бўлса, барини сотиб олдим. Сўнг қишлоқ оқсоқолларини йиғиб бир пиёла чой бахонасида улардан "оқ фотиҳа" олдим. Тажрибали деҳқонлар "Маматқул, бой бўламан десанг, шудгорга эътибор бер, ана шунда ниятингга етасан, дейишди." Шу боис кузда шудгор маҳали уйқудан кечдим. Омочнинг ортидан юриб ишни назорат қилдим. Чукур шудгор қилган тракторчи ҳам раҳмат эшитди, ҳам мукофот олди.

Фермернинг айтишича, илгари бир гектар ерни шудгор қилиш учун тракторчи минг сўм атрофида пул олар экан. Шу маблағнинг бир қисми даромад солиғи учун ушлаб қолинади-ю, ишловчининг қўлига арзимаган пул тегади. У шу боис далада ҳашарчидек номига юрган. Унинг учун вақт ўтса бўлгани, сифатининг аҳамияти йўқ.

-Ишчининг манфаатдорлигини икки карра оширдим, - дейди Маматқул ака. - Мен учун юмушнинг тез бажарилиши қай даражада муҳим бўлса, сифати ҳам керак дедим. Агар иш сифатли бажарилмаган бўлса ишловчи жарима ҳам тўлайдиган бўлди. Буни шартномага алоҳида банд қилиб киритиб ҳам қўйдик.

Инсон руҳиятини билиш, имконияти, салоҳияти ва дунёқарашига қараб иш тақсимлаш – буларсиз ютуққа эришиб бўлмайди. Мулкдорнинг айтишича, катта ишни бошлаган киши психолог бўлмоғи зарур. Нега?

- Чунки сен билан бирга ишлаётган кишини нечоғлик билишинг жуда муҳим, - дейди фермер. – Ҳисоб-китобни унчалик яхши билмайдиган кишини банкка жўнатсангиз ё техникага тиши ўтмайдиган одамни устахонага сен масъул деб сангиз нима бўлади? Ё ўз соҳасини чуқур билмайдиган, ўзига бино қўйган ҳуқуқшуносга ишонинг, бир кун келиб панд ейсиз. У ҳатто илгари прокурор ё судья бўлиб ишлаган бўлса-да, доимий изланувчан ҳуқуқшунос сингари сизга наф келтиролмайди. Бундан ташқари хўжалик юритишда техник- иқтисодий таҳлилнинг ўрни ҳам беқиёс. Бусиз ишлаш қоронғуда тилло қидириш билан баробар. Масалан, бирор иморат қурмоқчисиз дейлик. Қанча маблағ кетади, лойиҳаси қанақа бўлади, иморат битгач чўкмайдими, қурилиш ашёларини қаердан олиш керак, бинокорлар ким? Хуллас, оддий михгача чўтга соласиз. Нега бу ишни фермер хўжалиги ташкил этиб, ер олган кишилар қилмаслиги керак?

Дала айландик. Фермернинг ишлаб чиқариш корхоналарини кўрдик. Қойил. Барча иш нозик дид билан амалга оширилган. Ҳавасингиз келади. Фермер ўз ишчилари учун қурган дала шийпони, ундаги жиҳозлар диққатимизни тортди. Шийпон ҳовлисига нафақат турли хил гуллар кўчати балки неча хил арчалар-гача экилган. Ҳадемай бу гўша бениҳоя гўзаллашади. Беихтиёр бундай биноларни ўзига хос меъморий ечим билан гулга бурканиб яратиш учун инсоннинг юраги тоза, диди баланд бўлмоғи лозим, деб ўйладим. Фермер билан суҳбат асносида унинг узоқ йил қурилиш соҳасида ишлаганини билиб олдим. Адашмаган эканман, чорвачилик фермасию қайта ишлаш цехлари биноларини, омборхоналарни қуришда унинг бу касби жуда асқотган экан. Айниқса, қарийб тўрт қават қилиб қурилган уруғлик дон таййрловчи бинонинг қурилиши мутахассис сифатида Маматқул акани яна бир бор синовдан ўтказди. Ҳар бир ускунани кетма-кет жойлаштириш, мустаҳкам қилиб ўрнатиш осон иш эмас-да. Ҳатто уч қаватдаги жараённи кузатиб турувчи мутахассис учун ясалган зинапоя ҳам ўз жойини топган. Шу темир зинапоя орқали бир пасда тепага чиқиб оласиз.

Маматқул аканинг айтишича, ўқимай қўйган, дунё янгиликларидан бехабар киши ҳақиқий мулкдор эмас. Фермер учун қирқ ҳунар ҳам оз. У ҳаммадан кўп билиши лозим...

–Ўйлаб қарасам, ер учун чорва ҳам зарур экан. Чунки бу икки нарса бир-бирини тўлдиради. Ерда озуқа етиштириб, чорвага берсак, чорвадан ер малҳами – маҳаллий ўғит олинади. Гўшт, сутнинг ўзимиздан чиқишини айтмайсиз, - дейди фермер. – Шу боис, ҳозир 158 бош қорамол боқаяпмиз. Шунинг 88 боши сигир. Сўнг сутни қайта ишлаш учун янги мини заводни ҳам ишга туширдик. Маҳсулотни қайта ишлаш шолиликда ҳам йўлга қўйилди. Шоли экиб ҳосил оламиз, сўнг уни қайта ишлаб гуруч ҳолида сотамиз. Бу ҳам фойдали, ҳам қишлоқда кўпроқ одамларни иш билан таъминлашга хизмат қилаяпти.

Давлат бизга еру сувни тасарруф этиш ҳуқуқини берди, ўғит ва ёнилғи масаласи ҳал этилган бўлса. Хўш, фермер учун нима қолаяпти? Фақат яхши ишлаш-да, - дейди Ўрта чирчиқлик фермер Маматқул Саломов.

–Шунча ишни бор-йўғи уч йилда эплабсиз. Бу бир кишига оғир эмасми?

–Албатта, осон эмас. Аммо ёнимда уч ўғлим бор. Шуҳрат, Шавкат, Санжарбеклар – менинг таянчим. Бири қишлоқ хўжалиги, бири маркетинг ишлари, бири эса қайта ишлаш тизимига жавобгар. Бирор катта ишни бошласак, ўзаро кенгашамиз. Лойиҳа ё таклиф қанча ҳаражатни талаб этади-ю, эртага қанча фойда оламиз, бари хомчўт қилинади. Шунга қараб ишга киришамиз. Масалан, биз техниклар олиб катта фойда кўрдик. Агар тракторимиз бўлмаганда МТПдан техника олар эдик. Бу ташкилот 1 гектар шудгор учун 30 минг сўм пулимизни олади. Буни 200 гектарга кўпайтиринг-чи? Биргина шудгор учун 6 миллион сўм сарфладик. Бунга баҳорги ер тайёрлаш, экиш, гўза парвариши ва ҳоказоларни қўшинг. 6 миллионни тахминан бешга кўпайтирсак ҳам техника ҳаражатининг ўзи 30 миллион сўмга боради. Бу энг кам ҳисоблаганда, албатта. Биз эса 31 миллион сўмга эски техникаларнинг 31 тасини сотиб олдик. Эҳтиёт қисмлар учун беш-олти миллион сўм сарфладик. Қарабсизки, бугун трактор-ларимиз нафақат ўзимизга, балки қўшниларга ҳам хизмат қилаяпти, қўшимча даромад келтираяпти.

Яна бир гап. Олий Мажлис сессиясида Президентимиз қишлоқ хўжалиги тизимидаги муаммоларга алоҳида тўхталдилар. Албатта, бундан буён ҳукуматимиз тизимга янада кўпроқ эътибор қаратади. Аммо биз мулкдорлар ҳам ўз масъулиятимизни унутмаслигимиз керак эмасми? Очиғини айтиш керак, кўпчилик фермерлар ирригация-мелиорация ишларига эътибор беришмаяпти. Кўпинча кузга бориб ҳосилдорлик пастлигидан азият чекади-ю, ариқзовурни тозалаш кераклиги эсига тушади. Қишда эса иссиқ ўрнини совутиб зовурнинг бошига экскаватор олиб боришни истамайди. Бу дангасалик эса аввало унинг ўзига зарар. Биз ўтган йил ўн бир ярим километр янги зовур қаздирдик. Илгари ғўзанинг ўқилдизи сизот сувга чўмилиб, айни саратонда ҳосил туганалари тўкилиб кетарди. Нихолнинг бўйи ҳам ярим метрдан ошмасди. Зовур қазилгач, сизот сувлар сатҳи кескин пасайди. Ҳосилдорлик эса ғаллачиликда уч карра, пахтачиликда икки ярим баравар ошди. Даромаду фойда ҳам шунга яраша бўлмоқда.

Уруғчилик. Деҳончиликдаги энг муҳим масала саналган бу иш ҳам ҳам фермернинг назаридан четда қолмаган. У ғалла уруғчилиги билан шуғулланяпти. Тегишли ташкилотлар билан келишган ҳолда Молдова, Қирғизистон ва Қозоғистон давлатларидан 22 хил буғдой навларини келтириб, тажриба участкасида синаб кўрди. Олимлар билан ҳамкорлик ва уруғчилик билан шуғулланиш даромад манбаи эканлигини у яхши англаган. Фақат шугина эмас.

–96 гектар ерда ғалла етиштириб, йилига 300 тонна уруғлик сотамиз. Бу ишнинг соф фойдаси 35 миллион сўмдан ортиқ, - дейди Маматқул ака. –Уруғчиликнинг кафолатли бўлиши, деҳқонлар олдида уялиб қолмаслик учун замонавий ускунани келтириб ўрнатдик. Уруғлик дон далалардан келтирилгач, шу цехда ҳам сараланади, ҳам дориланиб қопланади. Сўнг фермер хўжалигининг кафолати билан ҳамкорларга етказиб берамиз. Насиб этса, 2004 йилда 1000 тонна юқори сифатли уруғлик сотамиз. Бу масалада қўшни фермерлар билан шартномалар тузганмиз.

Рақамлар: "Саидовул" фермер хўжалигининг йиллик товар айланиши 200 миллион сўмдан ортиқ. 2003 йил ялпи фойдаси 90 миллион сўмдан ошди. Фермер "Ташаббус-2003" кўрик-танловининг вилоят босқичида биринчи, республика босқичида учинчи ўринни эгаллаган.

–Бугун фермерлар олдида қандай муаммолар бор, деб ўйлайсиз?

–Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан фермерларга катта имконият ва имтиёзлар берилган. Фақат ақлни ишлатиб меҳнат қилиш керак, ишлаб чиқаришни кўпайтириш лозим. Ана шундагина фермер ўзи яратган маҳсулотни чиройли қадоқлаб, бозорда уч-тўрт карра қимматга сотади. Қишлоғига замонавий ускуналар келтиради. Бу эса турли муаммоларга барҳам беради. Тўғри, бугун фермер олдида муаммолар ор эмас. У йилда бир эмас, балки беш-олти ташкилотга қатнаб, ҳисобот топширишга мажбур. Маҳсулотини тўппа-тўғри чет элга экспорт қилишга қийналади. Гоҳида давлатнинг номини сотиб кериладиган амалдордан пулини ололмай овора ҳам бўлади. Буларнинг бари ўткинчи. Бу муаммолар тез орада ҳал этилади ҳам. Бугун очиғини айтганда, асосий мақсад – ерни яшнатиш, ундан кўпроқ ва сифатли маҳсулот ундирган, она заминни хор қилмаган кишигина ютади. Ахир, ҳаммамизнинг мақсадимиз битта: қишлоқ аҳлини, одамларни бой қилиш. Шундай эмасми?

Хайрлашар пайт у киши шундай деди:

–Бу замонда ёниб, ёндириб яшаш керак. Шундай қилайликки, ҳар бир кунимиз мазмунли, мўъжизали, эсда қоларли бўлсин. Ана шунда фарзандларимиз дунёда ҳеч кимдан кам бўлишмайди.

Абдунаби АЛИҚУЛОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.



"ЎЗБЕКИСТОН"ГА КЕЛИБМИЗМИ?

Бўзқишлоқликлар Полвон поғчини (содда маъносида) жуда яхши билишади. Очиққўнгил, соддадил, меҳнаткаш одам. Умр бўйи подачилик қилганидан, янгиликлардан ҳам ҳаммадан кейин хабар топади. Ҳар гал ўтиришларда айтган сўзлар, албатта, дув-дув гапга айланади.

...Ўзи бир-икки бор Урганчга – қариндошиникига тўйга борганини айтмаганда, чўлдан нарига ўтмасди. Неварасини Тошкентга узатганига бир йилча бўлсаям, уйига бориб кўрмаган. Шу ҳақда гап очиб қолсалар: "Э, қўй, ўша Тошкентингни, баланд-баланд жойларни айтмасанг, лекин юрган жойларимдан нимаси ортиқ эмиш, баландга чиққунингчаям бўларинг бўлса керак. Поездлар ер тагида юрар эмиш, тупроқ ўпирилиб кетса борми... – худо асрасин", - дея ўзиникини маъқул қиларкан. Неваралик бўлганида эса элнинг оқсоқоллари маслаҳатлашиб унга важ-карсон топишга йўл қўймай, бешик тўйига боришга рози қилдилар. Бир амаллаб самолётга миндирганлар. Ўн-ўн беш дақиқа ичида самолёт ичида аланглаб бўлгач, деразасидан секин ташқарига қараган экан, кўзи қанотдаги катта қилиб ёзилган "Ўзбекистон" деган ёзувга тушибди.

-Менга қара, Ражаббой, "Ўзбекистон" деган жойга келибмиз, у ер ўзимизнинг Қулонқорабоғми ё Питнакка ўтибмизми, - дермиш у ёнидагини туртиб.

Холмурод ҚУРБОНОВ

ҚИСДИ ҚИШЛОҒИ

Хўжалик бошқарувининг қарори билан бир қишлоқда одамларга кўплаб янги томорқалар берила бошлабди. Фақат ажратилаётган ер участкалари қишлоқдан бирмунча олисда экан. Шу боис у ерга катта ёшдаги кишилар кўчишни исташмабди. Асосан янги, ёш оилаларни уй-жой тиклаб кузатишибди. Уч-тўрт йил ичида ўттиз-қирқ хонадон жамланиб қолибди.

Ҳаммаси яхши бўлибди-ю, аммо бу қишлоқда қолган ота-оналар у қишлоқдаги фарзандларининг тақдирини ўйлаб, хавотирга туша бошлашибди. Болалар ҳали ёш, уларнинг бошини қовуштириб турадиган бир ёшулли керак-да. Оқсоқоллар тўпланишиб, машварат қилишибди. Узоқ кенгашиб, мактабда бир умр меҳнат ва расм чизишдан дарс бериб, яқиндагина нафақага чиққан Ғаффор муаллимни ўша ерга бош қилиб кўчиришибди. Топшириқ жуда қаттиқ бўлибди.

-Гап бундай, - дебди кўчиб келган кунининг эртасиёқ Ғаффор муаллим бутун қишлоқ аҳлини бир жойга тўплаб. – Мен «серёзний» топшириқ билан келганман. Аниқ режалар бор. Ҳамма ёқни обод қиламиз. Тўй-маъракаларга бугундан бошлаб ўзим бошман. Ҳамма қулоқ қоқмай, айтганимни қилсин. Ҳали қишлоғимизга ном ҳам беришимиз керак. Шундай бир жарангдор ном топайликки...

Хуллас, ишлар бошланиб кетибди. Ғаффор муаллим нафақага чиққач, намоз ўқишни ҳам бошлаб юборган экан. Тарбияга дастлаб шу асосда киришиб, ҳамма собиқ ўқувчиларининг тақводор, одобли бўлишларини хоҳлабди. Катта ҳашар эълон қилиб, аввало кичкинагина масжид қурилишига асос солибди. Масжиднинг полини қоқишга келганда савил қурғур мих топилмабди. Тахталарни шундоқ-шундоқ хонага ташлаб қўя қолибди. Кейин биринчи намозни ўқиш учун саф тортишибди.

-Домла, буёғини мактабда ўтмагандингиз-ку, биз намозни билмасак, ахир қандай қилиб ўқиймиз? – дейишибди собиқ ўқувчилар.

-Хечқиси йўқ, - дебди Ғаффор муаллим. – Мен олдинга имомликка ўтаман – қандай ҳаракат қилсам, баравар такрорлайсизлар, нима десам, оғзимдан чиққан сўзни жўр бўлиб баланд овозда қайтарасизлар, тамомвассалом.

"Маъқул" дейишибди ёшлар. Ғаффор муаллим жамоа олдига ўтиб, қўлларини қовуштириб, қоматини ғоз тутибди. Аввал қандайдир сураларни ўқибди. Сўнг энгашиб, саждага бош қўйибди. Аммо шу пайт ҳали михи қоқилмаган тахталар орасига жойнамоз матосига қўшилиб бурни кириб қолибди. Орқада турганлар ҳам аллақачон домланинг ҳаракатига монанд мук тушиб олишганди. Бундан остиларидаги тахталар баттар ҳаракатга келиб, домланинг бурнини чиппа қисиб қолса бўладими? Жон-пони чиқиб кетган Ғаффор муаллим оғриқнинг зўридан:

-Қисди, вой-дод, қисди! - дея бақира бошлабди.

Нима бўлаётганидан бехабар орқадаги ёшлар ҳам бараварига жўр бўлиб, "қисди, вой-дод, қисди", дея баланд овозда такрорлайверишди. Бир маҳал домла тамом жимиб қолибди. Чунки у ҳушидан кетган экан. Анчадан кейин кимдир вазиятни пайқаб, сакраб ўрнидан туриб, ёрдамга келибди. Шу тариқа ёшларни тарбия қилгани келган Ғаффор муаллим бурнидан айрилиб, қайтиб эски қишлоққа кўчиб кетибди. Аммо воқеадан хабар топган одамлар янги қишлоққа "Қисди қишлоқ", деб ном қўйиб юборишган экан.

Иброҳим ТОШЕВ

ПАХТА БАНК -

РАҚАМЛАР САЛОҲИЯТИ

Бугунги кунда "Пахта Банк" барча мулк шаклидаги 95 мингдан ортиқ ҳуқуқий ва 138 мингдан ортиқ жисмоний шахслардан иборат кенг соҳа мижозларига комплекс банк хизматини кўрсатаяпти.

Банк тизимининг 13 та вилоят бошқармаси мавжуд. Улар таркибида эса 183 та филиал, 229 та банк шахобчалари фаолият юритаяпти.

Республикадаги энг йирик акциядорлик тижорат банки саналган мазкур банк аграр соҳа ислоҳотларини янада жадаллаштиришга муносиб ҳисса қўшаяпти. Ўтган йилда банкда ягона вакиллик ҳисоб варағи орқали тўловлар тизимини ташкил этилиши банк актив ва пассивларини самарали бошқариш, ликвид активлар миқдорини оптимал даражада сақлаган ҳолда даромадлиликни кўпайтириш ҳамда банкнинг банклараро бозордаги фаоллигини ошириш имконини берди.

Ссуда активлари 121,9 миллиард сўмни ташкил этди. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 31 миллиард сўмга ёки 134,1 фоизга ортди.

Ссуда активлари таркибининг асосий қисмини ўрта ва узоқ муддатли кредитлар ташкил этди. Ўтган йил давомида банкнинг ликвидлик даражасининг юқори бўлиши ҳам таъминланди. Жамланма капитал 46 миллиард сўмга шакллантирилди ва йил бошига нисбатан 10,1 миллиард сўмга ёки 128,2 фоизга ўсди.

Банк шахобчалари тармоғини кенгайтириш орқали иқтисодиётнинг турли соҳаларига кирувчи хўжалик субъектлари ҳамда янгидан ташкил этилаётган фермер хўжаликларига кенгроқ хизмат кўрсатмоқда.

Банк филиаллари таркибида туман марказларидан узоқ масофада жойлашган кичик бизнес субъектларига модем қурилмаси орқали электрон тўловларни амалга оширадиган янги 73 та банк шахобчалари, яъни минибанклар ташкил этилди. Бугунги кунда ушбу банк шахобчаларида қарийб 16 мингтага яқин мижозларга хизмат кўрсатилиб, шундан 12241 тасини (75 фоизини) фермер хўжаликлари ташкил қилмоқда. Тизимдаги жами мижозларнинг салкам 16 фоизига минибанклар орқали хизмат кўрсатилмоқда.

ҚИСҚА ВА УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР

Пахта Банк ўз филиаллари орқали мулкчиликнинг барча шаклларидаги қишлоқ хўжалик, саноат, таъминот, тарқатиш, тайёрлов савдо, қурилиш, транспорт ва бошқа корхоналарни кредитлаш юзасидан фаол сиёсатни амалга оширди.

Қишлоқ хўжалиги ислоҳотларини чуқурлаштиришнинг устувор вазифалари мамлакат ҳаёти ва иқтисодиётида аграр соҳанинг тутган ўрни, шу билан бирга халқ хўжалигининг барча тармоқларида ислоҳотни босқичма-босқич амалга ошириб бориш ҳамда ривожлантиришнинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Хўжалик юритишни молиялаштириш, кредитлаш ва суғурта қилишнинг янги тизими, ишлаб чиқилди. Маҳсулот ва қишлоққа етказиб бериладиган, моддий техника ресурслар учун бўладиган ўзаро ҳисоб-китобнинг асослари яратилди. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг иқтисодий мустақиллиги кенгайди. Маҳсулотларни сотиб олишда шартномавий баҳолаш тизими кенг қўлланилмоқда.

Бундан ташқари, Халқаро Тараққиёт ва Тикланиш Банки қарзи доирасида амалга оширилаётган "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш компоненти" бўйича Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа, Андижон вилоятининг Марҳамат, Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманларида амалий ишлар қилинди.

Ушбу компонент бўйича ўтган йилда 600 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағ тўлиқ ўзлаштирилиб, кредитлар асосан фермер хўжаликларига техника ва эҳтиёт қисмлар учун ажратилди. Шу билан бир қаторда ушбу кредит йўналишининг "Хусусий машина-трактор парклариниг ривожлантириш" компоненти бўйича умумий миқдори 2,5 миллион АҚШ долларига тенг бўлган лойиҳалар молиялаштиришга қабул қилинди.

Пахта Банк кредит сиёсатининг асосий йўналишларга мувофиқ саноат, савдо ҳамда тайёрлов тармоқларининг "Ўзбекқишлоқмашхолдинг" ХК, "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" ХК, "Ўзозиковқатсаноат" уюшмаси, "Ўзбекбирлашув" АКларга қарашли ташкилотлар ва корхоналарни қисқа муддатли кредитлаш кенг амалга оширилди.

2004 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра юқорида номлари айтиб ўтилган корхона ва ташкилотлар бўйича ажратилган қисқа муддатли кредит қўйилмалари 20,6 миллиард сўмни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги "Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида"ги 318-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида "Пахта Банк" бўлимлари томонидан олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқишга кирган талабаларга 2003 йил 31 декабр ҳолатига кўра жами 2323 та талабага 923 миллион сўм миқдорида таълим кредитлари берилди.

Аҳолини кенг истеъмол моллари билан таъминлаш учун эса 2003 йил давомида савдо корхоналарига 11 миллиард 916 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди.

Банк ўз фаолиятида давлат корхоналари, шунингдек, кичик бизнес субъектларига капитал харажатлар учун ҳам ўрта ҳамда узоқ муддатли кредитларни бериб, республиканинг муҳим объетлари қурилишларини молиялаштириш юзасидан инвестиция дастурини ҳам бажармоқда,

"Пахта Банк" филиаллари томонидан 2003 йилда барча манбалар бўйича капитал қўйилмалар ҳажми 16 миллиард 100 миллион сўмни ташкил этди. Шу жумладан бюджет ҳисобидан 7 миллиард 66 миллион сўм, хўжаликларнинг ўз маблағлари ҳисобидан 6 миллиард 662 миллион сўм ва тижорат кредитлар ҳисобидан 2 миллиард 371 миллион сўм молиялаштирилди.

Бюджет маблағлари ҳисобидан 2003 йил давомида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги 1 миллиард 868 миллион сўмлик, "Оролбўйи" (Нукус) дирекцияси 3 миллиард 174 миллион сўмлик, "Оролбўйи" (Бухоро) дирекцияси 727 миллион сўмлик, Қишлоқ хўжалиги корхоналари Агентлиги 718 миллион сўмлик, Ички ишлар вазирлиги 59 миллион сўмлик, "Обиҳаёт" очиқ турдаги жамияти 56 миллион сўмлик маблағ билан молиялаштирилди.

Қишлоқ хўжалиги секторида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилаш мақсадида ўтган йили қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш дастурини бажаришга "Пахта Банк" орқали бюджет ҳисобига 1 миллиард 616 миллион сўм маблағ ажратилиб 61,5 километр сув тармоқлари, 49 километр газ тармоқлари ишга туширилди.

2003 йил 31 декабр ҳолатига капитал қўйилмаларга ажратилган кредитлар бўйича ссуда қарзлари 13 миллиард 217 миллион сўмни, шу жумладан марказлашган кредитлар 8 миллиард 477 миллион сўмни ва тижорат кредитлари 4 миллиард 740 миллион сўмни ташкил қилди.

2003 йил давомида 2 миллиард 371 миллион сўм миқдорида тижорат кредитлари, шу жумладан Андижон вилоятидаги Ойим ип-йигирув фабрикасини ишга тушириш учун 905 миллион сўм, Сирдарё, Андижон, Жиззах, Навоий ва Фарғона вилоятлари пахта тозалаш заводларини қайта қуришга 1 миллиард 467 миллион сўм ажратилди.

Ойим ип-йигирув фабрикаси қурилиши учун ажратилган кредитлар ҳажми 2 миллиард 700 миллион сўмни ташкил қилди ва фабрика 2003 йилда ишга туширилди.

Қишлоқ жойларда жойлашган субъектларга банк хизматларини кенгайтириш мақсадида банк томонидан лизинг асосида молиялаштириш бўйича қатор лойиҳалар кўриб чиқилди ва маъқулланди. Банк томонидан 104 та лизинг олувчига кўрсатилаётган лизинг хизматлари ҳажми 217 та объект бўйича 1 миллиард 667 миллион сўмни ташкил қилди. Шундан 60 таси ширкат хўжаликлари, 10 таси фермер хўжаликлари, 6 таси хусусий корхоналар ва 28 таси бошқа ташкилотлардир. Ушбу лизинг объектлари бўйича 860,4 миллион сўм лизинг тўловлари ҳисобланган. Ўтган йилда банк томонидан 836,8 миллион сўмлик 92 та қишлоқ хўжалик техникаси лизингга берилди.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИККА КЎМАК...

Банк томонидан кредит маблағларини иқтисодиётнинг реал секторига, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, аҳоли учун зарур бўлган истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган технологияларни сотиб олишни кредитлашга йўналтириш ҳамда улар томонидан маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳисобига нақд пул тушумларини кўпайтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Банк томонидан тадбиркорликни ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга кредитлар ажратиш борасида жорий йил давомида бир қатор ишлар юзага келди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида банк мижозлари ўртасида хусусий тадбиркорлар, кичик бизнес субъектлари ҳамда деҳқон ва фермер хўжаликларининг сони сезиларли даражада ортди.

Шунингдек, бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан 2173 та лойиҳа бўйича 4416,4 миллион сўм, шундан "Бизнес Фонд" жамғармаси бўйича 777 та лойиҳа 1342,9 миллион сўм, Бандлик жамғармаси бўйича 1326 та лойиҳа 2975,5 миллион сўм ва ДФХ жамғармаси бўйича 70 та лойиҳа 98,0 миллион сўмни ташкил этди.

Банк тизими бўйича барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан жорий йил давомида берилган кредитлар миқдори жами 6834 та лойиҳа бўйича 16984,9 миллион сўмга тенг бўлди.

Бевосита деҳқон ва фермер хўжаликларини молиявий жиҳатдан ривожланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида барча манбалар ҳисобидан 6548,3 миллион сўм кредитлар ажратилган ёки бу кўрсаткич жами берилган кредитларнинг 40,0 % га тенгдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу ажратилган кредитларнинг 4346,3 миллион сўми ёки 26 % қисқа муддатга ва 12638,6 миллион сўми ёки 74 % ўрта ва узоқ муддатларга ажратилган. Ушбу ажратилган кредитлар ҳисобига жорий йил давомида 11692 та янги ишчи ўринлари ташкил этилди ва 8666,5 миллион сўм миқдорида маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ҳамда хизматлар кўрсатишга эришилди.

Шунингдек, микрофирмалар ва кичик корхоналар, деҳқон ҳамда фермер хўжаликларининг дастлабки (бошланғич) сармоясини шакллантириш мақсадида бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линияси орқали кредитлар ажратилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини, деҳқон ҳамда фермер хўжаликларини микрокредитлашни янада кенгайтириш ва банк ресурс базасини ошириш мақсадида халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлик олиб борилмоқда.

ХОРИЖИЙ КРЕДИТ ВА ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ

Хозирги кунда "Пахта Банк" да қатор нуфузли халқаро молиявий муассасаларнинг кредит йўналишлари очилган бўлиб, уларнинг умумий суммаси 50 188

АГРАР СОҲА ТАЯНЧИ

937 АҚШ доллари миқдорига тенг. Улар Германиянинг КФВ банки, Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки, Осиё Тараққиёт Банки, Хитой Халқ Республикасининг Эксимбанки ҳамда Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт банкининг кредит линияларидир.

Ўтган йили банк мавжуд хорижий кредит йўналишлар маблағларини иқтисодиётнинг турли секторларига жойлаштириш орқали банк кредит қўйилмаларини ошириш йўлида фаолият кўрсатди. Бунинг натижасида мамлакат иқтисодиётида импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар сони ошди ҳамда янги иш ўринлари яратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари айнан кредит йўналишлари ҳисобидан хорижда ишлаб чиқарилган замонавий ҳамда илғор технологияларни сотиб олиш имкониятига эга бўлдилар ва ўз навбатида истеъмолчилар эътиборига юқори сифатли ҳамда жаҳон стандартларига жавоб берувчи маҳсулотларни таклиф этдилар.

2003 йил 1 январ ҳолатига "Пахта Банк"да мавжуд кредит йўналишлари томонидан молиялаштирилган лойиҳаларнинг умумий кредит суммаси 36893333 АҚШ долларига тенг бўлди.

Жорий йилда ЕТТБ, ОТБ ва КФВ банкининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича кредит линияларини ўзлаштириш давом эттирилди. Ушбу кредит линиялари маблағлари ҳисобидан 29 та лойиҳа бўйича жами 16,83 миллион АҚШ доллари ва 4,1 миллион Евро миқдорида кредит берилди.

Хитой Республикаси Эксимбанкининг Тошкент трактор заводига мини-тракторлар ишлаб чиқариш учун ажратган заёмининг биринчи транши 3,2 миллион АҚШ доллари миқдорида ўзлаштирилди.

Бугунги кунда муваффақиятли фаолият кўрсатиб келаётган лойиҳалардан бири дераза ва эшиклар учун алюминий профиль ишлаб чиқаришга ихтисослашган "ALUTEX" маъсулияти чекланган жамиятдир. Ушбу лойиҳани молиялаш учун ЕТТБ кредит линияси орқали 1 млн 150 минг АҚШ доллари миқдорида 4 йил муддатга кредит ажратилган бўлиб, ускуна "Topcon International SA" (Туркия) компаниясидан сотиб олинди. Молиялаштирилиш 2003 йил 16 январда очилган. Ҳозирги кунда корхона режалаштирилган қувватда ишлаб, 2003 йил давомида корхона таннархи 245 миллион сўмга тенг 103 тонна маҳсулот ишлаб чиқарди. Йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулотдан 63 тоннаси сотилди ва 208 миллион сўмлик савдо тушуми олинди. Бугунги кунда корхона маҳсулотини яқин ҳорижий давлатларга экспорт қилиш мақсадида ўзининг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқмоқда.

"Хонқа қоп" МЧЖнинг полипропилен қоп ишлаб чиқаришга йўналтирилган лойиҳасига банкимиз томонидан Осиё ривожланиш банки кредит линияси ҳисобидан 495 минг АҚШ доллари миқдорида 4 йил муддатга кредит ажратилган. Полипропилен қоп ишлаб чиқариш бўйича ускуна Хитойдан келтириб ўрнатилган бўлиб, 2003 йил давомида корхона томонидан 4,6 млн дона, яъни 553 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.

"Пахта Банк" мавжуд кредит линиялар ҳисобидан ноанъанавий лойиҳаларнинг молиялаштирилишига ҳам эътибор бермоқда. Осиё Тараққиёт Банки кредит линияси томонидан молиялаштирилган "Ilonsoy-Parranda" Шўъба Корхонаси шундай лойиҳалардан биридир. Бу корхона Германиянинг "Meller Batterien Joh. Kreyer Apparatebau GmbH" компаниясидан 865 минг АҚШ долларига паррандачилик саноатида ишлатилувчи 166 минг бош товуққа мўлжалланган катак батареяси ва вентиляцион совутиш тизимини сотиб олди. Натижада корхона ички бозорда юқори сифатли тухум сотишни бошлади. Корхона йилига 11,7 миллион дона тухум етиштириш қувватига эга. 2003 йил давомида корхона томонидан 11,6 млн дона тухум сотилди ва 674 млн сўмлик савдо тушуми олинди.

КРЕДИТ ТАВАККАЛЧИЛИГИ

Мазкур банкка Жаҳон Банки маслаҳатчиси Питер Хенинг таклиф қилиниши ва у билан олиб борилган ҳамкорлик натижаси банк таркибида ва амалиётида бир қатор муҳим ўзгаришларга олиб келди. Банк таркибида янги тузилма - Банк кредит таваккалчиликларини бошқариш бўлими ташкил қилинди ва банк кредитлаш амалиётига сезиларли ўзгартиришлар киритилди.

Ушбу янги тузилмани ташкил қилишдан асосий мақсад кредит таваккалчилигини баҳолаш, бошқариш ҳамда унинг даражасини тушириш орқали банк кредит портфели ҳолатини яхшилашдан иборатдир.

Бўлим томонидан кредит таваккалчиларини бошқаришга қаратилган чора - тадбирлар бир неча йўналишда, яъни банк кредит қўйилмалари бўйича мавжуд ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилиш, юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни илк даврда аниқлаш ҳамда бартараф этиш, мавжуд муаммоли кредитларни камайтириш борасида ишлар амалга оширилди.

Шунингдек, ўтган давр мобайнида таҳлилий маълумотларни олиш бўйича янги воситаларни ишлаб чиқиш, банк кредит қўйилмаларининг тармоқлар бўйича тақсимланиши, берилган кредитларнинг таъминоти ҳолати ва кредит портфели сифатини таҳлил қилиш учун ахборот базасини шакллантириш бўйича чора – тадбирлар қилинди.

ДАСТУР АСОСИДА

Ўтган йил бошидан банкнинг барча 183 бўлимларига янги интеграллашган "NCI-Bank" дастури ўрнатилиб бўлингач, ягона ҳисоб варағига тўлиқ ўтилди. "Пахта Банк"нинг Бош офисида янги виртуал банк (МФО 09004) шакллантирилди.

Банкнинг UNIX операцион тизимида ишловчи 2 та Alpha DS20E серверлари ва RA8000 диск массивларига Oracle 9i Маълумотлар Базасини Бошқариш Тизими ҳамда Tru64Unix операцион тизими учун қўшимча Real Application Claster дастурлари ўрнатилди. Бутун кластер тизимининг тўхтовсиз ишлашини таъминлаб бериш мақсадида операцион тизим янгиланди.

Тўловларни қайта ишлаш учун мўлжалланган қўшимча серверлардаги мавжуд дастурлар янгиланди, бу эса банклараро ва филиаллараро кунлик электрон тўловларни қайта ишлаш ҳамда 090004 виртуал банкнинг тўловлар тўғказишини таъминлади.

Тизимдаги мавжуд компьютер техникасининг узлуксиз ва беталофат ишлашини таъминлаш мақсадида банкда янги, асосий: UNIX операцион тизимида ишловчи 2 та Alpha DS25 серверлари, EVA5000 виртуал диск массивлари ҳамда банкнинг Чилонзор бўлимига ўрнатилган заҳира: UNIX операцион тизимида ишловчи 2 та Alpha DS20E серверлари ва EVA5000 виртуал диск массивларидан иборат кластер тизими шакллантирилди. Ҳозирги кунда асосий ва заҳирадаги кластерларни ўзаро оптик толали, юқори тезликда ишловчи алоқа тизими билан улаш ишлари олиб борилмоқда. Бу эса ўз навбатида асосий кластердаги ахборотларни заҳира кластерида айнан акс эттириш ва "Пахта Банк" тизимидаги маълумотлардан олинган архивларни заҳирада сақлаш имконини беради.

Маълумотлар айирбошлаш тармоғи такомиллаштирилди. Эндиликда банкнинг бош офиси ва вилоят бошқармалари орасидаги маълумот айирбошлаш 128 Кбит/с ҳамда ундан юқори тезликни таъминловчи Frame Relay тизимида амалга оширилмоқда. Ушбу ҳолат IP-телефония ва корпоратив тармоқ тизимини таъминлаш имконини беради.

Ҳисобот йилида банк бош офисининг тармоқ бошқармаларида ишловчи, Ахборот технологиялари Маркази ходимлари ва NCI компанияси томонидан ишлаб чиқилган "NCI-Bank" дастурлари иши назорат қилиб борилди.

Ахборот технологиялари Маркази ходимлари Тошкент шаҳрида очилган валюта айирбошлаш шаҳобчаларининг ишлаш қобилиятини таъминлаб берувчи компьютер техникаси ва улардаги дастур таъминотлари ҳамда Марказий банк сервери билан уланиш каналларининг ишини доимий равишда назорат қилиб бордилар.

Ҳисобот йилида банкнинг бош офиси ва барча бошқармалари 64 Кбит/сек тезликдаги маълумот алмашинувини кафолатловчи банкнинг CM-Сервери орқали Давлат Божхона қўмитасининг электрон тизимига уланди.

Янги ахборотлар ва тармоқ технологияларини тадбиқ этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, банкнинг бош офиси ва вилоят бошқармаларида янги филиаллараро узлуксиз ахборотлар алмашишни таъминловчи электрон почта тизими тадбиқ этилди.

2003 йил давомида Банк трейнинги Маркази билан ҳамкорликда бош офис ва вилоят бошқармалари ахборот технологияси бўлими ходимларининг малакасини ошириш мақсадида "Oracle 9i Маълумотлар Базасини Бошқариш Тизимини бошқариш" ҳамда "Windows Nt Server операцион тизимини бошқариш" йўналишлари бўйича ўқув курслари ташкил этилди.

Ҳисобот йилида микропроцессорли пластик картларга асосланган нақдсиз тўлов тизимини ривожлантириш борасида катта ишлар амалга оширилди.

"Пахта Банк"да 2003 йилда пластик карточкалар ишини ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора – тадбирлари" тўғрисидаги 280-сонли қарорига ва "Пахта Банк"да 2001 йил 25 декабрда қабул қилинган 2001-2005 йилларга мўлжалланган махсус дастурга мувофиқ иш олиб борилди. Ушбу дастурга асосан банк томонидан Тошкент Давлат Аграр университети, Тошкент Агрегат заводи, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси, Хоразм шакар заводи, Ҳазорасп солиқ инспекцияси, Қашқадарё "Пахтасаноат" уюшмаси, Қашқадарё пахтани қайта тозалаш заводи, Наманган МТП, Сирдарё ГРЭС, "PAXTA-SERVIS" Депозитарийси, "Madad Edviser" унитар корхонаси, "Ўзкишлоқмаш" акциядорлик лизинг компанияси, "PAXTA INVEST" бошқарув корхонасига банкомат ҳамда терминаллар қўйилди ва ушбу корхоналарнинг ходимлари пластик карточка орқали иш ҳақларини олишмоқда.

Ўтган йилда Пахта Банкнинг Сирдарё, Хоразм вилоят бошқармаларида банк қатнашчи (банк участник) сифатида пластик карточкалар билан ишлаш йўлга қўйилди. Шу билан биргаликда Самарқанд, Наманган, Қашқадарё, Фарғона, Андижон вилоят бошқармалари пластик карточкалар орқали операцион пункт сифатида иш бошлашди. "Пахта Банк" терминаллари сони бугунги кунда 168 тага, пластик карточкалар сони эса 10 000 тага, банкоматлар сони 14 тага етди. 2003 йил давомида очилган пластик карточка омонат турига 1 миллиард сўмдан ортиқ маблағ жалб қилинди.

Мақсад ОРЗИЕВ

Акциядорлик тижорат
"Пахта Банк"

ўз акциядорлари, мижозларини,
барча юртдошларимизни
НАВРЎЗ АЙЁМИ
билан самимий қутлайди!

Наврўз – табиатнинг уйғониш фасли, умумхалқ байрами, меҳр-мурувват айёми, эзгу-ниятлар рамзи. Шу билан бирга, Наврўз ҳаёт абадийлигининг, табиат чексиз сиҳатининг ёрқин кўринишидир. Шу боис халқимиз Наврўзни ўзгача сотиқ, ўзгача умид билан кутади. Зеро, ушбу айём қалбларимизга ёруғлик олиб киради, кўнгилларимизни мулойим этади. Табиатга меҳр, эришган кулга ишонч уйғотади. Наврўз шунинг учун ҳам азиз ва улуғ айёмдир.

УШБУ ҚУВОНЧЛИ КУНЛАРДА ҲАР БИР ХОНАДОНГА БАХТ-САОДАТ, ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ТИЛАЙМИЗ!

"ПАХТА БАНК" – ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Банк Кенгаши ва бошқаруви

ХОНАДОНЛАР ЧАРОҒОН, ДИЛЛАР ХОТИРЖАМ

Айрим замонамиз фозилларининг "Тараққиёт тафаккурни емиради", деган қарашларига ҳар гал фикран дуч келганимда, чуқур ўйга толаман. Мулоҳазага чорловчи бу сўзларда недир ҳақиқат бордир, бироқ атрофга теранроқ разм солсак, тараққиётнинг бугунги кўлами инсон онги, ақл-заковати, тафаккурини янада олмос каби тиниқлаштиришга хизмат қилаётганини кўрмай иложимиз йўқ.

...Эрталаб ишхонангизга келдингиз. Компьютер орқали "Интернет"га уланиб минглаб чақирим наридаги ҳамкасбингизнинг сизни қизиқтирган мавзуга дахлдор маълумотлари билан танишишингиз мумкин. Ҳаётимизга шиддат билан кириб келган тараққиёт маҳсули – компьютерларни бугунги турмуш тарзимиздан сиқиб чиқара оладиган куч борми?

Келинг, яна бир дақиқа "ҳақ тўланмайдиган" хаёлот отига миниб, сайр қилайлик.

Ишингиз адоғига етди. Минг бир ўй-хаёллару режалар билан чарчоғингизни ҳам унутиб, уйга шошиласиз. Ниҳоят, оилангиз остонасига қадам қўйдингиз. Ие, бу қанақаси шом бўлишига қарамай, чироқни ҳамон ёқишмабди-ку! Кўлингиз очқичга узанади: "Чиқ!" Беихтиёр пешонангиз тиришади. "Вой дадаси, яхши келдингизми? Чироқ ҳозиргина ўчди", хонадонингиз бекасининг бу "янгилиги" кўнглингизни хуфтон қилиши тайин. Ўзингизни хотиржам тутишга ҳаракат қиласиз. Аммо... "Титаник"ни-ку икки марта кўргансиз, "Сиёсат" студияси кўрсатуви нима бўлади? Яна, аксига олиб бир папка қилиб уйга иш олиб келганингизни қаранг.

Хуллас, компьютеру телекўрсатувларни қўя туринг, хонадонингизнинг бир соатгина электр нуридан бебаҳра қолиши кўнглингизга қанчалик ғашлик солади! Қолаверса, инсоннинг муштдеккина миясини бир пайтлар электр қувватини кашф қилмаганида бошқа тараққиёт омиллари ҳақида бугун гапириб ҳам ўтирмас эдик.

Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, дейишганидек, электр энергиясининг ҳам қадри уйимизда чироқ ўчганида билинади. Агар битта 100 ваттли лампочкага бир суткада 1 киловатт энергияси сарфласа, ҳозирги кунда 18 сўму 50 тийин бўлади. Арзонми ёки қимматми?

Бир стакан газли сув 50 сўм бўлиб турган пайтда, албатта, арзон-да. Ваҳоланки, бу электр энергиясини яратиш, олиб келиш учун қанча меҳнат, харажат сарфланади. Гохида биз - истеъмолчилар эса бунга этибор бермаймиз, қадрига етмаймиз.

-Корхонамизнинг асосий вазифаси юқори кучланишли электр тармоқларидан қувватни электр ҳисоблагич орқали қабул қилиб олиб, уни истеъмолчиларга етказиб бериш, 10/0,4 кучланишли электр узқуналарини эксплуатация қилишдан иборат. Демак, вилоятимиз халқ хўжалигини, аҳолисини узлуксиз электр қуввати билан таъминлаш кўп жиҳатдан бизнинг ўз ишимизни нечоғли уддалашимизга боғлиқ экан. Бинобарин, хеч муболағасиз айтиш мумкинки, вилоятимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда жамоамизнинг ҳам ўз ўрни бор. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун биргина ўтган йилда жамоамиз томонидан амалга оширилган ишларнинг айрим қирраларига эътибор бериш кифоя, - дейди "Сирдарёэлектртармоқлари" ОАЖ раиси Абдуманноб Кўчқоров. -Ўтган йили вилоятда электр энергияси таъминотини янада яхшилаш йўлида ҳаракат қилдик. Бунинг натижаси ўлароқ 458 километр 10 кв.ли ҳаво тармоқлик, 357 км. 0,4 кв.ли ҳаво тармоқлари ҳамда 219 дона нимстанция таъмирланди.

Шунингдек, 395 км. 10 киловаттли ҳамда 2761 км. 0,4 киловаттли тармоқлар ва 1966 та нимстанцияга сифатли техник хизмат кўрсатилди. Гулистон шаҳрида 30 йилдан буён таъмирланмаган 17,3 км.

кабел ҳаво тармоғи билан алмаштирилди, 18 та трансформаторнинг томи ёпилди.

-"Сирдарёэлектртармоқлари" очиқ турдаги акциядорлик жамияти деб номланаётган ушбу корхонага 1966 йилда ишга келган эдим. Мен тайинланган бош муҳандислик вазифаси нечоғли мураккаб эканлигини эслатишнинг ҳожати йўқ. Салкам қирқ йиллик меҳнат тажрибаларимиз, "олий маълумот"им ҳам етар-етмас бўлиб туюладиган тиғиз ва мураккаб нуқталарга кўп дуч келганман, - дея суҳбатга қўшилади бош муҳандис Шароф Усмонов. -Бизнинг ишимизда автомашиналарнинг ҳамиша шай туриши жуда муҳим. Уларни етарли эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш учун 45 миллиондан зиёд пул сарфланди. Эндиликда барча туманларимиздаги электр тармоқлари корхоналари керакли ҳимоя воситалари, нимстанция ва кабел ҳамда трансформатор захираларига эга. Бунинг учун эса 232 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Шуниси муҳимки, эндиликда тармоқларимизда содир бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай фавқулодда вазиятни тезда бартараф этиш икониятига эгамиз.

Бизнинг ишимизда энг қийин ҳолатлар кузги-қишки мавсумда юзага келиши кузатилади. Шуни назарда тутиб, 2003 йили йигирмата тадбир бажарилди ва бу бўйича тайёргарлик паспорти олинди.

Шу ўринда айрим рақамларга эътиборингизни қаратмоқчиман. Ўтган йили давомида халқ хўжалигининг турли тармоқларига ҳамда аҳолига 9944,2 миллион сўмлик электр энергияси етказиб берилди. Биргина декабр ойида 1446,5 миллион сўмлик ўрнига 1448,6 миллион сўмлик электр энергияси сотилиб, режа 100,1 фоизга уддаланди.

Албатта, бу ишларда ўз ишининг устаси – жамоамизнинг илғорлари Зайтюна Мансурова, Эшқул Алиев, Владимир Попов, Виктор Материн ва Хосият Нуритдиновалар сингари фахрийларимиз электриклар, участка бошлиқларининг ҳиссалари катта бўлаяпти. Биз бугунги кунда уларнинг номларини фахр билан тилга оламиз.

Кечаю кундуз тинмай эл хизматида бўлиб, аҳолига мунтазам равишда электр энергиясини етказиб

бериш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган нурчилар жамоаси эришаётган ютуқлар мақтовга лойиқ. Айниқса, изоляция хизмати бошлиги Олимназар Хоников, электр узқуналарини таъмирлаш устаси Алижон Боймирзаев, электрон монтёрлар Абдусаттор Зокиров, Баҳодир Қўшбоқовлар меҳнатидан кўпчилик хурсанд.

-Бир жиҳат аниқки, ҳар қандай меҳнат жамоасида ишларнинг яхши боришига ҳам, айрим ҳолларда орқага кетишига ҳам меҳнат интизоми, ишчи-хизматчиларнинг малакаси, уларга унумли меҳнат учун яратилган шарт-шароит, кадрларнинг асраб-авайланиши сабаб бўлади. Шунинг учун биз бу омилларга ҳамиша жиддий қараймиз. Бунда, аввало, ходимларининг иш ҳақини ўз вақтида бериб боришга, уларни ижтимоий ҳимоялашга ҳаракат қилаяпмиз, - дейди корхона раисининг ўринбосари Ҳазрат Муродов. – Мисол учун, шу кунгача корхонамизда кам таъминланган ходимларга 18 миллион 900 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. Ишчиларга меҳнат таътилига чиқиш пайтида даволаниш учун 12,6 миллион сўм тўланди.

Бизнинг ишимизда бир нозик нуқта бор. Унга нисбатан лоқайдлик билан қараш жиноят билан баробардир. Бу электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш, ўз номи билан атайдиган бўлсак, электр қувватини ўғирлаш масаласидир.

Бугун бизга бундай салбий ҳолатларга барҳам бериш мақсадида вилоят телевидениеси ҳамда ички ишлар вакиллиги билан махсус тузилган тадбирлар асосида иш олиб бораяпмиз. Чунончи, ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида айни дамгача 51 та ноқонуний ҳолат аниқланиб, уларга қарши қатъий чоралар кўрилди. Шунингдек, декабр ойида ТЭТлар тизимидаги узқуналарни қайтадан хатлаб, технологик исроф миқдорини аниқ ҳисоб-китоб қилганлигимиз, уларнинг миқдорини камайтириш юзасидан тузган тадбирларимиз ўз самарасини бераётир.

Дарвоқе, яна бир муаммо - электр энергиясидан фойдаланганлик ҳақи аҳоли ва ташкилотлар томонидан ўз вақтида тўланмаётганлиги ишимизда айрим оқсоқликларни юзага келтираяпти. Гарчи, аҳолининг қарзини 2004 йил январида 2003 йилнинг 1 январига нисбатан 41 миллион сўмга камайтиришга эришсак-да, бу рақамнинг "семириши"га қишлоқ хўжалиги корхоналаримиз, коммунал хўжалиги, "Сувоқава" корхоналари, "Деҳқонобод" сув ҳавзаси жамоаларининг "сабр-тоқатлилиги" ҳам сабаб бўлаётир.

Нима бўлганда ҳам, кечани кеча, кундузни кундуз демай, ҳар бир хонадоннинг ёруғ бўлиши йўлида тинмай фидокорона меҳнат қилиш ҳар биримизнинг дастурил амалимизга айланмоғи лозим.

Шомурод ХОЛМУРОДОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

БОЛАЛАР СПОРТИ

СИРДАРЁЛИК СОВРИНДОРЛАР

Болалар спорти ҳақида гап кетганда, унинг ривожига катта ҳисса қўшаётган Сирдарё тумани маорифчиларининг саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Чунки, ҳар йили республика биринчиликлари ва турли турнирларда туман ўсмирлари яхши натижаларни қайд этишмоқда.

-2003 йили ҳам кўрсаткичларимиз ёмон бўлмади, - дейди туман халқ таълими бўлими мудири Салоҳиддин Элмуродов, - бундан беш-олти йил муқаддам кураш турларини оммалаштириб, айниқса соҳибқирон бобомиз Амир Темур лашкарларининг жанг санъати ҳисобланган "Турон" яккакураши бўйича бир қанча чемпионлар етиштирганмиз. Кейинги вақтларда эса ўқувчиларимизни Ўзбекистон спортининг бирмунча оқсаётган қирраси – енгил атлетикага ҳам жалб этиш устида ишлай бошладик. Бунинг учун аввало ўқув муассасаларида шароитлар яратиш, жиҳозлар, мураббийлар билан таъминлаш дастурини ишлаб, амалиётга татбиқ этдик. Мутахассисларимизнинг меҳнати зое кетмади. Ўтган йили ўқувчиларимиздан Тамара Савон, Олим Равшанов, Акмал Абдураззоқов ва Ҳабибулло Шодиевлар енгил атлетика бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлишди. 42-мактаб ўқувчилари Ринат Сахаутдинов баландликка сакраш, Марина Хлановина эса енгил атлетика бўйича бронза медалларини қўлга киритишди. 27-мактаб ўқувчиси Ғайрат Маматов Жиззахда ўтган спартакиадада иккинчи ўринни олди. Чемпионларимиз мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоаси сафига қабул қилинди.

Республикамиз спорт ареналарида шоҳсупанинг юқори поғоналарини забт этган Сирдарё тумани ёшлари рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Теннисчилар Азиз Саъдуллаев ва Анвар Дадабоевлар "Соғлом авлод учун" республика турнирида биринчи бўлишди. 1-ўрта умумтаълим мактаби ўқувчиси Надежда Мелько эса кумуш медал соҳибасига айланди.

-Ўшанда озгина омад етишмади, - дейди Надя афсус билан. – Бу йил насиб этса, Ўзбекистон чемпиони бўлмоқчиман. Бунинг учун ҳозирда машғулотларни кучайтирилган режимда ўтказаяпман. Чемпион бўлсам, халқаро турнирлар эшиги очиларди. У ёғига... орзуларим бисёр.

Ўтган йили шунингдек, туманнинг қўл тўпи бўйича қизлар жамоаси республикада 3-ўринни, 43-ўрта умумтаълим мактабининг баскетболчи ўғил болалар командаси эса тўртинчи ўринни эгаллашди.

-Болалар спортини янада ривожлантириш мақсадида 5, 6 ва 35-мактабларга спорт майдончалари қуриш учун 4 гектар ер ажратилди, - дейди Салоҳиддин ака. – Яна 5 та ўқув масканида спорт залларини таъмирлаш, майдончалар қуриш ишлари ниҳоясига етмоқда. Ҳомийлар 5-ўрта умумтаълим мактаби ҳисоб рақамига 200 минг сўм пул ўтказиб беришди. Бу йил ўқув муассасаларига 8 миллион сўмлик жиҳозларни бюджет ҳисобидан олиб берамиз. Хуллас, туман ҳокимлиги, ҳомийлар кўмагида қиладиган ишларимиз кўп.

Сирдарё туманида болалар спортини ривожлантириш борасида қилинадиган ишлар дарҳақиқат ҳали кўп. Салоҳиддин Элмуродовнинг таъкидлашича, яқин келажакда спортнинг оғир атлетика, бадиий гимнастика, сузиш, чим устида хоккей, волейбол, баскетбол турларини ҳам ўқувчилар ўртасида янада оммалаштириш, янги-янги чемпионларни етиштириш бўйича кенг кўламли ҳаракатлар бошланади. Бунинг учун қишлоқ жойларда спорт иншоотлари, мажмуалари қурилиши давом этмоқда.

МАНФААТДОРЛИК - ИШ СИФАТИГА БОҒЛИҚ

- Ҳар қандай маҳсулотнинг сифати-ю, бозорбоплиги маълум даражада хомашёга ҳам боғлиқ, - дейди Навоий пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти раиси Мамаёқуб Назаров.

- Ўтган хўжалик йилида корхонамиз 45 минг 600 тонна пахта ҳосили қабул қилиб олди. Бизни хурсанд қилган жиҳати – ширкат ва фермер хўжаликлари етиштириб берган ҳосил асосан юқори навларга топширилди. "Бухоро-6" ва "Ан-Боёвут" навлари деҳқонларимизга жуда маъқул келди. Бу навлар вилоятимиз иқлим шароитига мослиги, турли касалликларга чидамлилиги, қолаверса, толасининг жаҳон бозорида юқори баҳоланаётгани билан ҳам устунлик жиҳатларини намоён қилмоқда. Ҳозиргача 20 минг тонна хомашёни қайта ишлаб қўйдик. Толамиз терминал орқали тўғридан-тўғри экспортга жўнатиляпти.

Айни пайтда мазкур корхонада иш қизғин.Цехлар тунғ кун гувиллайди. 700 нафардан ортиқ ишчи-хизматчилар сменаларга бўлингани ҳолда меҳнат унумдорлигини ошириш учун бор имконият ва тўпланган тажрибаларини ишга солишмоқда. Илғорлар кўп. Зиммаларидаги кунлик ва ойлик режаларини ошиғи билан бажарганлар қўшимча равишда рағбатлантирилаётгани учун ҳам самарадорлик яхши бўлаётир.

- Кўчага чиқсангиз ёки жамоат жойларида бўлсангиз, баъзи одамлар, ҳатто айрим пенсионерлар ҳам ойлик маошлари-ю пенсияларини вақтида олишолмаётгани хусусида нолиб қолишади, - дейди тайёрлаш ва сотиш бўйича раис муовини Ҳусниддин Давлонов. – Ростдан ҳам моянани вақтида олололмаса, буёғи рўзғор, дейлик бозорда гўштни насияга беришмайди... Бунақа ҳолатда ишда унумдорлик бўладими? Шукрки, бизда ундаймас. "Пахта-банк" мажбуриятини яхши бажараяпти, ишчиларимиз нафақат маошларини, балки мукофот пулларини ҳам дам-ба-дам олиб туришибди.

Ишлаб чиқариш жараёни билан яқиндан танишамиз. Махсус кийимларда меҳнат қилаётган ишчиларнинг чаққон хатти-ҳаракати-ю кайфияти, атрофнинг озодалиги кишининг ҳавасини келтиради. Бирор жойда сочиб ётган чигитни ёки оёқости бўлиб ётган толани кўрмайсиз. Деҳқоннинг пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилга муносабат аслида ана шундай бўлмоғи керак, деган фикр хаёлингиздан ўтади.

ДАВР

- Шу корхонада ўн беш йилдан буён ишлаб келаман, тўғриси яхши кунларни ҳам, оғир пайтларни ҳам бошдан кечирдик, - дейди смена устаси Анвар Тўраев. –Илгари қанча ишласак ҳам белгиланган маошни олардик. Ҳозир эса нафақат мояна, балки янада кўпроқ ва албатта сифатли ишласак, исрофгарчиликка йўл қўймасак қўшимча равишда манфаатдор бўлаяпмиз. Йил якунида мўмайгина дивиденд ҳам олаяпмиз.

Корхона раҳбари Мамаёқуб Назаровнинг таъкидлашича, зўр навлардан сифатли хомашё етиштиришда, айниқса фермер хўжаликларига ишонч ортиб бормоқда. Кейинги йилларда қишлоқ тадбиркорлари ҳам контрактация шартномалари тузишда анчагина пухта бўлиб қолишган. Талаб ва таклифни мавриди билан, ўйлаб, чамалаб, қонуний қўйишаяпти.

- 2003 йили мавжуд 64 гектар ердан режадаги 213 тонна ўрнига 255 тонна пахта топширдим, - дейди Навбаҳор туманидаги "Янгиер" фермер хўжалиги раиси Тоғай Раҳматов. – Ҳосилнинг 90 фоизини биринчи навга қабул қилишди ва умуман гирромчилик сезмадим. Барака топишсин.

- Даромаддан гапиринг, қанча бўлди?

- Айтсам баракаси учади, иним. Аммо фарзандларимнинг ўқиш шароитларини яхшилаш, ўзимиз кўрмаган компьютер олиб бериш ниятим қатъий. Ҳали олдинда тўйлар турибди, чўнтагингда пулинг бўлса, элга ҳам каттароқ қозонда ош бергинг келади.

Бозор муносабатларига ўтиш шароити нафақат даромад манбаини кўтаришни, балки иқтисодий салоҳиятни юксалтиришнинг истиқболли режаларини ҳам тақозо этади.

- Бусиз узоқни кўриб бўлмайди, - дейди Мамаёқуб ака. – Корхонамиз яқинда тўлиқ реконструкция қилинди. Қисқа технологияга ўтдик. Биласизми, бир соатда 40 тонна тола чиқарсангиз ҳам, 60 тонна чиқарсангиз ҳам белгиланган энергия сарфланади. Ҳозир биз янги усулда ишлаяпмиз. Биргина электр токини тежашдан бир неча миллион сўм маблағни иқтисод қиласяпмиз. Смена устаси Анвар Тўраев билан суҳбатлашдингиз. Бу ишчимиз сменасида 45 тонна ўрнига 65 тонна тола чиқаришга эришаяпти. Харажат ва даромад нима эканлигини ишчиларимиз тўлиқ ўзлаштириб, англаб олишган. Тежамкорлик биринчи навбатда ўзлари учун кони фойда эканлигини улар яхши билишади.

Корхонада меҳнат жараёни ва изланишлар давом этмоқда. Шу билан бирга бу йилги ҳосил тақдири, ташвишлари ҳам эътибордан четда қолгани йўқ.

Максуд АКРАМОВ

ИЗЛАНИШ

Яқин ўтмишимизда эмас, балки Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларида Шаҳрихонда бир бор бўлган киши ҳозир яна бу ерга қадам ранжида қилса, албатта бу ердаги беқиёс ўзгаришлардан завқ-шавққа тўлиши ва беихтиёр "Истиқлолга раҳмат!" дея иймон келтириши шубҳасиз. Шаҳрихонликлар азал-азалдан омилкор деҳқон, ҳалол тадбиркор, моҳир ҳунарманд, саранжом-саришталикка иштиёқи баландлиги билан водийда алоҳида мавқега эга бўлишган. Республикамиз мустақиллиги ва у берган эмин-эркинлик боис инсонлар қалбида савобталаб ишларга бўлган ҳавас ортди.

"РИВОЖ"НИНГ ПАРВОЗИ

"Ривож" фирмаси жамоаси томонидан амалга оширилаётган яратувчилик, айниқса, эътиборга молик. Атиги тўрт киши билан иш бошлаган фирма эндиликда йирик ва замонавий технологияга асосланган кўптармоқли мажмуага айланди. Комилжон Отахонов етакчи бўлган фирма 1996 йилнинг бошида дастлабки буюртмаларни бажариш билан банд эди. Янги ишчи ўринларини яратиш, ижтимоий муҳофазани кучайтиришга чоғланган мулкдорлар хорижликлар тажрибасига ҳавас қилишиб, улар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишди. Саъй-ҳаракатлар туфайли 1997 йили Ўзбекистон – Хитой "Ривож – Тянъжин" қўшма корхонаси юзага келди. Ҳамиша харидоргир бўлган электродлар ишлаб чиқарувчи корхонанинг ишга тушиши туфайли 70 нафардан зиёд ёшлар мунтазам ишчи ўрнига эга бўлишди. Фирманинг иқтисодий ривожланиш даври бошланди. Бундан руҳланган тадбиркорлар хитойлик бизнесменлар билан тўқимачилик корхоналарига зарур бўлган конуслар ишлаб чиқарувчи "Ривож – Тянъбао" қўшма корхонасини таъсис этишди. Бу билан ишчи ўрни ва даромад кўпайди. Бундан кейинги ҳаракат эса тўқимачилик ва тикувчилик корхонасини ташкил этишга қаратилди.

Интилганга толе ёр деганларидек, бошланган бу иш ҳам охирига етказилди. Айни кунларда фирма корхоналарида 410 киши меҳнат билан банд. Шулардан 160 нафари қиз-жувонлардир. 2003 йил якуни бўйича фирмада 835 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Фирма корхоналарида бўлсангиз, ишлаб чиқариш маданияти хорижликларникидан асло кам эмаслигини кўрасиз. Ишчи кийимларининг бежиримлиги, ҳар бир цех ёки корхона ҳовлисидаги саранжомлик эътиборингизни тортади. Фирма етакчиси Комилжон Отахонов бежиз Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлигига салмоқли овоз билан сайланмаган экан. Ҳар ишда савобга интилишни ўзига биринчи вазифа қилиб олган тадбиркор эндигина қирқ ёшни ортда қолдирди. Ишчилар билан суҳбатларда, шаҳрихонликлар даврасида шуни билдикки, Комилжонда маънавий баркамоллик сари интилиш мужассам. Маънавий бой одам ўзидан аввал ўзгалар дарди билан нафас олишга ўзида куч топа олади. Ишсизлик муаммоси кун тартибида қалқиб турган ҳозирги пайтда юзлаб одамларни иш билан таъминлашнинг ўзи улуғ савоб.

Шаҳрихонликларнинг бағри кенг. Улар эзгу ишга қўл урган юртдошларини бошларига кўтаришади. Комилжон тадбиркорлик фаолиятини бошлаган чоғда шаҳар ўртасида қаровсиз қолган қабристонни тартибга келтиришга киришди. Бу унинг ишига барака ёғдирди. Ана шундан сўнг, аниқроғи 1999-2000 йиллар оралиғида жуда кўплаб иқтидорли инсонларни воягa етказган Ҳамза номли 2-ўрта мактабнинг нураб бораётганлигини сезиб, қурилиш ишларини бошлаб юборди. Рус, инглиз тиллари ва математика фанини чуқур ўзлаштиришда ўзига хос тажриба маскани бўлган мактаб янги бинога эга бўлди. Комилжон Отахонов мактаб биноси қуриш билан чекланиб қолмади. Мактаб фаолиятини янада такомиллаштириш, иқтидорли болалар салоҳиятини кучайтириш доимо тадбиркор эътиборида. Мамлакатимиз ва хорижий ўқув юртларида таълим олаётган шаҳрихонликлар сафи кенгайиб бораётган экан, бунда Ҳамза номли 2-ўрта мактабнинг ҳиссаси алоҳидадир.

2003 йил ёзида Андижонда ўтказилган "Баркамол авлод – 2003" спорт мусобақаларининг футбол беллашувлари "Шаҳрихончи" стадионида бўлди. Ана шу стадионни замонавий талаб даражасида таъмирлаш ва жиҳозлашда ҳам "Ривож"нинг улуши бор. Гапнинг сирасини айтганда, Комилжон Отахонов эл-юрт корига ярайдиган ишларни дуч келган жойда сўзлаб юрадиганлар тоифасидан эмас. У ўтган йиллар давомида маънавий-маърифий йўналишдаги бир қатор лойиҳаларнинг амалга оширилишига ўзининг баҳоли қудрат ҳиссасини қўшганлигини бирор марта ҳам тилга олмади. Аксинча, унинг дилкашлиги, самимийлиги ва энг муҳими, одамлар орасида қайсидир жиҳати билан ажралиб туриши ҳақидаги лутфларни унинг ҳамшаҳарлари оғзидан эшитдик.



Мулоқотимиз пойнида "Ривож" офисига баланд бўйли, юзида қувонч ярқ этиб турган бир ўсмир кириб келди. Салом-алик асносида йигитча Комилжон Отахонов билан ота-болаларча қучоқ очиб кўришишди. Фирма раҳбари йигитча ўзатган конвертни шу заҳоти очиб, ичидаги ҳужжатларга шоша-пиша кўз югуртириб, уни яна бир бор бағрига олди.

-Йигитнинг иши ана шунақа бўлади, - деди Комилжон хурсандчилигини яшира олмай. – Омад келса, Худо қўлласа, ҳали кўп бундай ютуқлар ва ортидан эътирофлар бўлаверади, болам. Ҳали сиз билан нафақат шаҳрихонликлар, мамлакатимиз аҳли фахрланади.

Ўсмир раҳмат дея ташқарига чиқди. Биз ҳозирги ҳолат ҳақида Комилжондан сўрадик. Эндигина 18 баҳорини қарши олган Элёрбек Ғуломов бокс бўйича ўсмирлар ўртасидаги республика чемпионатида ўз вазни бўйича биринчи ўринни олибди. Бу унинг уч йилдаги учинчи йирик ғалабаси экан. Шаҳрихоннинг чекка қишлоғида вояга етган Элёрбек Ғуломовга мутахассисларнинг эътибори баланд. Энг оғир вазнда рингга чиқаётган Элёрбек ҳозирда Андижон Давлат университетининг 1-боскичида таҳсил олаяпти.

Мутахассисларнинг хулосасига қараганда, Сидней олимпиадасида совриндор бўлган Сергей Михайловнинг ўрнини Элёрбек босиши мумкин. Ана шу умидли боксчи спорт оламига кириб келгандан буён Комилжон Отахонов ҳомийлигида. Шу ўринда яна бир муҳим гапни айтсак. "Баркамол авлод – 2003" мусобақалари арафасида Президентимиз Андижонда бўлган чоғида бир гуруҳ иқтидорли спортчилар билан суҳбатлашган эдилар. Ана шу мулоқотда Элёрбек Ғуломов ҳам бор эди. Ўшанда эсдалик учун суратга олинганди. Президентимиз дастхати билан сурат нусхалари Элёрбекка ҳам тақдим этилди.

Комилжон билан хайрлашаётиб, навбатдаги ишларига омад тилаб, келгуси мақсадлари ҳақида ҳам сўрашга улгурдик. У айтдики, ҳозиргача қилинган ишлар хамир учидан патир, холос. Савобга дохил ишлар, яна албатта маънавият йўналишида давом этаверади.

Қобилжон АСҚАРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.
Х.АРАББОЕВ
олган суратлар.

НАВРЎЗ КЕЛДИ БУГУН, БАҒРИНГДА БАҲОР,

Кўҳна ва тароватли Хоразм замини яна байрам оғушида. Бу йилги баҳор шукуҳидан кишилар дилида шодлик, тилида шукрона. Тупроқдан ризқ-рўзи ундирадиган деҳқоннинг далага чиққанига анча бўлди. Ерлар барака уруғи ташлашга тайёр турибди. Айни пайтда воҳанинг қайси бурчагига борманг, қалби яратувчанлик завқи билан ёнган хушнуд кишиларни учратасиз. Қуйида дала дарғаларию, фермер ва турли касб эгалари олиб бораётган ишлар, қалб туғёнлари ҳақида ҳикоя қилинади.

МУЛЛА КАРИМ ЎҒИЛЛАРИ

Аслида шу номдаги кичик корхона ҳам, ўғиллар ҳам ўз фаолияти билан воҳага танилган. Тўрт нафар ака-ининг барчаси ишбилармон, тадбиркор. Ўзлари қилаётган бунёдкорлик ва хайрли ишлари билан эл назарига тушганига анча бўлди. Президентимиз Хоразм вилоятига Жалолиддин Мангуберди орденини топширишга бағишланган тантаналли йиғилишдаги нутқида меҳр-мурувват ва саховат кўрсатиш каби халқимизга хос азалий фазилатларни давом эттириб, ўз ҳисобларидан замонавий мактаблар, шифохона ва гузарлар қураётган кишиларга миннатдорчилик билдириб, биринчи галда оға-ини Эриммат ва Ёриммат Содиқовларни тилга олиб ўтгандилар.

Уларнинг мамлакатимиз раҳбари назарига тушишлари бежиз эмас. Аслида бу ҳам Яратган эгамнинг инояти. Бир кўнгилни шод қилган киши Каъбани обод қилгандай савобга эришади деган мутафаккирлар. Содиқовларнинг қанча дилларга чароғонлик бахш этганлиги ҳисобига етиш қийин. Туман ва вилоят миқёсида қандай хайрия тадбирлари ўтказилган бўлса, уларнинг улушлари бор. Яқинда Гурланга борганимизда оға-иниларни туман марказидаги ўйингоҳ атрофида – катта асфальт йўл бўйида ободончилик ишлари олиб борилаётганида учратдик. Улар пиёдалар йўлакчасини кенгайтириб, йўл бўйида ариқ қазиб, юзлаб туп манзарали дарахт кўчатлари ўтказганлар.

Оға-иниларнинг каттаси “Амударё” ширкат хўжалиги раиси Эриммат аканинг юз-кўзида хорғинлик сезилса-да, кайфияти баланд эди. “Кўприк қуриш – энг савобли иш ҳисобланган. Амударё устига автомобил ва темир йўл кўприги қурилиши бошланганидан буён унга ҳисса қўшишни дилимга тугиб қўйгандим, бугун ниятимга етдим, - дйди у. – Юзлаб ишчиларга ҳорманг айтиб, ош тарқатдик. Мамлакатимиз Президенти воҳа меҳнаткашлари манфаатини ўйлаб шундай улкан қурилишга бош бўлаётган пайтда бир четда туриш инсофдан эмас”.

Суҳбатимиз мактаб қурилишига бориб тақалди.

-Спорт зали қурилиши тугалланиш арафасида, сўнгра бинонинг иккинчи навбатида ишлар бошланади.

Ёшлар тарбияси ҳамиша Эриммат аканинг диққат марказида Янги мактаб қуради, таъмирлайди, керакли жиҳозлар олишга ёрдам беради. Кам таъминланган оилалардан хабар олиш, мурувват кўрсатиш, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётган қишлоқ ёшларининг шартнома пулларини тўлаш, иқтидорли ўқувчиларга махсус стипендиялар ташкил қилиш ҳам раиснинг ўз ташаббуси.

-Аслида уларнинг боболари мулла Карим ва Абдулазиз охундлар илм-маърифатли, диёнатли кишилар ўтишган. Мана, зурриёдлари ҳам қишлоқнинг энг саховатли кишиларидан, - дейди уста Оқман бува. – Ширкатимиз етти йилдан буён режаларни бажариб, катта фойда олмоқда. Оилаларда фаровонлик.

Дўсиммат ҳам қишлоқнинг ишбилармонларидан - “Майдонкўл” фермер хўжалиги бошлиғи. Жамоа фермасида 265 бош қорамол, кўплаб қўй боқилмоқда. Тасарруфларидаги 93,8 гектар майдонда моллар учун озуқабоп экинлар экилади. Жониворлар бош сони ҳам, даромад ҳам йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Фарзандларнинг кенжаси Ёриммат “Ганж” фермер хўжалиги бошлиғи. Деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланишади. Ихтиёридаги 166 гектар майдоннинг 60 гектарига пахта экади. Шартномавий режани туманда ундан олдин бажарадиган мард топилмайди. Воҳа пахтачилигида қийин келган 2003 йилда ҳам улар ҳар бир гектар майдон ҳисобига салкам 41 центнердан “оқ олтин” топширдилар. 50 гектар ерга шоли экиб, туман фермерларини уруғлик билан таъминлайдиган ҳам “Ганж”нинг ҳақиқий деҳқонлари. Улар 76 бош қорамол асраб, ундан ҳам катта фойда кўряптилар. Бир сўз билан айтганда, Ёриммат ва у бошлиқ жамоа мустақиллик туфайли шаклланаётган мулкдорлар вакили. Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар мазмунини тўла англайдилар. Очиғи, эгасизлик туфайли айрим ширкатлар қарзга ботган бир пайтда мазкур жамоада йилдан йилга жонланиш рўй бермоқда. Биргина мисол. Фермер хўжалиги техникаси элликтадан ошди, унда “К-701” тракторидан тортиб, қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган барча техника воситалари мавжуд. Айни пайтда, жамоада бўлғуси ҳосилга қарата ишлар кундан кунга авж олдирилмоқда.

Элимизда шодлик, тантана. Дилларда Наврўз нафаси. Токи мулла Карим ўғиллари – Эриммат, Ёриммат, Дўсиммат, Нориммат сингари саховатли, дили пок кишилар бор экан, удумларимиз ҳам авлоддан авлодга ўтиб бораверади.

КЎРИҚДАГИ “КЎРИҚТОМ”

Ҳа, 1993 йили Қорақумнинг шундоққина этагида ташкил қилинган фермер хўжалигини аъзолари шундай аташди. Чунки уларга ажратилган ерларнинг бари қумлоқ ва кам унумли, ташландиқ жойлардан иборат эди. Унинг раҳбари Исмоил ҳожи Бекжонов “Республикада хизмат кўрсатган пахтакор” унвони ва бошқа юксак нишонларга сазовор бўлган инсон. Ўттиз йилдан ортиқ вақт мобайнида Янгиариқ туманидаги “Гулистон” ширкат хўжалигига раҳбарлик қилиб, уни юқори ҳосилли жамоага айлантирган моҳир ташкилотчи ва тажрибали раҳбар. Фарзандлари ҳам қаторида. Ота нафақага чиққач, оёқ узатиб ўтиришни эп кўрмади. Суяги меҳнатда қотганидан ўзини ширин ташвишлару, меҳнатсиз тасаввур қилолмайди.

Исмоил ота оиласидаги моллорни кўпайтирди. Ҳозирда улар бош сони 90 тага етди. Йилига гўшт, сут сотишдан беш миллион сўмдан ортиқ даромад қилишади. Баъзи мулкдорлар пахта экилган майдонларини бузиб, шоли экишдек қабиҳ ишга қўл урадилар. Фақат бир йиллик фойдани ўйлашади. Исмоил ота тавсия қилинмаса-да, ҳар йили шартнома тузиб, икки-уч гектарга пахта экади.

-Пахтачилик менга қадрдон соҳа бўлиб қолган, - дейди у. - Ўрганганимданми, ғўзалар ораласам яшариб кетгандек бўламан. Пахтанинг даромади ҳам чаккимас. Ундан қанча даромад қилсак, деярли тенг ярмини соф фойда ташкил қилади. Моллар тагидан чиққан гўнгни камида бир йил махсус ҳовузларда чиритиб, ҳайдашдан олдин далага сепамиз. Ер тўйинади, харажат кам.

Дарҳақиқат, ҳожи буванинг қумлоқ тупроқда етиштирган олма, анорларини кўриб, ҳайратга тушасан. Буларнинг бари омилкорликдан. Улар ўз илкидаги 25 гектар экин майдонини маҳаллий ўғит ва кўхна девор кесаклари билан тўйинтириб борадилар, алмашлаб экишга қатъий риоя қиладилар. Жамоада ўн нафар киши меҳнат қилиб, иссиқ овқат билан таъминланган. Фойда эса ҳар кимнинг меҳнатига яраша.

Қатрада қуёш акс этганидек, мамлакатимизда кенг қулоч ёзаётган фермерлик ҳаракатининг эртаси порлоқлигини “Кўриқтом” мисолида кўриш мумкин. “Наврўз”ингиз муборак, кўриқтомликлар!

АЗАЛИЙ ТАЖРИБАЛАР ҚЎЛ КЕЛМОКДА

Хонқа туманининг бир чеккасида Катта Жирмиз деб аталувчи қишлоқ бор. Одамлари танти ва меҳнаткаш. Унда “Дўстлик” ширкат хўжалиги жойлашган бўлиб, Хива, Урганч, Янгиариқ туманлари далалари билан чегарадош. Қишлоқда ўн бешдан зиёд миллат вакиллари истиқомат қилишади. Барча аҳил ва иноқ. Ширкатга мана, ўн бир йилдирки, шу қишлоқ фарзанди Олимбой Султонов раҳбарлик қилади. Самимий ва соддадил инсон. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги узоқ йиллик меҳнатлари ҳисобга олиниб, ўтган йил Мустақиллик байрами арафасида “Дўстлик” ордени билан мукофотланган. 66 ёшга тўлган бўлса-да, ҳали бардам. Олимбой ака билан суҳбатимиз ўтган деҳқончилик йили натижалари ва бу йилги режалар ҳақида бўлди.

-Салкам эллик йилдан буён қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб қелмоқдаман. Бригада ҳисобчилигидан то раисликкача бўлган ҳамма погоналардан ўтдим-у, аммо ўтган йилчалик мураккаб об-ҳаво шароитини кўрмаганман. Ёзнинг ўрталаридаям устимиздан костюм тушмади. Ҳарорат паст келди. 1642 гектар майдоннинг 1000 гектарига пахта экқан эдик. Қолган майдонларга кузги буғдой, картошка, сабзавот, полиз, кунгабоқар экилиб, улардан юқори ҳосил олинди. Масалан, 1030 тонна дон етиштирилиб, давлатга 642,2 тонна буғдой сотилди. Бу йил ўтган йилги айрим сабоқлардан хулоса чиқариб, 41 нафар бош пудратчининг барчаси 45-50 центнердан ҳосил олишга бел боғлаганлар. Шунингдек, 2003 йили 162 тонна шоли етиштирилди. Пилакорларимиз 21,2 тонна “кумуш тола” топширдилар. Умуман, йил 49766 минг сўм даромад қилиш билан якунланди. Пахтачиликдан 13791 минг сўм фойда олинди. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, ўтган йилги об-ҳаво инжиқлиги деҳқонга кўп нарса ўргатди. Бунинг асосийси – деҳқочиликда асрлар давомида шаклланган тажрибаларга риоя қилишдир. Яъни, ота-боболаримиз қачон ва қаерга нима экишга қатъий амал қилишган. Тўғриси, ернинг мелиоратив ҳолати ёмонлашганди. Шунинг учун бу йил ички ва хўжаликлараро зовурларнинг

қазилишига эътибор қаратдик. Ерни тўйинтириш мақсадида етарлича маҳаллий ўғит жамғарилди. Наврўз бу йил жуда яхши келмоқда. Баҳорнинг қулай келиши бу – мўл ҳосилдан дарак.

Хива қалъасининг шундоққина шимоли-ғарбида қадимий Қиёт қишлоғи жойлашган. У мутафаккир шоир, енгилмас қурашчи Паҳлавон Маҳмуд, аллома шоир ва тарихнавис, жамоат арбоблари – Шермуҳаммад Мунис ва Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий, шоира Ожизалар таваллуд топган табаррук маскан.

...Қишлоққа қадам босишингиз билан унинг боғ-роғлари, танасига кучоқ етмас азим гужумлар сизни ўзига мафтун қилиб қўяди. Бу ерлик кишилар учун боғ яратиш бобо мерос удум. Огаҳий бобомиз ўз боғига экқан тут ҳамон яшнаб турибди. Мустақиллик унга қайта ҳаёт бахш этгандек туюлади кишига.

Қиёт фарзанди, республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Оғаназар Пирназаров 1979 йилдан буён қишлоқдаги Огаҳий номли ширкат хўжалигига раислик қилади. Огаҳийнинг ашаддий мухлисларидан бири.

-Мустақиллик бизга қадриятларимизни қайта тиклашда, меросимизга ҳурмат билан қараш, ўзлигимизни англаш борасида кўп нарса берди, - дейди Оғаназар ака. – Таниқли адабиётшунос олим Субутой Долимов ўтган асрнинг 50-йиллари ўрталарида қишлоғимизга икки маротаба келиб, шоир қабрини тополмай кетгани бор ҳақиқат. Кейинги вақтдаги изланишлар самарали бўлиб, улуғ шоир мангу ором топган жой аниқланди. Шахсан ўзим улуғ бобомиз ҳокини янги қабрга

жойлаштирганман. Унинг боғи қайтадан тикланиб, шоир номи билан аталди. Огаҳий яшаб, ижод қилган маскан янада ободонлаштирилди, табаррук зиёратгоҳга айланди.

Боққа ҳозирда 500 туп гужум кўрк бағишлаб турганини айтсак, боғнинг салобати ва манзараси кўз ўнгингизда намоён бўлиши аниқ. Бундан икки йил аввал қиётликлар яна бир савобли ишга қўл уришди. Бутун мусулмон оламига танилган машҳур аллома, буюк Шайх Нажмиддин Кубро боғи кенгайтирилиб, 34 гектарга етказилди. Мевали ва манзарали дарахтлар боғ ҳуснига ҳусн қўшиб турибди.

-Аввало, юқорида таъкидлаб ўтганимдек, қишлоғимизни сўлим масканга айлантирдик. Мана шу турган жойингизда 300 тупдан ортиқ гужум бор, - дейди Отаназар ака ширкат хўжалиги маъмурий биноси атрофини кўрсатар экан. Бундай дарахтлар йўл бўйларида, гузарларда қанчадан қанча. Бундан ташқари, “Меҳр ва мурувват йили”да барча жойларда ободонлаштириш ишлари давом эттирилади.

Қишлоғимизда 18 нафар яккаёлғиз яшовчи, 680 нафар қария истиқомат қилади. Биз улар ҳолидан доимо хабар олиб турамиз. Байрам кунлари гўшт, ёғ, гуруч каби маҳсулотлар тортиқ қилинади. Бу йил деҳқончилик йили бўлиши ҳозирдан аён. Эрта-индин чигит экишга киришамиз. Бугдой майсаларининг ривожи кўнгилдагидай.

Ҳақиқатдан ҳам қиётлик деҳқонлар Наврўз байрамини кўтаринки руҳ ва шоду хуррамлик билан кутиб олмоқдалар.

ХОРАЗМ АТАЛМИШ МУҚАДДАС ДИЁР

ДЕҲҚОНБОЗОР МИРИШКОРЛАРИ

Боғот туманида мўъжазгина бир қишлоқ бор. Номи – Деҳқонбозор.

Ўтмишда деҳқончилиги билан, бозори билан воҳага танилган. Дарвоқе, бу мавзеда қадим-қадимдан улуғ зотлар – саййидлар авлодлари яшаб келганлигидан илм-маърифатли эллардан саналган. Деҳқончилик, чорвачилик билан бир қаторда савдо-сотиқ, ҳунармандчилик ҳам ривожланган. Бугун қишлоқда аждодлар меросига содиқ меҳнаткаш ва тадбиркор кишилар яшамоқда. Ишнинг кўзини билиб меҳнат қилаётганларидан уларнинг номлари узоқ-узоқларга кетган. Мазкур қишлоқ аҳолиси ўта зич жойлашган. Агар мавжуд экин майдонлари шу қишлоқ оилаларига тенг тақсимлаб берилса, 30 сотихдан ҳам етмайди. Шундай бўлишига қарамай, Деҳқонбозор қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 3244 оиланинг деярли барчаси тўқ ва фаровон ҳаёт кечиришмоқда. Бунинг боиси фақат омилкорликда. Тўғри, ўтган йил обҳавонинг мураккаб келганлиги сабаб, пахта тайёрлаш шартномавий режасини тўла уддаланмади.

-Бу бизга сабоқ бўлди. Ҳар қандай иқлим шароитида ҳам юқори ҳосил олиш тадбирларини кўришга ўргандик, - дейди «Деҳқонобод» ширкат хўжалиги раҳбари Бахтиёр Эгамов. – Бу йил чигит экиладиган 450 гектар пахта майдонининг тупроқ шароитига қараб, 3-4 маротабадан шўрини ювдик. Айрим майдонларга экиш олдидан сепиш учун гектарига 25-30 тоннадан маҳаллий ўғитни компост қилиб қўйганмиз. Тупроқ етилди. 180 гектарлик майдондаги кузги буғдой майсалари тиззага етай деб қолди. Бу насиб қилса амалдаги йилнинг илк ҳосили мўл бўлишидан нишона. Ўтган йил фақат 184 гектар узумзорлардан 120 миллион сўмга яқин соф фойда қилгандик. Жорий йилда бу рақамнинг ҳеч бўлмаса 200 миллиондан ошишига ишончим комил.

Биз мақоламиз аввалида аҳолининг тадбиркорлигию ишбилармонлиги ҳақида қисқача сўз юритгандик. Қишлоқда йилига 3 миллион шартли банка консервалайдиган завод, гиштзаводи, ун, шоли, омухта ем тегирмонлари ишлаб турибди. 26 нафар хотин-қиз меҳнат қилаётган тўқувчилик цехида тайёрланаётган гиламлар ҳамиша харидоргир. Ҳар бир оиланинг камида 15-20 сотихлик узумзори бор. Миришкорлар 300 центнердан кам ҳосил олишса, кўнгиллари тўлмайди. Бу фақат томорқанинг ўзидан 2-2,5 миллион сўм фойда демакдир.

Айни вақтда деҳқонбозорликлар байрам кайфияти билан яшаб, меҳнат қилаяптилар.

БОҒЛАР ҚЎЙНИДАГИ МАСКАН

Тумандаги "Ўзбекистон" ширкат хўжалигидан ўтиб, бутун воҳа сув оладиган "Полвон" каналига қурилган кўприкка қадам босишингиз билан, ажиб бир манзарани кўриб, ўзингизни бошқа бир ўлкага келиб қолгандай ҳис қиласиз. Ўртада суви мавж уриб турган канал. Унинг шимолий қирғоқ манзаралари қалбингизни бир зумда ўзига ром қилади. Қирғоқ бўйида қудуқ бўлиб, унинг атрофига гуллар экилган, ўриндиқлар қўйилган. Ёз фасли бўлса, кўкка бўй чўзиб турган Калифорния тераклари япроқлари шивирлаб, сизга шу қишлоқ экин майдонлари, мевага кон боғлари, саховатли кишилари ҳақида сўзлаётгандай бўлади. Дастлаб кўзингиз йўлнинг чап томонидаги темир устунга ўрнатилган паннога тушади. Унда уфқларга туташ кенг далалар, чаноқларида кўпириб турган "оқ олтин" тераётган терим машиналари, пахталар уюмию даланинг бир чеккасида ўз меҳнати самарасидан шод, юз-кўзидан нур ёғилиб турган инсон суратига кўзингиз тушади. Бу хўжаликда чорак аср вақт давомида раҳбарлик қилган, вилоятнинг биринчи Ўзбекистон Қаҳрамони Машариф ака Қувоқовнинг сиймоси. Киши оралаб бўлмас чангалзорларни, тўқайлар ўрнини мана шундай жаннатмакон масканга айлантиришга шу инсоннинг одилона раҳбарлигию, янгиликка ўчлиги сабаб бўлди.

Бугун жилов ишончли қўлларда. Жамоа аҳли Машариф Қувоқовнинг ўрнига унинг ўғли Бекдурди Қувоқовни бошчи қилиб сайлаганлар. Бунинг бир томони Бекдурдига ишонч бўлса, иккинчи томони Машариф акага бўлган ҳурматдан.

Одамлар янглишишмаган экан. Янги раҳбар илк йилдаёқ бунёкорлигию самимийлиги билан кишилар қалбига йўл топа олди. Деҳқончиликни миридан-сиригача пухта тушунади. 2003 йил натижаларига назар ташласак, муваффақиятлар чакки эмас. Шартномавий режадаги 880 ўрнига 987 тонна буғдой, 951 ўрнига 963 тонна шоли сотилди. Кунгабоқар сотиш режаси ҳам бажарилди. Пахта ва бошқа тур маҳсулотлар етиштириш ва давлатга со-

тишда Юсуфбой Рўзимов, Шоназар Матёқубовлар бошлиқ бош пудратларда натижалар ёмон бўлмади. Исмоил Олломов, Зулфия Болтаева, Отажон Жавлонов сингари ижарачилар 31-33 центнердан "оқ олтин" етиштирдилар. Хўжаликда фермерлик ҳаракати ҳам тобора кенг қулоч ёзмоқда. Масалан, ўз тасарруфларида 200 гектар ери бўлган Машарифбой Ражабов бошлиқ "Боғот" фермер хўжалиги аъзолари ўтган йилни 40 миллион сўм даромад, 10 миллион сўм соф фойда билан якунладилар.

Амалдаги йилда уларнинг ниятлари янада улкан. Жамоа аҳлининг ҳамиша кайфияти юқори, дастурхони тўкин, юзи ёруғ бўлишининг бирдан-бир сабаби ҳам ниятларнинг амалга ошишидадир.

"ДАРМОН"НИНГ ДАДИЛ ҚАДАМИ

ФЕРМЕР

Дармонжон опа асли қишлоқда туғилиб ўсган эмасми, ёши улғайса-да, даладан кўнглини узмайди. Мол боқиш, экинлар оралаб юришнинг ўзгача гашти бор-да. Фермерлик ҳаракати бошлангач, у ниятини аввало турмуш ўртоғи Қадамбой Собировга билдирди.

-Мен каттагина идорада масъул вазифада бўлсам, сенга қарашолмасам, ўзингга қийин бўлар-ов, - деди у аёлига синовчан назар ташлаб. – Холва деган билан оғиз чучимайди, фермерликнинг ўзига яраша машаққатлари бор.

Дармонжон опа фикридан қайтмади. Аёл шаҳд билан ишга киришдими, охирига етказмай қўймайди. Боғот тумани ҳокимлигига фермер бўлиш истагини билдириб, ёзган аризаси қондирилгач, ер танлаб ўтиришни ўзига эп билмади. Деҳқончилик ва чорвачиликка мўлжалланган бу кичик жамоага ажратилган 19 гектар майдоннинг экин экишга "яроқли" бўлган 7 гектарлик қисми ҳам сўнгги 15-20 йил ичида экилмасдан ташлаб қўйилган ерлар экан. Аксига олиб, ўша 2001 йилда воҳада сув тақчиллиги рўй берди. Бу-лар Дармонжон опани шаштидан туширмади. Шароитдан чиқан ҳолда майдонларга маккажўхори экилиб, 140 тонна силос босилган. 2002 йили 6 гектар ерга буғдой, 1 гектарига шоли уруғи сочилган. Шартномавий режага кўра 21 тонна дон, 2,6 тонна шоли сотилган. Мол бошлари, паррандалар сони ортди. Ўша йилнинг охирида имкониятлари ҳисобга олиниб, уларга яна 26 гектар ер ажратиб берилди. Экин майдонлари 33 гектарга етказилди. 2003 йилда маҳсулот сотишдан салкам 22 миллион сўм даромад қилинди. Президентимиз олиб бораётган сиёсат моҳияти, ислоҳотларнинг талаби ҳам шу-да, ерни ишлаганга бериш керак. Шундай ҳам бўлди. Қиска муддатда фермер хўжалиги аъзолари қорамолларни 50, қўйларни 100 бошга етказдилар. Паррандалар сони мингдан ошиб кетди. Фермалар, омбор, маъмурий бино қурилди. Қишлоқ хўжалигида асқотадиган ўндан зиёд техника воситалари сотиб олинди. Қишлоқ аҳли улар саховатидан мамнун. Ўнлаб кишилар иш билан таъминланган. Меҳнатлари боис фаровон яшашмоқда.

Дармонжон Қодирова бошчилик қилаётган жамоанинг ниятлари қутлуғ, режалари катта. Амалдаги йилда баликчилик хўжалиги ташкил қилиш, ун, шоли тегирмонлари қуриш, қорамолларни юз, қўйларни икки юз, паррандалар сонини беш мингтага етказиш...

Қўш сахифа материалларни Холмурод ҚУРБОНОВ тайёрлади.

Суратлар муаллифи Саъдулла БОБОЕВ.

Боғот тумани марказий шифохонаси ходимлари

туман аҳлини, бутун Ўзбекистон фуқароларини юртимизга баҳорий хушкайфиятлар оғушида кириб келган гўзал байрамимиз -

Наврўзи олам

билан қутлайди.

Улар ушбу йилда ҳам Сизларнинг касбу корингизга барака, ишларингизга ривож ва энг асосийси сихат-саломатлик тилайдилар.

Байрам ҳаммангизга қутлуғ бўлсин!

Хоразм вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси жамоаси

Республикамиздаги шу тизим ходимлари ва барча-барчани миллий байрамимиз Наврўз айёми билан табриклайди!

Янгиланиш ва яшариш фаслида уларнинг ишларида муваффақиятлар тилайди!

ШЕРЗОД ЭМАС, БЕКЗОД

Эркул аканинг ўғли Шерзод оғриб касалхонага тушди. Эркул ака ўғлини кўриш учун жўнади. Бу орада уйларига: "Ўғлингиз Шерзоднинг аҳволи оғир", деган хабар келди. Бутун қариндош-уруғ йиғилди. Йиғи-сиғи бошланди...

Эркул ака қайтаётганда йўлда кимдир "Ўғлингиз Бекзодни бериб қўйибмиз", деб қолди. Бечора шунчалик довдираб қолганидан автобусниям кутмай, 15 чақиримлик йўлга пиёда жўнади. Кеч кирди. Уйга яқинлашаркан, ҳовлисидаги тумонат одамни кўриб, ўзини ичкарига урди. Йиғи-сиғи яна авж олди. Эркул ака:

-Бекзодимни бир кўрай. Бола-ам... қани? – дея аёлидан сўради.

-Бекзод яхши. Ҳовлида юрган бўлса керак.

Хотинининг гапи барибир унинг қулоғига кирармиди?

-Боламни бир кўрай, кўрсатинглар...

Шу пайт дадасининг келганини эшитган Бекзод чопқиллаб келиб қолди. Ота ўзини йўқотиб қўйди.

-Бекзодми?

-Ҳа, Бекзод, тинчликми?

Эркул ака йўлдаги воқеани сўзлаб берди. Шерзод яхши эканлигини, эрта-индин жавоб беришини айтганда ҳамма нарса аён бўлди. Аниқ бўлишича, қўшни қишлоқдаги Шерзод исмли бола касалхонада вафот этган экан. Бу хабар адашиб Эркул аканинг хонадонига етиб келган ва йўлда унга янглишиб Шерзод эмас, Бекзод деб айтишган экан.

Муҳиддин АБДУСАМАТОВ

"КИТОБСЕВАР"

Ботирбек ажойиб йигит. Хушфеъл, дилкаш. Бир неча йиллар илгари пойтахтдаги институтлардан бирини тамомлаган. Ҳозирда ўз касбининг мутахассиси. Яқинда у бир воқеани гапириб қолди.

-Талабалик турли ҳангомаларга бой бўлади, - дея гапини бошлади у. – Биринчи курсмиз. Ўқишга келишимиздан олдин собиқ талаба акаларимиздан ўзига хос "маслаҳат" ҳам олганмиз. Иложи борича ўқитувчига яқинроқ ўтириш, гапларини маъқуллаб туриш...

Одатда биринчи дарсни танишув дейиш ҳам мумкин. Ана шундай илк сабоқлардан бирида домламиз ўзини яқиндан таништира бошлади:

-Фалон жойларда, фалон вазифаларда ишлаганман. Бир қанча китобларим нашр қилинган, бир нечтаси чоп этилиш арафасида... - деб китоблари номларини санай бошлади.

Шунда мен яхши эшитмай қолибманми, билмайман: "Домла, охирги айтган китобингизни мен ўқиб чиққанман. Жуда яхши китоб у", деб юборибман. Ўқитувчимиз эса менга жилмайганнамо қараб қўйдилар. "Ҳали у китоб нашрдан чиқмаган бўлса қандай ўқийсиз?", деб сўради. Мен эса бутун курс ичида кулгига қолганман ҳамда "китобсевар"га айланганман.

"Ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир", деб халқимиз бежизга айтишмаган экан, дея сўзини якунлайди у кула-кула.

Д.УЛУҒМУРОДОВ

"ҚЎШИҚНИ ТУШУНМАЙСИЗ"..

Туманнинг масъул шахсларидан Мирзаев 50 ёшга тўлди. Тантана-ю юбилей қилса яхши эмас. Хуш кўришадими, йўқми худо билади.

Маъқули жимгина, секингина уни ўтказиш. Энг яқинлари, "дўстлар" айтилади: катта корхона бошлиғи, хўжаликлар раислари, банк раҳбарлари, нефтбазанинг "хўжайини". Меҳмонхона тўла меҳмон. Тўрда Мирзаевнинг ўзи ўтирибди. Узун столнинг ёнбошида артистлар. Бойсундан келишган. Қўшиқ, табрик, тўн ёпишлар, чўнтакка солинаётган совғалар...

Қўшиқларни Мирзаевнинг ўзи танлайди.

-Умматбек! Хоразм суворасини айтасиз...

-Бўпти, жоним билан...

Қўшиқ янграйди. Кейин қутлов.

-Энди яна қўшиқ эшитсак. А-а, Умматжон...

-Сиз қайси қўшиқни десангиз, шуни айтамиз...

-"Самарқанд ушшоғи"ни а-а, би-ир...

-Жоним билан, жоним билан.

Қўшиқ бошланди.

Трест бошлиғи Мирза Шайдуллаевнинг шўхлиги тутди. Табрик айтилаётганда саньаткор йигитга қўярда-қўймай пиёлани тўлдириб ароқ тутди. Умматжон ярмини ичиб пиёлани қайтарди. Шайдуллаев кўнмади. "Тагида қолдирмаймиз... Сўнг закуска бўлади... Ҳа-а-а оласиз..." Сўнг қўшиқ тугаётганда Шайдуллаев бешта минг сўмликни Умматжоннинг қўлига тутди. Қутлов пайти яна пиёла тўла ароқ ичишди...

Бир соатлар ўтди-ёв. Мирзаев деди:

-Умматжон, шу "Келмади"ни бир айтинг-а-а?!

Хонанда Умматжонга энди ҳамма майда бўлиб кўринарди:

-Энди Мирза-ев а-ка.. Сиз... қўшиқ-ни тушунмайсиз экан... "Кел-ма-ди..." одам ўл-ган-да айтилади... Тўй-да-а... "Тў-йинг ку-уни тўйиб йиғ-ладим" айтилади. Шу-ни айта-ман...

Давра музлади...

Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ

1-"БОЁВУТ": ИСТИҚБОЛ САРИ

Боёвут тумани келгуси йил баҳорида ўзининг ярим асрлик тўйини нишонлайди. Аслида туман ва унинг таркибидаги айрим хўжаликлар тарихи ундан-да, узоққа бориб тақалади. Масалан, бугунги кунда нафақат Сирдарёда, балки бутун Ўзбекистонда танилган "1-Боёвут" ширкатлар уюшмаси Мирзачўлнинг илк хўжалиги сифатида 1925 йилда ташкил этилган. Хўжалик ўтган йиллар давомида ўзининг етиштирган пилласи, ғалласи ва пахтаси билан бутун мамлакатга танилди. Энг муҳими, меҳнаткаш, билимдон ва зукко, эртанги кун ташвишлари билан яшайдиган одамлар "1-Боёвут" хўжалигини юксакликка олиб чиқдилар.

Кексаларнинг айтишларича, чўлга биринчи бўлиб келган "1-Боёвут"-ликларнинг дастлабки авлодлари кулбаю ертўлаларда истиқомат қилишган. Иш қуроллари омоч-у кам қувват "Универсал" тракторлари бўлган. Бугунги кунда эса бу ерда 4 мингга яқин оила, 16 мингдан ортиқ аҳоли турмуш кечирмоқда. Бир-биридан чиройли уйлар, кенг кўчалар, шинам боғлар, буларнинг бари халқнинг меҳнати туфайли дунёга келди.

"1-Боёвут"ликлар хўжаликни оёққа турғазиб, унинг ҳар томонлама юксалишга муносиб ҳисса қўшган турли миллат вакиллари хотирасини эҳтиром билан ёдга оладилар. Масалан, байрам ва тантаналарда Тилов Абдалиев, Боймирза Холмирзаев, Бобо Умрзоқов, Музаффар Сафаров, Петр Тимофеевич Белевцов, Эргаш Алиев, Мўмин Каримов, Маҳмуджон Абдурайимов, Набижон Мўминов, Наби Эгамназаров, Нарзикул Мусаев, Раҳмонқул Қамбаров, Дмитрий Сергеевич Гараев, Абдураҳмон Омонтоев, Одил Мавлонов сингари ўнлаб, юзлаб табаррук зотларнинг номлари ҳурмат билан тилга олинади.

Хўжаликда узоқ йиллар халол, сидқидилдан ишлаб, ҳозир нафақага чиққан Абдусамат Саидмуродов, Абдуғани Мингбоев, Муқим Эгамназаров, Аҳмад Кенжаев, Йўлдош Маллаев, Саидмурод Тўлиев, Уммат Бобоев, Ўскан Қобулов каби юзлаб бободеҳқонларнинг ҳурмат-иззати жойига қўйилаяпти. Ҳар йили тўкин дастурхон ёзилиб, совға-салом топширилади. Баъзилар йўлаганидек, гап совға-саломда эмас, ҳамма гап эътиборда, инсонни, унинг меҳнатини қадрлашдадир.

Минг қўшчига бир бошчи, деганларидек, "1-Боёвут"га турли йилларда Қуддус Рашидов, Содиқ Отахонов, Тошбой Шойимов сингари ишчан ва талабчан раҳбарлар бошчилик қилишди. 1998 йилдан бери хўжаликни ёш бўлса-да, тадбиркор, ишнинг кўзини биладиган Ғафуржон Алиев бошқараяпти. Хўжаликни янада юксалтириш ва бўлажак 80 йиллик тўйга муносиб тўёна ҳозирлаш айни мана шу раҳбар бошлиқ "команда" зиммасига тушаяпти. Улар буни шараф билан уддалашади. Чунки ота-боболар ишини садоқат билан давом эттириш уларда аньана тусига кириб, қон-қонларига сингиб кетган.

Мустақилликка чиққанимиздан кейин деҳқонларимизнинг кўксига эркинлик шабодаси тегди. Авлод-аждоди ерга меҳр қўйиб, ер очиб, пахта етиштириб елкасидан кетмони тушмайдиганлар сафида мулкдорлар, қишлоқ хўжалигида, фермерлар пайдо бўлди. Деҳқонларнинг ҳуқуқий онги ўсди. Энди улар пай улуши, чек дафтарчаси, қилинган харажатлар, фойда-зарарнинг фахм-фаросатига етадиган бўлдилар. Чунки улар хўжалик ширкат хўжалигига айланганида мулк эгаси пай улушининг соҳибига айландилар. Энди улар хўжалик иқтисодий фаолиятига бефарқ эмаслар, чунки хўжалик қанчалик кўп даромад олса, олинадиган дивиденд ҳам шунча кўп бўлади-да.

-Хўжаликда 4 минг 775 гектар экин майдони бор, - дейди ширкат бош иқтисодчиси Турдиқул Абдуқодиров ва олдимизга қатор маълумотларни қўйди. -Пахтачиликдан тушган даромад 673 миллион 761 минг сўм, сабзавотдан 7 миллион 26 минг, полизидан 4 миллион 772 минг сўм бўлди. Бир тонна пахта етиштириб сотиш таннархи 161 минг сўмга тушди. Ишчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 20 минг сўмни ташкил этди.

Ўтган йили 9300 килограмм пилла сотилди. Пахтачилик бўйича соф фойда 156 миллион 645 минг сўмни ташкил этди. Хўжаликда пахтачилик бўйича 167 та оила пудрати фаолият кўрсатаяпти. 2003 йил якунига кўра 181 тонна пахта ёғи 786 тонна кунжара, 685 тонна шелуха а пудратчиларга ўз нархида сотилди.

-Пудратчилар бу бизнинг асосий таянчимиз, - дейди ширкат хўжалиги раиси Ғафуржон Алиев. – Ҳосил учун бош пудратчи жавоб беради, техникаси, ўғитини етказиб берамиз. Қолаверса, пудратчининг ўзи мулк соҳиби. Хўжалик ширкатга айлантирилганда унинг мол-мулки баҳоланиб, ишлаган вақтига, кўшган меҳнати эвазига ҳар бир ишловчига пай улуши сифатида мулк қилиб берилган. Йил якунига кўра олинадиган соф фойдадан пай улушига қараб дивиденд олади. У ҳосилдорлик ошишидан манфаатдор. Ўтган йил якунига кўра, бир сўм пай улушига уч сўм тўлашни мўлжаллаб турибмиз. Мисол учун, Хидир Алматов, Ҳайрулла Раҳмонбердиев, Омон Норбўтаев, Акмал Ғайбуллаев, Маҳмуд Абдумўминов каби оила пудратчилари ҳар гектаридан 34-37 центнердан пахта ҳосили олишиб, бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

ПУДРАТЧИЛАР МАНФААТИ

-1987 йилдан бери бош пудратчи бўлиб ишлайман, 28 гектар ерим бор. Оиламиз билан шу ерга қараймиз, - дейди Темирбой Эшонқулов. – Йилдан йилга ҳосилдорликни ошириб боришга ҳаракат қилаяпмиз. Чунки оиламиз фаровонлиги, рўзғоримиз бутлиги шу ер орқали. Ўтган йили ғалладан 42 центнердан ҳосил олдик. 5 тоннаси ўзимизга қолди. 18 гектар майдонга пахта экиб, 32 центнердан ҳосил олдик ва дурустинга даромад қилдик.

Демак, ерни боқса, унга меҳр қўйса, ардоқласа ер ҳам саховатини аямас экан.

"Хўжалик ҳар йили белгиланган режаларни ортиғи билан бажарар экан. Бунинг омили нимада?", деб раисдан сўрадик.

-Аввало, шуни айтиш керак, ўн йил давомида биринчи марта ўтган йили давлатга пахта сотиш режаси бажарилмади. Пахта кечикиб қолди. 93 фоиз бўлдик. Лекин даромад ёмон бўлмади. 150 миллион соф фойда билан чиқдик, ғалла, пилла ва бошқа соҳалар бўйича режаларни бажардик. Ҳар йили режаларни ортиғи билан бажаришимизнинг биринчи омили аввалambор, техникани сақлаб қолганимизда, деб биламан. Ҳозир 60 та культиватор, 30 та транспорт трактори, 12 та "Алтай", 2 та "К-700", 2 та "К-150", 2 та "ДДТ-75" тракторлари бор. Биздагича техника ҳеч бир хўжаликда йўқ. Иккинчи моддий манфаатдорлик, ерга, мулкка эгалик ҳисси. Ер ҳақиқий эгасини топган, унинг тушунадиган, ҳис қиладиган унга меҳр қўйган кишиларда. Ерга қалб қўрини бериб ишламас экан, кутилган ҳосилни олиб бўлмайди. Майдонларимиз яхши, фақат ғайрат билан, эртанги кунга ишонч билан ишлаш керак, холос.

Умуман олганда, олинадиган даромад соф фойда харажатларга боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам ўтган йили пудратчилар ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлардан тежаб-тергаш билан фойдаландилар. Мисол учун, бир гектар ерга меъёр бўйича 357 килограмм ёнилғи сарфланиши керак. Лекин хўжаликда 265 килограммдан сарфланди. Ҳар гектар ердан 92 килограммдан ёнилғи иқтисод қилиниб, жами 268 тонна ёки 22781 минг сўмлик ёнилғи тежаб қолинди.

Ғаллачиликдан ҳам олинган ҳосилдорлик яхши бўлди. Оила пудратчилари дон сотиш бўйича шартномани бажаргандан сўнг, ортиғини ўзлари таксимлаб олади. Зокир Сувонқулов, Ҳазрат Алибеков, Тўйчи Холматов, Гофур Азимов, Улуғбек Эшқўзиев, Бердимурот Тулеевлар 8-20 тоннагача ўзларига ва аъзоларига ғалла олдилар. Жами бўлиб 1000 тоннадан ортиқ ғалла арзон баҳода иш ҳақига, шундан 160 тонна ғалла бепул натура-ҳолида ишчи-хизматчиларга тарқатилди. Ундан ташқари уруш қатнашчилари, қарияларга 10 тонна ғалла таксимлаб бердик.

-Бу йил ҳам жами 30 миллион сўмни дивиденд тариқасида тарқатишни мўлжаллаб турибмиз, дейди бош иқтисодчи Турдиқул Абдуқодиров. – Пайчилар бир сўм пай улушига 3 сўм дивиденд олади.

Хўжалик иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлгандан сўнг ижтимоий масалаларни ҳал қилиш имкони яратилади. Мактабларга, болалар боғчаларига, таянч пунктларига, мактаблар таъмирига, спортни ривожлантиришга салкам 15 миллион сўм ажратилди. Бундан ташқари газ қувурларини ўтказиш, сув қудуқларини таъмирлашга 4-5 миллион сўм сарфланди.

ГУЗАР – МАҲАЛЛА КЎРКИ

Хўжаликнинг "Ўзбекистон" маҳалласида катта хайрли иш бошланди. Раис эски болалар боғчасини тадбиркорларга берди. Улар эса енг шимариб, бу бинони таъмирлаб, ёнига қўшимча бинолар қуриб, гўзал бир боғ барпо этиш учун ҳаракатни бошлаб юбордилар.

-Кўпдан қуён қочолмас, деганлари рост экан, - дейди маҳалла оқсоқоли Сафар ака Холбоев. – Маҳалламизда аҳолига шарт-шароит яратиб бериш бизнинг вазифамиз. Биз ўз кучимиз ва хўжалик ёрдами билан ана шу ерда обод бир гузар барпо қилаяпмиз.

Бу ерда маиший хизмат кўрсатиш нуқталари иш бошлайди. Сартарошхона, этикдўзлик, дорихона, суратхона, радио-телевизор таъмирлайдиган устахона, милиция таянч пункти, чойхона, тўй-маъракаларни ўтказадиган жой, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар билан савдо қиладиган дўконлар ишлай бошлайди. Мисол учун чойхонани ўзининг жамғармаси ҳисобидан Шерзод Холбоев қурди. Салкам 2 миллион сўм пул сарфлади. "Сайхун" фермер хўжалиги дорихона, озиқ-овқат дўкони қураяпти. Эски клубни таъмирлаш ҳисобига тўй маросимларини ўтказадиган жой, чойхона қурди. Энди "Ўзбекистон" маҳалласидагилар бирон нарса керак бўлса, туман марказига чопмайдилар. Ҳамма хизматлар ўзларида бўлади. Энди икки оғиз сўз гузар олдидаги хиёбон тўғрисида. Кўпни кўрган раис Ғафуржон Алиев хиёбоннинг хомаки лойиҳасини ўзи чизди – бу ерга 100 туп арча, 100 туп мевали дарахтлар кўчатлари экишди, орасига гуллар экилган. Ўртасида ажойиб фаввора атрофга завқ-шавқ бағишлаб туради. Йўлакчалар эса асфальтланган, хиёбонда чиройли ёритгичлар ўрнатилади.

-Хуллас, биз ҳам шаҳарликлардан қолишмаймиз, - дейди бу ерда шу ишларга бош-қош бўлаётган агроном Бобоназар Жўманов. – Шундай қиламизки, бу ерга келган одамнинг баҳри-дили очилсин.

-Узим футболни яхши кўраман, - дейди раис Ғафуржон Алиев. – Чиройли ўйинлар одамларга завқ-шавқ бағишлайди. Айниқса, телевизорда чиройли голларни кўрсам, жойимдан сакраб кетаман. Қанийди, бизнинг йигитлар ҳам шундай маҳорат кўрсатишса, дейман. Ўзимизнинг хўжаликлар жамоаси бор. Вилоят биринчилигида қатнашаяпти. Кейинги йилларда 2 марта вилоят чемпиони ва кубоги соҳиби бўлди. 35 та бола икки маҳал иссиқ овқат билан таъминланган. Спорт инвентарлари, форма олиб берганмиз. Ҳаммаси ўзимиздан чиққан йигитлар. Ниятимиз вилоят биринчилигида бу йил биринчи ўринни олиш.

Шоҳмот бўйича битта қизимиз мастерликка номзод, Республика мусобақасида 2-ўринни олди. 10 бола вилоятда спортнинг турли турлари бўйича чемпион бўлишди.

Хўжаликда болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор бериляпти. Спортни ривожлантириш жамғармасига 400 минг сўм ўтказиб берилди, раисниинг ўзи шахсий жамғармасидан 50 минг сўм пул ўтказди. Яқинда "Муқимий" маҳалласида лойиҳа смета баҳоси 160 миллион сўм бўлган спорт мажмуи қурилиши бошлаб юборилди. Бу ерда 1000 ўринли ўйингоҳ, волейбол, баскетбол, кураш майдончаси, теннис корти ва бошқа майдончалар ҳамда спортчилар учун машқ ва дам олиш хоналари қурилаяпти.

20-қурилиш-монтаж бошқармаси айни кунларда бу ерда қурилиш ишларини авж олдириб юборган. Бу ҳашарга ҳар бир маҳалладан навбат билан 30-40 ишчилар қатнашмоқда, қурилишда иссиқ овқат ташкил этилган. Хўжалигимиздаги фермерлар, туман ташкилотлари ана шу спорт мажмуи қурилишида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаяптилар. Мисол учун, "Ёшмамат ота" фермер хўжалигининг раҳбари Раҳмонқул Гулмуродов 15 миллион сўмлик, "Шеробод" фермер хўжалиги раҳбари Мавлонқул Эшбоев 3 миллион сўмлик, Абдували Шодиев 5 миллион сўмлик, "Бекзод" фермер хўжалиги раҳбари Дилшод Умурзоқов 2 миллион сўмлик, Баҳодир Қодиров раҳбарлигидаги туман электртармоқлари 10 миллион сўмлик, газлаштириш идораси 3 миллион сўмлик, йўл бошқармаси 5 миллион сўмлик ҳисса қўшаяптилар.

Мактаблардаги мавжуд ўйингоҳлар таъмирланиб, 12-13-42-мактабларда спорт залларини таъмирлаш бошлаб юборилди, спорт анжомлари олиб берилди.

Хўжаликда катта ҳажмда ободонлаштириш ишлари олиб борилаяпти. Ёшлар онгида ерга муҳаббат уйғотиш, бор нарсани сақлаб қолиш, келажак учун пойдевор яратиш бундёкорлик ҳиссини уйғотиш борасида ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, хўжалик ҳудудида яшаётган ҳамма ногиронлар ҳолидан икки-уч марталаб хабар олиб турилди.

2004 йил "Меҳр ва мурувват йили" деб эълон қилинди. Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, бундан кўзланган мақсад – одамларимиз қалбида эзгу туйғуларни уйғотишни давом эттириш, айниқса фарзандларимизда ҳам шундай нодёб фазилатларни камол топтириш, бу хусусиятларни миллатимиз ҳаёт тарзининг узвий ва ажралмас бир қисмига айлантиришдан иборат.

Бу йил "1-Боёвут"ликларнинг ахдлари ўзгача. Ҳудуд бўйича фермерлар билан бирга 9,5 минг тонна пахта, ширкат хўжалиги бўйича 8 минг тонна пахта етиштириб бериб ҳосилдорликни 31 центнерданга етказишга аҳд қилишган. Қабул пунктларига 8 минг тонна ғалла етказиб берилади.

-Яхши ҳосил олиш учун чигит эрта экилиб, ишловни эрта бошлаш керак, - дейди раис. – Энг асосийси одамларнинг моддий манфаатдорлигини ошириб ишга, мулкка бўлган муносабатини ўзгартириш керак. Хўжалигимиз деҳқонлари Наврўзи олам баҳор байрамини юксак меҳнат кўтаринкилиги билан, эртанги кунга ишонч туйғулари билан кутиб олдилар.

"1-Боёвут" далаларини айланиб пахтакор-у ғаллакорлар билан суҳбатлашар эканмиз, уларнинг кўзларида чақнаётган нурни, фикрларида дадиллик, уйғоқлик, ҳаракатларида жўшқинлик, ғайрат-шижоат юзларида табассум кўрдик. Бу табассум ўз куч-қудратига, эртанги кунга, юрт келажагига бўлган ишонч ифодаси эканлигини дилдан ҳис этдик.

Шомурод ХОЛМУРОДОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.
Қудрат Абдуқундузов олган суратлар.

ҚАРОР ВА ИЖРО

ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ОМИЛИ

Иқтисодий ислоҳотлар барча жабҳаларда ўзининг авж пардасига кўтарилаётган бугунги кунда банклар фаолиятини ҳар жиҳатдан такомиллаштириш, айниқса ушбу хизматни мижозларга яқинлаштириш бозор иқтисодиётининг энг долзарб вазифаларидан бирига айланиб бормоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида"ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарорлари жойларда кўплаб кичик банклар очиш имконини яратди.

Ҳукуматимизнинг юқоридаги ҳужжатларига биноан Тошкент вилоятида ҳам паст рентабелли ва истиқболсиз, дея топилган йигирмадан зиёд хўжаликлар негизида ташкил этилган фермерларга хизмат кўрсатувчи мини-банкларни очиш белгиланган.

Хўш, айни вақтда ушбу қарор жойларда қандай ижро этилмоқда? Биз бай̆рам арафасида ушбу саволлар билан Марказий банкнинг Тошкент вилояти бош бошқармаси бошлиғи Хондамир Маматқулов, Республика акциядорлик-тижорат "Пахта Банк"нинг вилоят бошқармаси бошлиғи Адҳам Назиркулов, "Савдогарбанк" ва "Тадбиркорбанк"нинг вилоят бошқармалари бошлиқлари Иброҳим Салимов ва Абдуҳамид Азизовларга мурожаат қилдик.

ҚИШЛОҚЛАРДА МИНИ-БАНКЛАР

Хондамир Маматқулов, Марказий банкнинг Тошкент вилояти бош бошқармаси бошлиғи:

-Маълумки, сўнгги йилларда ҳукуматимизнинг бир қатор қарорлари билан истиқболсиз, деб топилган ширкатлар тугатилиб, уларнинг негизида кўплаб янги фермер хўжаликлари ташкил этилмоқда. Бу эса ўз навбатида банк муассасалари олдига муҳим вазифалар қўймоқда. Чунки, тугатилган ҳар бир собиқ хўжаликлар ҳудудида мини-банклар очиш тақозо этилмоқда. Ушбу йўналишда вилоятимиздаги тижорат банклари томонидан ўтган даврда кўпгина ишлар амалга оширилди. Хусусан, банк хизматини қишлоққа олиб чиқиш ва уни мижозларга яқинлаштириш мақсадида вилоят туманларида кўплаб кичик шохобчалар фаолияти йўлга қўйилди.

Бўка туманидаги Гулистон, Кўкорол, Бекобод туманидаги Турон, Далварзин, Чиноз туманидаги Янгиобод, Юқори Чирчиқ туманидаги Усмон Юсупов, Оҳангарон туманидаги Дўстлик ҳамда Янгийўл туманидаги Бобур номли мини-банклар ҳукуматимиз қарорлари асосида очилиб, бугунги кунда мижозларга тўғридан-тўғри дала бошида хизмат кўрсатмоқда.

Ушбу кичик шохобчалар қаторига бу йил яна ўн бешга яқин кичик банкларнинг қўшилганлиги мижозларимизга катта қулайликлар яратмоқда. Мини-банкларда бугунги кунда ҳисоб-китоб ва касса амалиётларини бажариш, қисқа ва ўрта муддатли кредитлар бериш, банкларнинг қимматбаҳо қоғозларини сотиш, маслаҳат-ахборот ва консалтинг хизматларини кўрсатиш, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш каби хизматлар кўрсатмоқда. Шуниси муҳимки, ушбу шохобчалар асосан бошқа банк филиаллари бўлмаган олис қишлоқларда очилган. Бу эса у ерда яшаётган аҳоли, кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳамда фермер хўжаликларига банк хизматларидан баҳраманд бўлиш учун узоқ йўл босиб, туман ёки вилоят марказларига келишга ҳожат қолдирмаяпти.

Очилган мини-банклар уларнинг қимматли вақтларини тежашга ёрдам бермоқда. Бош бошқармамиз мини-банклар мижозларга мақбул бўлиши учун доимий равишда астойдил қайғурмоқда. Бундан ташқари, ўз ташаббусимиз билан ҳам вилоят бўйича кўплаб кичик банк шохобчалари очишга астойдил ҳаракатлар бўлмоқда. Муҳтасар қилиб айтганда, бош бошқармамиз томонидан ҳукуматимиз қарори ижроси вилоятимизда тўлиқ таъминланмоқда. Бунга бугунги кунда қишлоқларда самарали фаолият юритаётган кўплаб кичик банк шохобчалари жонли мисолдир.

МИЖОЗЛАРГА КАМАРБАСТАМИЗ

Адҳам НАЗИРҚУЛОВ, акциядорлик-тижорат "Пахта Банк"нинг Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи:

-Ҳукуматимизнинг тегишли қарорлари билан очилаётган кўплаб кичик банк шохобчалари бугунги кунда қишлоқ шароитида мижозларимизга ҳар томонлама маъқул келаётганлиги бизни бехад қувонтирмоқда. Боиси, ҳозирги шароитда банклар фаолиятига ҳақиқий баҳони мижозлар беришади. Улар фаолиятимиздан миннатдор эканлар бу бизларга фақат куч-қувват бағишлайди.

Айни вақтда вилоятимиз туманларида мини-банклар сони йигирмадан ошиб кетди. Уларда лозим бўлган барча шарт-шароитлар мужассам этилган. Мини-банклар компьютер, алоқа воситалари билан тўлиқ таъминланган. Уларнинг аксариятига модем алоқаларини ҳам ўрнатишга эришдик. Бу восита орқали мижоз талаби бир зумда адо этилади.

Мини-банклар ҳақида гап борар экан, уларнинг баъзилари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишга тўғри келади. Масалан, "Пахта Банк"нинг Зафар бўлими айни вақтда 6 та ана шундай кичик шохобчага эга. Уларнинг 5 таси ўтган икки ой ичида замонавий таъмирланган биноларда иш бошлади. Мижозларга нақд пул тарқатиш ҳам бугун тўғридан-тўғри шохобчаларнинг ўзида амалга оширилмоқда.

Шу ўринда тегишли бино ажратиш ва уларни тезкор таъмирлаш ҳамда мини-банклар фаолиятини намунали йўлга қўйишда яқиндан ёрдам бераётган Бекобод тумани ҳокими Маҳмуджон ака Шукуралиевнинг хизматларини ҳам алоҳида эътироф этмоқ керак. Мини-банклар орқали кўплаб мижозларга сўралган кредит маблағлари ҳам йўналтириб берилмоқда, фермерларга техникалар олишга ёрдамлашяпмиз.

Ўтган даврда биргина мазкур тумандаги "Далварзин" мини-банки орқали мижозларга 26 миллион 78 минг сўмлик кредит маблағлари берилди. "Шерхон", "Коинот" ва Ш.Расулов номли фермер хўжаликларига техника олишга кўмаклашилди. Бу борада Қуйи Чирчиқ, Пскент, Оққўрғон ва Бўка туманларида очилган мини-банкларнинг фаолияти ҳам мижозларга ҳар томонлама маъқул келмоқда.

Бугунги кунда Бошқармамиз ва унинг туман бўлимларида мижозлар сони 3 минг нафардан ошиб кетди. Ушбу ҳамкорларимизни қарийб тенг ярмини фермерлар ташкил этади. Эндиликда ҳукумат қарори билан очилган мини-банкларимиз аксарият фермер-мижозларга дала бошида намунали хизмат кўрсатади.

КРЕДИТ – ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ДЕГАНИ

Иброҳим САЛИМОВ, "Тадбиркорбанк"нинг Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи:

-Турли микёслардаги йиғилишларда, ўзаро мулоқотлар чоғида, радио эшиттиришлари ёки телевидение кўрсатувларида "Корхонага шунча кредит ажратилди", "Фермер имтиёзли кредит олди", деган гап-сўзлар тез-тез қулоғимизга чалинади. Айримлар бундай хабарларга етарлича эътибор беришмайди, унинг замиридаги мазмун-моҳиятга ҳамиша ҳам ўз диққатларини қаратишавермайди. Аслида бирон-бир корхона ёки фермерга кредит ажратилгани бу муҳим аҳамиятга молик воқелик саналади. Чунки ана шу маблағ ҳисобига қурилиш ишлари амалга оширилиб, янги ишлаб чиқаришга асос қўйилади, халқ учун зарур маҳсулотлар тайёрлаш ҳажми кўпайишига улуш қўшилади. Бундан ташқари 15-20 кишига янги иш ўринлари яратилади, бунёдкорлик ишлари ўша жойнинг қиёфасини ўзгартириб, янада обод ва кўркам қилади. Шунинг учун ҳам кичик ва ўрта бизнес субъектларига кўмак бериш, уларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалаларига бошқа молия муассасалари билан бир қаторда акциядорлик-тижорат "Тадбиркорбанк"нинг Тошкент вилоят бошқармаси томонидан алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Буни қуйидаги кўрсаткичлардан ҳам билиш мумкин. 2004 йил бошланишигача берилган қисқа, ўрта ва узоқ муддатли кредитлар миқдори 1,5 миллиард сўмдан ошиб кетди. Шу жумладан, қишлоқ хўжалигига 632, саноатга – 517, қурилиш, маиший хизмат соҳаларини ривожлантиришга 106 миллион сўмдан зиёд қарз берилди. Ана шу маблағлар ҳисобига 300 дан зиёд янги иш ўринлари вужудга келтирилиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, одамларни доимий даромад билан таъминлаш учун шароит яратилди.

Кейинги йилларда ҳар бир молия муассасасининг ажратадиган кредитларининг салмоқли қисми ўз маблағлари ҳисобидан бўлишига эришиш масаласи диққат марказида турибди. Шуни ҳисобга олган ҳолда вилоят бошқармамиз ва унинг туманлардаги бўлимлари кредитларни кўпроқ ўз маблағлари ҳисобига ажратишга эътиборни кучайтираяптилар. Хусусан, юқорида тилга олинган умумий кредит миқдорининг қарийб 1,3 миллиард сўми ўз маблағларимиз ҳисобига тўғри келганлиги фикримизни тасдиқлайди.

Бугунги кунда 5 мингга яқин мижозга хизмат кўрсатаётган бўлсак, уларнинг деярли ярми деҳқон ва фермер хўжаликлари, икки мингдан зиёди хусусий фирмалар, корхоналар, якка тадбиркорлардир. Демак, мижозларимизнинг асосийси хусусий мулк эгалари саналади. Уларни доимий равишда молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, имтиёзли кредитлар ажратиш Президентимиз ва Республика ҳукуматининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Чунончи, Президентимизнинг "Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонини ижро эта бориб, имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси шакллантирилди. Биргина ўтган йилнинг ўзида худди шу манбадан фермерлар ва тадбиркорларга қарийб 40 миллион сўм имтиёзли кредит берилди.

Банклар ўртасида соғлом рақобат юзага келаётган ҳозирги пайтда мижозларга тобора яқинлашиш, хизмат кўрсатишни бевосита қишлоқларнинг, хўжаликларнинг ўзида амалга оширишни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этаяпти. Бунинг учун мини-банклар тармоғи тобора кенгайтирилмоқда. Ўтган йили Оққўрғон ва Келес бўлимлари ҳузурида, 2004 йилнинг бошида эса Ангрен ва Паркентда худди шундай шохобчалар очилди. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ тугатилаётган ширкатлар негизида ташкил этилаётган фермер хўжаликлари учун мини-банклар очиб, уларга хизмат кўрсатиш кўламини янада кенгайтираверамиз.

ҲАМКОРЛАРИМИЗ КЎПАЙМОҚДА

Абдуҳамид АЗИЗОВ, акциядорлик-тижорат "Савдогарбанк"нинг Тошкент вилоят бошқармаси бошлиғи:

-Ҳамкасбим Иброҳим Салимовнинг фикр-мулоҳазаларини эшитиб ўтириб, худди шу йўналишларда "Савдогарбанк"нинг пойтахт вилоят бошқармаси ва унинг бўлинмалари томонидан амалга оширилаётган ишлар бирма-бир хаёлимдан ўтди. Ҳақиқатан ҳам мижозларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш уларнинг ривожланишига, янги иш ўринларини яратишларига хизмат қилмоқда. Мижозларимизга жами 3,7, ўз маблағларимиз ҳисобидан деярли 3,3 миллиард сўм кредит ажратилганлиги туфайли кенг кўламдаги қурилиш ишлари амалга оширилиб, янги ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди.

Мижозларнинг тобора кўпайиб бориши банк ходимлари фаолиятига баҳо беришда муҳим мезон саналади. Шу жиҳатдан ишимизни таҳлил этадиган бўлсак, кейинги бир йилнинг ўзида мижозлар сони қарийб 300 тага кўпайганлиги уларнинг бизга бўлган ишончи ортиб бораётганлигини кўрсатади. Қисқа муддатда 70 та деҳқон ва фермер хўжаликлари, 139 та хусусий тадбиркор мижозларимиз сафига қўшилишди. Бу борада банкимизнинг Бўка, Оҳангарон ва Қибрай туманлари бўлимларининг ишлари ибратлидир.

Ҳар бир банк кредитлар беришда кўпроқ ўзининг молиявий ресурсларига таяниши бугунги куннинг талабларидан бири ҳисобланади. Ана шу мақсадда махсус жамғармалар шакллантирилиши зарурлиги республика ҳукуматининг тегишли қарорларида белгилаб берилган. Бундай мақсадга эришишнинг бир қатор йўналишлари мавжуд. Аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш улардан бири. Шунинг учун ҳам омонатларнинг турли турларини жорий этиш масаласига эътиборни кучайтираяпмиз. 2004 йил бошланишида омонатларга қўйилган маблағ 569 миллион сўмдан ошди. Бу бир йил давомида худди шу кўрсаткич 302 миллион сўмга кўпайганлигидан далолат беради.

Фермер хўжаликлари, тадбиркорлар учун мини-банклар тармоғини кенгайтириш масаласи бизнинг ҳам доимий эътиборимизда. Ҳозирги пайтда Бўстонлиқ туманидаги Т.Назар номли хўжалик ҳудудида ва бошқа жойларда мини-банклар очиш учун тайёргарлик ишлари олиб бориляпти. Кўрилаётган чораларнинг барчаси молия муассасамиз мижозларга хизмат кўрсатиш кўламини янада кенгайтираётганлигини кўрсатади.

Суҳбатдош:
Иброҳим ТОШЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

ТОЛАСИ СИФАТЛИ ва РАҚОБАТБАРДОШ

ТАҲЛИЛ ҚИЛСАК АГАР...

Миллий бойлигимиз ва даромадимиз манбаи бўлмиш пахтани юқори сифатли, саноатбоп маҳсулотларга айлантириш, харидорларга жўнатиш уларнинг зиммасида. Хуллас, ишлар бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Деҳқон маҳсулотни қанча кўп етиштирса, саноат корхоналарида ишлар ривож топади, фойда кўпаяди. Шунинг учун ҳам 2003 йил пахта ҳосилини қабул қилиб олишга пухта тайёргарлик кўрилди ва мавсум қисқа муддатда ниҳояланди. Натижада ўтган йил соҳа тизимидаги барча корхоналарда иқтисодий кўрсаткичлар бўйича топшириқларнинг ошириб бажарилиши билан якунланди. Қабул пунктларига 152,8 минг тонна "оқ олтин" жамланди. Тайёрланган ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга қабул қилинди. Пахта хом ашёси тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси стандарти талаблари асосида олиб борилди. Маҳсулотнинг давлат андозаларида бўлиши мутахассислар эътиборида. Чунки тола ва бошқа маҳсулотларнинг сифати кўп жиҳатдан ана шуларга боғлиқ. Маҳсулот сифати ва харидоргирлиги биринчи ўринда турганлиги боис, бу жуда муҳим масаладир. Шунинг учун барча пахта тозалаш корхоналари хом ашё келтирилиши биланоқ, уларни қайта ишлашга киришдилар.

2004 йилни тизим меҳнаткашлари 144272 тонна пахтани қайта ишлаш билан

кутиб олдилар. Шунинг 89569 тоннаси янги ҳосилдан эди. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, бирлашма меҳнат аҳли томонидан ўтган йили 35 миллиард 974,8 миллион сўмликдан ортиқ товар ишлаб чиқарилиб, белгиланган режа 105 фоизга ошириб уддаланди. Шулар ҳисобидан пахта тозалаш корхоналарида 45766 тонна тола, 3744 тонна момиқ, 73801 тонна чигит ишлаб чиқарилган. Боғот, Урганч, Ҳазорасп пахта тозалаш заводларида тайёрланган толанинг катта қисми юқори навларга қабул қилинди.

МАҲСУЛОТГА ТАЛАБГОР КЎП

Бугунги кунда ишлаб чиқарилган маҳсулотни четга сотиш, шунинг эвазига валюта келтириш давр талабига айланиши билан бирга корхоналар салоҳиятини белгилашда ҳам асосий меъёрлардан бирига айланган. Жаҳон бозори бу рақобат майдонидир. Шундай экан, жараёнда маҳсулотингни харидорга манзур қилиш ҳазилакам иш эмас. Бу борада хоразмлик саноатчилар ҳам ўз мавқеларига эга десак, муболаға бўлмайди. Ўтган йил бўйича ишлаб чиқарилган толадан 32138 тоннасининг хорижга экспорт қилиниши фикримизнинг далилидир. Бу борада Янгибозор пахта тозалаш корхонасида қилинаётган ишлар ибратлидир. Булар томонидан шартнома асосида хорижлик харидорларга жўнатилган маҳсулотнинг деярли ҳаммаси юқори сифат кўрсаткичига эга эканлиги қайд қилинган. Шунингдек, Урганч, Қўшкўпир ва Хонқа пахта тозалаш корхоналари жўнатган толани Россия, Швейцария, Италия, Жанубий Корея, Хитой каби саноати ривожланган мамлакатларнинг диди ўткир, талаби катта харидорлари зўр мамнунлик билан кутиб олмоқдалар.

ЭКСПОРТ

ҚЎШИМЧА ТАРМОҚ ҲИССАСИ

Корхона қошида қўшимча тармоқлар ташкил қилиниши орқали янги иш ўринлари очиш, харидоргир маҳсулотлар миқдори ва турини ошириш ҳам олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар асосини ташкил қилади. Бу борада ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. "Хоразмпахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси тизимидаги пахта тозалаш корхоналари 2003 йилда 436476 минг сўмлик тикувчилик маҳсулотлари, 2756 минг сўмлик гилам маҳсулотлари, 16 минг дона 40х110 ўлчамдаги 15959 минг сўмлик юмшоқ сочиқ, 1458 тонна 439683 минг сўмлик маиший пахта, жами 902139 минг сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқардилар ва 2002 йилга нисбатан 102,8 фоиз йиллик ўсишга эришдилар. Қўшимча тармоқларда турли хил тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Шулардан Янгиариқ, Боғот, Урганч, Қўшкўпир пахта тозалаш корхоналарининг тикувчилик цехларида жинси матосидан кийимлар тикилди ва ишчи-хизматчиларга ажратиб берилди. Ишлаб чиқарилган маиший пахтани сотишдан тушган пуллар корхоналарнинг соликдан, нафақа жамғармасидан, бошқа хил тўловларни тўлашга ва ишчи хизматчиларнинг ойлик иш ҳақини беришга ишлатилмоқда. Бирлашма тизимида Хонқа ва Ҳазорасп нотўқима мато ишлаб чиқариш цехлари фаолият кўрсатмоқда. Буларда 2003 йилда 259590 минг сўмлик 290 минг комплект ўроб материали ишлаб чиқарилди. Бу цехларда тайёрланган маҳсулотлар бирлашма тизимидаги пахта тозалаш корхоналарининг эҳтиёжлари учун етказиб берилмоқда.

Хонқа пахта тозалаш заводи қошида фаолият кўрсатаётган цехда 32 нафар тикувчи ишчилар учун костюм-шим, қишки иссиқ кийимлар, сочиқлар тайёрлаш билан банд. Марямжон Қурбонова раҳбарлигидаги бу кичик жамоада Аноржон Раҳмонов, Дилшода Машариповалар барчага ўрнак. Наврўзни муносиб совғалар билан кутиб олаётган ёрдамчи тармоқ ходимлари ҳам бирлашма муваффақиятига муносиб улуш қўшаётганларидан мамнундирлар.

СИФАТ УРУҚҚА ҲАМ БОҒЛИҚ

Саноатимизда, айниқса, жаҳон бозорида пахта толасига бўлган талаб олиму деҳқонларимиз олдига рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаш вазифасини қўяр экан, уруғчилик энг долзарб маслага айланиши табиийдир. Кейинги йилларда воҳа иқлим шароитида рўй бераётган ўзгаришлар, тупроқ шўрланиш даражасининг ортиши, обҳавонинг мураккаб келаётганлиги ҳам ғўза навларини танлашга жиддий эътибор қаратишни талаб қилади. Ана шундай вазиятдан келиб чиқиб, пахта тозалаш корхоналарида уруғлик чигитни давлат ягона андоза меъёрларида тайёрлаш, деҳқонларимизга етказиб бериш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўнта пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятлари уруғлик ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, уларнинг барчасида саралаш цехлари, Хонқа, Шовот ва Қўшкўпир заводларида туксизлантириш ва колибрлаш ускуналари мавжуд. Қўшкўпир пахта тозалаш корхонасида уруғликни биологик стимулятор ва лигнин билан қобиқлаш ҳамда бир йўла кимёвий моддалар билан дорилаш, қуритиш ускуналари ишлаб турибди. 2003 йил пахта ҳосилидан 1838 тонна уруғлик тайёрланган ва экиш учун четдан келтирилган 1797 тонна уруғлик чигитлар ҳам талаблар даражасида сақланмоқда. Бу йил далаларга ғўзанинг асосан учта – "Хоразм-127", "Меҳнат" ва "С-6524" навлари экилади. Айни кунларда керакли сара уруғлар жамланиб, белгиланган қоидалар асосида тарқатиш учун ҳозирлаб қўйилган.

Бу йил Хоразм деҳқонлари яхши ниятлар билан ишга киришган эканлар, соҳа ходимлари ҳам уларга ҳар томонлама камарбаста бўлишга, муваффақиятларига ҳисса қўшишга шай турибдилар.

ЯХШИ ИШЛАГАНГА ҲОРДИҚ ЯРАШАР

Ишдаги унум, акциядорларнинг ўзларига қарашли мулкка эгалик қилиш муносабатларининг бир учи манфаатдорликка бориб тақалади. Бирлашма бўйича 2003 йил давомида асосий ишчилар 2934 нафар бўлиб, уларга 1406,5 миллион сўм миқдорида иш ҳақи ҳисобланган. Яъни, бирлашмада ишлаётган ҳар бир кишининг ойлик ўртача маоши 39948 сўмдан тўғри келган. Барча корхоналарда ишчиларнинг ишлаши, дам олишлари учун зарур шароитлар яратилган. Ишчилар ҳар йили санаторийлар, дам олиш масканларига бепул йўлланмалар билан таъминланмоқда. Байрамларда уларга совғалар улашиш, якка ёлғиз яшовчилар, фахрийлар холидан хабар олиш, уларни озиқ-овқат маҳсулотлари ва совғалар билан йўқлаб туриш бирлашма касаба уюшмаси фаолларининг одат тусига айланган. Барча пахта тозалаш корхоналари қошида спорт заллари, ҳордиқ чиқариш хоналари ташкил қилиниб, улар зарур спорт анжомлари билан таъминланган. "Меҳр ва мурувват йили"нинг ўтган давридаёқ Хонқа санаторийсида дам олиш, соғлигини мустаҳкамлаш учун 135 нафар кишига бепул йўлланма берилгани бу борадаги ишларнинг янада қўламдорлигидан далолат бериб турибди.

Холмурод ҚУРБОНОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.
Жумабой ҚОЗОҚОВ олган суратлар.

"Хоразмпахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси вилоятнинг асосий саноат корхоналари – пахта тозалаш заводларини тасарруф қилади. Хоразм пахтакорларининг муваффақиятию манфаатдорлигининг бир томони улар фаолиятига боғлиқ. Жаҳон бозорида пахта сифатига бўлган талаб, рақобатнинг кундан-кунга кучайиб бораётганлиги мазкур соҳа мутахассислари олдига масъулиятли вазифалар қўймоқда.

Байрам тантаналарини нишонлаш пайти қилинган ишлар ҳам хушнудлик билан сарҳисоб қилинади, яхши ниятлар, улуғвор режалар кўнгилдан ўтади. Хўш, Хоразм пахта саноатчилари "Наврўз" шодиёнасига қандай туҳфалар билан келдилар? Саҳифамизда шулар ҳақида ҳикоя қилинади.

НАМАНГАН: СПОРТ СОҲАСИДА

ОММАВИЙЛИК САРИ

Наманган мана уч йилдирки мамлакатимиз миқёсида спорт соҳасида энг яхши вилоят деб тан олинмоқда.

-Рақамлар тили билан айтадиган бўлсак 650 минг одам спорт билан машғул, - дейди вилоят ҳокимлиги жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Шокиржон Қорабоев. – Бугун вилоятимиздаги қай бир стадионга ёки ўйингоҳга кирсангиз бирор-бир спорт тадбири устидан чиқасиз. Бизда ҳафтасига камида икки марта республика ва ёки халқаро миқёсдаги спорт мусобақалари бўлиб ўтади.

Наманганда спортнинг оммавийлигига эришилган. Вилоятда спортнинг 31 та тури ривожланган.

Муҳтарам Президентимиз ҳеч нарса мамлакатни спортчалик дунёга танитолмайди деганларида юз карра ҳақ эдилар. Истиқлол йилларида Наманган худди шу спорт орқали дунёга танилди. Бу ерда жаҳон миқёсдаги кўпгина халқаро мусобақалар бўлиб ўтмоқда.

-Бу ютуқларга қандай қилиб эришилмоқда? - сўраймиз Шокиржондан.

-Бу раҳбарларнинг спортга бўлган меҳру-муҳаббатидан, - дейди у,-сўнгги йилларда катта-кичик раҳбарларимиз мажбуран эмас спортни соғлиқ саломатлик гарови эканлигини юракдан ҳис этган ҳолда масалага онгли равишда, виждонан ёндошмоқдалар.

Бугун Наманганда дунё андозалари даражасидаги ҳар қандай спорт тадбирини ўтказса бўладиган бир эмас бир неча спорт иншоотлари қурилиб фойдаланишга топширилди. Замонавий ва муҳташам, спортчилар ва томошабинлар учун барча қулайликларга эга Теннис мажмуаси, "Паҳлавон" спорт мажмуи, Ёшлар спорт мажмуи, 2 та катта от чопар Наманганнинг кўркига-кўрк, чиройига чирой қўшиб турибди. Бу спорт масканлари узоқ-яқиндан келаётган меҳмонларнинг энг севимли манзилига айланмоқда. Шуниси эътиборлики, халқаро андозалар даражасидаги иншоотлар асосан ҳашар йўли билан, спортсевар Наманган халқининг ўз ташаббуслари ва саъй-ҳаракатлари билан қурилиб, ишга туширилди.

Наманганда бугун спорт деса, маблағни аяйдиган раҳбарнинг ўзи йўқ. Айниқса, "Намангандон", "Наманганёғ", "Учқўрғондон", "Учқўрғонёғ" каби ўнлаб корхоналар, уларнинг фидойи раҳбарлари Наманган спортига катта миқдорда ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келмоқдалар.

Газетхонларда спорт фақат вилоят ёки туман марказларида ривожланяпти экан деган шубҳа туғилмаслигини истардик. Бугун вилоятда 29 та ўйингоҳ, 482 та спорт зали, 22 та сузиш хавзаси, 260 та отиш тири, 590 та баскетбол, 1785 та волейбол, 436 та қўл тўпи, 578 та футбол, 419 та кичик футбол майдонлари, 81 та теннис корти, 1та велотрек, 2 та ипподром каби иншоотлар вилоят аҳолисига хизмат қилмоқда. Иншоотларда 650 мингдан ортиқ киши жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланмоқда. Булардан 300 мингдан ортиғи вояга етмаган ёшлардир.

"Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги қонунга биноан вилоятдаги барча ташкилот, корхона, ўқув юртлари, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига қарашли спорт иншоотларида 16 ёшга тўлмаган болаларга, ногиронларга, етим болаларга, уруш қатнашчиларига ва уларга тенглаштирилган шахсларга спорт соғломлаштириш хизматларидан имтиёзли шуғулланишга шароит яратилган. Вилоятда 15 та шу жумладан шаҳарда 4 та, туманларда эса 11 та спорт соғломлаштириш клублари ишлаб турибди.

Вилоятда кураш, футбол, теннис, теэквандо, сузиш, волейбол, баскетбол, бокс, каратэ спорт турлари бўйича федерация фаолият олиб бормоқда. Ҳозирги кунда олий ва биринчи табақаларда "Навбаҳор" ва "Косонсой", мини футбол бўйича "Умид" ҳамда "Лочин" футбол жамоалари, аёллар футболида "Гулбаҳор" жамоаси вилоят шарафини ҳимоя қилиб келмоқда.

Фақатгина ўтган йилнинг ўзида вилоятда республика ва халқаро миқёсдаги 30 га яқин нуфузли мусобақалар бўлиб ўтди. Бу мусобақаларда вилоят спортчилари 4 та жаҳон, 10 та Осиё, 50 та республика биринчиликлари ва 18 та халқаро турнирда қатнашиб 64 та олтин, 95 та кумуш ва 108 та бронза медалларни қўлга киритишди.

Вилоятда болаларни спорт анжомлари, замонавий ва кўркам кийим-кечак ва чарм пойафзаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Жумладан, "Наманганэлектротерм","Наманганмеханикамашинасозлик" корхоналарида гимнастик тренажёрлар анжомлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу соҳада икки марта вилоят ва республика кўргазмалари ўтказилди.

Маҳаллаларда жисмоний тарбия ва спорт соғломлаштириш комплексларини ташкил этиш юзасидан ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Маҳаллаларда, боғларда ва дам олиш клубларида аҳолининг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратиш, болалар спортини ривожлантириш чоралари кўрилмоқда. Бу жойларнинг кўпчилигида спортнинг волейбол, теннис, стол тенниси, шахмат-шашка турлари билан шуғулланишга имкониятлар яратилди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят филиали билан ҳамкорликда вилоятда болалар спортини ривожлантириш чора-тадбирлари кўриляпти, спорт тадбирлари мунтазам равишда ўтказиб борилмоқда. Наманган шаҳрида 4000 ўринли амфитеатр, спорт зали, аквопарк, кураш манежи ва теннис кортларини ўз ичига олган "Ёшлар спорт мажмуаси" қисқа муддатларда қуриб ишга туширилди.

Америкининг "USAID" ташкилоти билан қизлар ўртасида спортни тарғиб қилиш борасида Янгиқўрғон туманининг 22-сонли, Уйчи тумани 5-ўрта мактабларида оммавий спорт байрами ташкил қилинди.

"Паҳлавон" спорт мажмуида ўрта мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган "Умид ниҳоллари" вилоят мусобақасида спортнинг 10 та тури бўйича 2260 нафар ўқувчи қатнашди. Мусобақанинг Хоразм вилоятида бўлиб ўтган босқичида наманганликлар тўртинчи ўринни эгаллади. Худди шунингдек Андижонда ўтказилган ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари талабаларининг "Баркамол авлод" спорт ўйинларида ҳам вилоят терма жамоаси юқори ўринлардан бирини эгаллади.

Касаба уюшма ходимлари ўртасида "Отам, онам ва мен" – оилавий мусобақалари юқори савияда ташкил этилди.

Бугунги кунда вилоятнинг 12 та спорт жамоаси Ўзбекистон чемпионатининг олий табақаларида иштирок этиб келмоқда.

Спортчиларга эътибор, уларни қўллаб-қувватлаш натижаси ўлароқ наманганлик спортчилар республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда совриндорлар сафидан ўрин олмоқда. Жумладан бокс бўйича Волгоград шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда чустлик Илҳом Раҳимов 51 килограмм вазн тоифасида 2-ўринни, Руминиянинг Бухарест шаҳрида ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида олтин медал олиб чемпионлик унвонини қўлга киритди. Озарбайжонда ўтказилган Бутунжаҳон бокс федерацияси президенти Анвар Чаудрий совғаси учун бокс бўйича халқаро турнирда наманганлик Тўлашбой Дониёров 51 килограмм вазнда 1-ўринни қўлга киритган бўлса, Навоий вилоятида ўтказилган Жаксон халқаро хотира турнирида ҳам 1-ўринни олиб мухлисларни хурсанд қилди.

Ўтган йили март ойида Ҳиндистоннинг Дехли шаҳрида от спорти бўйича халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси сафида Сергей Шмелёв 20 та давлат иштирок этган мусобақада совринли ўринларни эгаллади. Алматада ўтказилган жаҳон кубоги 2-этап мусобақаларида 1-ўринни қўлга киритди.

Июн ойида кураш бўйича Ўзбекистон биринчилигида вилоят вакили Аюб Камолов 66 килограмм вазнда Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритди. Декабр ойида Эронда ўтказилган Осиё чемпионатида 2-ўринни олишга сазовор бўлди.

Шунингдек, 12-15 июл кунлари Варшавада таэквандо бўйича ўтказилган ўн учинчи жаҳон чемпионатида Алексей Курмакаев 63 килограмм вазнда учинчи ўринни эгаллаб бронза медалига сазовор бўлди.

19-21 сентябр кунлари республика вилоятлари ичида биринчи маротаба Наманган шаҳрида от спорти бўйича жаҳон кубогининг 3-босқич мусобақалари юқори савияда ўтди. Мусобақаларда Ўзбекистон терма жамоаси 1-ўринни эгаллади.

Президентимиз катта бир анжуманда спорт гимнастикаси хусусан, аёллар ўртасида бадиий гимнастикани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратган эдилар. Бу соҳада Наманганда ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ижобий ишлар самараси сифатида "Обод маҳалла йили"га бағишлаб "Соғлом авлод учун" жамғармаси билан ҳамкорликда 29-30 сентябр кунлари бадиий гимнастика бўйича вилоят биринчилиги ўтказилди. Бу мусобақаларда Наманган шаҳри жамоаси биринчи, Давлатобод ва Тўрақўрғон туманлари гимнастикачилари 2-3-ўринларни олишга муваффақ бўлишди.

Вилоятда ўтказилаётган бундай спорт тадбирлари ҳақида узоқ гапириш мумкин. Умуман ўтган йил давомида вилоятда юқори малакали спортчи ёшларни тайёрлаш ишлари ҳам амалга оширилиб 1-разрядли 717 та, спорт усталигига номзод 114 та, спорт усталари 10 та, халқаро тоифадаги 3 та спорт устаси тайёрлашга эришилди.

БОЛА СПОРТГА ОШНО БЎЛСА...

-Ўтган йилнинг ўзида ҳомийлар томонидан филиалимиз ҳисоб рақамига 626 миллион сўмлик ҳомийлик маблағлари туширилди, - дейди Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Наманган вилояти филиали директори Ибодилла Жабборов,- Вилоят ҳудудида 2003-2005 йиллар давомида 44 та янги болалар спорт иншоотларини барпо этиш дастури белгиланди. Ушбу иншоотларни барпо этишда "Маҳалла" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, халқ таълими бошқармаси каби мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб боряпмиз. 2003 йилда Наманган шаҳри марказида "Ёшлар спорт мажмуаси" фойдаланишга топширилганлиги вилоят ёшлари ҳаётида катта воқеа бўлди. Ушбу иншоотга ҳомийлар томонидан 3,8 миллиард сўм маблағ сарфланганлигининг ўзи Наманганда спорт иши умумхалқ иши даражасига етганлигини исботлаб турибди. Шунингдек, туманларда ҳомийлик маблағлари ҳисобига 5 та янги спорт иншоотлари барпо этилиб ёшларга туҳфа этилди. Жумладан, Уйчи туманидаги "Гайрат" Косонсой туманидаги Ш.Рашидов номли, Деҳқонобод, Тўрақўрғон туманидаги "Наврўз", Учқўрғон туманидаги "Ўзбекистон" ширкат хўжаликларида қишлоқ ёшлари учун спорт мажмуалари қурилиб фойдаланишга топширилди. Вилоят ҳомийлик кенгаши раиси, вилоят ҳокими Т.О.Жабборовнинг кўрсатмасига асосан вилоят ҳудудида фойдаланилмай турган бино ва иншоотларни спорт иншоотларига мослаштириш дастури тасдиқланди. Шу дастур асосида вилоятнинг Косонсой, Уйчи ва Тўрақўрғон туманларида ибратли ишлар амалга оширилди. Бу соҳада Косонсой туманидаги илғор тажрибаларни оммалаштириш бўйича вилоят кўргазмали семинари ўтказилди. Ўтган 2003 йил давомида олиб борилган ижобий ишлар натижасида вилоятда спорт иншоотлари сони 120 дан ортди. Спорт иншоотларининг моддий техника базасини яхшилаш билан бирга спорт секцияларининг, айниқса истиқболли спорт турлари бўйича секцияларни кўпроқ ташкил этилишига эътибор қаратилди. 2003 йил давомида спортнинг 21 тури бўйича 215 та янги спорт секциялари ташкил қилиниб, уларга 5800 дан ортиқ болалар жалб қилинди. Шунингдек маҳаллаларда оммавий ва оилавий спорт мусобақаларини ташкил этиш, уларга маҳалла ёшлари ва оилаларини кенгроқ жалб этишга эътибор қаратилди.

Спортни ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали вилоятда болалар спортини ривожлантириш борасида 2004 йил учун аниқ дастур режалар тузиб олиб, шу асосида иш ташкил этмоқда,- дейди Ибодулла Жабборов,-Жумладан бу йил ҳомийлик маблағларини йиғиш режаси 900 миллион сўмни ташкил этиб бу маблағ спорт иншоотларини қуриш ва моддий техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилади. Вилоят ҳудудида 5 та лойиҳа бўйича янги қишлоқ спорт мажмуалари фойдаланишга топширилади.

ПЕШҚАДАММИЗ

ЧЕМПИОНЛАР ЕТИШИБ ЧИҚАДИ

Поп туманида 30 минг томошабин сиғадиган жаҳон андозалари даражасидаги стадион фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда спортнинг 10 дан ортиқ тури бўйича спорт секциялари ишлаб турибди. Ўтган йили туман марказидаги узоқ йиллардан бери таъмирталаб бўлиб ишламай ётган "Табассум" савдо мажмуасига айлантирилди ва тўлиқича ёшлар ихтиёрига берилди. Бино янгитдан таъмирланиб, турли спорт жиҳозлари билан жиҳозланди. Ҳозир бу ерда поплик ёшлар спортнинг каратэ, бокс, бадиий гимнастика, шахмат-шашка, қўл жанги, кураш, стол тенниси каби турлари билан мунтазам равишда шуғулланмоқдалар.

Косонсой туманида ҳам жаҳон талаблари даражасидаги 25 минг томошабинга мўлжалланган барча қулайликларга эга стадион фаолият кўрсатмоқда. Туманнинг деярли барча ширкат хўжаликларида спорт майдонлари учун ер ажратилиб чим ётқизилган. Қўқимбой, Ш.Рашидов номли, Деҳқонобод ширкат хўжаликлари эса ўзининг спорт мажмуасига эга. Туманда сўнгги йилларда 8 та коллеж қайтадан реконструкция қилиниб ҳаммаси ҳам ўз замонавий спорт залига эга бўлди. Бу ерда эндиликда қишлоқ, маҳалла ёшлари ҳам спортнинг кураш, енгил атлетика, каратэ, таэквандо, қўл жанги, теннис турлари билан қишин-ёзин шуғулланиш имконига эга бўлдилар.

Уйчи туманининг Қизилравот қишлоғидаги соғлом авлод маркази ўзининг қулайлиги, ёшлар учун, барча шароитлар яратилганлиги билан бутун вилоятда машҳур. Бу ерда ёшлар спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, кураш, оғир атлетика, енгил атлетика, бокс, теннис, шахмат-шашка турлари билан шуғулланишлари учун спорт секциялари мунтазам равишда ишлаб турибди. Қишлоқ ёшларидан 600 дан зиёди бу спорт секцияларига аъзо бўлиб кирган. Биз Сайфулло Комилов, Музаффар Турғунов, Абдубакир Юсупов, Шерзод Эшбоев каби мураббийлар билан суҳбатлашдик. Улар қишлоқ ёшлари учун яратиб берилган шароитлардан мамнун эканликларини, ўз шогирдлари вилоят, туман миқёсидаги мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаб келишаётганини мамнуният билан таъкидлашди.

Учқўрғон туман болалар спортини ривожлантириш жамғармаси етакчи мутахассиси Рустамжон Аҳроров туманда спорт соғломлаштириш ишларига туман ҳокими етакчилигида жуда катта эътибор берилаётганлигини бизга сўзлаб берди. Учқўрғон саноатлашган туман. Бу ерда "Учқўрғондон", "Учқўрғонёғ", "Учқўрғон пахта толаси" каби йирик саноат корхоналари фаолият кўрсатади. Айни пайтда мазкур корхоналар ўз жамоаларида спорт-соғломлаштириш ишларига катта эътибор бериш билан бирга тумандаги спорт иншоотлари қурилишига сидқидилдан ҳомийлик ёрдами кўрсатмоқдалар. Фақатгина шу йилнинг ўтган даври ичида 15 миллион сўм маблағ болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказиб берилди. Туман марказидаги "Пахтакор" стадиони Тошкентдаги "Пахтакор" ўйингоҳидан қолишмайди. Бугун туманда 426 та катта-кичик спорт майдонлари ва майдончалари ташкил этилган. Жумладан, футбол майдонининг ўзи 18 та. Тумандаги 130 мингдан зиёд аҳолининг 50 фоизи спорт билан шуғулланади. Туманда 2 та спорт мактаб кўп тармоқли ихтисослашган спорт мактаби интернатида кўплаб спортчи ёшлар, бўлажак чемпионлар таълим-тарбия олмоқда. "Умид ниҳоллари" вилоят босқичида туман жамоаси фахрли 1-ўринни эгаллади. "Хумо" деб аталувчи чим устида хоккейчи қизлар жамоасини республикамизда яхши билишади. Бу жамоа олий лигада ўйнаб мунтазам равишда совринли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Учқўрғон шаҳридаги "Зайнобиддин" каратэ клуби довруғи бутун вилоятга таралган. Клубга 3-Дан қора белбоғ соҳиби, бир неча карра мамлакат чемпиони Зайнобиддин Йўлдошев мураббийлик қилади. Ҳозир туманнинг турли ҳудудларида 200 дан зиёд ёшлар клубга қатнаб ўз маҳоратларини оширмоқдалар.

Ортиқали НОМОЗОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.
Ҳотамжон МАМАДАЛИЕВ
олган суратлар.

ТАЪЛИМ

ҲУНАРЛИ КАМ БЎЛМАС

Ромитан туманининг чекка қишлоқларидан бирида ойналари қуёш нурида товланиб, кўзни қамаштирадиган, деворлари мисоли камалак рангларини ўзида жилолаган ҳашаматли бино бор. Мустақиллигимизнинг илк кунларида шаҳарларгагина хос бўлган бундай иншоотлар ўша пайтларгача иккинчи даражали нигоҳ билан қаралган қишлоқларимизда ҳам қад кўтаради, деҳқоннинг фарзанди ҳам компьютерлар, лингафонлар ва бошқа замонавий техникалар асосида билим олади, дейилганда тўғриси ҳеч ким ишонмаган бўларди, балки.

- Агро-бизнес касб-ҳунар коллежимиз аслида 1997 йилда ташкил этилганди. 2003 йилда эса тўлиқ реконструкция қилиниб, ўқувчилар учун барча шароитлар вужудга келтирилди, - дейди ўқув даргоҳи раҳбари Олим Худойбердиев. – Бозор муносабатларига ўтиш даврининг ҳозирги босқичида қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш масаласи биринчи даражали вазифага айланмоқда. Шунинг учун ҳам соҳага ёш, ўқимишли, малакали кадрлар сув билан ҳаводек зарур. Мазкур коллежда таҳсил олаётган талабалар агрономлик, фермер - ўсимликшунослик, қишлоқ хўжалик машиналарини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, бухгалтерия ҳисоби, менежментлик, ҳуқуқий хўжалик фаолияти ва бадиий тўқимачилик бўлимларида танлаган касбларининг сир-асрорларини ҳам назарий, ҳам амалий тарзда пухта ўрганишмоқда. Битирувчиларнинг аксарияти қишлоқни тарк этмай, бири фермер хўжалигида, бошқаси уларга хизмат кўрсатувчи тармоқларда мустақил фаолият бошлашмоқда.

- Шароитлар етарли бўлса, ўз ўстингда ишлашга жиддий эътибор қаратар экансан, - дейди тарих фани ўқитувчиси Олия Саидова. - Ўқитувчи-устала-



римиз доимий изланишда. Олий тоифали устозларимиздан Ш.Ашуровнинг Сиёсатшунослик фанига оид, У. Паноевнинг Ўқув амалиётларини ўтказиш услубига доир ўқув қулланмалари нашр этилиб, айни пайтда улардан ўрта-махсус ўқув юртлари ўқувчилари амалиётда фойдаланишмоқда. Бу бизнинг жамоамиз учун фахр.

Коллежнинг педагогик жамоаси таълим жараёнини янада мазмунли ташкил этиш, сифат босқичида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш ва уларни ишлаб чиқаришда қуллаш мақсадида Бухоро Давлат университети ҳамда Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат институти билан яқин ҳамкорлик асосида иш олиб боришмоқда.

- Ота-оналаримиз гоҳида шаҳарларда ўқишганини мароқ билан ҳикоя қилиб қолишади. Байрамларда тадбирлар ўтказиб, уларни таклиф қилганимизда эса ўқув даргоҳимизни кўриб, оғизлари очилади-да: "шароитлари биз ўқиган техникумлардан устун экан", дея баҳо беришади, - дейди аълочи ўқувчилардан Муҳайё Неъматова ва Эркин Қодировлар. – Юракдан айтадиган бўлсак, шу илм масканида ўқиб, касб эгаллаётганимиздан жуда мамнунмиз. Битирганимиздан сўнг Тошкентдаги олий ўқув ортларига кириш ниятимиз бор.

- Дарҳақиқат бозор шароити бизни ҳам жиддий синовдан ўтказмоқда, - дейди Олим ака. – Шундай пайтда бюджетга қараб, қўл қовуштириб ўтириш ярамайди. Тадбиркор бўлишимиз керак экан. Коллежимиз қишлоқда жойлашгани учун 20 гектар тажриба майдонига эгамиз. Унинг ярмига ғалла, қолган қисмига эса пахта экамиз. Шунингдек 2 та чопиқ ва битта Т-4 русумли трактоpимиз ҳам мавжуд. Ўқувчиларимиз олган назарий билимларини бевосита ана шу тажриба хўжалигида амалиётдан ўтказадилар. Йил якуни билан олган даромадимиз ҳам моддий-техника базамизни яхшилашга, талабаларимизни ижтимоий ҳимоялашга сарфланади. Меҳр ва мурувват йили дастури асосида ҳозиргача 26 нафар ўқувчига қўшимча стипендия бердик ва уларни ўқув қулланмалари билан таъминладик.

Мақсуд АКРАМОВ

«ЎЗБЕК ИПАГИ» УЮШМАСИ

ТАРАҚҚИЁТ

"ЎЗБЕККАБЕЛ":

МАҲСУЛОТ ҲАР ҚАДАМДА БИЗ БИЛАН...

Тараққиёт тобора юксалиб бораяпти – дунё фани мислсиз кашфиётларга эга бўлаяпти. Аллома шоиримиз айтгани каби "Энг кичик заррадан Юпитергача хабар беражак" қурилмаларга эга даврда яшаяпмиз. Одамзот Марсга роботни чиқарди. Ҳозир "қизил сайёра"даги ҳаёт белгиси инсоният диққатида. Самовий билимлар очиғи, ҳайратимизни оширмай қўйди. Хуллас, кишилик жамияти ўз кашфиётининг буюк натижаларини кўраяпти. Атом парчаланганидан буён цивилизациянинг энг юксак чўққилари забт этилаяпти. Деярли ҳар куни – бир янгилик. Нима бўлган тақдирда ҳам одамзот ақл чироғи замонни "техникалаштириб" қўйди. Дунё фани тараққиётнинг авж нуқтасига чиқди. Дунё саноатлашди.

Ҳар қандай кашфиётнинг ҳам ўзаги бўлади. Бугунги цивилизациянинг дастлабки даврларда тамал тошини қўйган соҳалар мавжудки, буни ҳеч ким инкор этолмайди. Алоқа тизимининг ривожланиши, телефон станцияларининг, телеграф, электр тармоқларининг ишга тушиши, айтиш жоизки, ана шу тараққиётнинг асосини ташкил этган эди. Мазкур тармоқларни эса ишлаб чиқаришнинг энг муҳим йўналиши, яъни кабел-созликсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўзўзидан кабел ишлаб чиқариш эвазига юқоридаги соҳалар ривож топиши барчамизга кундай равшан. Демакки, кабел ишлаб чиқаришни тараққиётнинг асосий мурватини ишга солиш билан тенг, дейиш мумкин.

Бугун ҳам шундай. Хўш, бу тармоқ бизнинг мамлакатимизда қай тарзда шаклланаяпти? Мазкур йўналиш бўйича қандай ишлар амалга оширилаяпти? Умуман олганда, кабел ишлаб чиқаришда аҳвол қандай? Кабел маҳсулотлари бизнинг турмуш тарзимизда қандай аҳамиятга эга? Шу саволларга жавоб топиш мақсадида "Ўзбеккабел" Давлат ҳиссадорлик жамияти иш фаолиятига эътибор қаратдик.

-Аввалambор шуни айтиш керакки, "Ўзбеккабел" ДҲЖ мамлакатимиздаги йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан бири саналади, -дейди «Ўзбеккабел» ДҲЖ раҳбари Сайфиддин Муродхўжаев. - Унда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар айни кунда халқ хўжалигининг барча тармоқларида кенг кўламда қўлланилмоқда. Қисқаси, улар яшаш тарзимизнинг бир қисмига айланиб улгурган. Мазкур корхона ўзининг 60 йиллик тарихий йўли давомида олдидий электр симидан тортиб, мураккаб кўринишдаги кабелли маҳсулотлар конструкциясини яратди.

Юқорида айтдик: мазкур тармоқ бизнинг ҳаётимизга кириб келган. Масалан, ишхонада, уйда телефонимиз бўлмаса ёки ишламаса... деярли кундалик ишларингиз битмайди. Ёки бугун турмуш тарзингизни телевизорсиз тасаввурга сиғдиролмайсиз. Электр иситгич тармоқлари, турли хил совутгич мосламаларисиз рўзғорингизни бутун, бекаму-кўст деб ҳам айтолмайсиз. Хуллас, кабел саноати ҳар жиҳатдан кишилар ҳаёт фаолиятининг бир бўлагига айланиб қолган.

"Ўзбеккабел" Давлат ҳиссадорлик жамияти кенг кўламли ишлаб чиқариш комплексига эга корхона. Ва бу ерда ишлаб чиқарилаётган бир қанча маҳсулот турлари борки, бозор иқтисодиёти шароитида улар энг аввало, харидоргирлиги, қолаверса, аҳолининг талаб-эҳтиёжи уларга нисбатан юқори эканлиги билан ҳам ажралиб туради. Жумладан, катанклар, контакт симлар, электроалоқаларнинг ҳаво линияси учун махсус симлар, мис ва алюмин токорсимлари, геофизик кабеллари, шланглари (ичак) ва нефтенасос кабеллар, мис ҳамда алюминли кучланиш ва назорат кабеллари, шаҳар телефонлари кабеллари, узоқ алоқалар кабеллари, темир йўллар учун хабар берувчи блокировкали кабеллар, ёритгич симлари кабеллари... Хуллас, яна бир қанча кабел турлари бугунги кунда ҳаётда, аҳоли турмуш тарзида сув ва ҳаводай зарур.

"Ўзбеккабел" раҳбарияти томонидан мазкур соҳани янада ривожлантириш, кабел маҳсулотларининг барча турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда корхона янги замонавий техникалар билан таъминланди.

Тармоқда ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг турли хил шакллари йўлга қўйилган. Масалан, темир йўл тизимининг иккита муҳим шохобчасида амалга ошириладиган барча юмушлар, юк-ортиш, тушириш, маҳсулотларни сақлаш омборхоналари, энергия ва газ етказиб бериш юмушларини бажаришда, албатта, кабелчилик саноати муҳим кўмакчи эканлигини англашимиз қийин эмас.

"Ўзбеккабел" бугунги кунда муайян равишда ўз мавқеини тиклаб, ишлаб чиқариш соҳасида илғорликни қўлдан бермаяпти. Бундан ташқари, рентабелли тармоққа айланган. Мазкур соҳа ўз акциядорларига йилдан йилга қиймати ошган тарзда дивиденд бериб бормоқда. Умуман олганда, "Ўзбеккабел"да тадбиркорлик, ишнинг кўзини билиш, юрт тараққиёти учун муҳим стратегик аҳамиятга молик маҳсулот тайёрлаш билан биргаликда, тармоқ раҳбарияти томонидан ишчиларнинг ижтимоий муҳофазасига ҳам алоҳида эътибор берилади. Корхонада турли миллат вакилларидан иборат бўлган 1087 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда.

Корхонага тегишли гўзал ва мафтункор тоғ бағрида жойлашган Лашкарлик посёлкасидаги ҳамда Сирдарё соҳилидаги дам олиш масканларида корхона ишчилари ҳордиқ чиқаришади. Тоғли Ҳондайлик посёлкасидаги "Зилола" соғломлаштириш лагерида корхона хизматчиларининг фарзандлари дам олишади. Стационар шаклидаги даволаниш масканига эса ҳар йили 400 нафар ходимлар мурожаат қилади.

Шу билан бирга, ишни тўғри ташкиллаштириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оқсалтиришнинг энг муҳим жиҳати ўз ишини мукаммал билган салоҳиятли кадрлар тайёрлашга боғлиқ. Корхонада бу борада ҳам талай ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, малакали мутахассисларга эга бўлиш учун корхона бир қанча ўқув даргоҳлари билан шартнома имзолаган. Жумладан, Тошкент Давлат техника университети билан 1995 йилдан буён ўрнатилган алоқалар яхши натижалар бераяпти. Мазкур ўқув маскани корхонага турли йўналишлар бўйича ўз ишини пухта билган ёш мутахассисларни етказиб беради.

Хуллас, "Ўзбеккабел" фаолияти, унда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳозирги кунда юртимиз равнақига хизмат қилмоқда. Мамлакат иқтисодиёти, тараққиёти, барча соҳаларда алоқа тизимини сифатли йўлга қўйиш, улкан иншоотларнинг бекаму кўст фаолияти бевосита ана шу тармоқ билан боғлиқ. Айни пайтда аҳоли турмуш тарзининг тобора замонавийлашиб бориши, электр ва алоқа йўналиши билан боғлиқ барча хизмат турларини "Ўзбеккабел" маҳсулотларисиз тасаввур ҳам қилолмаймиз.

Ҳанифа ШАМШИЕВА
Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

"Ўзкабел" ДҲЖнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари

Йиллар	маҳсулотларнинг амалдаги баҳоси (минг сўм)	Халқ истеъмоли молларининг умумий ҳажми (минг сўм)	Экспорт (минг АҚШ доллари)
1999	1223571	270765	4842
2000	3252543	727941	5730
2001	5207157	1098611	5660
2002	86114633	1382159	6800
2003	11683004	2228441	7508

КАСБИ - ДЕҲҚОНЛАР ЮРТИ

Касби туманида кўп марта бўлганман. Чиройли, обод масканлари бор. Бирини ажойиб десанг, иккинчиси ундан-да гўзал кўринади. Содда, меҳнаткаш, дилкаш одамларини айтмайсизми! Кўзларида меҳр кўрасиз.

Юзларида нур балқиб туради. Имкон топди дегунча далага отланишади. Бир қарич ердан ҳам унумли фойдаланишади. Уни кўз қорачиғи мисол асраб-авайлашади. Касбилик деҳқонлар ер билан тиллаша олади, десак ишонаверинг...

Тумандаги "Пахтакор" ширкат хўжалиги деҳқонлари шаънига доимо яхши сўзлар айтилган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда ғолиб "Пахтакор" деҳқонлари. Пахта тайёрлаш режасини бажаришда кимлар маррага биринчи бўлиб етиб келишади? Яна "пахтакор"ликлар. Ғалламчиликда энг юқори ҳосилдорлик қаерда? Яна ўша хўжалик тилга олинади. Кўп даромад олишда ҳам ўшалар! Ерни эъзозлашда ундан унумли фойдаланишда-чи, деб сўрасангиз ҳам "Пахтакор" деган жавобни эшитасиз.

Бу гап-сўзларда жон бор. Хўжалик бошқаруви раиси Келдиёр Азизов хонасига қўйилган бир туп пахта "дарахти" ҳақида тўлқинланиб сўзлади.

-Ўшанда, - дейди суҳбатдошимиз, - дала айланиб юрсам бўйи икки метрдан ошган гўзага кўзим тушди. Роса яйраб ўсибди ўзиям. 83 та кўсак санадим. Ҳосилнинг ярмидан кўпи пишиб етилган. Кўсаклар тўқ, салмоқли. Орадан бир ҳафта ўтгач, яна ўша пахта "дарахти"ни кўрдим. Оппоқ чаноқларни кўриб беҳад қувондим. Ижарачи укамиздан шу бир туп "гўза дарахти"ни сўрадим. Илдизи билан суғуриб олдик. Кўриб турган пахтангиз шу. Бўлтур пахта хирмони чиндан баракали бўлди...

Суҳбатдошим хўжаликдаги тажрибали пахтакорларнинг номларини ҳурмат билан тилга олди. Қувай Худойбердиев, Бердиёр Эрназаров, Санжар Файзиев, Нуриддин Ҳайитов, Муҳаббат Гуломова, Мақсуда Ҳакимова, Ғиилой Шаймардонова... Илғорлар кўпчилик экан. Улар бош бўлган бош пудратчи, ижарачилар ҳар гектар майдондан 35-40 центнердан ҳосил олишган. Ҳосил мўл етиштирилганлиги сабабли меҳнатлари эвазига яхшигина даромад олинди. Бўлтур пахтачиликдан 1 миллиард 587 миллион 750 минг сўм даромад кўрилди. Бу олдинги йилга нисбатан 467 миллион сўм кўпдир.

Хўжаликда ғаллачилик ҳам яхши ривож топган. Бултур ҳар гектар майдондан 50 центнердан ошириб дон йиғиштириб олинди!

-Каттагина миқдорда соф фойда олинди, деяпсиз. Бу маблағдан фойдаланиш қандай бўлаяпти?

-Бизда деҳқонларимизни ижтимоий ҳимоя қилиш энг муҳим масала ҳисобланади. Шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда 28 миллион дивидент тўланди. Ижарачиларимизга 12 миллион сўм мукофот пули берилди. Шунингдек, уларга 230 тонна буғдой, 142 тонна ёғ тарқатилди. 160 миллион сўм сарфлаб янги шифохона биноси қуриб фойдаланишга топширилди. Яқин вақт ичида нуронийлар учун чойхона биноси қад ростлайди. Янги боғ ташкил қилинди. Боғда бодом, олма, нок ва бошқа хил мевали кўчатлар ўтқазилади. Бизда полиз ва сабзавот маҳсулотлари кўп етиштирилади. Шуни ҳисобга олиб, мевани қайта ишлайдиган цех қурилади.

Тумандаги "Қашқадарё" жамоа-ширкат хўжалиги бободеҳқонлари амалга ошираётган ибратли ишлар кўп экан. Тажрибали пахтакор Толмас Суннатов бошлиқ ижарачилар меҳнатда бошқаларга ибрат бўлишди. Ҳар гектар майдондан 40 центнердан ошириб ҳосил етиштирилди.

Азим Дўстмуродов бошлиқ ижарачилар хирмонга 57 тонна пахта тўкиб, ҳосилдорликда янги маррани эгаллашди.

Хўжаликка 12 миллион сўм даромад келтиришди. Илғор ижарачиларнинг ўртача иш ҳақи 41 минг сўмга тўғри келади. Дивидент, олинган пул мукофотлари бу ҳисобга кирмайди. Хўжаликда 142 ижарачи ишлаяпти. Бултур режани бажармаганлар бўлмади. Илғор пахтакорлар йиллик пахта тайёрлаш режасини 150-160 фоизга етказиб бажаришди.

"Қашқадарё" хўжалиги аъзолари янги йил режалари ҳақида гапириб, пахтадан камида 7000 тонна ҳосил олинишини айтишди. Пахтадан олинадиган даромадни 2 миллиард сўмдан оширамиз дейишмоқда.

МИЖОЗЛАР КЎНГЛИГА ЙЎЛ ТОПИБ

Бугун юртимиз байрам либосида. Баҳорнинг илиқ кунидан баҳра олган майсалар қирадирга, дала-даштга ўзгача ҳусну тароват бағишлаган. Айниқса, деҳқоннинг кайфияти ўзгача. Даласида иш бошланган. Нияти улуғ, орзулари бир дунё. Янги йилнинг баракасини тилаб турибди.

Агар ҳамкор ташкилотлар кўмак берса, ниятига етиши тайин. Айниқса, деҳқонга молиявий кўмак берувчи банклар хизматини яхши бажарса, даладаги меҳнат ўзига тан.

-Бизнинг ҳам асосий мақсадимиз фермер ва ширкат хўжаликларини моддий қўллаб-қувватлаш, - дейди "Пахта Банк"нинг Касби туманидаги Муғлон бўлими бошқарувчиси Исмоил Юнусов. – Мижозларимизнинг асосий қисмини қишлоқ хўжалик соҳасига алоқадор ташкилот, корхона ва хўжаликлар ташкил этади. Жумладан, 7 та қишлоқ хўжалик корхонаси, 142 деҳқон ва фермер хўжаликлари .

Ўтган йили туман деҳқоналари пахта хом ашёси етиштиришдан 14130 миллион сўм даромад қилишди. Олинган соф даромад 4208 миллион сўмни ташкил этди. Ғаллачиликда эса 447 миллион сўм соф фойда олинди.

Ушбу жараёндаги молиявий операцияларнинг асосий қисми бўлимимиз орқали амалга оширилди. Траншларни жойлаштиришми, теримчиларга пул беришми, умуман деҳқонларнинг молиявий жараён билан боғлиқ ҳар бир ишига кўмакдош бўлаяпмиз.

5 та қишлоқ хўжалиги корхонасида мини банклар ташкил этилган. Жумладан, "Қашқадарё" ширкат хўжалигида "Денов", Беруний номли фермерлар уюшмасида "Беруний", "Наврўз" фермерлар уюшмаси қошида "Наврўз" ва тумандаги "Ғалаба" фермерлар уюшмаси қошида "Ғалаба" мини банки очилиб, мижозларга хизмат кўрсатилаяпти. Чунки биз мижоз банкка эмас, банк мижоза борсин қабилида иш тутиб ҳамкорларимизни кўпайтиришга ҳаракат қилаётирмиз. 2003 йили жами 258549 минг, шу жумладан, кредит ресурсларидан 128284 минг сўм, мижозларга банк хизмати кўрсатишдан 130266 минг сўм ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига факторинг хизмати кўрсатишдан 9079 минг сўм даромад олинди. Мижозларга сотилган жами акциялар суммаси 86700 минг сўмни ташкил этмоқда.

Фуқаролар қўлидаги бўш пулларни омонатга жалб этишга алоҳида эътибор бераётирмиз. Чунки бу пуллар туманимиз иқтисодий салоҳиятини кўтаришга, кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашда кўл келаётир. Жами 133183 минг сўм маблағ омонатга жалб қилинган.

2003 йили жами 767169 минг сўм кредит маблағлар берилган. Хусусан, кичик ва ўрта бизнес субъектларига чорва моллари сотиб олиш учун 55617 минг, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликларига 31 дона Т-4 русумли ва МТЗ - 80 русумли янги техникалар ва эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун 433668 минг сўм қисқа ва ўрта муддатли кредит ажратилган.

Маълумки, юқори малакали кадрлар банк муассасаларининг равнақ топиши учун муҳим омил ҳисобланади. Замонавий техникалардан фойдаланиш ходимлардан етарли билим, тажриба ва малака талаб этади.

Кўпгина хўжалик ва ташкилотларда модем алоқаси ўрнатилган. Мижоз ўз жойида туриб банкимизга тўлов топшириқларини ташлайди. Банк ходимлари шу ҳужжатга мувофиқ ўша хўжалик ёки ташкилотга керакли маблағни ўтказади. Бу билан қанчадан-қанча вақт тежалади, икки ўртада борди-келдига чек қўйилади. Энг муҳими тўрт-беш киши бажарадиган юмушни

бир одам бемалол уддалайди. Биз бугунги кунда Ҳусниддин Обидов, Холхўжа Аҳмедов, Абдулла Тоғаев, Санобар Аҳмедова сингари банк ходимларининг номларини ҳурмат билан тилга оламиз. Улар ўз касбларини мукаммал ўзлаштирганликлари, яхши муомала қилишлари билан мижозлар ҳурматини қозонишаяпти.

Ҳа, Қарши туманидаги "Бешкент" ширкат хўжалиги деҳқонлари ростдан ҳам беш баҳога лойиқ ютуқларни қўлга киритишаяпти.

"БЕШКЕНТ"НИНГ БАҲОСИ БЕШ

-Бултур ҳар гектар майдондан 35 центнердан ошириб пахта йиғиштириб олинди, - дейди мазкур хўжалик бошқаруви раиси Қовмиддин Расулов. – Даромад бир миллиард сўмга яқинлашди. Соф фойда 255 миллион сўмга етди. Жаббор Шомуродов раҳбар бўлган пахтакорлар ҳосилдорликни 48 центнерга етказишди. Агар биз бу ҳосилни пулга чақадиган бўлсак, унинг қиймати нақд 11 миллион 446 минг сўмни ташкил этади. Олинган соф фойда 2 миллион 110 минг сўм бўлди. Шунга яраша саккиз кишидан иборат ижарачиларнинг ўртача ойлик маошлари 40 минг сўмдан ошди.

Маҳмуд Қурбонов раҳбарлик қилаётган ижарачиларнинг меҳнат ютуқлари ҳам кишини қувонтиради. Улар 40 гектар майдонга чигит экиб, унинг ҳар гектаридан 48 центнердан ҳосил олишга эришишди. Хирмонга 172 тонна "оқ олтин" етказиб берилди. Кўрилган соф фойда эса 9 миллион сўмдан ошди. Исом Кўчқоров раҳбар бўлган ижарачилар ҳам йилни ёруғ юз билан якунлаб, пахтадан мўл ҳосил олишга эришишди.

-Бу йилги режалар қандай? - сўраймиз.

-900 гектар майдонда пахта етиштирилади. Камида 3200 тонна "оқ олтин" хирмони кўтаришни мўлжаллаб турибмиз. Илғор пахтакорларимиз чигит экишни бошлаб юборишди. Плёнка остида экилган чигит кўкара бошлади. 700 гектар ерга ғалла экканмиз. Бу йил гектаридан 60 центнердан ҳосил олиш мўлжалланган. Ғалла майсалари озиқлантирилиб, икки марта суғорилди. Бизда асосан уруғлик ғалла етиштирилади. Бу йил давлатга 950 тонна уруғлик ғалла етказиб берамиз. Даромад ҳам шунга яраша бўлади-да. Яъни 129 миллион сўмдан ошади.

-Элимизда ёнида нори борларнинг юки ерда қолмайди, деган нақл бор, - дейди туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Сайфулла Хайруллаев. – Туманимизда тажрибали деҳқонларни ҳамма хўжаликларда учратасиз. Собир Раҳимов, Юсуф Хушвақтов, Яхши Омонов номли, "Истиқбол" каби хўжаликларнинг деҳқонлари қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштириб, туманимизнинг гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшиб келишаяпти. Ўтган йилги натижалардан кўнглимиз тўлди. Давлатга 46 минг тоннадан ошириб пахта сотдик, ғалла хирмонимиз ҳам биз кутгандек залворли бўлди. Йил якунига кўра олинган даромад 20 миллиард сўмдан ошди. 5 миллиард 26 миллион сўм соф фойда кўрилиб, рентабеллик даражаси 33 фоиздан ортди.

Ютуқларимиз жорий йилда ҳам давом этади. Насиб қилса, ғалла хирмонимиз ҳар қачонгидан ҳам мўл бўлади. Чунки бугдой майсалари кутганимиздек яхши ривожланаяпти. Пахтачиликдан ҳам умидимиз катта. Ҳадемай чигит экишга якун ясалади. Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни туман аҳли, меҳнаткашлари номидан Наврўз айёми билан самимий муборакбод этаман.

КОНЧИЛАРГА КАМАРБАСТАМИЗ

Муборак - саҳро бағридаги шаҳар. Лекин эрта кўкламда бу ерга ташриф буюрган киши шаҳар атрофидаги дашт ерларнинг яшил либосга бурканганини кўриб, бу ерлар чўл худуди эканлигини хаёлига ҳам келтирмайди. Бу йил Наврўз арафасида Муборакда ҳам бойчечак униб чиқди. Уни кўриб одамларнинг кўзи қувнади. Янги йил келаётганлигини билишиб, кўнгилларида ажиб бир орзу-ниятлар уйғонди.

Муборакликлардан мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларининг аҳолиси миннатдор. Чунки қишнинг изғиринли кунларида айни шу ерда ишловчи газчиларнинг меҳнатлари боис уйларида тафтли ҳарорат, печкаларида олов бўлди.

Лекин ўша Муборакда ишлашнинг ўзи бўлмайди. Бу ерда ёзнинг оташ иссиғига, қишнинг қаҳрли совуғига чидаган мардлар, ўз касбининг фидойилари ишлайди.

-Биз хизмат қилаётган энг катта ташкилотлар айнан Муборакда жойлашган, - дейди "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компаниясига қарашли Қашқадарё вилоятидаги ишчилар таъминоти идораси раҳбари Даврон Жўраев.

- Муборак нефт ва газ конлари бошқармасида ва шу ердаги бошқа ташкилотларда минглаб одамлар ишлашади. Улар меҳнатларига яраша яхши яшашлари, ҳамма нарсаси беками кўст бўлиши керак.

Биз уларга намунали савдо хизмати кўрсатишимиз, зарур озиқ-овқатлар билан таъминлашимиз керак. Яъни сувдан тортиб нонгача, ундан тортиб гўшту ёғгача, сабзиёпиёзгача... Бу каби маҳсулотлар белгиланган жойга ва ўз харидорларига вақтида етказиб берилмаса, унда сифати бузилади. Биз шу нарсани ҳисобга олиб, Муборакда нон цехларини қурганмиз. Бу цехда йилига 600 тоннадан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилади. Шунингдек, бу ердаги макарон ишлаб чиқариш цехида ҳар йили 20 тоннага яқин сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Яқин келажакда макарон ишлаб

ХИЗМАТ

чиқаришни яна кўпайтиришни мўлжаллаганмиз. Чунки аҳолининг бу маҳсулотга бўлган талаби кун сайин ошиб бормоқда. Муҳими шундаки, цехимизда тайёрланаётган макароннинг нархи бозор баҳосидан анча арзон бўлиши билан бирга сифати бошқа жойлардан келтириладиган шундай маҳсулотлардан асло қолишмайди.

Қашқадарё вилояти ҳудуди кенглигини яхши биласиз. Муборак тумани Бухоро вилоятига туташиб кетади. Китоб тумани Самарқанд вилояти билан боғланади. Деҳқонобод тумани эса Сурхондарё вилояти билан чегарадош. Жамоамиз аъзолари эса барча туманларда фаолият кўрсатишади. Бундан ташқари, "Шўртан", "Химкомплекс", "Қашқадарёгазсаноат", "Кашқадарё" пармалаш ишлари, "Муборакнефтгазмонтаж" ҳиссадорлик жамиятлари сингари ўнлаб йирик ишлаб чиқариш масканларида ишловчиларга ҳам биз хизмат кўрсатамиз.

Ишчилар таъминотига қарашли ёрдамчи хўжалигимиз ишлаяпти. Бу ерда кўплаб чорва моллари боқилмоқда. Зарур бўлганда гўшт излаб юрмаймиз. Жамоа аъзоларимизнинг тўй-маъракалари бўлса, уларга арзон нархда гўшт берамиз.

Хайрли ишлар амалга оширилган жойда ҳамиша барака бўлади. Биз бу масалага алоҳида эътибор бераямиз. Моддий шароити ночор ва кам таъминланган оилаларга ҳамиша ёрдам кўрсатилмоқда. Ўтган йили шундай оилаларга кўрсатилган моддий ёрдам бир миллион сўмдан ошиб тушди. Наврўз, Мустақиллик байрамларида жамоамиз аъзолари моддий рағбатлантирилади. Бултур жамоа аъзоларига 3 миллион сўмдан кўпроқ дивидент тўланди.

Китоб туманининг тоғ ён бағрида ташкил этилган дам олиш маскани бор. Ишчи-хизматчиларнинг фарзандларига мўлжалланган оромгоҳда кичкинтойларнинг яйраб-яшнашлари учун ҳамма шароит яратиб берилган. Кичкинтойлар бепул дам олиб даволанишади.

Бу йил дилга тугилган орзу-ниятларимиз бир талай. Олинадиган фойда ҳисобига ишлаб чиқаришни ривожлантиришга аҳд қилганмиз. "Меҳр ва мурувват йили" муносабати билан жамоамиз аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш яна кучайтирилмоқда. Дебитор ва кредитор қарзларни кескин камайтирамиз, озиқ-овқат маҳсулотлари мўл-кўллигига эришамиз.

Эндиликда биз қандай маҳсулот сотиб олиш масаласини ўзимиз ҳал қиламиз. Картошка учун узоқ мамлакатларга бориб юрмаймиз. Вилоятимиз туманларида етиштирилган картошкани харид қиламиз.

Бултурги умумий даромадимиз бир миллиард атрофида бўлиб, олинган соф фойда 100 миллион сўмни ташкил этди. Бу йил янада кўпаяди, деган умиддамиз.

Мана ўлкамизга баҳор сепини ёйди. Наврўзнинг юртимизга қут-барака олиб келишини тилаймиз. Агар йил яхши келса, биз таъминотчилар ҳам мижозларимизни кўпроқ ва яхшироқ маҳсулотлар билан таъминлаймиз.

Суҳбатдош:
Бозор ЭРҚОРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти"
мухбири.

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ

ВОРИСЛИККА САДОҚАТ

-Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш таълим тизимида ислоҳотлар ўтказишни тақозо этаяпти. Унинг иккинчи - сифат босқичида филиалда амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар нималардан иборат?

-Сифат босқичи олдимизга қўяётган асосий шарт - талаба чуқур билим қўникмасига эга бўлиши, замонавий ахборот технологиялари билан бемалол тиллаша олишидан иборат. Бу жараён ўз-ўзидан бўлиб қолмайди. Бунинг учун вақт ва маблағ зарур. Чунки талабанинг чуқур билимга эга бўлиши учун замонавий ўқув қуроллари, компьютер, Интернет билан таъминланган ўқув даргоҳлари бўлиши шарт. Юқорида айтилган талаблар республикамизда мавжуд. Аксарият олийгоҳларда татбиқ этилган. Бизнинг 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти Урганч филиали ҳам бундан мустасно эмас. Филиал талабаларининг билимларини мустаҳкамлаш, келажакда ўз касбининг етук мутахассиси бўлиши учун барча имкониятлар мавжуд. Филиалда айни кунда 1047 нафар талаба икки йўналишда – даволаш ва педиатрия шифокорлари бўйича таълим олишмоқда. Уларга 150 нафардан ортиқ профессор, ўқитувчилар тиббиёт сирларидан дарс беришяпти. Профессор, ўқитувчиларимизнинг билим қўникмаларини ошириш ва тажриба алмашишлари учун МДҲ давлатларига ҳамда республикамиздаги тиббиёт олий ўқув юртларига амалиётга юборяяпмиз. Ҳозирга қадар 90 фоиз профессор, ўқитувчиларимиз 1-Тошкент Давлат тиббиёт институтида малака ошириб қайтган бўлсалар, 7 нафар ўқитувчимиз Эстонияда, 2 нафари Бишкекдаги шифокорлар тайёрлаш марказларида ўз билимларини мустаҳкамлаб қайтдилар. Шу билан бирга филиал Россиянинг Санкт-Петербург ва Украинанинг Тернополь тиббиёт академиялари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Мазкур академияларда ташкил этиладиган барча симпозиум ва ўқув-семинарларида талабаларимиз доимо ўз чиқишлари билан қатнашиб келишаётир. Бундан ташқари талабаларнинг билим олишлари ва саволларига жавоб топишлари учун 30 минг китоб фондига эга бўлган кутубхона улар ихтиёрида. Бу хазинада кўп асрлар давомида яратилган, тиббиёт сирларидан воқиф этувчи бебаҳо меросимиз мавжуд. Талабаларимиз барча имкониятлардан унумли фойдаланса лар, ўз соҳасининг билимдони бўлиб етишадилар. Бу билан Ибн Сино сингари улуғ аждодларнинг муносиб ворислари эканликларини намоён этадилар.

Суҳбатдош:
Ҳожбир ХЎЖАҚУЛОВ

Бахтиёр Дўсчонов 1950 йили Урганчда туғилган. Тошкент Тиббиёт институтида таҳсил олган. Кўп йиллар мобайнида Урганч шаҳар, Хоразм вилояти давлат санитария-эпидемиология назорат марказида бош врач лавозимларида ишлаган. 1998 йилдан бери 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти Урганч филиали директори. Тиббиёт ўқув юртлари талабалари учун иккита китоби, 50 дан ортиқ илмий-услубий ўқув қўлланмалари ҳамда 150 дан ортиқ илмий мақолалари чоп этилган. 30 дан ортиқ халқаро симпозиум ва конференциялар қатнашчиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор. 8 нафар фан номзоди ҳамда 6 нафар тиббиёт фанлари докторларига илмий раҳбарлик қилган.

-Бахтиёр Аллаберганович, бир қатор ташкилотларни бошқарганингиздан хабардормиз. Айтинг-чи, сизнингча кўпни кўрган, тажрибали мутахассислар билан ишлаш маъқулми ёки орзу-ҳавасларининг чек-чегараси бўлмаган талабалар бағрида бўлиш яхшими?

-Назаримда, ёшлар билан ишлаш осондек. Боиси ёшлар даврасида юриб, улар билан ҳар куни кўришиб, фикрларини эшитиб, беихтиёр ёшлигим ёдга тушади. Табиийки, икки давр ёшларини хаёлан таққослайман. Замонамиз ёшларига яратилган шароитлардан завқ оламан. Очиғини айтиш керак, бугун ҳукуматимиз томонидан таълим тизимига берилаётган эътиборни ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайди. Тизимдаги ислоҳотларнинг барчаси мана шу талабаларнинг, ёшларнинг келажаги учун. Юқорида зикр этилган мана шу омиллар, фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, талабалар билан ишлаш менга кўпроқ маъқул, деган хулосага келаман.

-Сиз бошчилик қилаётган филиал асосан Хоразм вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикасига тиббиёт ходимларини етказиб беради. Оролбўйи ҳудуди ҳисобланган мазкур минтақада бошқа соҳалар билан бир қаторда соғлиқни сақлаш тизими ходимлари зиммасига ғоят катта масъулият юклатилган.

-Дарҳақиқат, шундай. 1998 йил 10 ноябрда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида"ги Фармони қабул қилинганди. Ўтган давр мобайнида Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларида жуда катта ҳажмдаги ишлар бажарилганининг гувоҳи бўлаяпмиз. Хоразм вилоятини олайлик: соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва тиббиёт муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлашга жуда катта эътибор қаратилмоқда.

Тиббиёт муассасаларини малакали ходимлар билан таъминлаш бизнинг зиммамизда. Республика "Тез тиббий ёрдам" марказининг вилоят ва туман бўлимлари ҳамда 126 та қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилган бўлиб, бу муассасаларда фаолият олиб бораётган шифокорларнинг аксарияти ўқув даргоҳимизда таҳсил олишган. Шу билан бирга филиалда Жаҳон банки ҳомийлигида "Саломатлик" лойиҳаси бўйича ўқув-амалиёт марказини ташкил қилдик. Бу ерда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти туманларидаги қишлоқ врачлик пунктларининг тиббиёт ходимлари ўн ой мобайнида амалиёт ўтаб, сертификат олишади.

Республикамиз соғлиқни сақлаш тизимининг асосий йўналишларидан бири бу қишлоқ врачлик пунктларининг иш жараёнини ривожлантириш ва аҳолига кафолатланган сифатли биринчи тиббий-санитария хизматини ташкил этишдан иборатдир.

МИЖОЗ БАНКНИ ТАНЛАЙДИ

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида амалга оширилаётган ишларда банкларнинг ўзига хос ўрни бор. Президентимизнинг мазкур йўналишдаги бир қатор Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг кейинги йилларда қабул қилган қарорларида банк соҳаси ходимлари зиммасига тизимни ислоҳ қилиш, фаолиятни жаҳон андозаларига мос тарзда ривожлантириш, мамлакат иқтисодиётини ҳамда одамларимиз турмуш тарзини яхшилашга муносиб улуш қўшиш вазифалари юклатилган. "Турон" Акциядорлик Тижорат Банки Бектемир филиали ҳам юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда иш юритишга ҳаракат қилмоқда.

"Турон" акциядорлик тижорат банки Бектемир филиали фаолиятини 2002 йилнинг апрел ойида бошлаган эди. Орадан ҳали кўп вақт ўтмаган бўлса-да, банк ва мижоз ўртасидаги муносабатлар анчайин ривожланган. Чунки, банк ходимлари томонидан ҳар бир мижознинг имкониятлари батафсил ўрганиб чиқилади, шунга кўра керакли тарзда ижобий ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилинади. Бугунги кунда банк 16 та давлат ташкилотларига, 115 та кичик ва ўрта бизнес субъектларига хизмат кўрсатиб келмоқда.

АТБ "Турон" Бектемир филиалида кредит қўйилмалари 613,1 миллион сўмни ташкил қилади. Шундан 194,3 миллион сўми факторинг амалиётлари, 119,2 миллион сўми қисқа муддатли кредитлар ва 299,6 миллион сўмлик ўрта муддатли кредитлар кичик ва ўрта бизнес субъектларига берилган. Жумладан, бизнес фонд маблағи эвазидан 3,2 миллион сўм, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш жамғармаси ҳисобидан 243 миллион сўм, банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 162,9 миллион сўм, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси томонидан 9,7 миллион сўм маблағ ажратилган. Тизимда фаолият юритаётган ҳар бир ходим мижоз талаб ва истагидан келиб чиққан ҳолда хизмат кўрсатади.

–Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширилаётгани ҳамда тадбиркорлар, ишбилармонларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши туфайли мустақил фаолият кўрсатувчи жамоалар сони кун сайин ортиб бормоқда,- дейди АТБ "Турон" Бектемир филиали бошқарувчи ўринбосари Одилжон Искандаров.–Бу қувонарли ҳол, албатта. Биз бундан кейин ҳам кичик ва ўрта бизнес субъектларига кредитлар бериб, уларга кўмаклашишда давом этамиз. Чунки қилаётган ҳар бир ишимиз замирида юртимиз равнақи, одамларимизнинг фаровон ҳаёт кечиришлари туради. Банкимизда фаолият юритаётган 26 нафар ходимнинг ҳар бири масаланинг мана шу жиҳатига эътибор қаратиб, иш олиб боради.

Ўтган 2003 йилда банкимиз томонидан ишлаб чиқариш, чорвачилик, деҳқончилик, паррандачилик, маиший хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларни ривожлантириш учун жами 400 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Масалан, Бўка туманидаги "ФФШ" хусусий фирмасига банк томонидан 24 миллион сўмлик кредит маблағи ажратиб берилди. Эндиликда мазкур фирма олган кредити ҳисобидан аҳолига маиший хизмат кўрсатиш уйи барпо этади.

Ёки Оққўрғон туманидаги "Тотем" масъулияти чекланган жамиятига 45 миллион сўмлик ўрта муддатли кредит ажратилди. Бу маблағ ҳисобидан жамиятдагилар босмахона ускуналари сотиб олишни режалаштиришган. Пахтакор туманидаги "Абдуҳожи бобо" фермер хўжалиги ҳам бизнинг мижозларимиздан.

Банклар - иқтисодиётимизнинг қонтомири ҳисобланади. Йилдан-йилга уларнинг сони ортиб бормоқда. Натижада банклар ўртасида рақобат ҳам шаклланиб бораяпти. Чунки мижоз банк хизматидан фойдаланишда аввало унинг яратиб бераётган имтиёзларига, қулайликларига ва бошқа жиҳатларига эътибор қаратади. Айни пайтда юртимизда фаолият кўрсатаётган банклар ўзларига кўпроқ мижоз жалб қилиш мақсадида ҳам энг аввало масаланинг мана жиҳатига эътибор қаратишади. АТБ "Турон" Бектемир филиали ҳам ўзининг фаолияти давомида ана шуларга асосланиб мижозлари учун имкон қадар қулайликлар яратишга интилмоқда. Мақсад эса юртимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ривожига муносиб хисса қўшиш, одамларимизнинг фаровон ҳаёт кечиришларига кўмаклашишдан иборат. Банк ходимлари келгусидаги иш фаолиятларида ҳам юқоридаги барча талаблардан келиб чиққан ҳолда иш юритишни режалаштиришган.

-Фурсатдан фойдаланиб, юртдошларимизни янгиланиш ва яшариш айёми – Наврўзи олам билан банкимиз ходимлари номидан самимий муборакбод этамиз. Ҳар биримизнинг хонадонингиздан барака, тўкинсочинлик ҳеч қачон аримасин, - дейди сўзининг якунида О.Искандаров.

Шавкат ОРТИҚОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.
Б.АКРАМОВ олган суратлар.

ЖАРАЁН

АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ "ТАДБИРКОРБАНК", УНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ВИЛОЯТЛАРДАГИ БЎЛИНМАЛАРИ ЖАМОАЛАРИ

BANK

Мамлакатимиз аҳлини, мустақил юртимиз меҳмонлари, акциядорлар-у мижозларини яшариш, янгиланиш, кўнгилларга сурур бахш этувчи баҳор байрами билан муборакбод этади.

Қадимий ва улуғ айём – Наврўзи олам кайфияти хонадонимизни асло тарк этмасин.

Наврўзингиз муборак бўлсин!

Акциядорлик-тижорат "Тадбиркорбанк" Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларига, жисмоний ва юридик шахсларига кўрсатиладиган банк хизматларининг қуйидаги турларини таклиф этади:

- Western Union халқаро тизимида пул ўтказмалари бўйича операцияларни амалга ошириш;
- ҳисобварақалар юритиш;
- ҳисобварақ эгаси номига чет элдан хорижий валюта ўтказиш;
- ҳисобварақ эгаси фармойишига кўра:

а) чет элга ўтказмалар; б) накд хорижий валютада операцияларни амалга ошириш;

- накд хорижий валютани сотиш ва сотиб олиш;
- хорижий валютани Ўзбекистон Республикасидан чет элга олиб кетиш учун рухсатнома ҳужжатлар билан бериш;
- конверсия операциялари;
- экспорт-импорт шартномаларини рўйхатга олиш;
- инвестиция лойиҳаларини хорижий валютада кредитлаш.

Акциядорлик-тижорат "Тадбиркорбанк" банк сирларини сақлашга қатъий риоя этилишига кафолат беради.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С.Азимов, 52-уй.
Мулоқот учун телефонлар: 136-00-24, 133-18-75

БОЛАЛАР СПОРТИ

“ПОЛВОНЛАРИМИЗ ОВОЗАСИ ДУНЁГА ТАРАЛСИН!”

дейди избосканлик болалар спорти фидойиси Мирзаали Мамажонов

Оққан дарё оқаверар экан. Избоскандан етишиб чиққан полвонларнинг овозаси қадим-қадимдан маълум. Водийда ўтадиган сайилларда, тўйларда избосканлик полвонлар ўртага чиққанда ҳамиша ҳам талабгор бўлавермаган. Ана шундай полвонлардан бири Иброҳим бува эди. Қариялар давраларда ҳозир ҳам унинг шакл-шамойили, курашдаги чапдастлиги ва, энг муҳими, ўта тантилиги ҳақида кўп гапиришади. Бу машҳур полвоннинг фарзанди Турдиали ота Мамажонов ҳам курашга ўч эди.

-Падари бузрукворимиз хизматчилик тақозоси билан авлоддан-авлодга ўтиб келаётган полвонлик анъанасини давом эттиришга имкон тополмаган, - дейди Мирзаали афсус билан. - Куч-қувватга тўлган даврини мафкура қуршовида ўтказган бўлишларига қарамай, жуда оз бўладиган бўш вақтини биз фарзандларига бағишлар, полвонлик анъаналарига содиқ бўлишимизни қулоғимизга қуярди. Беш нафар ака-укани курашга солиб, армондан чиқарди.

Избосканликлар Турдиали Мамажоновни ҳаётлик чоғида қанчалар эъзозлаган бўлсалар, ҳозир ҳам ифтихор билан тилдан тушмайдилар. Одамийлик ва самимийлик ҳамиша юз-кўзида ярқираб турган Турдиали аканинг ниятлари истиқлол шарофати билан фарзандлари камоли ила юзага чиқа бошлади. Беш ўғилнинг барчаси курашнинг юнон-рум, самбо, белбоғли кураш турлари билан шуғулланишади. Улардан Мирзаали, Мақсудали ва Адҳамжонлар спорт устаси даражасига етишган.

Турдиали ака фарзандларининг орзу ва мақсадларига доимо хайрихоҳ бўлиб, ниятларини қўллаб-қувватлаган. Жумладан, Мирзаали ҳарбий бўлишни орзу қилди. Ана шу ният билан Новосибирск олий ҳарбий билим юрти курсанти бўлди. Бўйдор ва қаддиқомати келишган курсант ўқиш чоғида юнон-рум кураши секциясида қатнашди. Мазкур секцияда эндиликда миллионлаб мухлислар “рус айиғи” дея олқишлаётган Александр Карелин ҳам бор эди. Ўқиш давридаги спортга чанқоқлик боис машқлар ва яна машқлар билан Мирзаали ҳам округ миқёсидаги беллашувларга етиб борди. Бир сафар чемпионлик белбоғини тақиб, спорт устаси талабини ҳам бажарди. Ўқишдан сўнгги ҳарбий хизмат турли шаҳарларда кечиб, Мирзаалининг кураш оламидаги

машҳурлик сари интилишига ҳалақит берди.

Акасидаги шижоат, вақтдан унумли фойдаланиш хислатлари укаларига ҳам юқди. Бир сўз билан айтганда, оилавий полвонлар сулоласи яна юзага чиқа бошлади. Беш акауканинг ҳозир ҳам фарзандлари билан курашга бирдек муносабатда бўлаётганликларини кўрган ва билган юртдошлари фахрланишади. “От ўрнини той босади”, деган гап нақадар ҳақиқат эканлигига тан беришади. Аввалари юртдошларимиз асосан курашнинг фарғонача усулларини билишарди. Энди эса манзара тамомила ўзгача. Фарзандларимиз спортнинг ўнлаб турлари билан шуғулланишяпти. Энг муҳими, болаларда тиришқоқлик, мардлик, жасорат бор.

Юртбошимиз эл-улусга болалар спорти ва унинг ривожи ҳақида сўз очганликлари миллионлаб юртдошларимиз каби Мирзаалининг ҳам юрагига чўғ солди. Айниқса, қишлоқ жойларда замонавий спортни тарғиб этиш ва биринчи галда унинг моддий базасини яратиш ҳақидаги жиҳатлар чўғни алангага айлантириб юборди. Ана шу ҳис-ҳаяжон билан Мирзаали Мамажонов Избоскан тумани ҳокими Илҳомжон Собировга ўз муддаоларини баён этди.

-Биз таклифингизни бажонидил қўллаб-қувватлаймиз, аввало йни, сўнгра эса лойиҳанинг ҳисоб-китобини чиқарсак, - деди ҳоким. Мирзаали дунё кўрган бўлиб, республика кураш федерациясининг фаоли сифатида жуда кўплаб мамлакатларга борган, хориждаги мусобақаларда ўнлаб спорт саройларини кўрган. Ҳанузгача талабаликда дўст тутинган Александр Карелин билан борди-келди қилади. Мирзаали бу ҳақда дўсти билан ҳам фикрлашди. Ўзи кўрган спорт саройларини яна бир карра кўз ўнгига келтирди. Ана шундан сўнг меъморлар билан маслаҳатга киришиб кетди. Қурилажак универсал кураш саройи чизмалари тайёр бўлди. Бу қадар интилишни кўрган туман раҳбарияти Чўмбоғиш қишлоғидан қурилиш учун жой ажратиб берди.

Бугун саройнинг асосий қисми қад ростлади. Шарқ ва Ғарб меъморчилигини замонавий талқинда мужассам этган кураш саройида пардозлаш ишлари бошлаб юборилди. Оддий қишлоқ йигити ташаббуси ва барча оила аъзолари ҳамжиҳатлигида бунёд этилаётган кураш саройи жаҳон андозаларига жавоб беради. Бу ерда болалар курашнинг олти тури билан бирдек шуғулланиш олишади. Мухлислар учун тайёрланаётган

ўриндиқлар ҳақида ҳам ана шундай фикрни билдирсак бўлади. Асосий мусобақалар майдонидан ташқари машқ ўтказиш учун яна алоҳида заллар мавжуд. Ювиниш, тараниш, овқатланиш учун барча қулайликлар бор. Сарой ёнида 150 ўринли меҳмонхона мажмуи ҳам барпо этилмоқда.

Яқинда қурилиш бораётган жойда бўлдик. Мирзаалининг ака-укалари қурувчилар билан ёнма-ён меҳнат қилишаяпти. Сарой қурилаётган жойнинг рўпарасида эса анчагина техника ишлатиляпти. Чунки қурилиш бораётган чоғда Мирзаали яна бир ишга қўл урибди. Ёзги спорт мажмуи қурилиши бошлаб юборилибди. Бу ерда мини футбол майдони бўлади. Шу жой бир вақтнинг ўзида волейбол, баскетбол, гандбол билан шуғулланишга имконият беради. Теннис кортини айтмайсизми? Катта савоб ишга қўл урган Мирзаали билан суҳбатлашганимизда бу улкан қурилишга сарфланаётган маблағ ҳақида сўз бормади. Зеро савобли ишга кетадиган харажат ҳақида гапирмасликнинг ўзи ҳам дил покизалиги белгисидир.

- Спортнинг барча турлари бир-биридан жозибали, - дейди Мирзаали кўтаринки кайфият билан. - Кураш – гапнинг рости - илиги бутун йигитлар жанги. У билан шуғулланаётган спортчи тинимсиз машқ ва мусобақалар жараёнида пишади, чиниқади ва орзу-мақсадига эришади. Қарийб чорак асрдан буён қадрдон бўлган Александр Карелин билан бу ҳақда тортишганимиз-тортишган. Тўққиз бор дунё, ўн икки марта Европа, уч карра олимпиада чемпиони бўлган дўстимнинг биз ўзбекларга бўлган муҳаббати, эътибори шу қадар кучлики, у ҳамиша “Сизлардан ҳали кўп машҳур полвонлар етишиб чиқади”, дейди. Ана шу руҳланиш, қолаверса, ота-боболаримизнинг курашга бўлган меҳр-муҳаббати боис болалар спортига бўлган эътиборим кучайди. Айниқса, Президентимизнинг фарзандларимизга меҳрибонлиги кучимга-куч, ғайратимга-ғайрат қўшди.

Мирзаали билан мулоқотга киришсангиз, сўзнинг боши ҳам, охири ҳам спорт ва яна спорт билан боғлиқ бўлади. Ака-укаларнинг ҳанузгача бир-бирлари билан курашга тушишлари, фарзандларнинг ҳам оталар изидан бораётганликлари, Турдиали отанинг катта набираси Ҳасанбойнинг ўқувчилар ўртасида республика чемпиони бўлганлиги албатта сизнинг ҳам ҳавасингизни келтиради.

Бу йил кузда Афинада олимпиада ўйинлари бўлиб ўтади.

Унинг ниҳояси Чўмбоғиш қишлоғидаги болалар спорт байрамига уланиб кетади. Тайёргарликдан сезишимизча, акаука тадбиркорлар томонидан бунёд этилаётган универсал кураш саройи очилиши машҳур спортчилар иштирокида ўтказилади. Бу маросим миллатимиз фахрига айланажак фарзандларимизнинг спорт оламига дадил кириб боришларига оқ фотиҳа бўлади.

А.ҚОБИЛОВ.

* * *

Х.АРАББОЕВ олган суратлар.

ҲАЗИЛКАШ БОБО

Қўшни қишлоққа тўйга боргандим. Тўрда Холмурод бобо савлат тўкиб ўтирибди. Даврада турли ёшдаги кишилар. Ёнимга Хидир бобо келиб чўкди. Дастурхонга шўрва тортилди. Шу пайт кимдир “Кўй гўштига бўлганми?” деб қолса бўладими? Гапни Холмурод бобо илиб кетди.

-Эй, эй, чатоқ иш бўпти-ю. Ахир Хидир кўй гўшти емайди-ку?! Ёшлар билишмайди-да. Битта ярим қарилар учун бир парча мол гўштидан пиширб қўймайдими-а. Элчилик...

-Айтганча, менга кўй гўшти бўлмайди, - дея Хидир бобо олдидаги ёғли шўрвани нарига суриб қўйди ва дастурхондаги қанд-курслардан ошаган бўлди. Бирпас ўтиб дастурхонга ош тортилди. Гўштлари майдаланиб энди “олинголинг” бўлаётганда Холмурод бобо гап ташлаб қолди.

-Мамарайим тўй қилиб Хидир “қуруқ оғиз” кетсин дебдими, дейман. Палов халиммиди Хидир еса. Бундай ўйламайдими, кексалардан маслаҳат сўрамайдими...

-Ҳа, менга палов қаттиқлик қилади. Ошқозон чатоқроқ. Энди хафа бўлмайсизлар.

Хидир бобо ҳижолат чеккан бўлди. Ўтирганлар қатори мен ҳам ҳайрон қолдим. Бир маҳаллада яшаб Хидир бобонинг пархез сақлашини билмасканман.

-Хидир бобо нозиклашиб қолибдими, дейман бобо? -сўрадим тўйдан қайтгач.

Холмурод бобо қотиб-қотиб кулди.

Нозиклашганмиш. Жин ҳам урмаган уни. Гўшт ҳам ейди, ош ҳам ейди. Пиширб берсанг тошни ҳам еб юборади. Лекин эски “касали” ҳеч тузалмади-тузалмади-да. Агар еб турган овқатини “Э, сенга бўлмайди-ку?!” дегин, ўша овқат жойида қолади. Одати шунақа. Шунинг учун ҳар-ҳар замон шунақа ҳазил қилиб тураман.

Саид РАҲМОНОВ

ОРАДАГИ СИР

Шаҳарлик дугонамникига бордим. Дарвоза остонасидан ҳатладим-у, қайнона-келиннинг бир-бирларига қаттиқ-қаттиқ гапираётганликларининг гувоҳи бўлдим. “Ичкарига кирайми ёки йўқми? Узоқдан атайлаб кўргани келдим-ку”, шу хаёлда дугонамни чақирдим. Бақиришлар бирдан сув сепгандай тинчиб қолди.

-Вой дугонажон келинг! – қучоқ очиб кутиб олди дугонам. Келини ҳам дарров жилмайиб келиб мен билан сўрашди.

Зимдан кузата бошладим. Фотиҳадан сўнг келини дарҳол дастурхон ёзди. У хафагарчилигини яширишга ҳаракат қиларди. Қайнона-келиннинг санъаткорона хатти-ҳаракатларидан ҳайратда эдим. Барибир сабрим чидамади.

-Сизларнинг қаттиқ гапларингни эшитдим. Нега келинингга зарда қилаётувдинг? – оҳиста сўрадим дугонамдан келини чиқиб кетгач.

-Вой ўртоқжон, кўрмайсанми набираларим яслига чиқмайман, деб харҳаша қилишади.

-Яшириб нима қиласан, ҳозир набираларинг йўқ-ку!.. Неча йиллардан буён сирдош дугонамиз. Наҳотки, мендан яширсанг!

-Ўртоқжон! – деди ниҳоят Малоҳат, - қайнона қайнамаса, келин айнимайди, дейишади. Жаҳлим чиқиб турганида келиб қолдинг-да... Келинининг ёмонини яшириб, яхшисини ошириш қайнонанинг қўлида, баъзан шундай қайнона-келин орасида “сирлар” бўладики, хатто уни ўз ўғлингга ҳам билдиролмайсан. Айтсанг, турмушларига дарз кетиб қолиши мумкин.

-Менга ҳам айтмайсанми?

-Йўқ! – деди қатъийлик билан дугонам. – Бу қайнона-келин орасидаги сир.

Ўйлаб қолдим, қани эди барча қайноналар Малоҳатдек оқиллик билан иш тутишса, қайнона-келинлар аҳилликни бошларига тож қилишса... Шунда тез-тез дуч келганимиз - қайнона-келин можароларига нуқта қўйилар эди чоғи.

Тўхтахон РАҲИМОВА

КУЁВ – ЁВМИ?

Ботир ўша куни ишдан эрта қайтди. Маошини олган эди. Кайфияти чоғ. Йўл-йўлакай дўконга кириб, ул-бул нарса харид қилди. Турмуш ўртоғининг “бугун гўшт ола келинг...” дегани ёдига тушиб, бир кило кўй гўшти олди.

Дарвозадан кириб борибоқ, ҳамма ёқ жим-житлиги, бир-биридан шўх, тўполончи ўғиллари кўринмаганлигига ажабланди. Қараса, айвонда хотини бошини қуйи экканича сочини ювяпти.

-Бундоқ қўлимдаги оғир тўрхалтани олай ҳам демайсана, хотинжон! – деди у “уф” тортиб юкларни ерга қўяркан. -Бугун маош чиққан эди, шунга рўзғорга керакли нарсаларни олиб келдим. Бир сени хурсанд қилай, деб қўй гўштининг лаҳм жойидан тортқиздим. Бир маза қилайлик, жоним! Шунақа ширин шўрва пиширайки, сал нарсага тумшаядиган онангнинг ҳам оғзи тегирмон бўлсин. Сени ўзи яхши кўраман-да, дўмбоғим, асалим...

Ботир хотини жавоб беравермагач, жиғибийрони чиқди.

-Оғзингга толқон солиб олганмисан? Боядан бери кимга гапиряпман. Ҳе, сени туққан ўша онангни...

У шундай дея ичкарига кириб кетди. Қараса, хотини бир нималарни тикиб ўтирибди. Ботир турган жойида қотиб қолди.

-А... Ай... Айвондаги ким?

-Уларми, наҳот танимаган бўлсангиз? Онам би-ир айланиб келган эканлар. Қачондан бери бош ювганим йўқ эди, сеникида ювиб олай, девди. Шунга...

-Устиларидаги кўйлаги сенникига ўхшаб кетарканми?..

-Ҳеч қанақа ўхшаш жойи йўқ. Кўйлак меники. Уст-бошим ҳўл бўлиб кетмасин, деб кийиб олувдилар-да...

Ана шу дамда остонада қайнонаси кўринди. Ботир на салом беришини, на бирор нима дейишини биолмай қаловланиб қолди.

Бахтиёр ТУРДИАЛИЕВ

ҚИРДАГИ БОҒЛАР

Ўтган йили Наманган вилоятидаги 149 пахтакор хўжалигидан 25 таси шартномани бажарган. Ана шу жамоалар сафида "Соҳибкор" ширкат хўжалиги ҳам бор.

Бош мутахассислар билан бугунги юмушлар маслаҳатини тугатган хўжалик раҳбари Валижон Ўринов гапининг охирида таъкидлади:

-Бир парча ер акка-баққа бўлмасин. Ҳисобчи, сиз идорада ҳар куни нонушта ва кечки овқат бўлишини таъминлаб қўйинг.

Раис билан эски танишмиз. Суҳбатимиз дала ишларидаммас, мактабдан бошланди:

-Президентимизга раҳмат, - деди у столидаги "Қишлоқ ҳаёти"нинг биринчи саҳифасига ишора қилиб. – Қачонки у киши ўйлаб, фармойиш чиқармагунча мактабни ўйлаймаймиз.

Билдимки, Ўринов Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2004-2006 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармойишини назарда тутмоқда.

"Соҳибкор" нисбатан кичик хўжалик. Бирлашган адирларидан ўзлаштирилган минг гектарча ери бор. Қирдаги посёлка ҳам катта эмас, ярим мингдан зиёдроқ аҳоли яшайди. Мактаб ҳам шунга яраша – биттагина, тўққизта синфда 150 бола ўқийди.

-Энди шу битта мактабга ҳам қарамасак уят бўлар. Тўғри, эътибор берилган, лекин бу ҳужжат билан танишгач, ҳали кўп иш қилишимиз лозимлигини, бераётган ёрдамларимиз кам эканини англаш мумкин. Ҳозир сиз кўрган фаоллар билан маслаҳатлашиб қарорга келдик: биринчи чоракдаёқ мактабга компьютер олиб берамиз, кутубхонасига қўшимча китоб совға қиламиз, аълочи ўқувчилар учун "Соҳибкор" номли стипендия ташкил этамиз.

В.Ўринов сўзи ва иши бир одам, айтдими – қилади! Ҳамма нарсага ҳам ҳаракат, изланиш, интилиш зарур. Бу жиҳатлардан "Соҳибкор" жамоасини камситиб бўлмайди. Хўжаликда кучли механизм бор, ҳар бир ишловчида масъулият ҳисси бир лаҳза депсиниб қолмайди. Ижро интизоми ва назорат кучли. Раис бу ҳолни "Самимий назорат" деб таъкидлади.

Агар шундай бўлмаганида, ҳар гектар ғалла майдонидан 50 центнердан ҳосил олиш мумкинми? Пахта ҳосилдорлиги эса 25,5 центнердан ортиб кетди. Бу бийдай адир ерларининг кўрсаткичики, ҳазил гап эмас-да. Пешқадам пудратчилар гектар ҳисобига 3,5 тоннага етказиб пахта топширдилар.

Қирнинг энг баландидаги бош пудратчилардан бирига Умархон Саидвалиев етакчилик қилади. Унинг адирга чиққанига роппа-роса 30 йил тўлди.

-Отам 25 йил бригадирлик қилиб кам бўлган эмасдилар. Энди у кишининг касби менга қолди, мен ҳам ёмон бўлмадим. Ўнта тўй қилдим, бешта фарзандимнинг ҳаммасини ўқитдим, уйлар қуриб бердим, машина олдим... Ҳаммаси шу адирдан, меҳнатдан, пахтадан, ғалладан. Биз кетмон кўтариб бу ерга чиққан 1974 йили ҳар илонлар, эчкизмарлар бор эдики, кўрсангиз юрак ёрилади. Чайла атрофида тун бўйи чиябўри увиларди.

Умархон ака айтган бу гаплар тевараклаги ям-яшил жаннатнинг кечаги куни. Эртакдай туюлувчи бу ҳикояга пўконидан ел ўтмаган ёшялангини ишонтириш ҳам осонмас. Лекин ҳақиқат шуки, ўтган йили Умархон Саидвалиевнинг пудратчиларининг ҳар бир оиласи 31,5 ва ғалладан 51 центнердан ҳосил кўтаришди. Бирлашган адирларнинг бунчалар "ечилиб" ҳосил берганини ҳали ҳеч ким кўрмаган.

"Соҳибкор"да ишнинг кўзини биладиган бундай пешқадамлар кўп: Маҳмудхўжа Ҳамзаев, Комилжон Набиев, Турдиқул Авазбеков. Хуллас, ўнта бош пудратнинг бари ғаллада ҳам, пахтада ҳам йилни ёруғ юз билан якунлаган. Биз кичик хўжаликнинг катта ютуқларига сабаб бўлаётган, режаларнинг муттасил бажарилишига олиб келаётган асосий омиллар билан қизиқдик.

-Адир ерлари тезоб, яъни уруғни барвақт ундириб, ҳосилни тез пиширади, - дейди Валижон Ўринов. – Буни тумандаги, вилоятдаги раҳбару мутахассислар яхши билишади. Ишлов циклини жадаллатмасак, экиннинг ривожидаги шитоб шошириб қўяди, натижада фурсат ўтади. Буни бизнинг таърифимизда оби-тоби дейилади. Деҳқонларимиз ана шу обитобини ўтказмай ишлашни одат қилишган. Иккинчидан, техниканы унумли ишлатиш, механизаторларга эътибор кучли. Тракторчилар иши ҳар ҳафтада сарҳисоб қилиниб, энг пешқадам механизатор, албатта, мукофотланади. Қандай долзарб мавсум бўлмасин, ҳар бир трактор ҳафтада ярим кун техник қаровдан ўтказилади.

Раис айтмаган яна бир омилни далаларни айланганда кўрдик: сувдан тежамкорлик билан фойдаланилади. Қайси пайкалда бўлманг: сув ё қувурда, ё бетон арикда келади, унинг бирор томчиси беҳуда кетмайди. Қувурларнинг ўзи 50 километрдан ортиқ. Бундан ташқари ўнта дала шийпонининг барчаси сифатли таъмирланган. Ҳар бир бош пудратнинг ўз паррандаси, соғин сигири бор. Бир тахта жойга резавор экилган, деҳқоннинг тушлиги учун қозонга тушадиган маҳсулотлар ҳам ўзларидан.

ИНТИЛИШ

саллиқ ҳамиша бепул. Спорт майдончалари ва анжомлари муҳайё. Биринчи бош пудрат дала шийпонида беш юз кишилик очиқ томошахона ҳам қурилди. Катта танталар, маданий-маърифий тадбирлар, турли учрашувдар ўтадиган бу баҳаво жойни "Соҳибкор"нинг амфитеатри дейишади.

Вилоятда ғалла ёмонмас, аммо пахтачилик оқсоқланмоқда. Ўтган йили 124 та хўжаликда режа бажарилмади, улардан инқироз ёқасига келиб қолган ўнтаси батамом синди ва фермер хўжаликларига айлантириб юборилди. Шундай бўлсада, зиён билан ишлаётган, қаддини тиклаб олиши номаълум бўлган яна анчагина хўжаликлар номигагина ушлаб турилибди. Уйчи туманидаги "Соҳибкор" ширкат хўжалиги ҳам ана шуларнинг рўйхатига тиркалиши мумкин эди. Лекин аҳвол ўнгланди, йил сарҳисоби фойдага чиқди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, ўтган йили 14 фоиз рентабеллик қайд этилди.

2004 йилда ҳам ёмон бўлмаслигига ишонч бор. Рентабелликни камида 25 фоизга чиқаришнинг иқтисодий ҳисоб-китоби қилинган. Ҳаракатда-баракат, энг аввало, ноябрь ойидаёқ шудгор ниҳояланди, гўнг ва фосфорли ўғит солинмаган пайкал йўқ. Мўлжални кўрсатувчи рақамлар аниқ, улар жуда кўпки, буларни санашдан ўзимизни тиямиз. Энг муҳими январдаёқ далага чиққан юздан зиёд пудратчи ишнинг кўзини, парваришнинг оби-тобини билади. Шунинг учун ҳам "Соҳибкор"нинг қирдаги боғлари гулга тўлди, тупроқ ётидаги чигити унаман деб турибди.

ОНА ЗАМИН МЕҲРГА МУҲТОЖ

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар табиий ресурслардан, биринчи галда ердан оқилона фойдаланишни тақозо этади. Умумхалқ мулки бўлган ерни ҳимоялаш ва ундан фойдаланиш конституцион аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Бош Қомусининг 55-моддасида "Ер, ерости бойликлари, сув, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, ундан оқилона фойдаланиш зарур, чунки улар давлат муҳофазасидадир", дея таъкидланган.

Давлатимиз мустақилликка эришгандан буён иқтисодий ислоҳотларнинг асосий устувор йўналишларидан бири сифатида аграр соҳага алоҳида эътибор берилмоқда. Тармоқда мулк шаклининг ўзгариши, фермер ва деҳқон хўжаликларининг тобора кўпайиб бориши билан ер ўзининг ҳақиқий эгасини топаётгани қувончлидир. Жорий йилнинг ўзида вилоятда зарар кўриб ишлаётган, ислоҳотлар суръатини орқага тортаётган ўнта ширкат хўжалиги тугатилди. Уларнинг ер-мулки асосида 350 дан ортиқ янги фермер хўжалиги вужудга келди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, қаерда хўжалик юритиш тўғри йўлга қўйилиб, мулкчилик шакли ўзгарган бўлса, ўша ерда ривожланиш кузатилмоқда. Ерни эҳтиётлаш масаласи хусусида ҳам бемалол шундай дейиш мумкин.

Президентимиз таъкидлаганидек, "Ресурслар чекланган шароитда ҳамма муаммоларни бир йўла ҳал қилишга уриниш ҳеч қандай самара бермайди. Шу сабабли ислоҳот йўналишларини белгилаб олиш чоғида шундай асосий бўғинларни топиш муҳимки, уларга асосланиб жамики муаммоларни ҳал қилиш мумкин".

Бугунги кунда ер фондининг республика қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида фойдаланилаётган қисми 25 миллион гектар бўлса, бу кўрсаткич бизнинг вилоятда 389 минг гектарни ташкил этади. Аммо самарали, яъни суғориб деҳқончилик қилиш бўйича Наманган мамлакатимизда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, давлатимизда интенсив фойдаланиладиган 4,3 миллион гектар майдоннинг 279,2 минг гектари вилоятимизда жойлашган.

Лекин ерлар шўрланиб бормоқда. Ҳозир 82,3 минг гектар экин ери шўрланган бўлиб, унинг 13,1 минг гектари кучли даражададир. Суғориладиган ерларнинг кадастр зоналари бўйича ўзгариши ҳамда тупроқлар сифатини баҳолаш ишлари таҳлили бўйича катта ҳажмдаги экинзорлар яроқсиз ҳолга келиб қолган. Коллектор, дренаж ва зовурлар вақтида тозаланмас экан, бу ҳол яна ҳам ёмонлашуви, ерости сувлари кўтарилиб кетиши, унумдорлик пасайиши мумкин.

Масалан, вилоятда 1999 йилгача 60-100 балл бонитетли экин майдонлари 90,5 минг гектар эди, ҳозирда бу рақам 80 минг гектарга тушиб қолди. Ёки 1998 йилгача ўртача балл бонитет 66 га тенг бўлса, кейинги таҳлилларда бу кўрсаткичнинг 59 экани аниқланди. Баҳоланки, ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашуви 15 фоизгача ҳосилни йўқотиши фан ва тажрибадан маълум. Тўғри, бундай бузилган майдонлар республика бўйича 10,5 фоиз бўлса, Наманганда 8 фоизни ташкил этади. Лекин бу ҳеч қачон бизнинг бепарво бўлишимизга асос бўлолмайди.

МАСЪУЛИЯТ

Ҳозирда вилоят фермерлари тасарруфида 59 минг гектар суғориладиган ер бор. Уларни таҳлил қилиб кўрсак, 750 фермер ихтиёрида 5 гектаргача, 584 тасида 10 гектаргача, 2106 фермерда 30 гектаргача ер бор, 360 нафар фермер 30 гектардан ортиқ майдонга эгалик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги Фармони ернинг тақдирида ҳам катта рол ўйнамоқда. Ҳақиқий эгаларини шакллантириш борасида жиддий қадамлар қўйилди. Фермер хўжаликлари ихтиёрига ўтган ер майдонлари ширкат хўжаликлари балансидан чиқарилди, ижара шартномалари қайтадан расмийлаштирилди. Энди барча субъектлар бевосита туман ҳокимлари билан шартнома тузиб, қарорда кўрсатилган ер майдонидан ижара ҳуқуқи билан фойдаланмоқдалар. Бу мулкдорни ерга яхши муносабатда бўлишга даъват этиб, масъулиятни орттираётганини ҳаёт кўрсатиб турибди.

Камолхон МАҲМУДОВ,
Наманган вилоят ер ресурслари бошқармаси бошлиғи.

* * *

СУРАТДА: бошқарма мутахассислари долзарб масалалардан бири хусусида фикр алмашишмоқда.

Р.УММАТОВ олган сурат.

ЖИЙДАКАПА ЁРЛИҒИ БИЛАН

Оламда муаллимнинг ҳақидай ҳалол маош, унинг фарзандлари ризқидай пок насиба кам топилади. Жийдакапалик Мадаминжон домла Шомирзаев 46 йил мактабда ишлади.

ТАДБИРКОРЛИК

Қариб-қартайди, ҳажга борди, неча йилдирки пенсияда. Ўғилларнинг дасти узун, оталари топмаган давлатни топишган. Бу ҳол ҳам аслида умр бўйи мактабнинг она сутидай ҳалол пулига қаноат қилиб яшаган Мадаминжон домлага берилган мукофот.

-Бизни отамнинг дуолари қўллаб турибди, бошқа гаплар ҳаммаси бекор, - дейди кекса муаллимнинг тўртинчи ўғли Шерали.

Мен Шерали Шомирзаевнинг ишлари билан танишгач, "ақл ёшдамас - бошда" деган нақлнинг нечоғли ҳақ эканига яна бир карра амин бўлдим.

-Бир тадбиркор йигитимиз бор, ўзи ҳали жуда ёш, аммо қилаётган ишлари ниҳоятда катта ва савобли, - дея Уйчи тумани ҳокими Муҳиддин Валиев у билан танишишга даъват қилганди.

Мадаминжон домла Шомирзаев беш ўғил ва тўрт қизни улғайтириб, етти фарзандини олийгоҳларда ўқитди. Ота дарсидан бўшамасди. Катта ҳовлини, мол-ҳол ва паррандани ана шу болалар уддалашди. Айниқса, Шерали болалигидан новвос бокишнинг ҳадисини олганди. Ҳайбати ҳаммани чўчитадиган филдай буқа 12 яшар болакайга бўйинни тутиб берар, ҳатто миниб олиб қашлаганда ҳам ақалли бошини кўтариб қўймасди.

-Каллакбува деган даламиз бор, - дейди ота. – Шерали дарсдан келибоқ велосипедини миниб ўша ёққа кетар, кунига ўн мартагача ўт юклаб келарди.

Домланинг бу гапидан хулоса аён: меҳнат қилган одам ҳеч қачон кам бўлмайди. Ўша Шерали улғайди, молни кўпайтирди, жой сотиб олиб оғилхона қурди. Мана энди тадбиркорликка қўл урди. Россиядан керакли ускуналарни олиб келиб, "Мадаминжон ҳожи-Комронбек" кичик корхонасини очди. Мустақилликнинг 12 йиллигги байрам қилинаётган кунлари очилиб, 2003 йилда 4 ойгина ишлаган корхона нақд 2,6 миллион сўм фойда келтирди ва 25 киши ишли бўлди.

-Ўзим муҳандисман, - дейди Шерали. – Чорвани кўпайтиргандан сўнг гўшт маҳсулотларини қайта ишлашни ўйлаб қолдим. Бишкекка, Тошкентга бориб, шундай корхоналар ишини босим билан 115 даражали иссиқда 1,5 соат пиширилгандан жараённи ҳамиша шахсан кузатиб туради. Иш услуби мутлақо чиқитсиз технологияга асосланган. Сўйилган молу қўйнинг калла-поча ва терисига доим харидор нақд. Колбаса ва консервага лаҳм гўшт ишлатилади. Шўрвабоп қисми эса ишчиларнинг эҳтиёжига қараб, бепул берилади.

Яқиндан бери суякдан илик ёғи олиш ва уни қадоқлаш йўлга қўйилди. Янги маҳсулотнинг дастлабки туркумини савдога чиқаришга тайёргарлик кўришмоқда. Суяги тегирмонга солинса, ун бўлади – паррандага емиш.

-Жигарни ишлатолмаймиз, унинг технологияси мураккаб, бизнинг ускуналаримиз ҳозирча бунга ярамайди. Шунинг учун жигарни керак деган одамнинг рўйхатига бериб юборамиз. Бу ҳам фойда, ҳар қандай тадбиркор учун эҳсон, меҳр-мурувват ишининг бир бўлаги бўлиши керак. Ҳудоям берганга беради, - дейди Шерали кўпни кўрган кишилардай.

Ёш тадбиркор ака-укаларини ёнига олган. Учта юк автомобили бор. Акаси Шоирали биз борган

ўргандим. Кейин ишламай ётган бир дўконни сотиб олдим. Ҳокимиятда ҳам пайсалга солиб ўтиришмади, дарҳол қарор чиқди.

Чунки Ш.Шомирзаевнинг режаси асосли эди, шунинг учун ҳам иш осон кўчди. Ҳозир унинг кичик корхонасида бир неча турдаги колбаса ва пиширилган гўшт консервалари тайёрланмоқда. Харидор сероб. Хомашё базаси ўзида – бўрдоқилар сони яқинда кирқ бошга етди. Ёш тадбиркорнинг айтишича, энди чорваси учун экин майдони ҳам нақд. Чунки туман ҳокимининг "Қорамолларни 40 бошга етказсанг, 20 гектар ер оласан" деган ваъдаси бор.

"Мадаминжон ҳожи-Комронбек" кичик корхонаси кунига ўн минг банка пиширилган гўшт консерваси ишлаб чиқариш қувватига эга. Ишни асосан жийдакапалик қизжувонлар бажаришади. Уларга технологияни Шерали ўзи ўргатган. Гўшт икки атмосфера босимида 115 даражали иссиқда 1,5 соат пиширилгандан сўнг гўшт маҳсулотларини қайта ишлашни ўйлаб қолдим. Бишкекка, Тошкентга бориб, шундай корхоналар ишини

Ш.Шомирзаевнинг бу режаси асосли. Яқинда 25 миллион сўм кредит олди. Бугун-эрта 20 гектар ери ҳам бўлади. Бу "Мадаминжон ҳожи-Комронбек" кичик корхонаси яна ҳам ривожланади, омадли йигитнинг орзулари рўёбга чиқади, деган сўз.

Рустамжон УММАТОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

ШУНДАЙ АЖИБ БЎСТОН БОР

Қашқадарё вилоятининг Косон туманига кўкламда йўли тушганлар унинг ўзига хос табиатини, беқиёс гўзаллигини кўриб воҳада шундай гўзал маскан ҳам бор экан-да, деб лол қолишади.

Бир учи уфққа туташган адоқсиз боғлар оппоқ ҳарир матодан либос кийгандек, бир томони бугун-эрта экишга тайёрлаб қўйилган беполн далалар. Кўклам қуёши бутун борлиқни жонлантирган. Фасллар маликаси баҳор бу йил эрта таширф буюрди. Кўпгина мевали дарахтлар аллақачон гулга кирди. Ерлар кўклам тафтидан эртароқ оби-тобига келди.

Туман ҳудудидаги текис ва равон йўллар ҳаммага ҳам манзур бўлади. Йўлнинг икки томонига гуллар экилган. Гуллардан чор атрофга хушбўй ҳид таралмоқда. Бу йўллардан ўтган йўловчи ҳам, ҳайдовчи ҳам роҳатланади.



Йўл ёқасида жойлашган автомобилларни техник таъминловчи корхонанинг атрофи ҳам дид билан обод ва озода қилинган. Худди дам олиш масканидай чор атрофи гулзор.

Туман марказига яқинлашган сайин чор атроф янада обод, гўзал ва кўркам бўлиб боради. Яқинда ўтказилган катта ҳашардаги меҳнатнинг самараси ўз натижасини кўрсатиб турибди. Экилган кўплаб ёш ниҳоллар куртак чиқариб, барг ёймоқда.

Косон пахта тозалаш очиқ ҳиссадорлик жамияти жамоаси ҳам гўзалликка ошуфта экан. Кўклам нафаси, уйғониш фаслининг кишиларга таъсири шундоққина яққол сезилиб турибди. Бу ерда ҳам жуда катта ободончилик ишлари қилинган.

Хуллас, Наврўз катта ўзгаришларни олиб келди. Қилинаётган ишлар косонликларнинг эртанги кундан умидлари катта эканлигини, улар ҳам юрт фаровонлиги, келажак истиқболи учун қатъий ишга бел боғлаганларидан далолат.

Маблағи бор одамгина гул ўстиради, гулзор барпо қилади, ободончилик ишларига бош қўшади.

Раҳматулла Шоймановни тажрибали, ишнинг кўзини биладиган деҳқон сифатида тилга олишади. Бу бежиз эмас, албатта. Меҳнат фаолияти оддий сувчиликдан бошланган. Кейинчалик ҳисобчи бўлиб ишлаган. Бу даврда у тўғрисўзлиги, ишбилармонлиги билан кўзга ташланди. Ҳисобчиман, деб қараб турмади. Имкон топди дегунча ўзгаларга кўмак берди. Кўп қатори пахта терди, техникага қизиқиши уйғониб трактор ҳайдади. Кўп ўтмасдан яхшигина механизатор бўлиб танилди. Шундан сўнг у фермер хўжалиги ташкил этди.

-"Тўлға" фермер хўжалиги ташкил топганига ҳам 10 йил бўлди, - дейди Раҳматулла Шоймонов, - ҳар йили шартномавий режалар бажарилярти. Бултур ҳам ҳосил яхши бўлди. 56 гектар майдонда пахта етиштириб, гектаридан 48 центнердан ҳосил олинди. 50 гектар ғалла майдонимиз бор. Ҳар гектар ҳисобига 50 центнердан дон ҳосили тўғри келди. Пахта билан ғалладан олган даромадимиз 73 миллион сўм бўлди. Кўрилган соф фойда 20 миллион сўмдан ошди. Ҳозирги замонда меҳнат қилган кам бўлмайди. Одамларимизнинг ўртача ойлик иш ҳақи 40 минг сўмдан ошиб тушади.



-Бу йилги режаларингиз қандай, - деб сўраймиз деҳқонлар сардоридан.

-Яхши ният билан ишлаяпмиз, ғалла ғосили 50 центнердан кам бўлмайди. Ғалла майсаларини қаранг. Кундан-кун яшнаяпти. Эртаиндин чигит экиш бошланади. Чигитнинг зўридан топиб қўйдик. Техника ўзимиздан чиқади. Узоғи билан бир ҳафтада чигит экишни тамомлаймиз.

-Даромад қандай?

-Рўзғорга етиб-ортади. Ўртача иш ҳақим 50 минг сўмдан кам бўлмайди. Оилам, келиним, ўғил ва қизларим ўзим билан бирга ишлашади.

Деҳқон бу сўзларни шоду хуррамлик билан айтарди. Ҳа, далада ишлаб ризқ-рўз топди. Рўзғорини обод айлади. Тўй-маърака қилса қийналмайди. Узоқ-яқинга бормоқчи бўлса, енгил машинаси бор. Фермер хўжалигининг ҳисоб рақамидаги пулдан ҳам кўнгли тўқ.

-Бизда қилган меҳнатининг самарасини кўраётган деҳқонлар кўпчиликни ташкил этади, - дейди туман ҳокимининг ўринбосари Қудрат Йўлдошев. – Ҳозирги кунга келиб 2500 деҳқон-фермер хўжалиги фаолият кўрсатаяпти. Эгамберди Қурбонов, Эшқул Обидов, Шоймардон ота сингари деҳқон-фермер хўжаликларида қўлга киритилаётган ютуқлар анча салмоқли бўлаётир. Бултур хирмонга тўкилган пахтамиз 54 минг тоннадан ошди. Пахтачиликдан олинган даромад 12 миллиард сўмни ташкил этди. 4 миллиард сўм соф фойда олинди, - дейди Косон пахта тозалаш очиқ ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Маҳмаюсуф Муҳаммадиев.

-Бултур пахта йили бўлди. Туманда пахта тайёрлаш режаси ошиғи билан бажарилди. Завод пахтакорлардан ҳар қачонгидан кўп "оқ олтин" қабул қилди. Ишлаб чиқарилган пахта толаси 120 тоннадан ошди. Бизда тайёрланаётган пахта толасини Жанубий Корея, Америка Қўшма Штатлари, Англия ва бошқа давлатлар сотиб олишмоқда. Мижозларимиз пахта толаси сифатидан хурсанд бўлишяпти.

Заводимиз бултурги пахта ҳисобидан катта фойда кўраяпти. Олинган соф фойда 250 миллион сўмдан ошади. Жамоа аъзоларимизга берилган дивиденд пуллари 8 миллион сўмни ташкил этди. Кўлга киритилаётган бу каби ютуқлар азамат бободеҳқонларимизнинг ҳиммати туфайли, деб тушунамиз. Чунки улар белни қаттиқ боғлаб ишлашди. Пахта ҳосилдорлиги кескин кўпайди. Ҳосилнинг сифатидан беҳад хурсанд бўлдик.

Биз бугунги кунда Маҳмадиёр Қурбонов, Ҳасан Тўраев, Маҳмадиёр Қўйдинов, Акбар Мавлонов сингари мутахассисларимиз шаънига илиқ сўзлар айтамиз. Улар ўзларига топширилган вазифаларни аъло даражада бажариб бошқаларга ибрат бўлишмоқда.

Қувонч билан айтадиган яна бир гапимиз бор. Жамоамиз аъзолари яхши кайфият билан ишлашаяпти.

ИШОНЧ ВА КАФОЛАТ

-Бугунги кунда суғурта кишилар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бораяпти. Чунки одамлар табиий офатдан зарар кўрганда ёки бирор офат сабаб мол-мулкидан жудо бўлганда, уларга биринчи навбатда ёрдам қўлини чўзадиган, иқтисодий томондан қўллаб-қувватлайдиган, кўмак берадиган тизим бу – суғуртадир, -дейди "Агросуғурта" давлат акциядорлик суғурта компанияси Косон тумани бўлими менежери Рўзиқул Итолмасов

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, агар суғурта шартномаси тузилиб, белгиланган сумма тўланган бўлса, келтирилган зарарни қоплаш тўла кафолатланади.

Аслида бу идора фаолиятининг асосий йўналишлари товар ишлаб чиқарувчиларнинг мулкини ва маҳсулотларининг суғурта йўли билан ҳимоя қилинишини таъминлаш, кредитларини қоплашда ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ишлари учун аванс тарикасида бериладиган маблағларнинг қайтарилишида суғурта кафолатларини тақдим этиш йўли билан юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатишдан иборатдир.

"Агросуғурта" давлат акциядорлик суғурта компанияси Косон тумани бўлимида ушбу дастуриламалга таянган ҳолда ишни тўғри ташкил этишга ҳаракат қилинмоқда. Натижада тизимда йилдан-йилга ўнгланиш, ўсиш сезиляпти. Масалан, туманда 2003 йилнинг ўзида 40,7 миллион сўмлик суғурта тушумлари йиғиш режалаштирилган эди. Бу режа 154,2 фоизга бажарилди.

Суғурталанган аҳоли уй буюмлари, ҳаёт суғуртаси учун белгиланган сумма тўлиқ тўланди.

Бўлимимиз бугунги кунга келиб, шунингдек, юқорида таъкидлаганимиздан ташқари қишлоқ хўжалиги соҳасида гаров суғуртаси, мажбурий транспорт суғуртаси, аҳоли транспорт суғуртаси, бахтсиз ҳодисалар суғуртаси каби йўналишлари бўйича ҳам фаолият олиб бораяпти.

Бир жиҳатни таъкидлашни истардикки, жойларда суғурта ишининг кенг оммалашиб боришига, ҳисобкитобларнинг яхши йўлга қўйилишига катта ҳисса қўшаётган кўп йиллик тажрибага эга, касб маҳоратини пухта ўзлаштирган ходимларимиз анчагина. Шулардан иқтисод бўйича бошлиқ ўринбосари Саодат Саноқулова, мулк жавобгарлиги ва шахс суғуртаси бўлими бошлиғи Ғафур Тошев, Равот, Охунбобоев, Янгиобод маҳаллаларида фаолият юритаётган суғурта вакили Тўрамурод Абдуллаев, Гувалак қишлоқ фуқаролар йиғини, Косон қишлоқ фуқаролар йиғини бўйича суғурта вакиллари Қулбўта Зувурқулов ва Дўстмурод Очиловлар фаолияти, айниқса, диққатга сазовордир.

Биз эндиликда ҳар бир маҳалла ва қишлоқларда суғурта вакили бўлишига эришиш ва уларнинг зиммасига кўпроқ масъулият юклаб, хизмат турларини кенгайтириш чоратадбирларини кўраяпмиз. Токи ҳар бир хонадонга суғурта кўмакдош сифатида кириб борсин. Одамларимизда суғуртага ўз манфаатларига хизмат этишига бўлган ишонч қарор топсин.

УМИД МАНЗИЛИ

-Биласизми, сизга биринчи навбатда нимани айтгим келади, - дейди Косон туман халқ таълими бўлими мудири Муродулло Мўминов. – Республикамиз Президентининг "2004-2008 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармойиши биз – маориф ходимлари учун катта янгилик бўлди, кўнглимизни кўтарди. Очиғи, мактабларимизнинг моддий аҳволи анча оғирлашиб қолган эди. Бу таълим самарадорлигига ўз таъсирини ўтказмай қолмаяпти, албатта. Шуниси аниқки, Фармойишда кўрсатиб ўтилган мактаб таълимини ривожлантириш дастури бўйича белгиланадиган чора-тадбирлар ижроси муаммоларимиз бартараф этилишига хизмат қилади.

Мудирнинг таъкидлаганича бор. Тумандаги 92 та умумтаълим мактабидан 54 таси замонавий, 39 таси мослаштирилган бинода жойлашган бўлса-да, уларнинг орасида қайта таъмирга муҳтожлари ҳам оз эмас.

Сир эмаски, кейинги вақтда мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга маблағ етишмаётганди. Шу туфайли кўпчилик биламлар даргоҳлари, ҳақиқатан, ночор аҳволга тушиб қолган. Юртбошимизнинг фармойиши эса айни кўнгилдаги гап бўлди. Муаллимларни, таълим жонкуярларини руҳлантириб юборди.

-Вилоятимизда ушбу муаммолар қаршисида қўл қовуштириб турилгани йўқ. Масалан, ўтган йили вилоят ҳокимининг қарори билан ҳар ойнинг биринчи шанбаси "Таълим муассасалари куни" деб эълон қилинганлиги ўз самарасини бераётир, - дейди Муродулло Мўминов. – Шу куни туман раҳбарлари мактабларимизга ташриф буюришади, аҳвол билан яқиндан танишиб, имкон қадар ёрдам беришади. Дейлик, кимдир цемент, бошқа бировлар шифер, яна кимдир стол, стул, спорт жиҳозлари, дарслик, кутубхона учун бадиий китоблар туҳфа қилади. Хуллас, мактабга ташриф буюрган раҳбар шунчаки келиб кетмайди. Шунинг натижаси ўлароқ туманимизда анчагина мактаблардаги муаммолар ҳал қилинди. Чакка томаётган мактабларимизнинг томлари таъмирланди, қанчадан-қанча кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари дарсликлар билан таъминланди.



Косон туманида таълим тизими билан танишарканмиз, кишини мамнун этадиган бир қатор ютуқлар кўзга ташланди. Чунончи, туманнинг фидойи, жонкуяр муаллимлари ёшларни ҳар томонлама билимдон, мустақил фикрли, комил инсонлар қилиб тарбиялаш учун бор имкониятларини ишга солаётганликларини сезиш қийин эмас. Барча мактабларда дарслар янги, замонавий технологиялар асосида олиб борилаяпти. Дарвоқе, туман бўйича таълимда баҳолашнинг рейтинг тизимига ўтилганлиги ўқитувчилардан ҳам, ўз навбатида ўқувчилардан ҳам алоҳида масъулият талаб этмоқда.

Шунингдек, туман мактабларида 53 та ихтисослаштирилган, 558 та айрим фанлар чуқурлаштирилган дастур асосида ўқитиладиган синфлар мавжуд бўлиб, уларда малакали, ўз касбининг пухта билимдонлари машғулот олиб боришмоқда. Муаллимлар ўқувчиларда билим олишга иштиёқ уйғотишнинг янгиянги йўлларини излаб топишаётганлиги, бу йўлда дарс ўтишнинг эркин, очиқ, услублардан фойдаланган ҳолда семинар, ўйин тарзидаги турларидан кўп фойдаланишаётганлиги таҳсинга лойиқ.

Буларнинг барчаси ҳозирданоқ ўз самарасини кўрсатаяпти. Туманда қайси мактабга борманг, дарслар тугагач ҳам билим даргоҳлари ўқувчилар билан гавжум бўлади. Муаллимлар ҳам, ўқувчилар ҳам уйларига ошиқишмайди. Тўгаракларда машғулотларни давом эттиришади. Ўқувчилар билан суҳбатлашсангиз, мириқасиз. Қарашлари дадил, фикрлари теран, сиз билан ҳар қандай соҳада баҳслаша оладилар.

Муаллимлари эса таълимнинг ҳақиқий фидойилари, кўпчилигининг иш тажрибаси вилоят бўйича оммалаштирилган. Жумладан, Ҳ.Абдуллаев номли мактабнинг география ўқитувчиси Тўлқин Сафаров, Усмон Носир номли мактабнинг меҳнат таълими ўқитувчиси Қаромат Жумаева, Б.Ниёзов номли мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Насиба Донаева, О.Содиқов номли мактабнинг математика ўқитувчиси Холиёр Раззоқов, Форобий номли мактабнинг биология ўқитувчиси Назира Тошпўлатовалларнинг ўқитиш услублари вилоят мактабларининг аксариятида қўлланилмоқда.

Ана шу тажриба, ишланиш туфайли туман халқ таълими вилоятда юқори кўрсаткичларни қўлга киритмоқда. Мирзо Улуғбек номли ихтисослашган мактаб ҳатто республикада йилнинг энг яхши мактаби деб тан олинган. Чунки ҳар йили мазкур билим даргоҳини тугатган ўқувчиларнинг 96 фоизи олий ўқув юртларига ўқишга киришади. Мактаб иқтисодий жиҳатдан ҳам бақувват. Чунки билим даргоҳи қошида фаолият юритаётган "Азамат" ишлаб чиқариш кичик корхонаси йилига бир неча миллион сўм маблағ ишлаб топиб, мактаб моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун сарфланади. Шуниси қувонарлики, туманда бир нечта шундай мактаблар бор.

Яна бир муҳим жиҳат: туман мактабларида болалар спортини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаяпти. МактабларарО, кейин эса туман миқёсида спортнинг барча турлари бўйича тез-тез беллашувлар ташкил этилмоқда.

Косон туманида бугунги кун талаби ҳисобланмиш ёш авлодни етук, билимли ҳамда соғлом қилиб тарбиялаш, таълим сифатини янада яхшилаш учун имкониятлар ишга солинмоқда. Бу эса дилларда келажакка умид ва ишонч уйғотади.

Бозор ЭРҚОРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири,
Санобар БОЙМУРОДОВА,
журналист.

ТИЗИМДАГИ ИЗЧИЛЛИК САМАРАСИ

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси бош директори биринчи ўринбосари А.А.Ишонхўжаев билан суҳбат

-Асрор Аслонович, Сиз билан Наврўз байрами арафасида учрашиб турибмиз. Сизни, Сиз орқали компаниянгизнинг барча ходимларини бу улуғ айём билан табриклаймиз. Фурсатдан фойдаланиб, газетамизнинг кўпсонли мухлисларига “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация борасидаги мавқеи ҳақида қисқача тўхталиб ўтсангиз.

-Телекоммуникация хизмати бугунги кунда ҳар бир жамиятда, давлатда иқтисодий тараққиётнинг муҳим белгиси ҳисобланади. Ҳар соҳада бўлгани каби, бизнинг ривожланган асримизга келиб алоқа тизимининг мижозлар учун қулай томонлари ишлаб чиқилди. Очиғи, алоқа тармоғисиз нафақат халқ кундалик турмуш тарзини, балки ҳар қайси давлатнинг ички ва ташқи сиёсатидаги ривожланишни ҳам таъсирли қилиб бўлмайди. Алоқа бугун XXI аср цивилизациясининг энг муҳим суянчларидан бири бўлиб турибди. Мазкур тармоқ эндиликда космик характерга эга бўлди. Нафақат ер юзи аҳли, балки кенгликлар аро самовиётда турли хил экспедициялар уюштирилишда самовий алоқалар ўрнатишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Қисқаси, хозир кўлимиздаги уяли телефон оддий бир турмуш тарзимиз учун зарур бўлган шунчаки ускунага айланиб турибди. Дейлик, бизнинг оиламиз эҳтиёжи учун гурурт кутиси керак бўлгани каби ва унга турмуш жиҳози деб қаралгани сингари, кўпчилик тараққий топган мамлакатларда уяли телефонлар ҳам оила ва инсон учун зарурат бўлган жиҳозга айланиб, оддий бир кўринишга эга бўла бошлади. Лекин алоқа тизимининг ўта мураккаб, инсоният келажаги учун муҳим аҳамиятга молик тармоқ эканлигини жорий қилинди. Рамзий маънода айтганда, сайёрамиз алоқа тури ичида “яшаяпти”.

Хўш, энди бевосита ўзимизга тааллуқли бўлган мавзуга ўтсак. “Ўзбектелеком” АК телекоммуникация тизимидаги энг катта нуфузга эга, муҳим мавқени эгаллаган. Республикамиз алоқа соҳасини ривожлантириш, алоқа инфраструктурасини компаниямиз хизматисиз тасаввур қилиш қийин, албатта. Компания эндиликда динамик равишда ўсиб, мамлакатимиз алоқа тармоғини деярли қамраб олган қудратли соҳага айланиб бўлди. Компания алоқа хизматининг деярли барча турларини ўзида қамраб олган. Телефон, телеграф, уяли телефонлар ва маълумот узатишнинг бошқа кўринишлари мазкур тармоқда ўз аксини топаяпти.

Кейинги йилларда истеъмол борасида айтадиган бўлсак, компания нафақат ўзини тиклаш, балки алоқа бозорида ўз ўрнини мустаҳкамлаб олганининг гувоҳи бўласиз. Хизматнинг барча турлари замонавий шаклда ўсди. Айниқса, тармоққа тажрибали ва билимли кадрларнинг жалб қилингани, қисқа муддатда ишимизнинг ривожланиб, ўз салоҳиятимизни тўлиқ намойиш этиш имконини берди. Хуллас, компаниямиз, мамлакатимизда ривожланган алоқа тармоғи бунёд этилишида муҳим ўринга эгадир.

-“Ўзбектелеком” АК бугунги кунда қандай хизмат турларини адо этаяпти?

-“Ўзбектелеком” АК телекоммуникациянинг миллий оператори сифатида қаралмоқда. У ўз тармоғи йўналиши бўйича бутун Ўзбекистонни қамраб олган. Телекоммуникациянинг маҳаллий йўналиши 2000 дан зиёд АТСдан иборат бўлиб, 2 миллионга яқин рақам билан боғланган. Бундан ташқари, транспорт алоқалари оптик-толали ва радиорелей линиялари орқали ўтган бўлиб, замонавий ДН технологияларидан фойдаланилади.

“Ўзбектелеком”нинг бундан ташқари яна кўплаб хизмат турлари мавжуд. Овозли алоқа, маълумот узатиш, телекоммуникацияни турли-туман каналларини ижарага бериш, телекўрсатувлар ҳамда радиоэшиттиришларни йўлга қўйиш, Интернет тизимига уланиш ва бошқа кўплаб алоқа хизматларини жорий этади. Ҳозирги кунда сунъий йўлдошлаш ва оптик-толали алоқалар эвазига тўғридан-тўғри эфирга узатиладиган халқаро каналлар ишлаб турибди. Бу эса бутун дунё бўйича телекоммуникациянинг 28 та йўналишини қамраб олинганидан далолатдир.

-Мазкур компаниянинг маҳаллий алоқа тармоғидаги ўрни хусусида батафсил маълумот берсангиз.

-Бугун компаниямизда 20 мингдан зиёд ходим меҳнат қилади. Компаниянинг 19 та филиали мавжуд. 14 та ҳудудий ҳамда 5 та ихтисослашган тармоқ фаолият юритаяпти. Ўтган йиллар мобайнида шаҳар ва қишлоқ алоқа тизимлари пунктлари (АТСлар)ни қайтадан таъмирлаш, йўналишларни замонавий шаклига келтириш, алоқа нуқталарини кенгайтириш, қайта таъмирлаш, бир сўз билан айтганда, алоқа тармоқларига жиддий эътибор қаратилгани боис, 14,9 мингдан зиёд алоқа рақамларига эга бўлинди. Йилдан-йилга эса рақамли АТСлар ҳамда телефон тармоқлари ўсиб бормоқда. Бундан ташқари, ҳар йили рақамли АТСлар абонентлари сафи ҳам кенгаймоқда.

-Вилоятларда, яъни қишлоқ объектларини кўпайтириш борасида нималар қилинмоқда?

-Тўғриси, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш борасида компаниямиз томонидан амалий ишлар қилинмоқда. Қишлоқ инфратузилмасининг асосий белгиларидан бири бу қишлоққа, қишлоқ одамларига алоқа воситалари қандай хизмат қилаётгани билан ҳам белгиланади. Сир эмаски, телефон тармоқларидан фойдаланиш давр тақозоси ўлароқ қишлоқ жойларда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Шу мақсадда, қишлоқ жойлардаги абонентларимизни кўпайтириш учун бир қанча амалий натижаларга эришдик. Яъни, қишлоқ шароитида автоматик равишда, тўғридан-тўғри шаҳарлараро сўзлашув имкониятлари яратилди. Яъни, код орқали, қийналмасдан шаҳарлараро сўзлашувга эга бўлиш, албатта аҳоли учун қулайликлар яратади. Шунингдек, маҳаллий алоқа тармоқлари капитал таъмирдан чиқди. 318,5 километр магистрал кабеллар тортилди. 621 километр ёйилма кабел, 1391 километр масофага эса станциялараро кабеллар ўрнатилди. 1181 километр ҳаво йўналиши, 1724 километр алоқа сими, 2399 та кузатув ускуналари ўрнатилди.

-“Ўзбектелеком” АКнинг магистрал, транспорт тизими, ички маҳаллий ҳудудий йўналишлардаги ўрни ва аҳамияти ҳақида ҳам фикрингизни билмоқчи эдик.

-Юқорида тўхталиб ўтганим каби телекоммуникация хизмати кундан-кунга юртимизда тараққий этиб боряпти. “Ўзбектелеком” кудратли ҳамда юқори даражали тезликка эга транспорт линиясига ҳам эга. Йўл ҳамда ички ҳудудий линия мавжуд бўлиб, ички ҳудудий йўналиш STM-1 ва STM-4 рақамли ускуналарига уланган. Халқаро, шаҳарлараро ҳамда ички ҳудудий каналлар ўтган йиллар мобайнида 12000 канал – километрни ташкил қилди. Жумладан, 6000 канал-километр эса ВОЛС йўналишига тўғри келади. Магистрал йўл ҳамда ички ҳудудий тармоқ йўналишида 3116 километр толали-оптик кабел тортилган, бу эса компания имкониятининг беқиёслигидан далолат беради.

Бугунги кунда рақамли каналлар улуши 73 фоизни ташкил қилади. Шу билан бирга, шаҳарлараро алоқаларнинг янги йўналишлари ишга туширилиши кўзда тутилмоқда. Магистрал тармоқ бўйича эса SDH системаси ишга туширилади. 2005 йилгача эса 2700 километрдан зиёд толали оптик кабел ҳамда 350 километрли РРЛ рақамли алоқа қурилмаси бунёд этилиши мўлжалланмоқда.

Бундан ташқари, “Ўзбектелеком” АКнинг муҳим стратегик вазифаларидан бири, бу маълумот узатишнинг замонавий шаклларига эга бўлишга эришишдир. Компаниянинг маълумот узатиш тармоғи “Интал Телеком”, “UzNet” ва “ТШТТ” филиаллари тармоқларидан иборат.

Компаниянинг барча вилоятлардаги филиалларида маълумот узатиш тизими ва Интернет тармоғи муфассал ишлаб турибди. Мазкур тармоқлар Тошкент, Фарғона, Гулистон, Қарши сингари шаҳарларда олис масофадан сабоқ олиш бўйича амалий фаолият юритаяпти. Умуман олганда, компания республикамизнинг алоқа тизимининг жаҳон стандартлари талаби даражасида шаклланишида муҳим аҳамиятга ва ўринга эгадир. Бугуни кунда “Ўзбектелеком” АК телекоммуникацион тармоқлари билан олтита уяли алоқа компанияси ҳамкорлик қилади. Уларнинг объектлари сони эса 200 мингдан ошиб кетгандир.

-Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!

Суҳбатдош: Ҳанифа ШАМШИЕВА.

“АЛФА ПРИНТ”НИНГ ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАРИ

Замоннинг ўзгараётганини қаранг. Инсониятнинг тинимсиз изланишлари натижасида кундан-кунга техника ривож топиб, компьютер, интернет, модим, электрон почта ва бошқа воситалар кўпайиб бормоқда. Кундалик турмуш тарзимизни энди уларсиз тасаввур қилиш қийин. Бугун деярли ҳар бир юмушни техника кўмагида бажарамиз. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Тараққиёт шу тарзда ривож топиб борар экан, энди қоғозга бўлган эҳтиёж сўниб бораверадими? Йўқ, албатта. Ҳатто техника асри, дея аталган XX асрда ҳам, ҳозир ҳам китобнинг аҳамияти ошса ошдики, асло камайгани йўқ. Демак, қоғозга бўлган эҳтиёж ҳам ўша-ўша. Фақатгина талаб ўзгарган; маҳсулот сифатли бўлсин. Хўш, бугун юртимизда қоғоз саноати қай даражада? У бугунги давр талабига жавоб бера оладими?

Айтиш мумкинки, қоғоз саноати юртимизда кеча ёки бугун пайдо бўлган соҳа эмас. Қадимдан, айниқса, 15 асрларда Мовароуннаҳр бутун дунёга сифатли қоғоз етказиб берганлиги бизга яхши маълум. Мамлакатимизда қоғоз саноатининг анчайин тараққий этганлиги ҳам аслида мана шундан.

Тошкентдаги “Алфа Принт” масъулияти чекланган жамияти аҳолининг қоғоз маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини имкон қадар қондириб келмоқда. 2000 йил иш бошлаган мазкур корхона бугун аҳолига ҳам арзон, ҳам сифатли қоғоз маҳсулотлари етказиб бериш бўйича яхши тажрибага эга. Бунга корхонанинг чет эл технологияси асосида иш юритаётганлиги кўл келмоқда. Асосийси, бугунги кун талабидан келиб чиқиб, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Корхона маҳсулотлари анча харидоргир бўлиб, ўзининг доимий мижозларига эга.

–Бугунги кунда республикамизда қоғоз саноати учун бир қатор имтиёзлар берилган. Хорижий давлатлар билан ҳамкорлик қилиш учун имкониятлар мавжуд. Шу боис ҳам ҳозирда Россия, Швеция, Финландия ва Болтиқбўйи давлатлари билан иқтисодий алоқалар кенг йўлга қўйилган. Чунки ушбу мамлакатларда қоғоз саноати анчайин яхши тараққий этган. Ривожланган технологик дастгоҳларни юртимизга олиб келиш, улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш ишларида мазкур ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади, - дейди “Алфа Принт” корхонаси бошқаруви раиси Саидумар Набиев.

Бозор иқтисодиётини рақобатсиз тасаввур этиб бўлмайди. Харидорни аввало нима қизиқтиради? Албатта, ҳам арзон, ҳам сифатли маҳсулот. Шу боис бугунги кунда ишлаб чиқариш корхоналари масаланинг мана шу жиҳатига алоҳида эътибор қаратишади. Демак, бундай кучли рақобат шароитида етакчи бўлиш, мамлакат бозорида ўз ўрнини топа олиш осон иш эмас. Аммо раҳбар тадбиркор, изланувчан бўлса, жамоа ҳам бир ёқадан бош чиқариб ишласа, кўзланган мақсадга эришиш ҳеч гап эмас. Муваффақиятга эришишнинг калити аслида мана шунда.

–Илгарилари хорижники десангиз, харидорлар ўша нарсани талаб ташлашарди, - дея сўзида давом этди С.Набиев. – Нега шундай эди, биласизми? Чунки, ўша маҳсулотларнинг сифати харидорни қониқтирарди-да. Буни тан олишимиз керак. Ҳатто бозорларимизни манаман деган ривожланган давлатларнинг қоғозию дафтарлари босиб кетди. Хўш, нима қилиш керак? Бундай шароитда эски усул, эски технологияда ишлаб бўлмайди. Замон шуни тақозо қилаяпти. Демак, бизда ҳам янгича иш юритиш лозим. Аслида рақобатдош корхоналарда ҳар томонлама юқори бўлган маҳсулотни ишлаб чиқариш бозор иқтисодиётининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Фақат шу йўл билангина харидорни ўзингизга жалб қила оласиз, холос. Рақобат бўлган жойдагина ривожланиш бўлади-да. Бунга тайёр бўлмаган ҳар қандай корхона ё ташкилот охир бир кун таназзулга юз тутиши муқаррар.

Биз ҳам сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, таннархни иложи борича пасайтириш йўли билан бозорда ўз ўрнимизни эгаллашимиз зарур. Шу маънода яқинда дафтар муқоваси тайёрлаш учун тўрт рангли офсет босма ускунаси харид қилиб, ишга туширдик. Бу нарса тез кунларда ўзининг ижобий натижасини кўрсата бошлади. Бундан ташқари, яна бир янги ускуна, қоғоз ишлаб чиқариш ускунасини ўрнатиш ишлари боряпти. Шу ишлар натижасида таннархни арзонлаштириш, хом ашё сифатини назорат қилиш имкони пайдо бўлади. Шу билан бирга муаммолар ҳам йўқ эмас. Бизда хом ашё масаласида бироз қийинчиликлар бор. Уни асосан четдан олиб келамиз.

Корхона хусусий мулкчилик шаклида фаолият юритади. 28 ишчи ўрнига эга бўлган мазкур корхонада ходимларга етарли шароит ва имтиёзлар яратилган. Моддий манфаатдорлик юқори. Шу боис бу ердаги иш унуми ҳавас қилса арзигулик даражада. Корхона ишлаб чиқаришда яхшигина кўрсаткичларга эришган. Жумладан, ташкил этилаётаган кўргазмаларда корхона маҳсулотлари сифат жиҳатдан юқори баҳоланаётганлиги фикримизни яна бир карра исботлайди.

Мақола сўнгида “Алфа Принт” МЧЖ раиси Саидумар Набиевнинг халқимизга аталган байрам табригини беришни лозим топдик.

-Юртимизда баҳор нафаси кезмоқда. Яшариш, янгиланиш фасли бўлган шундай кунларда қанчалик яхши тилаклар билдирсак арзийди. Халқимизнинг улуғ шодиёнаси – Наврўз айёмида юртимиз камоли, халқимиз фаровонлигини тиласак, албатта, ижобат бўлади. Илоҳим, юртимиздан файзу барака, тўкинлик аримасин. Наврўзингиз муборак бўлсин!

Бахтиёр ЁҚУБОВ

Туризм - ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида муҳим аҳамиятга молик тармоқ. Ўзбекистонда ҳам кейинги йилларда бу соҳага алоҳида эътибор қаратилаяпти. Бунинг учун бизда имконият ва етарлича шарт-шароитлар мавжуд. Юртимиздаги гўзал табиат, сўлим гўшалар, қолаверса, аждодларимиз қолдириб кетган бой маданий ва тарихий ёдгорликлар бунга ёрқин мисолдир. Бухоро, Самарқанд ва Хоразм вилоятларидаги кўҳна обидалар, Ватанимизнинг ҳар бир гўшасида мавжуд бўлган турфа хил осори-атиқалар кишини ўзига тортади. Шунинг учун бўлса керак, юртимизга ташриф буюраётган сайёҳларнинг саноғига етиш қийин. Уларнинг кўпчилиги доимо Ўзбекистондаги мавжуд имкониятлар дунёнинг туризм соҳаси ривожланган ҳеч бир давлатидан қолишмаслигини таъкидлашади. Демак, бизда ташаббускорлик бўлса бас.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

"ЎЗБЕКТУРИЗМ": САЙЁҲЛИК – КАТТА ДАРОМАД КАЛИТИ

"Ўзбектуризм" миллий компанияси ташкил этилгандан буён мазкур соҳага эътибор кучайтирилди. Бу соҳада қилинган ишларни сархисоб этсангиз, натижалар салмоқли эканлигига гувоҳ бўласиз.

Аввало шуни айтиш лозимки, "Ўзбектуризм" миллий компанияси ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан Испания, Германия, Бельгия, Болгария, Япония, Миср Араб Республикаси, Польша каби туризм соҳаси анча равнақ топган давлатлар билан кенг кўламли ҳамкорлик йўлга қўйилди.

2003 йилнинг январ ойида Ўзбекистон ҳукумати делегациясининг Испанияга расмий ташрифи чоғида Президентимиз Ислом Каримов Бутунжаҳон туристик ташкилоти бош котиби Ф.Франжиали билан музокаралар олиб борди. Ташриф давомида туризм соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Испаниянинг "Политрус" ва "Нобельтурс" сайёҳлик компаниялари билан шартнома имзоланди. Самарқанд шаҳрида Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилотининг ваколатхонасини очиш масаласи томонлар тарафидан қўллаб-қувватланди.

Шунингдек, ўтган йилнинг июл ойида "Ўзбектуризм" миллий компанияси ва Польша туристик ташкилоти ўртасида ҳам ҳамкорлик масаласида муҳим битим имзоланди. Айниқса, 2003 йил 1-2 март кунлари Бельгиянинг Брюссел шаҳрида бўлиб ўтган "Белазия" фестивали, 7-11 март кунлари Германиянинг Берлин шаҳрида ўтказилган (ITB-2003) Халқаро туристик ярмаркаси компания фаолиятида муҳим воқеа бўлди. Сабаби, "Ўзбектуризм" миллий компанияси ва Ўзбекистон Республикасининг Бельгиядаги элчихонаси ташаббуси билан ҳамда миллий компания ва Бельгиянинг "Белазия" ассоциацияси томонидан имзоланган шартномага асосан ўтказилган ушбу тадбирда Ўзбекистон мезбон сифатида иштирок этди ва мамлакатимиз туризм салоҳиятини тарғиб қилиш мақсадида чет эллик дипломатик корпус вакиллари, сайёҳлик мутахассислари учун қабул маросими, концерт дастурлари ўтказилди. Ярмарка давомида ўзбекистонлик вакиллар олмониялик ҳамкорлар билан Ўзбекистон сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар. Қувончли томони, олмониялик мутахассислар Ўзбекистондаги муқаддас қадамжолар билан боғлиқ бўлган тарихий жойларга янги сайёҳлик йўналишларини биргаликда ишлаб чиқиш тўғрисида ўз таклиф-мулоҳазаларини билдиришди. Шунингдек, 2003 йилнинг ноябр ойида "Ўзбектуризм" компанияси ва Болгариянинг "БАТА" ассоциацияси, "Алма-Тур" сайёҳлик фирмалари ўртасида тузилган шартномалар ҳам соҳа ривожи йўлида муҳим қадамлардан бири бўлди, десак хато бўлмайди. Чунки Болгария ва Ўзбекистон ўртасида савдо-иқтисодий, саноат-ишлаб чиқариш соҳаларида ҳамкорлик кенг йўлга қўйилган. Бу эса икки мамлакат ўртасида туризмни янада ривожлантириш имконини беради.

Ушбу тармоқни ташкил этиш ва шакллантиришни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Дунёда шундай давлатлар борки, иқтисодининг деярли 60-70 фоизини туризм ташкил этади. Иқтисодий кўрсаткичи юқори бўлганлиги боис бу давлатларда сайёҳлик компаниялари етакчи мавқега эга.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг миллий қадриятларимиз қайта тикланди. Юртимиздаги муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар, собиқ тузум даврида қаровсиз қолиб кетган жаҳон аҳамиятига молик бўлган тарихий ёдгорликларимизга эътибор тубдан ўзгарди. Жумладан, "Ўзбектуризм" миллий компанияси томонидан Ўзбекистон Республикаси туризм фаолияти билан шуғулланувчи фирмалар, компаниялар, меҳмонхоналар ва республикамизнинг барча диққатга сазовор жойлари ҳақида маълумот берувчи порталь ишлаб чиқилди. Унинг ёрдамида чет эллик ҳамкорлар билан биргаликда қўшма корхоналар тузиш, уларда қурилиш лойиҳаларида қатнашишга қизиқиш уйғотиш ҳамда Интернет орқали тўғридан-тўғри алоқага киришиш имконияти яратилди. Эндиликда Интернет сайтни меҳмонхоналарда янгилаш, савдо ва маркетинг соҳасидаги халқаро тажрибани ўрганиш бўйича иш олиб борилмоқда.

Маълумки, бугунги кунда туризм соҳасини ривожлантириш, мамлакатимизда унинг салоҳиятини ошириш муҳим вазифалардан бири бўлиб турибди. Бу жараён эса ўз-ўзидан юқори малакали кадрлар тайёрлашни талаб этади. "Ўзбектуризм" миллий компанияси томонидан бу тизимда ҳам кўпгина хайрли ишлар амалга оширилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида замон талаблари даражасида мутахассис кадрлар тайёрлаш мақсадида Тошкентдаги туризм касб-ҳунар коллежида Ўзбек-Герман лойиҳаси асосида Ўзбекистонда бошланғич касб-ҳунар таълими бўйича немис экспертлари тажриба тариқасидаги янги дастурлар, семинарларни йўлга қўйиш бўйича иш олиб бормоқдалар.

Ўтган давр мобайнида "Ўзбектуризм" миллий компанияси қошидаги Республика ўқув илмий консалтинг марказида Ўзбек-Герман лойиҳаси "GTZ" бўйича кўчма амалий семинарлар ҳамда компания ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича доимий курслар, мақсадли семинарлар ва бошқа шу каби тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу кунга қадар, Марказда сайёҳлик оператори бўйича 63, сайёҳлик агенти бўйича 33, ҳамроҳ-таржимонлик бўйича 148, меҳмонхона хўжалиги мутахассислари бўйича эса 30 нафар киши ўқишни битирди. Турли йўналишлар бўйича жойлардаги туризм коллежларининг жами 373 нафар ўқитувчилари ўз малакаларини оширдилар.

Компания томонидан хусусий секторни қўллаб-қувватлаш ва ривожланишини таъминлаш мақсадида ўтган йилнинг ўзида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Масалан, хусусий фирмаларнинг халқаро туристик ярмаркалар, конференция ва биржаларда иштирок этиши, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва хизмат турларини кенгайтириш учун хусусий туристик фирмаларнинг микрокредитлар олишига амалий ёрдам кўрсатилаётганлигининг ўзиёқ бу жабҳада қилинган ишларнинг кўлами қай даражада юқори бўлганлигини кўрсатиб турибди. Бундан ташқари, хусусий фирмалар мутахассисларининг малакасини ошириш, тажриба алмашишларини таъминлаш мақсадида Миср Араб Республикаси, Япония ва бошқа давлатларга бир гуруҳ соҳа ходимлари ўқишга юборилди. Хусусий сектор раҳбарларини жалб қилган ҳолда туризм соҳасида Кенгаш тузилди. Бу ўз навбатида мамлакатимизда туризм соҳасида фаолият юритаётган фирмалар фаолиятида бурилиш ясашга хизмат қилади.



Бажарилган бу ишлар, эришилган ютуқлар чегара эмас. Компания ходимларининг келгуси йил режалари, орзу-умидлари янада залворли.

-Ўз имкониятларимизни ҳисобга олиб, республикада туризмни янада ривожлантириш мақсадида келгусида Нукус ва Термиз шаҳарларида янги меҳмонхоналар қуриш, "Бухоротурист" ҳиссадорлик жамиятининг меҳмонхона мажмуасини қайта тиклаш, экспорт тушумларини ошириш, мамлакатимизда ички туризмни янада ривожлантириш каби долзарб вазифаларни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз, - дейди "Ўзбектуризм" миллий компанияси раиси Б.Ҳусанбоев. – Кўзда тутилган ана шу режаларимизни амалга ошириш эса, юртимизга ташриф буюрадиган хорижлик сайёҳларга кўрсатиладиган хизмат турларини жаҳон андозалари талаби даражасига олиб чиқишимизга боғлиқ. Соликлар тизимида ҳам маълум имтиёзлар яратиб берилса, ўйлаймизки олдимизга қўйган вазифаларимизнинг самарали якун топишига яна бир замин яратилган бўларди.



Ҳанифа ШАМШИЕВА,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.




СУМАЛАК ҚАЙНАТГАН КЕЧА

Қўлидаги косани лиммо-лим сумалакка тўлдириб қўшни уйлардан бирига кириб кетган болага кўзимиз тушди: "Балки сотаётгандир? Косаси қанчадан бўлса экан? Балки..." Ана шу уйлар билан тургандик кўпқаватли уйлардан бирининг йўлагидан ўрта ёшлардаги аёл чиқиб кеди. Қўлида бир коса сумалак.

Одоб юзасидан ўзимизни таништириб: "Сумалак пиширар экансизлар-да", дея сўрадим.

-Кўшнилар билан биргалашиб пиширдик, - дейди ўзини Бухоро шаҳридаги А.Жомий кўчаси 1-уйда яшовчи Зайнаб Очилова деб таништирган аёл. – Сумалак Наврўз таоми-да. Қўшниларга, ҳамсояларга, кексаларга озроқдан бўлса-да улашиб чиқаяпмиз.

-Сумалак пишириш осон иш бўлмаса керак-а, - ўсмоқчилаб сўрадик онахондан.

-Аввало ҳар бир ишга ихлос даркор, - деди у киши. –Сумалак пиширмоқни ёшлигимда кексалардан ўрганганман. Бу гал тўрт коса буғдой ундирдим. 12 коса ун, бир литр мой сарфладик. Қўни-қўшнилар билан аввал ис чиқардик...

Онахон шундай деганча бизни сумалакдан татиб кўришга ундади. Татиб кўрдик. "Қўлингиз асло дард кўрмасин!", дедик.

Дарҳақиқат, кўнглида эзгуликни жо этган ажойиб одамлар бор. Бундай инсонларни ҳар бир маҳалла, қишлоқда учратиш мумкин. Улар кўнгилдан чиқариб эл учун сумалак, ҳалим каби тансиқ таомларни пиширишади, қариялар, ногиронларга тарқатишади. Меҳр-мурувват кўрсатишади. Бусиз уларга Наврўз татимайди. Сумалак қайнаган кечалар савобини олган оқибатли инсонларга минг бора таъзим қилсак арзийди!

Истам ИБРОҲИМОВ

КЕЛДИ ОЛАМ НАВРЎЗИ

Мумтоз адабиётимизда Наврўзга бағишланган асарлар "Баҳориёт" дейилган. Ўзбек тилидаги илк баҳориётни ёзма адабиётда XIV аср адиби ва шоири Носируддин Бурҳонуддин Рабғузий ижодида кўрамиз. Унинг "Қиссаси Рабғузий" деб номланган назм аралаш насрий асарида айнан Наврўзга бағишланган ғазал бор. Шуни ҳам эслатиб ўтайликки, ҳозирча тилимиздаги илк ғазаллар ҳам айнан ана шу асарда учрайди.

Ундан олдин туркий тилда ғазал ёзилган бўлса бордир, бироқ улар ҳозирча топилмаган ёки бизгача етиб келмаган. Рабғузий тилимизда бундан 600 йил бурун ёзган шу ўн бир байтли ғазални бошдан-охир келтириб, шарҳлаб ўтишга эҳтиёж бор.

Кун ҳамалга кирди эрса келди олам Наврўзи,
Кечди баҳман замҳарир қиш қолмади қори, бузи.

Қуёш Ҳамал буржига кириши билан Наврўзи олам келди. Энди қиш кетди, унинг қору музлари эриб битди.

Кун келу минг кўрки ортиб тирилур ўлмиш жаҳон,
Тонг бадизлаб нақши бирла безанур бу ер юзи.

Бундай маҳалда куннинг кўрки минг бора ортиб, ўлган жаҳон қайтадан тирилади. Тонгданоқ бутун ер юзи турли нақшларда безанади.

Тонг отарди эснаюр тўрт булунгдин шамол, зиё,
Кин тузар киндик йипор йизланур ёбон ёзи.

Тонг отиши билан тўрт тарафдан шамол эсиб, нур таралади, дала-дашт-лар минг турли мушки анбар хидига бурканади.

Ёрлиғи епгун – бағирдин обуғи ёшил, қизил,
Ораси буток, ябургоқ, тол чечаклар туб тузи.

Бу байтда баҳорнинг келиши билан жонли табиат уйғониши, дарахтлар барг чиқариши, толу чечаклар ўса бошлаши қаламга олинган.

Ўрласа булутлари гулчирар боғу бўстон,
Тол йиғочлар енг солишур ўйнаюртек қўй-қўзи.

Булутлар осмонда ўрласа, боғу бўстонлар гулга киради, тол новдалари худди қўй-қўзилар ўйнаб юрганига ўхшаб енг чиқаради.

Киршани қор қани энглик боқса тоғлар сурати,
Тўнлиқи тангсуқ йипордин Рум, Хитой атлас, чузи.

Оппоқ қорлар эриб, тоғлар чирой очади, худди тўнлари тансиқ, камёб Рум, Хитой атласларидан, турли матолардан тикилгандек манзара ҳосил бўлади.

Лола сағроқин ичарди сайрар усруб сандувоч,
Турна ун тортиб ўтарди сакрашур бақлан қўзи.

Лола идишини ичиш ишқида булбул нола қилиб сайрайди, турналар ун тортиб ўтар пайт, яъни баҳор келганда семиз-семиз қўзилар сакраб-сакраб ўйнайди.

Қўкда ўйнар қўл солишур қуғу қоз қил қарлуғоч,
Ерда югуруб жуфт ошиғ ос, тийинг, киш, кундузи.

Кўкда бир-бирига қўл бергандек оққушлар, ғозлар қил деган қушлар, қалдирғочлар ўйнашади, ерда эса оқсусар, олмахон, қундузлар жуфтлашади.

Тол йиғочлар минбарида тўти қуш мажлис тутар,
Кумри, булбул мукри бўлуб ун тузар тун-кундузи.

Толнинг шохларида тўти қуш мажлис қуради, кумри, булбул қори-ҳофиз бўлиб, кеча-ю кундуз сайрайди.

Яғиз ер, кўк менгизлик яшнаюр майдон бўлуб,
Оғрушим Ойтак чечаклар теграсинда юлдузи.

Ер юзи, кўк юзли майдонга айланган, атрофдаги чечаклар эса Ойга ўхшайди.

Ҳури ин ўжмоқ ичинда енг солиб таҳсин қилур,
Ёз уза мундоғ ғазаллар аймишди Носир Рабғузий.

Жаннатдаги ҳурга ўхшаш ёр дуога қўл очиб, таҳсинлаб [illegible]ади, чунки баҳор келганда Носир Рабғузий шундай ажойиб ғазаллар [illegible]и-да...

Мукаммаллиги, бадиий нафосати, завқ-шавқ билан битилгани жиҳатидан бу илк ғазал мумтоз шеъриятимизнинг гўзал намуналаридан бири бўлиб келаётгани сир эмас. Уни ҳозир ҳам ўшандай кайфият, ўшандай завқ-шавқ билан ўқийсиз. Юрт табиатан ҳозир ҳам баҳор кириб келганида яна ўшандай чирой очади. Бу юртни севмаслик, унинг баҳоридан қувонмаслик мумкинми?!

Султонмурод ОЛИМ

Гул сайли

АЖДОДЛАРИМИЗ ҚАНДАЙ НИШОНЛАШГАН?

МОЗИЙ

Миришкор ота-боболаримиз ерга барака уруғини қадашганидан сўнг, деҳқончиликка киришиб, унинг шарафига шодиёналар ташкил этганлар. Шунга кўра Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ халқлари 21 мартни қадимдан Наврўз (янги кун) сифатида байрам қиладилар.

Аждодларимиз байрам куни ва жойини белгилагач, бу ер чиройли катта гилам ва бошқа нафис матолар билан безатилган. Катта-кичик ҳамма карнай-сурнай садолари остида тантанали равишда байрам бошлаганлар. Шу куни бу ерга аравада самовар, қозон, ўчоқ, идиш-товоқ ва ширинликлар, турли хил баҳор кўкатларидан тайёрланган неъматлар ҳам келтирилган. Ҳамма янги либосда, қўлларида баҳор чечаклари, ўзлари қувноқ, чеҳраларида эса баҳор нашидаси.

Наврўз байрамини Бухорода халқ катта тантана билан кутиб олган. Наврўзни нишонлаш учун бухороликлар шаҳар атрофига сайилга чиққанлар. Халқ сайилларининг энг каттаси Бухоро яқинидаги энг хушманзара жой Файзиободда 22 февралдан то 22 мартгача ўтганлиги ва халқ ҳар жума куни у ерга бориб сайр қилганликларини, Сайилгоҳга шаҳардан ва атрофдаги қишлоқлардан одамлар тўда-тўда бўлиб келишганликларини ёзувчи Садриддин Айний ўзининг "Эсдаликлар"ида ёзиб қолдирган. Наврўз сайилларини шаҳар атрофида ўтказиш фақат Бухородагина эмас, балки бошқа шаҳарлар учун ҳам хос бўлган.

Қашқадарё вилоятининг Китоб, Шаҳрисабз, Ғузор, Қамаши, Чироқчи, Самарқанд вилоятининг Булунғур, Жомбой, Ургут, Навоий вилоятининг Нарпай, Нурота ва Хатирчи, Жиззах вилоятининг Бахмал ва Ғаллаорол туманларида Наврўз тантаналари, сайиллари яшил табиат қўйнида, гўзал тоғ ёнбағирларида, қир-адирларда, кўм-кўк майсазорларда оммавий ташкил этилиши айниқса мароқли ва мазмунлидир. Наврўз тантаналари кунларида бу жойларда турли миллий ўйинлар, кўзбойлоғичлар, дорбозларнинг чиқишлари, полвонларнинг беллашувлари, истеъдодли бахшиларнинг беллашувлари, кўпкари чопадиган чавандозларнинг маҳоратлари бирин-кетин намойиш этилган ва ғолиблар тақдирланган. Шунингдек, сайил тантаналари майдонларида ҳар хил кўнгилочар томошалар – кўчқор, хўроз, бедана уришитиришлари ҳам халқ олдида намойиш этилган.

Аждодларимиз асрлар давомида нишонлаб келган Наврўз байрами ҳамманинг энг севимли байрами ҳисобланади.

Ҳозирги кунда халқимиз ўтмиш аждодлардан мерос қолган бу анъанани баҳор, меҳнат, бахт ва ёшлик байрами сифатида кенг нишонлайдилар. Чунки халқимиз азалдан баҳор фаслини меҳр, ўзгача ҳурмат-лик билан табиатнинг уйғониш рамзи сифатида мадҳ этиб келади.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Саид АҲМАД, Агитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона – 136-58-83.
Бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43.
Котибият – 136-56-30.
Ижодий гуруҳлар – 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42.
Факс – 133-09-93, 133-40-87.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17;
Андижон – 8-374-2-25-32-23;
Бухоро – 8-365-22-322-25;
Жиззах – 8-372-22-648-72;
Навоий – 8-436-22-588-56;
Наманган – 8-369-43-311-81;
Фарғона – 8-373-61-221-97;
Самарқанд – 8-366-30-70-57;
Сурхондарё - 8-376-46-526-61;
Сирдарё - 8-367-225-41-73;
Тошкент – 8-371-136-56-21;
Хоразм – 8-362-22-623-50;
Қашқадарё - 8-375-22-517-65.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

E-mail: kishlokhayati@ars-inform.uz

Тошкент матбаа комбинатида чоп этилди.
Манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси – 30

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчилар:
А. КАРИМОВ,
А. АЛИҚУЛОВ

Буюртма: 04-273/А-3435, 04-274/Ј-68

Дизайн устаси:
Умид АСАДОВ